


ОДИЛЖОН САЛОХИДДИНОВ



ИНСОН
КҮНГЛИ
ГУЛДЕК НОЗИК



ОДИЛЖОН САЛОХИДДИНОВ

ИНСОН КҮНГЛИ
ГУЛДЕК НОЗИК

“Step by step print” МЧЖ.
Андрей, 2017

Тақризчи:

Тўлаи Низом
Ўзбекистон ҳалқ шоири, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган ҳалқ таълими
ходими, Ҳалқаро Ҷўлпон ва Қори
Ниёзий мукофотлари совриндори

*Рисоладан ёш ота-оналар, бодча тарбиячилари, мактаб, коллеж,
академик лицей, олий ўқув юртлари педагоглари ва талабалари “Маънавият ва
маътифат асослари” дарсларида унумли фойдаланишилари мумкин.*

© О.Салохиддинов. Инсон кўнгли гулдек нозик.
“Step by step print” МЧЖ. Андтжон, 2017. 216 бет.



**Тиббиёт фанлари доктори, профессор
ОДИЛЖОН САЛОХИДДИНОВ**

ФИДОЙИ ШИФОКОР ОЛИМ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, ўз касбий соҳасини мукаммал эгаллаш билан бирга, яна ўз замонасининг турли илм-фан, маданият-маънавият жабхасидаги, янгиликларга, халқ ҳаёти, Ватан ва миллат равнаки масалаларига чукур диккат билан қарайди, кўлидан келган барча ишларни килади, катта мақсад йўлида тинимсиз фаолият олиб боради. Бундай кишилар доимо халқ эътибори – назарида бўладилар. Ана шундай фидойи инсонлардан бири, тибиёт фанлари доктори, профессор, чин маънода меҳнаткаш-захматкаш ижодкор Одилжон Салоҳиддиновдир.

Унинг илмий-ижодий фаолияти мустакил Ўзбекистонимизнинг маънавий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. У кўплаб маънавий-маърифий рисолалар, маколалар, турли илмий тўпламлар муаллифидир.

Одилжон Салоҳиддинов бадиий адабиёт янгиликларини ҳам мунтазам кузатиб боради. Унинг ўзи ҳамиша: “Адабиётта қизиқкан шифокор, бемор қалбига осон йўл топа олади” деб кўяди.

Маълумки, ҳар бир тарақкий этган маданиятли халкнинг ўз тили, урф-одатлари, моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Ўзбек халқи ҳам дунёдаги энг қадимий, маданий ҳалклардан бири сифатида мана шундай ҳазинага эга.

Биз бой маданий мөъросимизни, тарихий қадриятларимизни, юксак маънавий фазилатларни, урф-одатларни, доноларнинг асрлар давомида инсон ва унинг табиатини кузатиш, ўрганиш натижасида ортирган бой тажрибаларини ўрганишимиз ва ёш авлод тарбиясига хизмат килдиришимиз зарур.

Одилжон Салоҳиддинов навбатдаги бу китобида ана шулар ҳакида фикр юритади.

Ушбу китоб “Одбонома” рукнида ёзилган бўлиб, унда кўплаб миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ибратли ривоятлар, хикматли сўзлар, маколлар ва ҳаётий кузатишлар орқали баён қилинган.

Китобга кирган маколаларни ўқир экансиз, улар яхшига ҳавас, ёмонга нафрат кўзгатади, руҳингизни хушнуд этади ва қалбингиз жавоҳирини чакнатади.

Пайғамбаримиз Мухаммад алайхиссалом ҳадиси муборакларининг бирида шундай дейди: “Инсонда уч амалнинг савоби қиёматгача давом этиб туради. Биринчиси – инсон ҳаётлигига кўприк курдириб, йўл тузатса, масжиду – мадрасалар курдирса, бирор туб дароҳт ўтказган бўлса; иккинчиси – Аллоҳнинг илмини ўрганиб, шогирд колдирган бўлса ёки инсонлар ўқиб нафланадиган китоблар ёзган бўлса; учинчиси – ўша инсондан яхши, солих, амалли фарзанд қолган бўлса”. Шу муборак ҳадис нуқтаи назаридан карасак, муаллиф савоб ишга кўл урган.

Биламизки, ободлик кўнгилдан бошланади Ҳадиси шарифларда бир инсонга табассум килиб, кўнглини обод этиш ҳам катта фазилат экани айтилган. Ота-боболаримиз бундай анъаналарга доим содик бўлишган. Алйшер Навоий ҳазратлари кўнгил ободлиги ҳакида бундай ёзганлар:

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.*

Маълумки, хар бир шахс умр бўйи илмга интилади. Бироқ илм билан баробар одоб қоидаларини ҳам мукаммал эгалламоги лозим. Чунки одобсиз илм зийнатланмайди, аксинча одоб илмнинг юз-кўзи, чехраси хисобланади. Шунинг учун ҳалкимиз орасида „Олим бўлиш осон, одам бўлиш кийин” деган накл юради.

Одоб нури воситасида киши ўз жонини ёмон хислардан даволайди, ёкимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлар билан безайди.

Одоб тожи кийган киши ҳеч ерда хор бўлмайди, унинг кўлидан ёмонлик келмайди, инсонларга у ҳамиша меҳр улашади.

Бу китобни кунт билан ўқиб, уккан хар бир инсонда одоб тожи ва чиройли ҳулк янада намоён бўлишига ишончим комил.

Бу китобдан боғча тарбиячилари, ёш ота-оналар, мактаб, коллеж, академик лицей, олий ўкув юртларининг педагог ва талабалари „Маънавият” соатларида унумли фойдаланишлари мумкин.

*Тўлан Низом
Ўзбекистон ҳалқ шоюри, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган ҳалқ таълими
ходими, Ҳалқаро Чўлпон ва Кори
Ниёзий мукофотлари совиндори*

I-ТИЛ – ҚАЛБ КҮЗГУСИ

ИНСОН КҮНГЛИ ГУЛДЕК НОЗИК

Халкимизда: “Күнгил деганлари миңоли шиша” деган накл бор. Бир оғиз ширин сүз билан чўкиб бораётган күнгилда умид чироклари ёнади, бир оғиз ёмон сүз билан эса, аксинча. Ҳеч ким онадан шафқатсиз, дилозор ёки меҳрибон одам бўлиб тутгилмайди. Уни яшаётган мухит ва атрофдагиларнинг муносабати шундай килиб кўяди.

Одамлар илон ўргатувчидан сўрашибди: - Илондан кўрмайсизми? Шунда у: “Билсангиз, одамлар юрагини заҳарлаб, саломатлигига путур етказувчилардан илон яхшироқдир” деб жавоб берган экан. Унинг айтишича, илонлар одамни баъзи одамлардан кўра яхши тушунар эканлар.

Ривоят қилишларича, сахрон одамлардан бирি бир чукурликда йигилиб колган ёмғир сувини кўриб қолибди. Сув балчик, лойга аралашиб, ранги ўзгариб колган экан. Умрида шўр сувдан бошқа сувни кўрмаган бу сахро одами ёмғир сувидан ичиб кўрибди, сув унга жуда ҳам ширин бўлиб туюлибди. У севиниб: “Бу сув дунё суви эмас, жаннат суви бўлса керак. Ундан халифа Хорун ар-Рашидга ҳадя килсан, у менга албатта инъом-эхсон килади, шу билан мен мухтожликдан кутуламан”, - деб ўйлабди. Дархол ёнидаги кичик бир идишга ёмғир сувини тўлдириб, Богдод шахрига караб жўнабди.

Ўша куни халифа Хорун ар-Рашид одамлари билан бирга шу сахрода ов килиб юрган экан. Ҳалиги одам халифани кўриб қолибди. Севиниб, дарров унинг ёнига югуриб бориб, таъзим бажо келтирибди ва идишдаги ёмғир сувини жаннат суви деб мактаб, халифага тақдим қилибди. Халифа идишдаги рангти ўзгарған, бу ёмғир сувини кўриб, масалага дархол тушунибди. У сахроига: - “Баракалла, биродар, менга жуда ҳам кимматли ҳадя килгансан, бу сув ҳақиқатдан ҳам дунё суви эмас, жаннатдан чиқкан сув. Бу муборак жаннат сувини факт ўзим ичман, ҳеч кимга бермайман”, - дебди ва хизматчисига ишора килиб: - “Биродарим келтирган мана бу мукаддас ва жаннат сувини менинг ўз идишимга куйиб кўй, эҳтиёт килиб сакла”, дебди. Шундан сўнг сахроига минг дирҳам инъом килиб, Богдодга бормасдан, ўз уйига кайтиб кетишини буюрибди. У киши халифани инъомини олиб, севина-севина уйига кайтибди.

Одамлар халифадан: - Нима учун у одамга шахарга бормай, шу ерни ўзидан уйига кайтиб кетишини буюордингиз? – деб сўрабдилар.

Хорун ар-Рашид айтибдилар: - Умрида ширин сувни кўрмаган бу сахро одами ранги ўзгарган ёмғир сувини жаннат суви деб ўйлаб, менга ҳадя килиб келтирган. Агар мен у келтирган сувни ёмон сув, деб ўзига кайтарсам, уни кўнгли ранжиган бўларди. Шунинг учун сувни олиб колиб,

инъом – эхсон килдим. Агар бу одам Боғоддога борса, ширин оқар сувларни кўрса, бу сувни ҳадя киulgанидан жуда уяларди. Мен уни кўнгли озор топмаслиги, уялмаслиги учун шу ердан ўз уйига кайтиб кетишини буюрдим. Бир кишини маъюс ва ноумид килишдан, дилига озор бернишдан ёмонрок иш йўқдир. Мен буни истамадим, у бечоранинг кўнглини кўтариб, савобли иш килдим, “дилозордан худо бузор” деганларку”.

Иккинчи бир ривоятда айтилишича, Низом ул – Мулк олийжаноб ва ҳакконий вазир экан. Бирор ҳадя келтирса, ҳаммага баб-баровар бўлиб берар экан. Бир куни бир бөгбон учта эртаки бодринг келтирибди. Вазир бирин-кетин учала бодрингни ўзи еб кўйибди, бөгбонга эса минг дирҳам инъом бериб жўнатибди. Вазир дам олгани чикканида нодим: “Жаноб, сиз нима учун бодрингни биргина ўзингиз единингиз, сизнинг одатингиз бундай эмас эди-ку”, дебди. Шунда вазир: “Бодринглар аччик экан, бошқаларга берсам аччиликлигига чидай олмай, дехконни кўнглини оғриттан бўлардилар”, - деб жавоб берган экан.

ИНСОН КЎНГЛИНИ ГУЛДЕК НОЗИК ДЕЙДИЛАР. ДАРҲАҚИКАТ, ТЎГРИ ГАП. У факат офтоб нуридан яирашидан ташкари, диккат эътибор, ширин сўз, табассум, адолатлилик, олийжаноблик, самимийликдан ҳам яйрайди.

Кўнгилни яралаш книйин иш эмас, аммо кўнгилга йўл топиш анча мушкулдир. Донолар фикрича, инсон икки нарса туфайли қарилек нималигини билмаслиги мумкин экан: улардан бири – хуш килик, иккинчиси – эзгу сўз экан. Уларга тўгри амал килинса, минг-минглаб фойда ва нафлар оларкансан.

Лекин ҳозирда инсон кўнглини оғритадиган дилозорлар ҳам учраб турибди. Куйидаги ривоятга бир эътибор беринг-а.

Ривоят қилишларича, бир подшо ўғлини устозга топширибди. Ўғил ўн йил сабок олиб, ўрганиши керак бўлган ҳамма масалаларни ўрганиб бўлибди.

Шогирд уйига кайтаётганида, устози уни бекордан-бекорга юзига каттиқ тарсаки тортиб юборибди. Шогирд бу хўрликка чидаб, индамай, хайрон бўлиб, уйига кайтибди.

Орадан ўн йил ўтибди. У отаси ўрнига шоҳ бўлибди ва устозини олдига чакириб, тарсаки сабабини сўрабди. “Мен, дебди устоз сизни бекордан-бекорга ургандим, ана шу ноҳақ тарсаки мана ўн йилдан бери калбингиздан ўчмабди. Билиб кўйингки, сиз кимга ноҳақ зулм ўтказсангиз, унинг калбига алам доимо сакланиб колади. Бу менинг сизга зулм ҳақидаги охирги дарсим эди” деган экан.

Билмоқ лозимки, ҳар бир ёмоиликни ҳам бир жазоси бор. Ҳаётда икки йўл бордир – Раҳмон ва шайтон йўллари. Раҳмон йўли – фарованлик, ижодий, нурли йўлдир. Шайтон йўли эса, ҳаробалик йўли бўлиб, ундан юрганлар бир кун эмас, бир кун албатта жарликка кулаб тушадилар.

Хулоса шуки, кимки ҳалку - Ватан равнаки йўлида фидойилик қилас экан, ундейларнинг обрўйи кўтарилиб, эл-юртига эъзозли, номи эса достон бўлади.

Ҳаётни эл ободончилиги, тинчлиги, фаровонлиги йўлида бағишланганларнинг толе-юлдузи порлок, доимо боғида баҳт қуши порлаб туради. Бу ҳаёт ҳакикати.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Ерни каттиқ тепма юаринг бордур,
Эшикни каттиқ ёпма киаринг бордур,
Бирорвга килма дилозорлик,
Бир кун қайтиминг оларинг бордур.
2. Нечун доно каму, аммо нодон кўп,
Яхши уч-тўрттаю, лекин ёмон кўп.
Тил учида ҳасад бирла “Яхши” деб,
Босган изинг ўлчагувчи ҳамон кўп.
3. Кўнгил деганлари мисоли шиша,
Синиб қолмасин у, асрар ҳамиша.

ҲАЁТНИ ТИЛИНГИЗ БИЛАН АЧЧИҚ ҚИЛМАНГ

Ривоят килишларича, бир куни Пайгамбар алайхиссалом саҳобаларига караб: “Сизлар эсон-омон ухлаб турсаларингиз, нафас олсаларингиз, кўл-оёкларингиз соғ-саломат кимириласа, баданларингиздаги ҳар бир бўғим эвазига биттадан садака вожиб бўлади”, деган эканлар. – “Бунча садакани қаердан оламиз”, - дейишибди саҳобалар. Шунда Расулуллоҳ: “Яхши сўз ҳам садакадир”, - деган эканлар.

Бир одам билан учрашиб, икки оғиз ширин сўз билан унинг кўнглини кўтарсангиз, сиз унга катта маънавий ҳадя инъом этган бўласиз, шунда ҳамма бўғимларингизнинг саломатлиги эвазига берилган садакадан хорижсиз.

Бир ҳадисда Пайгамбаримиз: “Эр кишининг чиройи тилининг ширинлигидадир”, деган эканлар. Дарҳакикат, “Тили ширин бўлганни эли ширин бўлади”, деб бежиз айтишмаган.

Маълумки, бу тил дегани ҳамма жонзорларда ҳам бор. Лекин, сўзлашмок, нутқ бутун жонзорлар ичига факат инсонга насиб этган. Инсон ҳар бир сўзни фаҳм, фаросат билан гапирисин деб, унга ақл берган.

Агар ақл билан ўйлаб, сўнг гапирисла, мулоҳаза билан сўзлашилса, обрў ошади, мартаба кўтарилади. Ўйламай сўзлаган сўздан, одамнинг

боши балоларга колади. Битта бетайин гап билан, неча йиллик обрў бир дакикада йўколади. Бефаҳмлик билан гапирилса, дўст душмангга айланади.

Ҳазрат Лукмондан шогирдлари: “Ҳазрат, сиз сўзлаганингизда одам ҳеч бир хато топа олмайди. Бунчалар ширин ва ҳак каломни кимдан ўргангансиз?”, деб сўрашибди.

Ҳазрат Лукмон: “Кўзи ожизлардан ўргандим. Эътибор берсангиз, кўзи ожизлар оёқ кўйишдан аввал, ҳассаси билан тимирскилаб, текшириб, кейин оёқ кўяди. Мен ҳам сўзлашдан аввал, ичимда гапириб кўраман. Гапимни кишига қандай таъсир этишини ўлаб оламан, сўнгра тилимга чикараман”, деб жавоб килган эканлар.

Ширинсуҳанлик инсонларга адo этилган бир фазилатки, кимда-ким шу фазилатни маҳкам тутса, у катта бойликка эга бўлади.

Ҳадисларда, “Сиз бирор билан учрашиб, сўзлашсангиз, сўзлаган одамнинг савлатига эмас, унинг оғзидан чикаётган сўзларнинг мазмунига бокинг”, деган ибратли сўзлар бор.

Инсонлар билан ширинсуҳанликда бўлиш – ҳикматнинг бошидир.

Ота-боболаримиз: “Тўрт кунлик дунёда ширин бўлиб ўтинг”, деб бекорга айтишмаган. “Ширин бўлиб ўтиш” – бу ширинсуҳанлик, мулойимликдир.

Мулойим инсонларда ҳикматлар кўп бўлади. Шу боис улар узок умр кўрадилар. Ширинсуҳан, мулойим одамлар доимо атрофни ибрат кўзи билан кузатадилар. Ҳаёт тажрибаси – бу энг зўр воиздир.

Жохиллик, ковок солиш, кўзларни олайтириш, бакириш, гердайиб ҳакорат назари билан қараш – ёмон хулклар категорига киради.

Ҳаммада ҳам бир феъл бор. Озми-кўпми аччик бор. Ғазаб келганда, иложи борича ўзни тиймок лозим.

Айтишларича, бир куни бир аробий Пайғамбаримиз ҳузурига келиб: “Ё, Расулуллоҳ, мен илм ўқий десам, ёшим ўтиб қолган. Менга осон, яхши амал ўргатингки, мен ўша амал шарофати билан жаннатга кирай”, дебди. Шунда Расулуллоҳ: “Ғазабингни ют”, деб жавоб берибдилар. Бу савол 3 марта тақрорланибди. Ҳар сафар ҳам шу бир хил жавобни эшишибди.

Одам ҳар нарсага аччикланмай, асабларини саклашга одатланса, ҳар хил ҳасталиклардан йирок бўларкан, еган овқатлари эса тез ҳазм бўларкан.

Арзимаган нарсага асабийлашадиган, серзарда, жохил, аччик тилли одамдан атрофдагилар эмас, хатто унинг оила аъзолари ҳам безор бўлиб коладилар, дийдорини камрок кўргиси келадилар.

“Биз жонсиз идиш-товоргимизни, янгисини олса бўладиган кийимимизни, янгисини курса бўладиган эшигимизни аяймиз. Лекин, тил заҳримиз билан рўпарамиздаги тирик инсонни аямаймиз. Агар улар бир синса, кайта бутун бўлмайди, бир сўлса, кайтиб очилмайди, бир кетса,

қайтиб келмайди”дейди донолар.

“ Бирөвни сүкиб, унга таъсир ўтказган одам ҳеч качон обрў топган эмас, аксинча, одамларда унга наасбатан яширинча нафрат уйғонади, ундайлардан узоклашишга интилади.

Инсонга умр унча жўп берилмаган. Шундай экан, оз фурсатни, ширин хаётингизни ўз сўзингиз билан аччик килманг.

Тилга эхтиётсизлик ёшу-кари, яхши-ю ёмоннинг нақ юрагини мўлжалга олиб, аралашига ўкка тутиш билан тенгдир.

Сиз куйидаги ривоятларга бир эътибор беринг-а?

Ривоят килишларича, Абу Лайс жаноблари бир неча юз талаба ўқитар эканлар. Куналардан бир куни бир талабага “Ўғлим, сиз олим бўлдингиз, сизга рухсат, вакт ғаниматлигига сиз ҳам ҳалкка маърифат таркатинг”, дебдилар. Бошка талabalар ҳайрон бўлишибди, шунда талаба устозидан фотиҳа олиб мадрасадан чикиб кетаётса, устоз шогирдининг номини айтиб чакирибди. Шогирд устозига ўғирилиб қараган экан, устоз бошини ушлабди, шунда шогирд тилини чиқариб ўз йўлида давом этибди. Бошка талabalар аччикланиб, устозни бехурмат қилди дейишибди. Устоз эса кулиб, бу шогирдим охирги имтиҳондан ўтди дебди. Чунки мен “бошни ким ейди” десам, у “тил ейди” деб жавоб қилди. Тилимиз ярим ризкимиздир. Тил дўстни душманга, душманни дўстга айлантира олади.

Иккинчи ривоятда айтилишича, Баҳром шоҳнинг учта ўғли бўлган экан. Баҳром шоҳ тириклигига фарзандларидан бирини тахтга ўтказиб, хотиржам бўлмоқчи бўлишибди ва уларни синамоқ учун шундай дебди. “Ўғилларим, менга дунёдаги энг кучли, ўта ширин ва энг ёқимли лаззатбахши нарсани топиб келинг”. Йигитлар ўша нарсани излаб чикиб кетишибди. Бири май, иккинчиси асал олиб келишибди. Кенжаси эса тил кўтариб келишибди. Шоҳ сукут саклаб ҳаммасини қабул қилиб олишибди ва дебди: „Энди менга тиғдан ўткир, заҳардан кучли, энг аччик ва энг зиёнли нарсани олиб келинг”. Ҳамма ўғиллари тарқабди. Кенжаси яна тил олиб келишибди. Баҳром шоҳ кенжасини тахтга лойик деб топишибди. Чунки тилдан кучли нарса йўқ. Эй, тенгсиз кудрат эгаси Аллоҳим, бизга тилни неъмат қилиб берибсан. Энди шу тилни элга зиёни тегадиган тиғ бўлишидан асраригин.

Донолар: „Киши турмушда турли-туман ҳолатларга тушади. Гоҳо муввафқиятсизликка дуч келади. Гоҳ курсанд, гоҳ хафа бўлади. Шунинг учун одам боласи ўзига шукронани касб этмоғи лозим. Яхши ҳолатда яхшиликка, ёмон ҳолатда бундан ҳам ёмонрок ахволга тушиб колмаганига шукр қиссин. Даставвал у инсон бўлиб дунёга келганига, унга акл ва тафаккур берилганига шукр қиссин. Чунки у ўз тафаккури билан ҳар кандай мураккабликлар, мушкулликлардан кутулмокка кодирдир. Бирор сизни ҳакорат қилиб, сизга озор берди. Сиз уни уриб, ағдариб юборишга

кодирсиз. Сиз ундаи қилманг, уни авф этинг, унга мулойим жавоб қилинг, “Сендан мен камми”, деган тушунчага борманг, ундан паст келинг. Шунда сиз олийжаноблик қилган бўласиз” дейдилар.

Хар ким астойдил, ирода билан ҳаракат қилса, ўз феъл-атворини кузатиши ва тузатиши мумкин.

Биз мусулмон фарзандимиз. Мусулмон деб, шундай одамни айтишадики, у кўлидан ҳам, тилидан ҳам бошкаларга озор бермайди.

Унутмангки, дунёда ҳисоб-китобсиз нарса йўқ. Хар ким нима экса, шуни ўради.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Заррача яхшилик бежавоб бўлмас,
Ёмонлик ҳам билгин, жазосиз қолмас.
Атрофга қарагин, ҳисоб бўляпти,
Нени қилса инсон шуни кўяпти.
2. Оғиз ичидаги тил, кин ичидаги яширган қиличdir.
3. Тил тезлигидан, қадам тезлиги яхши.
4. Тил борки бол келтиради, тил борки бало келтиради.
5. Кишининг тойиши оёгини конатади, тилнинг тойиши
барча неъматлардан маҳрум этади.

ЯХШИ СЎЗ – ЖОН ОЗИФИ

Мустакил давлатчилигимиз пойдеворини юксак маънавият асосида куришни мақсад килиб олган Ўзбекистон ҳукумати истиклолнинг илк йилларидаёт маънавиятга катта эътибор каратиб, уни давлат **сиёсати** даражасига кўтаргани бежиз эмас.

Тарихий манбаларга канчалик чуқур назар ташланса, мозийнинг ўқилмаган саҳифалари шунчалик кўплиги, маънавиятнинг серкирралиги намоён бўлаверади. Чунки тарих яхшини ҳам ёзаркан, ёмонни ҳам.

Маълумки, ҳакикий инсонда хаёти давомида одамийлик мезонлари бўлган меҳр-окибат, бир-бирига кераклиги ва елкадошлиқ, бошига кулфат тушса, ҳамдардлик, самимият, муҳаббат хислатлари шаклланиб боради.

“Бу дунё ҳикматга тўла” деганлари тўгри. Унинг магзини чакиш учун китоб титиш шарт эмас, ҳаётнинг ўзи тенгсиз устоз. Кўрган-кечиргандарингни хаёл ойнасидан ўтказсанг, “инсон” деб аталувчи улуғ зотнинг янгидан-янги кирралари намоён бўлавераркан.

Сиз сокин соҳилда бир лаҳза бўлганмисиз? Дарё шундай окмайди. У ўзининг сир-синоатларини киргокларга айтади. Қалб аталмиш хилқат ҳам бежиз ўтиб кетмайди. У ҳам кўрган-кечиргандарини самимият номли

сохилга битиб колдиради. Дунё эса кадим кўшигини айтаверади.

Макола ёки китоб, таъбир жоиз бўлса, ёзувчининг инсон билан юзмаз бўлиш воситасидир. Бу учрашууда юрак тилга киради. Умр деб аталмиш машаккатли йўл узра ортга кўлган эзгуликлар, алам, изтироблар, мунгли лахзалар сизга нимадандир сабрқ беради.

Инсон деган яхши номга муносиб бўлиб юришнинг, сўзсиз, масъулият юки мавжуд. Шу номга муносиб ишлар билан эл-юрт орасида хурмат козонишдан савоблироқ бирор нарса йўк дунёда. Одам одамга ганимат. Дунёда одам бўлиб келдикми, одам бўлиб яшайлик. Шу боисдан хам кадимги битикларда “Кимки бўлса, хуш чирою, хуш килик, доимо кўргай жаҳонда яхшилик” деган сўзлар бор.

Атокли олим ва адаб, буюк ахлок сохиби Хусайн Воиз Кошифий: “Хар бир вактнинг, хар бир ҳолатнинг, хар бир макомнинг ўз одоби бор, кимки шу одобни сакласа, мардлар макомига етади”, деган экан.

Бас, шундай экан, сўзлашинини хам ўз одоби бор.

Ўзбек халки ўзининг бой маданияти билан бир каторда бой тилига хам эга. Азалдан ота-боболаримиз хар бир сўзни ўз ўрнида кўллашга, айникса, кўп маъноли сўзлар оркали мулокот килишга катта аҳамият берганилар. Улар нозик ички кечинмалари ва хис-хаяжонларини сўз санъати оркали жуда усталик билан ифодалай олганлар. Шунингдек, айтилаётган сўздан ташкари, унинг ортида ётган маъноларга хам чукур эътибор билан карашган.

Ривоят килишларича, бир подшоҳ туш кўрибди, тушида оғзидан барча тишлари тўкилиб кетганмиш. Тушни таъбир килувчини чакириб: “Тушнинг таъбери недур?”, депти. У: “Эй шоҳим, сенинг олдингда барча хеш, акрабо ва кариндошларинг ўлгусидир. Андоғким, сендан ўзга ҳеч ким қолмагувсидир”. Буни эшигтан подшоҳ: “Менинг юзимга бундок дардлиғ ва андухлиғ сўзни айтдинг. Менинг барча кариндошларим ўлсалар, сўнгра мен кандог ишга ярарман ва на янглиғ рўзгор суарман?”, деди ва унга юз таёқ урмок буюорди. Сўнгра бошка бир тушни таъбир килувчини чакириб, муддаони сўзлабди. У: Эй шоҳим, сенинг умринг барча акраболаринг умридан узок бўлур”, депти. Подшоҳ депти: “Барча ақлнинг йўли бирдир ва икковининг таъбирларининг негизи бир ерга борур, аммо сўздаги ибораларнинг орасида фарқ бағоят кўпdir”. Подшоҳ сўнгти тушни таъбир килувчининг сўзамоллиги, етти ўлчаб бир сўзлашини тақдирлаб, унга юз тилло берган экан.

Онлавий хаётда, жамоада, ёр-дўстлар орасида, севги-муҳаббатда дилни-дилга боғлайдиган, кишиларни бир-бирларига ковуштирадиган, ўзаро муносабатни мустаҳкамлайдиган нарса – яхши сўздир. Шу боис “Яхши сўз – жон озиги” деб бежиз айтишмаган.

Маълумки, сўзниң ёмони ҳам, яхшиси ҳам бир оғиздан чиқади.

Баъзан бир оғиз сўз кишига куч-кувват ва бир олам завқ-шавқ багишлади, унинг ҳаётга бўлган ишончини янада оширади, аксинча, андишали инсон учун бир оғиз ёмон сўз уни оғир дардга, ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Айтишади-ку: “Ёмон сўз тарсакидан ёмон”, деб. Тўгри сўз дилдан чикади. Дилдан сизиб чиккан дил розлари эзгуликка, яхшиликка етаклади.

Баъзан ҳаётда ўйламай-нетмай гапириб,чув тушириб кўяётганлигимизни сезмай қоламиз. Ножёя айтилган бир оғиз сўз кишининг калбини яралайди, ҳеч бўлмаганда таъбини тирриқ килиши мумкин. Бошдаги яра битиши мумкин, лекин калб ярасининг битиши кийин.

Халкимизда “Ёвлашмок осон, ярашмок кийин” деган накл бор. Бундан “Ўзингни тий, бир-бирингни тушуммаган, англашилмовчилик ҳолларида жаҳлингга, тилингга эрк берма” деган маъно келиб чикади. Шу боис ҳар бир гапни акл тарозисида ўлчаб, мулоҳаза билан гапириш маъкулроқдир. Унда сиз ўзингизни ҳам, рўпарангиздаги инсонни ҳам авайлаган бўласиз.

Ота-боболар бир туркум мақолларда кишининг юксак аҳлок одоб эгаси, виждонли, ор-номусли, соф кўнгилли бўлишга даъват этганлар. “Дили тўгрининг тили тўғри”, “Тили тўгрининг йўли тўғри”, “Оқ кўнгиллининг юзи кўркам”, “Бирни кўриб фикр кил, мингни кўриб шукр кил” каби маколлар шулар жумласидандир. Щундай экан, мумкин кадар кўнгил колар иш килишдан сакланмок керак. Демак, инсонлар бир иш килишдан олдин унинг орка-олди оқибатини ўиласалар, ёмонликдан ўзларини тийиб, яхшилик или ҳаётларини безасалар, асло кам бўлмайдилар.

Аҳлок-одоб, камтарлик, ширинзабонлик фазилатлари инсон маънавиятидаги кони хазина, куримас булоқдир. Бу хазина инсоннинг гўзаллигига латофат кўшади, кадр-кимматини оширади. Шунинг ўзиёқ инсонни яхшиликка эришгани, деб айтиш мумкин.

Сиз иктидорли актриса Саида Раметовани яхши биласиз. Унга: “Ҳамиша кувноксиз. Ёшингизга нисбатан анча ёш кўринасиз, бунга сабаб нима?” деб савол беришганида, У: “Менинг қалбим гўзалликларга ва яхшиликларга бой. Бирорни асло ранжитмайман. Факат яхшилик сари интиламан. Шов-шувни ёмон кўраман. Ҳар бир муаммони акл билан бартараф килишга ҳаракат қиласман” деб жавоб берган экан.

Дарҳакикат, одамларга хурмат кўзи билан бокмок ва раҳм кўзи билан карамок ақллилик ва донолик белгисидир. Сабр ва чидам эса барча мушкул ишларни енгиш калитидир.

Инсондаги маниманлик, таъмагирлик, калондимоғлик, дилозорликдан эса ҳеч ким манфаат кўрган эмас. Бу ҳислатлар бир

кунмас-бир қун албатта кишини кулатади. **Дил оғритувчи киши** куни келиб хасрат конини ичиши мұкаррар. Шуни унұтmaslik керакки, кимки алам ва ситам дараҳтини экса, албатта азоб-укубат мевасини териб олади, бу – хаёт конуни.

Үз кашфиётлари орқали инсонларнинг космоға учишдек орзусини рүёбга чиқишига қўмаклашган олим Циолковский: „Агар инсонлар бир-бирлари билан курашишга сарфлаган маблағларини бирлаштириб, ундан саломатлик йўлида фойдаланилганда, оламда ҳеч бир касаллик колмасди” деган эди. Олимнинг бу сўзларига амал килинса, кам бўлинмайди. Бир-бirimizdan камчилик қидириш, дилимизни оғритиш ўрнига яхши сифатларимизни кўпайтирайлик.

Ҳар кандай йўқотишларнинг ўрнини балки қопласа бўлар, лекин маънавий йўқотишларнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди.

Жамоадаги ҳар бир кишининг қадр-кймати, ҳак-хуқуқлари ҳамма нарсадан устун туриши керак. Шу боис ҳам Юртимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов нуфузли йигилишларда: “Бизнинг халқимиз – сабр-тоқатли, бардошли, ориятли халқ. У ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин ҳеч қачон адолатсизликка чидамайди” деган сўзларни қайта-қайта тақоррлайдилар.

Ҳар бirimiz қандай лавозимда ишламайлик, Юртбошимизнинг шу сўзларига амал қилиб, адолатлироқ бўлсак, дилозорликдан қочсак, шуринсуҳанроқ бўлсак, жамоада аҳиллик, ишимизда муваффакият ва оиласизда тинчлик-тотувлик хукм суради.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Ножинс сухбатидан илондан кочгандай қоч!
2. Гўзал сўзлар факат амалга оширилгандагина чиройли натижалар беради.
3. Ношукур бўлиш яхши эмас. Сабр қилиб, нафсни тия билиш керак. Кимки бунга кобил экан, сув сойликни, ўрдак кўлни топгани каби, хушбахтлик ва саодат эшиклари унга очилади.
4. Фазаб – шундай бир оловки, у ўз соҳибини ёндиради. Жавобни юмшоги газабни сўндиради, сўзни каттиғи эса, одамни ўлдиради.
5. Фазаб – шундай бир дараҳтки, унинг меваси пушаймонликдан иборатдир.

ТИЛИ БОШҚАЮ, ДИЛИ БОШҚАЛАР

Инсоннинг ички дунёси, маънавий қиёфаси, хулк-атвори, муомаласи одоб-аҳлоқи, маъданияти унинг тили орқали зуҳур этилишини отабоболаримиз яхши билишган. Шу боисдан ҳам кишиларни ҳар вакт, ҳар ерда ширинзабон бўлишга ундашган.

Хаётдан шу нарса маълумки, кимда-ким тўгри сўз, виждонли, андишали, меҳнатсевар, бағри кенг, эл-юрт фидойиси бўлса, хаётда ўз ўрнини топади, кишиларнинг хурмат-эътиборини козонади. Чунки ҳалқ назарида аниқ ҳисоб-китоб бор.

Кишилар бир-бирларидан хурмат кўришга дойикдирлар. Мулойимлик ва самимият кишига ёкса, такаллуфсизлик, беадаблик эса нафрат уйготади.

Айтишларига караганда, Янги Зелландияда кишилар дагаллик килгани, ўзини беадаб тутганилиги учун жарима тўлар ва хатто қамалар экан. Польшада эса “Табассум ордени” таъсис этилган бўлиб, у бировларга шодлик улашган, яхши сўзлар билан атрофдагиларнинг кўнгилини олган шахсларга берилар экан.

Тиббиёт фани гувоҳлик беришича, сўз таъсири киши организмига турлича: бировларнинг юрагига, бошқаларнинг асабига, учинчисини ошкозон-ичак тизимига таъсир килади. Бир оғиз дагал сўз киши дилини вайрон килади, рухини туширади. Оғир руҳий эзилиш, изтироб кишининг ташки кўринишини хам ўзгартириб юборади.

Айрим тугилган кунлар нишонланадга ёки юбилей тантаналарида бўлганингизда рости энсангиз қотади. Бонси, айрим кутловчи нотиклар (аслида уни ёмон кўрадиган инсонлар) оғзидан бол томиб юбилиярни мактайдилар. Атрофда ўтирганлар уларнинг тилидан чикаётган сўзлар дилидагига бутунлай тескарилигини яхши билсалар ҳам, одоб юзасидан индамай турадилар. Нотиклар эса сўзлаб бўлиб, ўзларича ҳеч нима сезмагандек, такаббурона ўтирадилар. Ташкарига чикканларида эса ўзларига ўхшаш дўстларига: “Қотириб юбордимми, мени сўзимни эшишиб юбилиярни роҳатланганлигини кўрдингми? Мактов кимга ёкмайди дейсан, аслида уни ўзим ўлгудек ёмон кўраман”, дейди.

Агар бу нотикларнинг тилларига электрод кўйиб, мактovларини худди электрокардиограммага ўхшаб “тилограмма” ҳолида алоҳида ёзиб олиш имкони бўлса эди, уларнинг тилидагисини дилидагисига (дилограмма) солиштирсангиз, бутунлай тескари чизиклар чикишига шакшубҳа йўқ бўларди. Хозирда японлар инсоннинг дилидагини биладиган асбоб яратибдилар. Энди тилидагисини хам биладиган асбоб яратсалар ажаб эмас.

Бундай шахслар хам жамиятга, хам кишиларга жиддий зарар етказадилар. Кўпинча улар хасадгўй бўладилар. Бировларни хато килиб кўйишиларини зимдан пойлайдилар. Бундай кишилар баданнинг sog жойи колиб, нукул яра жойига қўнадиган пашибага ўхшайдилар, кўзларини бакрайтириб туриб ёлғон сўзлайдилар. Улар маълум вактгача ўз максадларига эришишлари мумкин. Аммо бу муваффакият вактинчалик бўлиб, тез вакт ичida уларнинг шармандаси чикади. Иккюзламачилар

одамларга кулиб муомала киладилар-у, аммо уларнинг кўнгилларида ҳасад ўти ёнади. Уларга “ичи тўла зардоб” деган ибора тўгри келади. Бундай инсонлар билан билмай бир даврада ўтириб коласиз. Сал ўтмай улар ё бир заҳарли сўз айтиб сизни чакиб олади ёки тулкилик кілади ё гердайиб сизни ўсал килади. “Одамни оласи ичиди экан”, – деган маталнома ибора ҳам шундан келиб чиккан бўлса керак. Улар ўзини кора ниятлари, ҳакиқий башараларини усталик билан ниқоблаб юрадилар. Аслида улар қобилиятсиз шахслар бўладилар, ишни ёлчишиб килмайдилар, ҳалол меҳнатдан кочадилар. Хушомадгўйлик уларнинг бирдан бир куроли. Ана шу куролни ишлатиб, бошликни илондай аврайдилар. Улар учун фаслларни ўзгаришини аҳамияти йўқ, улар дарров ўша фаслга мос тўнни кийиб олаверадилар, Улар яхшироқ мансабга эришиш ёки юқорирок мансабдордан фойдаланиб колиш учун бутун кучларини сарфлайдилар, ўрни келганда соғдил одамларга тухмат киладилар, мансабга эришиб олишгач, ўзларида қобилият бўлмаса-да, хар қандай ташаббусни бўгишга харакат киладилар. Ана шундай шахслар туфайли канчадан-канча соғдил, меҳнатсевар, ҳалол инсонлар руҳан майиб бўлиб колмокдалар. Шифохоналарда даволанаётган кон босими ортиқ шахслар, инфарктлар, шол бўлиб колганлар, қанд ва ошкозон-ичак касаллуклари билан оғриган беморлар билан сухбатлашганимизда уларнинг кўпчилиги шу андишасиз инсонлар килиги туфайли жабр тортаётганликларини ачиниб айтишади.

Бир кимсага ёлғондан муҳаббат кўйиб ва ихлос килиб, уни мунофиқона мақташ энг ярамасликдир. Бундай иккюзламачи, мунофик кишиларни худди асаларига ўхшатиш мумкин, чунки асаларининг оғзида шакару, аммо дилида заҳри бордур.

Бундай иккюзламачи инсонлар Навоий, Жомий, Бобур замонларида ҳам бўлганлар. Лекин ўша давр одамлари одамийлик, инсонийликни авайлаб-асраганлар, иккюзламачи, андишасиз шахслардан ҳазар килганлар. Натижада, соялар чекиниб, нурлар кўпайган. Ёмонлик ўрнини яхшилик, тошбагирлик ўрнини меҳригиё, эгрилик ўрнини тўғрилик, беорлик ўрнини диёнат олган.

Халкимизда тиғ яраси битгади, тил яраси битмайди, деган накл бор. Кишиларга ўзгалар тилидан етказилган маънавий жароҳат оғир из колдиради, йиллар ўтса ҳам алам билан эсланади.

/ Дўстларнинг ютуғидан кувониш, унга ҳавас килиш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Ҳавас дарахтидан кўра, кўпинча ҳасад дарахти сўлмайди. Унинг соясида колиб кетганлар кўп бўлади. Фийбатлар, хусуматлар ана шундакалар қалбида уя куради, негаки, омадсизлар учун ҳасад дарахтининг гуллари чиройлирок кўринади. Кўзларига бошқа нарса кўринмайди. Ўзи қазиган чохга ўзи тушиб кетаётганини ҳаёлига ҳам

келтирмайди, кўнгил ўрнини бедаво қаҳр, нафрат эгаллайди.

Айтишларича, от пойгасида бир ҳасадгўй мэррага яқинлашаётганида оти кокилиб кетиб, чопаолмай колибди. У дарҳол ўзини ўнглаб, олдиндаги сафда келаётган пойгачи отининг оёги остига ўзини ташлабди. Уни оғир жароҳатланган ҳолда олиб чикиб, нима сабабдан шундай қилганини сўрашганларида, “У одам биринчиликни олгандан кўра, менинг ўлганим яхшиrok”, - деб жон берган экан.

Яна бир ривоятда Ҳусайн Байкаро даврида кўплаб мадрасалар, кўприклар, бозорлар курилибди. Халк ахволи яхшилана борибди. Ҳамма хурсандмиш.

Карангки бир инсон шунча яхши ташабbusларни кўрсада, эгри гапдан қолмасмиш: яъни “курилган кўприклар мустахкам эмас, мадрасаларниги гиши яхши пишмаган, бозорлардаги тартибсизликларга чидаб бўлмайди. Мен қашшок, халк қашшок”.

Буни эшитган ёш йигитларни гаши келиб, тили ва дили эгри бу ношукур кимсани қози олдига олиб боришибди ва воқеани баён килишибди.

Шунда қози: “Нега сенинг кўзинг ҳамма нарсани тескари кўради, инсофинг борми, ўзи?” дебди унга.

Бу шахс безрайиб, куёш томонга елкасини тутса, ёнбошига кийшик эгри соя тушибди. Шунда у: “Ҳамманинг сояси тўғри-ю, менини эса эгри, нега шундай? Бунга куёш айбор” дебди. Ношукурни карангки, ер юзига бирдек нур сочиб турган куёшни айбор килиб, кутилиб қолмокчи бўлибди.

Бу шахс килигидан хайрону-лол қолган қози “Уни соясини ҳам, корасини ҳам ўчиринглар” деб амр килган экан.

Дунёда инсонлар ҳар хил бўларкан. Бирор ҳалол яшасам, одамларга фойдам тегса, деб ҳаракат килса, бошқаси ўладиган жонга яшаб қолиш керак, ўзгалар билан нима ишим бор, кабилида фикр юритаркан.

Бирор элим, юртим деб ёниб яшайди, бошқаси кўпчилик рискини уйига ташиб яшайди. Бирор инсонлар учун бало-офтальларга кўксини қалқон килса, бошқаси панадан макон топиб, эл-юрт ғамида юрган фидойи инсонларнинг эзгу ишларини кўра олмай, иғво билан уларни яксон этади.

Алломаларнинг айтишларича, одамзодга аслида минг йил умр берилган экан. Умр этови бўлмиш, юкоридаги каби шайтон васвасасига учраган одамларнинг бу жирканч киликларидан кейин, одамзод зўрга 70-80 йил умр кўрадиган бўлиб колган экан. Агар улар сони кўпаяверса, соғдил инсонлар умрини яна ҳам кискариши табиий ҳол бўлиб колса керак.

Киши ор-номусини, шаънини ёёқости килиш, дилозорлик, кўполлик, ҳасадгўйлик, ичикораликка ҳаётнинг икир-чикири деб карамаслик керак.

Булар ҳәётимизнинг гўзал ва дилраболиги қадрига етмаслик, софдил ва меҳнатсевар кишиларимизнинг ўта инсонийлиги ва олижаноблигини кўролмаслик, унга онгли равишда азоб-укубат ўқини отишдан бошка нарса эмас.

Демак ҳар кандай фисқу-фасод, бўхтон, курук тухмат, кўрслик, ёмонликни ният килиб олиб, гаразгўйлик максадида ўзганинг ор-номус, шаъни, қадр-кимматига путур етказиши – олга караб ҳаракат килишимизга, мустакил республикамиз кишини тарбиялашимизга ҳалакит берувчи кора дөглар деб қарамогимиз ва бундай меҳрсиз шахсларга нисбатан маълум чораларни кўллашимиз лозим.

Ағон шонри Хушхалхон Ҳаттак шундай дейди:

Икки нарса керак вужуд учун, бил:
Биринчиси дилдир, иккинчиси – тил.
Дилни сен меҳр ила шафқатга тўлдир,
Тилни ҳақиқатнинг ўткир тиги кил.

Азизлар! Бу киска дунёда бир-биримиздан меҳримизни дариг тутмайлик, инсонни ардоклайлик, эъзозлайлик, дилозорлар ўрнига кўнгилнинг табиблари кўпаяверсин.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил,
Тўғридан этрига оздирган ҳам тил.
Тоҳирнинг дарёга оқизган хатто,
Мажнунни чўл, даштда кездирган ҳам тил.
2. Ўз нафсин маглуб этаолган марддир,
Гийбатдан узокроқ кетаолган марддир.
Номард тепиб ўтар йикилганларни,
Ожизлар кўлин туваолган марддир.

ТИЛДАН КЕЛАДИГАН ОФАТЛАР

Кейинги пайтларда баъзи бир одамлар гуноҳ нима, савоб нима – эътибор килмай, оғзига келганини гапираверадиган бўлиб колганидан жароҳат устига жароҳат тушавериб, асаб бузилишлари, юрак ҳасталиклари кўлайиб бормоқда.

Маълумки, тилдан келадиган оғатлар хилма-хил. Булардан бири **гийбатдир**. Дунёда инсоннинг минг хили бўлар экан. Бирор ҳалол яшасам, одамларга фойдам тегса, деб ҳаракат килса, бошкаси дунё бевафо, ўладиган замонда яшаб колиш керак, куним яхши ўтаяптими, ўзгалар

билан нима ишим бор кабилида фикр юритаркан. Бирор элим деб, юртим деб ёниб яшаса, бошкаси эл-юрт ғамида юрган фидойин инсонларнинг эзгу ишларини кўролмаскан. Шунинг учун ҳам у кимдандир ўч олиш пайда, панада туриб тош отаркан.

Дарз кетган юракдан сўрашибди: «Сенга нима бўлди? Тиг тегмаса ҳам, ўз-ўзингдан дарз кетибсан? «Тигдан ҳам ёмонрок нарса тегди, - дебди у. Ҳа, нима бўлди? – Извогарнинг тили тиги тегди. Шу туфайли шу аҳволга тушдим. Энди асл холимга келишим амри маҳолга ўхшайди».

Дарҳакиқат, бир оғиз иғво сўз инсон шаънини оёқ ости қиласди, топтайди. Отани ўғилга, онани болага, устозни шогирдга қарама-карши килиб кўяди, дўстни душманга айлантиради, одамийлик, кадр-кимматни бир пулга чикаради.

Бир масалда шундай дейилади: - Нега тишлайсан? дебди тил, дудуклана-дудуклана тишга.

- учингдан озгинасини узуб ташламокчи эдим-да, жавоб килибди тиш.
- Нега, гуноҳим нима?

-Шунинг учунки, кўринганга захрингни сочасан, барча сендан безор. Сал қискартириб кўйсам, зора захрингни камроқ сочиб, ширинрок бўлсанг.

Фийбатчилар сиз ва бизнинг орамизда юриб, одамларни зимдан пойлаб, улар сухбатига аралашиб, бирорлар айбини ахтарадилар, халқ тили билан айтганда, тирнок остидан кир кидирадилар. Фийбатчи ўзининг шу гараз хатти-харакати билан ўз соябларига яхши кўринмоқчи бўладилар. Донолар: “Фийбатчини тингловчи йигбатчининг шеригидир”, - дейишади.

Дарҳакиқат, фийбатчининг сояблари ҳам енг ичидаги номаъкул ишлар қилсалар-да, минбарда покликдан нара соладилар. Лекин булар шуни унумасликлари керакки, Аллоҳ таоло фийбатчиликни улкан гуноҳлар қатори киритган. Фийбатчининг фийбати кишиларнинг обрўйини тўкиб, катта зарар келтириши билан бирга, жамиятдаги ўзаро муносабатларни ҳам бузади.

Фийбатчиликнинг энг асосий сабаби – иймоннинг заифлигидир. Заиф одамлар хатони бошқалардан излайди. Яна шуниси кизикки, айрим бир фикрда туро олмайдиган шахслар (булар хамма жамоаларда топилади) фийбатчидан қўркиб, унга ёмон кўринишдан, бошқалардан ажратиб қўйишидан хадиксираб, менга нима деган фикр билан унга кўшилиб, фийбат қиласдилар. Бу билан улар фийбатчи гунохидан багттар гуноҳ килаётганиларини сезмайдилар.

Ўзгаларнинг айбини ортидан гапириш фийбат деб аталиб, улкан гуноҳ хисобланар экан, кишида йўқ айбни бор деб айтиш бўхтон саналади. Бўхтон айбсиз инсонларни обрўсизлантириш учун имонсиз шахслар

томонидан уюштирилган нарсадир. Бу қаттиқ жазога сазовор ишдир.

Тил оркали келадиган ёмон иллатлардан яна бири-ўзгаларни масхара килишдир. Масҳаранинг маъноси, бироннинг кадрини пастга уриш, айб ва ёуксонларини кулгили килиб эслатиш, имо-ишбра билан бироннинг устидан кулишдир. Масҳаралаш ҳолатлари кўпроқ аёллар орасида учрайди. Одатда бой камбағални, чиройликлар хунукларни, ёшлар кариларни, кучли кучсизни, зехни зехни пастни, комати келишган мажруҳни масҳара киласди.

Яна бир ёмон одат – лақаб қўйишидир. Лақаб қўйиш кишини тахкирлаш, обўсими тўкиш ва хижолат килишдан бошка нарса эмас. Юкоридаги бу икки ёмон одат хам тил жароҳатлари бўлиб, катта гуноҳ хисобланади.

Лукмон ҳакимдан: “Сиз шу катта мартабага қандай эришингиз”, деб сўрашганларида: “Бироннинг айбидан кўзимни юмдим, ёмон гаплардан тилимни тийдим. Ҳалкумимни шубҳадан тозаладим, нафсимни харомдан сакладим, сўз сўзласам рост сўзладим, ваъдамга вафо килдим, ҳалкумнинг хизмати учун кечалари ухламадим, ялковликдан ўзимни сакладим” деган экан.

Азиз ўқувчим! Сиз хам шуларга амал килсангиз, келгусида ҳалкимиз суйган, ардоклаган инсон бўлиб етишасиз.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

- 1.Агар сен вафоли бўлсанг, вафосиз бевафодан қоч!
Вафонинг кимматин билмай, юрувчи норасодан қоч!
Қошинда ичинин мактаб, йўғингда юргувчи нолиб,
Тилига дил эмас пайванд, мунофиқ дилкародан қоч!
- 2.Яхши одам бўлмоқ эрсанг ҳулки авторинг тузат!
Тил билан дил синдирувчи баъзи озоринг тузат!
Тан ва жонинг бўлсаки соғ шукрни айлаб бажо,
Ёш чоғингни елга бермай касб ила коринг тузат!
- 3.Тўғрилик кўп яхшидир, оламда кингирлик ёмон,
Тарбият бирла тузалмас, бағри тош, кирлик ёмон.
Фарқ этиб яхши-ёмонни сўнгра йўлдош айлагил,
Тилда дўйсту меҳрибонлик, дилда кильвилик ёмон.

МЕХР ҲАМ, МУҲАББАТ ҲАМ ТИРИККА КЕРАК

Баъзи даврларда ўргада меҳру-ошибат кўтарилиди, одамлар бир-бирларини кўролмайдиган бўлиб колдилар, одамийлик, мурувват камайиб бормокда, деган гапларни эшишиб коласан.

Дарҳакикат, айрим ҳолларда. “Дом”да ёнма-ён яшайдиган икки ён

кўшни бир-бирини танимаяпти, кўришганда сўрашмаяпти. Ўқув даргохларида бир гурухда 20-25 та талаба бўла туриб, тўрт йил бирга ўкиб, бир-бирларини яхши билмаяптилар. Чорасиз кишига қўлини чўзиб, моддий ёрдам бераолмасада, тили билан ҳамдард бўлиш ўрнига, бакрайганча ўтиб кетилаяпти. Имкони бўлди дегунча айрим одамлар андишасизлик билан игво-бўхтонлар уюштириб, ҳалол, чин инсонлар обрўсини тўкишга, тахкиглашга, истеъодини бўғишга харакат килаяптилар.

Ёзувчи Тохир Малик улуғ адаб Мирзакалон Исмоилий ҳаётига багишлаб ёзган “Ёзувчининг баҳти ва баҳтсизлиги” деб номланган ёдномасида шундай дейди: “Адибнинг муҳолифи ўлган куни, уларнинг ораси бузуклигини билган кимсалар қўнғирок килиб, Мирзакалон Исмоилийни табриклишибди. Ўшанда Мирзакалон aka ранжиб: “Одамларнинг разиллигини қаранг, мени бирорнинг вафоти билан табриклишайпти. У мени ёмон кўргандир. Ҳар бир тирик одам кимнидир яхши кўради, кимнидир хушламайди. Одамни жони узилса, суюнадиганларни одам деб атаймизми? Кийналган, айрим холларда хорлаган бўлсан, биргина у айборд эмас, атрофидаги яландихўрлар кўпроқ айборд” деган эдилар. Накадар мардлик, донолик!

Лекин минг афсуски, хали орамизда бирорнинг бошига кулфат тушса, ёхуд вафот этса кувонганидан чапак чалиб юборадиган, шу “хабар” муносабати билан кадаҳ қўтарадиган андишасиз кимсалар оз эмас.

Мархум шоира Турсуной Содикова (Охиратлари обод бўлсин) меҳрсизлик ва андишасизлик килаётган бундай шахсларга карата ўзининг “Андиша” деб номланган рисоласида шундай дейди: “Андишадан кочиб, шахсан ўзингиз нимага эришдингиз? Бирорни аямадингиз – йўлингиз очилди, ишингиз тезроқ битди. Ниятингиз пул-мол йигиш эди, етдингиз. Бўйингиз паст эканлигини ҳамма кўриб турса ҳам, стулга чикиб олиб “Мен баландман” дедингиз. Чапга караб тулки бўлдингиз, ўнгта караб букаламун! Бирорни хўп ёмонлаган эдингиз – ўрни сизга колди. Аммо бу “зафарли” юришларингиз қалбингизга шамча ёруғлик бермайдику”!

Бир донишманддан: “Одамлар сўzlари ва ишлари жиҳатидан неча туркумга бўлинадилар?” деб сўрабдилар, у жавоб берибди:

- Тўрт хил бўладилар. Биринчи туркумдагилар: бир ишни килишга сўз берадилар ва сўzlарининг устидан албатта чикадилар. Бу самимий, соғдил одамлар одати. Иккинчи туркумдагилар: сўз бермайдилар, лекин индамасдан юриб ишларини қўнгилдагидек бажарадилар. Бу – жувонмардлар одати. Учинчи туркумдагилар: оғзини кўпиртириб сўзлайдилар, ваъда берадилар, аммо айтарли бир иш кўрсатмайдилар. Бу – мунофикалар шеваси ва хийлакорлар ишидир. Тўртинчи туркумдагилар: сўз ҳам бермайдилар ва ҳеч бир иш ҳам кўрсатмайдилар. Бу хассис ва

пасткаш одамлар хислати.

Самимийлик – инсоннинг бегуборлигини, бегаразлигини ифодалайди. Самимий киши ўзининг хатти-харакатига танқидий кўз билан карайди, хатолардан тегишли хулоса чикаришга харакат килади. Самимий инсон очик кўнгил, бағри кенг бўлиши билан бирга, ўзига килингингин ҳурмат эътиборга миннатдорчилик билдира оладиган киши ҳамдир.

Сен билан бирга ишлаб, бирга нафас оладиган одам сенга бегараз фикрлар айтиб, тўгри маслаҳатлар килса, бунинг учун уни тўгри тушунилмаса, у хеч нарса йўқотмайди, албатта, лекин кўнгил совиши мумкин. Совиган кўнгилни иситишга эса маълум вақт кетали.

Кадимий бир афсона бор: Эмишки кунларнинг бирида Тангри таоло кимсасиз оролда ётган бир чўпга жон ато этибди. Ўша заҳоти чўп одамга айланибди. Одам бошка жонзотлардан фарқ килмас, еб ичишдан нари ўтмас экан. Шунда Худо унга ақл-заковат, қалбига меҳр-муҳаббат жо килибди.

Бу одам ўйлаб караса, Худонинг кўлидан ҳамма нарса келармиш – хоҳласа жонлини бежон килади, хоҳласа жонсизга жон ато этади. Туриб-туриб одамни Худога ҳасади келибди.

Табиийки, Тангри одамнинг кўнглидан ўтганини сезибди.

- Менку, одамзотга ақл бердим, меҳр-шафкат ато этдим. У эса яхшиликдан кўра ёмонликни, меҳрдан кўра қаҳрни афзал кўрайяпти. Бугундан бошлаб кимда меҳр кўп бўлса жанингга, қаҳр кўп бўлса дўзахга тушсин! – дея амр килган экан.

Меҳр, мурувват одамга ҳаётдай зарур. Инсон меҳр билан тирик. Лекин шуни уннутмаслик керакки, меҳр бермай одамлардан меҳр кутиб яшаш ёзда осмондан қор кутишдек гап. Бахтсизлик, кулфат, ноҳушликлар хеч качон четдан келмайди, буни ҳар ким ўз феъли билан ўзи ясаб олади.

Самимият тўғрилик ва ҳакикаттўйлик билан узвий boglik. Тўғрилик одоблилик белгиси бўлиб, ҳалол ва самимий одамларгина ана шу фазилатга эга бўла олади.

Мутафаккирлардан бири айтганидек, ҳалол одам учун энг оғир ҳакорат уни ноҳақликда гумон килишдир. Шунинг учун болани ноҳақдан уришсангиз, у йиглаб юборади. Ҳалол одамлар доимо ҳакикаттўй бўладилар ва унга интиладилар.

Ҳакикатга интилган камолаттга албатта эришади. Софдил, тўғри одамнинг сўзи билан иши бир бўлиб, унинг ҳаёт йўли ҳар доим тўғри ва равондур. Бундай шахс учун ҳакикат канчалик аччик бўлса ҳам, у ҳамма нарсадан юкори. У унга топширилганди вазифани адолатли ва рўйирост ҳал килишни, кишилар ўртасида ишонч ва ўртокликтининг гарови деб билади.

Алдаш, ноҳақлик шундай ярамас иллатки, у жамиятта жуда катта зарар етказиб, энг аввало, кишилар ўртасида ишончсизлик тугдиради.

Самимият табиийликни тақозо этади. Табиий бўлмок – хар қандай ясамалик, сунъийликни инкор этади. Бунинг учун эса одиллик, ҳакикатгўйлик, вижданлилик керак бўлади.

Иймони бут, покиза қалблй инсонлар одатда “Бундай килишга виждоним йўл қўймайди” дейишади. Дарҳакикат, хоҳ ошкора, хоҳ пинхона бировларнинг ҳаккига хиёнат килиш, бақрайиб туриб ёлгон гапириш, ваъдага вафосизлик, юлгичлик, тухматчилик, иккюзламачилик каби бадаҳлокликлар чин инсоннинг кўлидан ҳеч қачон келмайди.

Виждан соҳиби ўз дилидаги орзу-ҳаваслари, мақсадлари, ўйларига тўғри, ҳалол йўл билан эришишни кўзлайди. У неларга мушарраф бўлса, ҳамма вакт ўз ҳисобидан яъни ҳалол меҳнати, акли, истеъодди эвазига эришади. Виждан соҳиблари шу сабабдан ҳам кўпинча иккюзламачи, букаламун (хамелеон) кимсаларнинг каршилигига дуч келишига қарамай, ўзлари мукаллас ва тўғри деб билган йўллардан ҳеч қачон кайтмайдилар.

Хадиси шарифда: “Сизларни қай бирингиз бирор гуноҳ иш килаётган одамни кўрсангиз, уни аввало кўл билан, бунга имкон бўлмаса, тил билан кайтаринг, бунга ҳам кодир бўлмасангиз, дилингизда нафратланиб туринг” дейилган.

Умри давомида ҳаётнинг аччик-чучигини кўрган, ўзи ҳалол, соф вижданли багри кенг ва меҳнатсевар инсонлар хар бир жамоада бор. Буларни авайлаб асраб, улардан маънавий озука олиш барчамиз учун ҳаётий заруратдир.

Афуски, кўпинча эътиборсизлик туфайли бундайлар назардан четда колади. Шу боисдан ҳам истеъодди шоира Саида Зунунова “Одамлар, кадрланг бир-бирингизни, гул ҳам, муҳаббат ҳам тирикка керак”, деган эдилар.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев нуфузли йигилишларнинг бирида “Бизнинг барча давлат идораларимиз, кадрларимиз оддий бир ҳакикатни ўзлаштириб олишлари керак. Улар одамлар учун, уларнинг эҳтиёжлари ва юмушиларини ҳал этиш, манфаатларини ҳимоя килиш учун яшайдилар ва ишлайдилар”, деган эди. Буни чукур укмок ва унга амал килмоқ лозим.

Бахтли бўлиш орзусида яшаган кишининг қалби пок бўлиши, нафсини тия билиши зарур. Киши қалбидан жой олиш энг улуг баҳт. Шу боисдан меҳрли инсонларни “кўнгилнинг табиблари” дейишади.

Максуд Шайҳзоданинг қўйидаги ўйтлари ҳамма учун шиор бўлиши керак:

Дўстлар, яхшиларни авайлаб, асранг,
“Ассалом” деган сўз салмогин сакланг.
Ўлгандা юз соат йиглаб тургандан,
Тириклик чогида бир марта йўқланг.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

- 1 . Бир гарib күнглини килаолсанг шод,
Яхшидир ер юзин килтандан обод.
Лутфингла бир дилни кул кила олсанг,
Афзалдир юз қулни килмокдан озод.
2. Яхши сүз илонни чикаармиш индан
Ёмон сүз инсонни чикаармиш диндан
Қаранг, бир оғизнинг ажиб хикматин
Гоҳ шакар, гоҳ заҳар тўкилур ундан.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК ҲАҚИДА

Инсон инсонлик киёфасига киргандан сўнг унда ҳәти давомида кўплаб яхши ва ёмон хислатлар камол топа бошлайди. Булар эзгулик ва тубанлик, меҳнатсеварлик ва ялқовлик, одоблилик ва одобсизлик, поклик ва нопоклик, ҳавас ва ҳасад ва ҳоказолар. Яна шундай хислатлардан бири яхшилик ва ёмонликдир. Дунёда яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам кўп. Одам боласи яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ўзини ўраб турган мухит ва шаронтдан олиб ўсади. Яхши инсонлар кўпроқ яратиб колайин, яшнатиб колайин деб жон кўйдирсалар, ёмонлар кўпроқ йигиб олайн, кўпроқ кўриб колайин леган жазавада ўзларини дуч келган ёкка урадилар.

Яхшилик килиши инсон учун энг олий туйгу. У хар кимга ҳам насиб этавермайди. Буйруқ, хаттоки фармони олий билан ҳам бунга эришиб бўлмайди, у бозорда сотилмайди, таниш-билишчилик орқали кўлга киритилмайди. У шундай ноёб, тенги йўқ, бебаҳо туйгу.

Накшбанд ҳазратлари: “Бир одам билан чикиша олмаётган бўлсангиз, бошка ҳеч ким эмас, факат ўзингиз айбдорсиз. Билингки, феълингизда нуксон, имонингизда заифлик бор. Кибр эса калб кўзини хиралаштиради. Демак, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ўзимииздан излаганимиз маъкул”, дейдилар.

Бирорларга яхшилик килишга ориятли, виждонли, саҳоватли кишилар-гина кодирдирлар. Кимки эзгуликни, яхшиликни курол килиб олибти, демакки у жаннат томон йул топибти. Яхшилик калити билан занглаган ва мөгор босган қалбини кулфини очса бўлади, дейишади доно ҳалкимиз.

Ёмонлик килиш, дилозорлик, кўполлик, багритошлиқ – тубан ва маънавий қашшоқ кишилар куролидир. У кўпинча акли, софдил, камтар ва меҳнаткаш кишиларга каратилган бўлади.

Яхшилар яхшилик йўлида овораю-сарсон, ёмонлар эса бирорларга ёмонлик килишда хатто жодугарни, хар хил инс-жинсларни ҳам бир

чўкишда кочиради.

Шу боис яхши отни кучли ва чопкир бўлганилиги учун жиловлаб минадилар. Мевали дараҳтнинг шоҳини меваси борлиги учун синдирадилар, товус эса гўзаллиги учун хамиша пати юлук ва каноти кирқик бўлади.

Билмок лозимдирки, ҳар бир ёмонликнинг ҳам бир жазоси бор. Ўз ёмонлигини никоблаган, ҳийла ишлатиб, ўзини яхши кўрсатган одам, албатта эртами, кечми қилмишларини ажрини олади.

Шоир айтганидек,

*Заррача яхшилик бежавоб бўлмас,
Ёмонлик ҳам билгил жазосиз қолмас.
Атрофга қарагин, ҳисоб бўляпти,
Нени қилса, инсон шуни кўряпти.*

Шу боис, ҳалкимиз орасида: “Кимки алам ва ситам дараҳтини экса, пировардида азоб ва укубат мевасини териб олади”, деган гап бежиз юрмайди. Яхшилик тез унутилади, ёмонлик эса бир умрга хотирада муҳрланиб қолади.

Қалбда йигилиб ётган адоварат кўр остидаги чўғга ўхшайди, чўғ ўтинга тушса, ёндириб юборгани каби, адоварат фурсат келганда газаб ўтига айланади. Бу ёнгинни на сўз, на ҳокисорлик, на ёлвориш, на ҳийла, бир сўз билан айтганда **хеч нарса сўндира олмайди**.

Шу боис, тажрибали кишилар газаб оташини сўндиришга уринганлар, жахл лукмасини эса, ичкарига ютишга харакат қилганлар.

Кўпни кўрганлар: “Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан илгарилардан ибрат ол”, деб бежиз айтмаганлар.

Одамийликнинг энг улуг хислатлардан бири **кечиримлилиқдир**. Биз тил билан, дил билан кечириб юборсан, эҳтимол, каршимизда турган бир одамни аяган бўлармиз. Эҳтимол, унинг яна шу айбларин қилмаслигига туртки бўлган ёки унинг ишончини қозонган бўлармиз. Биз, бир биримизни кечириб юриб, каршимизда турган одамнинг дардига ширин тилимиз билан малҳам бўлармиз.

Жами гина-кудратларни унудиб, қалбимизни кенгрок тутсак, тилимиздаги найзаларни бўлар бўлмасга санчишни бас қилсак, имонимиз комилки, инсонлар бир-бирини сужидилар.

Уч хислатга эга бўлмоқ, олий даражага етмоқдир. Биринчиси, сенга ситам қилган кишини кечирмок. Иккинчиси – сенга ёмонлик қилган кишини ёмонлаб юришдан тиймок. Учинчиси – ёмонлик қилганга яхшилик қилмоқ.

Лекин, донолар: “Уч хил кишига яхшилик килиб бўлмайди. Биринчиси, дангасага, улар экин ўスマйдиган тошлок ёки шўр ерга ўхшайдилар, унга канча яхшилик уругини экмагин, бирибир кўкариб чикмайди, яъни

таъсир этмайди. Иккинчиси, орсиз ва ҳаёсиз кишилар бўлиб, уларга яхшилик қилсанг, буни тушуниш ёки раҳмат айтиш ўрнига, мендан кўркканидан килаяпти, деб ўйлаб янада тумшуқларини кўтариб, кўпроқ нарса талаб киласидилар. Яна бири аҳмоқ кишилар бўлиб, сен килган яхшиликнинг кадрини билмайдилар, унинг фарқига ҳам бормайдилар. Окил ва доно кишиларга яхшилик қилмоқ эса савоб ҳамда олий хислатдир” дейдилар.

Шу боис бўлса керак, ҳалкимиз орасида: “Яхшига қилсанг яхшилик ҳам айтади, ҳам қайтади, ёмонга қилсанг яхшилик, на айтади, на қайтади” деган нақл юради.

Махдуму Аъзам Косоний ҳазратлари бир сўзни кўп такрорлар экан: “Сизларнинг ҳар бирингиздан bog қолсин”. Шогирдларидан бири бу хикматни маъносини сўрабди – “Бу хикматнинг маъноси шуки, кимдир дараҳт экиб, bog яратади, кимдир саҳоватдан, кимдир мардликдан, кимдир яхшиликдан bog қиласи” деб жавоб берган эканлар.

Одатда, биз кексаларнинг бу каби сўзларини эшитамизу, ҳар доим ҳам маъносига аҳамият беравермаймиз. Ҳаёт уммонаиди сузганинг, улар майдонида курашганинг сари элнинг ҳар жумласи ўрни билан айтилганига икror бўласан киши. Одамларга ҳурмат кўзи билан бокмоқ ва раҳм кўзи билан қарамоқ- акллилик ва донолик белгисидир. Сиз бирорвга яхшилик қилсангиз қилган яхшилигинизни унутинг, бирор сизга яхшилик қилса, уни эл орасида ёйинг.

Яхшиликни кўп қилган кишининг пушаймонлиги кам бўлади. Яхшилик теварагида айланана олмасак, яхшилар теварагида айланайлик. Инсоф ва диёнатдан четга чиқмайлик. Бизга берилган эрк, хуррият ва кўрсатилаётган ҳурматни сунстеством қилмайлик. Зотан, бу дунёнинг ўз сархисоби бор.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Ёмонлик кўрингай факат “ярқ” этиб,
Яхшилик доим ҳам сезилмас балким.
Беш-ўн мунофикнинг касофати деб,
Ҳижолат тортади бальзода ҳалким.
2. Одамзод курашиб яшар умрбод,
Гоҳ голиб, гоҳ ғамгин, гоҳ мағлуб, гоҳ шод.
Ғолиблик пайтингда кетма ўзингдан,
Мағлублик онда ҳам қайтма сўзингдан.
3. Дунёда меҳмонлар дунё талашса,
Хешу акраболар ола карашса,
Бир-бирига ҳасад нигоҳ қадашса,
Ҳайкиргим келади, шундайин дамлар,
Багри кенгрок бўлинг, азиз одамлар!

ЯХШИЛАРГА ЭШ БҮЛИНГ, ҲАМРОҲ БҮЛИНГ

Буюк руҳшунос олим В.М.Бектеревнинг “Агар шифокор сұхбатидан кейин бемор ўзини енгил хис этмаса, бу шифокор әмас”, деган кимматли гапи бор. Дарҳакикат, сўзнинг руҳимизга таъсири нуҳоятда катта. Бизнинг соғ-саломат юришимиз, умримизнинг узок бўлиши, оғзимиздан чикадиган сўзимизга ҳам boglik. Шу боисдан ҳам бир касб этаси ўзининг нутқ, муомала маданиятини, сўз бойлигини, нафакат мутахассисликка оид, балки бадиий китобларни ҳам ўқиб ошира бориши жоиз. Якинда мен истеъдодли шоир, ҳамюртимиз Тўлан Низомнинг янги чиқкан “Ватан сурати” деган китобини ўқиб колдим.

Бугунги кунда одамларимиз қалбидаги юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллый мағкуранни шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустакил Ватанимизга меҳр-муҳабbat руҳида тарбиялаш алоҳида касб этмоқда.

Мен Тўлан Низомнинг ушбу китобида бу масалаларнинг барчасига жавоб топгандай бўлдим. Ҳакикий шоирнинг рух ва фикр макоми ўзига хос юксак бўлади. Мен адабиётчи ёки файласуф эмасман. Лекин шундай бўлсада, бир шеърият мухлиси сифатида бу китобни ўқигач, унга ўз фикримни билдирумокчи бўлдим.

Ҳар бир инсон ўсиб-улгайиб борар экан, шодлик ва кувончларини бирга баҳам кўрадиган, ташвиш ва муаммоларни бартараф этишда ҳамкор бўладиган дўстга эҳтиёж сезади. Афсуски, дўст танлашни ўргатувчи фан йўқдир.

Шоир “Кўнгил дафтари” шеърида:

Кўзим ҳам толди, кута-кута мен ҳамон,
Интизорлик ошди-ю, кийналди жон.
Дўст деган душманимдан кўрдим зиён,
Душманимни менга дайсан меҳрибон,
Дўстларимга душман заҳрин ичирма...леса,

бошка бир шеърида:

Дўстлик нима ўзи, ким яратади,
Дўстсиз ўтган дамлар, тез карнади.
Тўлан Низом, дўстлик энг олий неъмат,
Қалбингни кайгудан у аритади.

деб дўстликни таърифлайди ва улуглайди.

Устоз ва шогирд бурчлари, фазилатлари ҳакида кўп маколалар, ривоятлар битилган. Шоир Тўлан Низом хам бу фикрларни бойитиб, ўз китобига кирган “Яна Навоий ҳайкалига боқиб”, деган шеърида шундай дейди:

Хар тонг сизга таъзим қиласман устоз,
Хар тонг сизга сигинаман, юрак айтар роз.

Шоир “Мажнунтол Йигиси” деб аталмиш лирик киссасида шоир Миртемир айтган Мажнунтол сиймосида унинг шогирларини, бу шогирлар катори ўзини хам кўрган ва устоз учун йиглашни зиммасидаги бурч деб ҳисоблаган. Киссада устоз дийдорига тўймаган, ўз вактида уни ёлчитиб сева олмаган юрак дарди ифодаланган.

Инсон хаётда яшар экан, шукrona келтиришни хам билмоғи керак. Шуларни хис килган ҳолда шоир шундай дейди:

Яхшига эш бўлинг, ҳамроҳ бўлинг,
Аҳмокни кўрганда гумроҳ бўлинг.
Эй бўтам, доимо огоҳ бўлинг,
“Ёмон юрган йўлдан яхши юрмас”.
ёки
Эй одам, одамга сўнма ёмонлик.
Ёмонлик килганга йўқдир омонлик.
Унда хам рух бордур, бир кўнгил бордур,
У хам бир мусулмон, бизнинг томонлик.

Тўлан Низомни инсон ҳаётининг мазманини кизиқтиради, ўйлантиради. У “Мудом ёруғ жаҳонда яшашдан максад нима?”, деган азалий ва абадий саволларга жавоб кидиради.

Эй какликбоз, сен-ку ундан куйлашни ўрган,
Садокатни, ишқ дардини сўзлашни ўрган.
То тириксан, Ватанингни ўйлашни ўрган.
Қафасда хам кўшик айтиб курашни ўрган,
Бас кил энди, колдирмагил душвора каклик.

Бу сатрлар шоирнинг “Каклик” шеърида ўз аксини топган.

Шеър ёзалигинлар кўп, аммо севишга кодир, кўнглини ишқ забот этган шоирлар кўп бўлмаса керак. Тўлан Низомни Аллоҳ севгидан кисмаган экан. Шунинг учун унинг энг яхши шеър ва достонларида ишқ, эътиқол шуъласи пордаб туради. Эҳтимол, мана шунинг учун хам шоирнинг бу китобига кирган “Гиря” достонини ўқиган киши ташки бир дунёга эмас, балки улкан бир шоирнинг кўнгил bogларига сайру саёҳат килгандай бўлади. Ундан инсонга бўлган меҳр-мухаббатни, садокатни,

бир-бирига ўзаро хурматни ўрганади.

Жон ва танимиз бўлган Ўзбекистонимизнинг бошига Хумо отлик қушнинг кўнганига 22 ийл бўлаяпти.

Хеч бир шубха йўкки, бу сермазмун тарих мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона ва одилона давлат сиёсатининг натижасидир.

Мукаммал маънавият миллий ўзликни англашдан бошланади. Миллий ўзликни англашнинг моҳияти эса шахснинг ўзи мансуб бўлган миллатнинг тарихи, жаҳон тафаккур хазинасига кўшган хиссасини яхши тасаввур килиш ва булардан ифтихор кила олиши, ўзи туғилиб ўсган Ватанга ва шу юртдаги барча маданият ва кадриятларга дахлдорликдан хузур, фаҳр кила олиши, бу кадр деган тушунчани ҳимоя кила олишидир.

Ўз миллатини, аждодларининг кимлигини биладиган, миллий гурури бутун одам бошка қавмларга ҳам эҳтиром кўрсата олади. Шоирнинг китобидан ўрин олган “Чўлпон”, “Хумо”, “Уч сўз (Бобур)”, “Рухи равоним” достонларида худди шу масалалар ёритилган. Уни ўқиган ҳар бир китобхонда ўз миллатига, Ватанга бўлган меҳру муҳаббати янада ошади.

Янги китоб чиқди. Айтишга осон. Аслида бу тинимсиз изланишлар, бедор тунлар эвази. Шу боисдан бўлса керак шоир ҳам:

Менинг ишим недур ўзим сезаман,
Соғ қалбимни ўзим ҳар кун тизаман.
Дам нимадур, тун бўйи иш қиласман,
Мен Ватаним юрагини чизаман.

дейди.

Мен Тўлан Низомнинг бу китобини ўқиб, бир дунё маънавий озуқа олдим.

Азиз китобхон! Мен сизни ҳам бу маънавий сарчашмадан баҳраманд бўлишингизга чакираман.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Яхши гапга чиқар илон инидан,
Бад сұхандан ярог чиккай кинидан.
Яхши сўзлаб ёвни ҳам ўртоқ килинг,
Белга ҳиммат камарин белбоғ килинг.
2. Яхшиларни, дўстларим, асрой билинг,
Қадрини, кимматини саклай билинг.
Ортидан отмангки гийбат тошини,
Ҳар качон ўз номингиз оклай билинг.
3. Тилдан чиқарма бу ёлғон сўзинг,
Бу ёлғон туфайли кародур юзинг.
Ёру дўстга доим яхшилик ўйла,
Улуғу кичикка бока бил кула.

II-ХАЁТ САБОҚЛАРИ

ИБРАТОМУЗ СУХБАТ

Тажрибанинг кўрсатишича, тафаккур учун кудай вакт саҳар пайтидир. Эрта туриб ишлашининг ҳосияти, ўзига хос завки ҳам бор; бу соатларда қандайдир сукунат, жимжитлик ҳукм суради. Бу жимжитликнинг қандайдир ўзига хос олийжаноб тили бор. У фикрни бир нуқтага тўплашга, кун давомида бўлиб ўтган воқеаларни тўғри тахлил килишга даъват килади. Шундай саҳарлардан бирида ушбу маколани ёзишга куни-кеча бир инсон билан бўлиб ўтган телефондаги киска, лекин эсдан чикмайдиган “кўштирнок” ичидаги ибратомуз сухбатимиз туртки бўлди. Бу хаёт тажрибаси. Зоро буни ўқиган оқил ва оқила ёшларга нафи тегиб қолса ажаб эмас.

Ўқиганим бор. Бир куни фалакнинг гардиши билан стол устида керосин лампа электр лампа билан учрашиб колишибди. Керосин лампа кўп умр кўрган, электр лампа эса унга нисбатан жуда ёш экан. Бекор турмай, улар ўзаро сухбат бошлишибди. Сиз улар сухбатига дикқат билан кулок солинг-а!

- Яша, ўглим. Доимо сог-саломат бўл! – дебди керосин электр лампага караб.

- Раҳмат! Факат марра бизники, ота! Шундай эмасми?, - деб кулимишиб ва кеккайиб, такаббуrona жавоб бериби электр лампа.

- Албатта, марра сенини, ўглим, лекин, масала шундаки, аввало, марра абадий ҳодиса эмас, балки саноксиз, кўп мэрралардан иборат. Шуннинг учун “Энди марра бизники”, деб ҳовликма, гафлатда колма, ўглим!

- Мана, сиз кариб колдингиз, мен эса сизнинг мэррангиздан ўтиб кетдим, шунинг ўзи мен учун ютук.

- Кеккайма, ўглим! Одобни ва камтарликни унутма! Агарда ҳақиқатни билишни истасанг, сени мэррадан ўтишинингта мен замин тайёрлаб берган эдим, буни унугланга ўхшайсан. Ўз вактида менинг ёргулигимда не-не олимлар, улуг зотлар ижод этганлар. Демак, сенинг эриншган муваффакиятингда ҳам, билиб кўйики менинг ҳам хиссам бор! Жамиятнинг равнаки ҳам шунда.

Ажабо, худди шу пайт электр кувватининг кучланиши пасайиб, яркираб турган лампа кизариб колишибди. Шунда керосин лампа синниклик, босиклик, камтарлик билан уни хижолатдан чикаришга ҳаракат килиб, дебди.

- Баракалла, ўглим! Бу кизаришинг сенда “хаёз” борлигидан далолат беради. Бу яхшилик фазилати!

- Раҳмат, ота!

- Иккинчи томондан, ёшлик гурури сенда кувват борлигидан гувохлик бермокда. Агарда бу кувватни тўғри, оқилона сарф қилсанг, шубҳасиз ажойиб ютукларга эришасан. Ако ҳолда, бутуналай куйиб колиб, ишга яроксиз бўлиб колганингни ўзинг ҳам сезмай коласан, ўслим.

Ибратли хикоя, шундай эмасми? Ҳаётнинг сабоклари фоят дарёжада ҳикматли, бебаҳо, конунлари эса мураккабдир. Ҳолбуки, буни баъзи кимсалар фоят енгилтаклик билан ечмоқчи бўладилар.

Минглаб йиллар давомида хаётда синалган ҳалол меҳнат йўли тургани ҳолда айрим кимсалар фирибгарлик килиб, “Муваффакият” козонмокчи бўладилар. Шубҳа йўкки, эрта ёки кеч бундай қалбаки “Муваффакият” совун кўпигидек йўқ бўлиб кетади. Ҳатто кўпинча, ҳалкимиз айтганидек, “Мен қиласман ўттиз, эгам қиласи тўккиз” бўлиб, ошиги билан бурнидан чикиб кетади. Чунки хаётда ажойиб тарози мавжуд. Бу тарозининг хусусияти шундаки, унинг бир палласида меҳнат, иккинчисида шунга яраша мукофот бўлган ҳолдагина, у мувозанатда бўлади. Бирок турли айёлликлар, нопоклик, адолатсизлик воситаси билан “Хўжа кўрсинг” қабилада уни мувозанатга “келтирган” билан, охири тегишли томонга тортилмай қолмайди.

Ҳар бир шахс яхши билиши керакки, икки нукта орасидаги энг киска йўл тўғри чизикдан иборатdir.

Ҳаётда исталган максад ва ниятга шу тўғри йўлдан боришинингизни маълум хаёт мактабини ўтган инсонлар сизга маслаҳат берсалар-у, сиз унга эътибор бермай, вактинчалик “муваффакиятингиз”, ха, вактинчалик “муваффакиятингиз” олдида эсанкираб, эгри-бугри йўлни танлассангиз, унда сиз бу йўлларда адашиб қолишингиз, айрим ҳолларда эса ўзингиз сезмаган ҳолда жарликка кулаб тушишингиз ҳам ҳеч гап эмас. Бундайларни хаётда кўрганмиз ва кўраяпмиз ҳам.

Ҳа, буни ҳаёт мактаби дейдилар. Бу мактабни ҳеч ким ва ҳеч качон битира олмайди; факат ҳар ким кўлидан келганича, маълумотига, ёшига, лаёкатига, меҳнатига ва бошидан ўтган, кечирган ҳаётига караб, унинг муаян “синфи”дагина бўлиши мумкин, чунки ҳаёт доимо ўсиб боради ва унинг “синфлари” кўп бўлади.

Кузатиш, ҳаёт сабоклари шуни яккол кўрсатадики, такаббурлик килиб, ўйламай қилган ишлар, айтилган гаплар узок яшамаса-да, лекин унинг тавбаю- пушаймони кўп вақт давом этади ва инсон хотирасидан чикмайди.

Хуллас, кишининг ҳаёти саноксиз сабоклардан иборат бўлиб, бу сабоклар фойдали ёки зарарли, ибратли ёки беҳуда бўлиши мумкин: ҳамма гап шундаки, ҳаёт сабоклари кандай бўлмасин уларнинг ҳар биридан тўғри хулоса чиқариб, фойдалиларини ривожлантириб зарарли ва беҳудаларини такрор қилмаслиkdir.

Тарихнинг улугвор чархи доимо айланиб туради ва табиатда ҳеч кандай куч йўкки, уни тўхтата олса! Тарих чархининг айланиши вактнинг биздан кочиб кетаётганидир. Шунинг учун ҳам гал унинг ҳар бир лаҳзасидан акл-идрокка суюниб, тўғри; оқилона фойдалана билишда.

Ҳакикат эгилади, букилади, лекиј асло синмайди. Менимча, ҳаётнинг энг мухим сабоги шудир.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Бўлсангчи агар раҳбар ҳар ишда адолат кил,
Бир хилда насиҳатни тинглашга хуб одат кил.
Қошинингга бўлиб муҳтожманд одам келса,
Бор сенда ахир имкон, албатта иноят кил.
2. Ким бўлма, ўзингта баҳо бер инсон,
Хар кимга, ҳаммага хос хато, нуксон.
Айбингни гапирса, газабга миниб,
Мактаса, ишониб, бўлмагин нодон
3. Кимки киссага кулок солса,
албатта ундан ўзига хисса олади.
4. Ҳаёт-энг яхши мураббийдир.

КАМТАРЛИК – БУЮК ХИСЛАТ

Кишилар Мажнунтол олдига ҳадеб келаверганидан Мирзатеракнинг гаши келиб, такаббурлик билан:

- Ёнимга, савлатимдан хайикиб, унча-мунча одам кела олмайди. Сенга ҳайронман, олдингдан одам аримайди, ё сени назар-писанд килишмайдими? Бунинг устига сени кўшикка солганларига бало борми? – дебди.

- “Сен, кибру ҳаво билан осмонга қараб интиласан. Соянг ҳам ўзингта яраша. Мен бўлсан ўзимни вояга етказган замин билан каттик боғланиб, унга хурматда-ю, таъзимда бўламан. Ёнимга кишиларнинг кўплаб келиши балким, ана шу камтарлигимдандир. Сен кибрликни касб килиб олиб, манманликка берилмаганингда эди, бунчалик эътибордан колмаган ва охири кесилаб, оёқ остига тушмаган бўлар эдинг” деб жавоб берган экан мажнунтол.

- Камтарлик – инсон киёфасини безовчи бебаҳо фазилатлардан

биридир.

Камтарлар – буюк бир хислат, яхши хаёт кечириш, инсон деган номни оқлаш, эл-юрт томонидан ардокланишнинг бирдан-бир манбаи.

Камтарларикни ўзига “либос” килиб олган инсонлар хаётдаги энг яхши, соғ виждонли кишилар бўлиб, ҳар кандай шәроитда, ҳар кандай лавозимда тўғри ва ҳакконий йўл тутадилар. Тўғри сўзлаб, тўғри юрадилар, олижаноб ва раҳм-шавкатлидилар, ҳамма ишни саранжом, осойиншта бажарадилар, манманликка, дабдабабозликка, ёлғон-яхшиликка йўл қўймайдилар. Шу боисдан донолар: “Доимо камтар бўл, камсукум бўл, кам бўлмайсан” деб утирадилар. Чинакам камтар кишилардан ҳар кандай буюкликни, ҳар кандай фидойиликни кутиш мумкин.

Хожа Яҳмад Яссавий ўз хаётларида жуда камтарин бўлган, ўзини ўзгалардан устун қўймаган экан. Валиман деб кибру ҳавога берилмаган, ўзини ва ўзгаларни камтарларикка чакирган экан. У ер юзида пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломдан ортиқ яшашини нокамтарлар билиб, ботиний яшашга аҳд килганлар ва тириклай ер остига кирганлар. Ер ости хужрада яшай бошлиган шоирни зиёрат килиш учун узок-яқиндан одамлар келишган, лекин Аҳмад Яссавий улар қошига онда-сонда чикар ва ўз ўйтларини айтар эканлар. У ўз ўйт ва ҳикматларида камтарларик, ростлик, покликни, баланд тутган эканлар. Кўнгил ва тил бирлигини кадрлаганкан.

Алишер Навоий инсонлардаги камтарларикни юкори баҳолаган.

Шайх Баҳоуддин Накшбанд камтарларикни ҳамма нарсадан юкори қўйиб, кўнгилни ранжитишни қабоҳат деб билган.

Баҳоуддин Накшбанднинг камтарларигини унинг яшаш мазмунидан ҳам кўриш мумкин:

Баҳоуддиннинг уйи, оиласи йўқ бўлган экан. Бир бурда ион, бир култум сувга каноат қилган эканлар. Хизматкор сакламаганкан. XIV-XV асрларда Мовароуннахр ва Хурсонда кенг таркалган Накшбанд таълимоти одамларга бегараз ёрдам бериш, ўз меҳнати билан факирона ҳалол яшаш, ҳаммага раҳм-шавкатли бўлишни тарғиб қилган.

Яқин ўтмишдаги буюк алломаларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпонлар ҳам заҳматкаш кишилар сифатида ҳамиша элу юрт ардоғида бўлганлар. Бугун биз уларнинг қолдирган мерослари билан ҳакли равишда фаҳрланамиз, уларнинг муборак номларини гурур билан ёд этамиз.

Шарқ донишмандларидан бири: “Ҳар кишининг бўйнида иккита занжир бўлур. Бирининг учи етти кат замин қарида. Кимки тўғриликка эътиқодли бўлса, юкоридаги занжир тортилур. Бундай одам ҳалқ ичидаги улуғ ва азиз бўлур. Кимда ким эгрилик ва такаббурликий одат килса, пастки занжир тортилур ва ундан инсон эл орасида хор ва безътибор бўлур” деган эканлар.

Бу хусусда шоир Эркин Вохидовнинг қўйидаги шеърий мисралари
ҳам ибратлидир:

Гарчи шунча мағрур турса ҳам
Пиёлага эгилар чойнақ.
Шундай экан манманлик нечун,
Кибру хаво нимага керак?

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма гуур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

Камтарлик кишиларни бир-бирига якинлаштиради, такаббурлик эса
узоклаштиради. Зоро ҳалол, камтарона меҳнат билангида эл ҳурматнин
козониш мумкин.

Камтар инсон бошқалардан ўзини устун қўймайди, ўзига бино қўйиб,
сохта шухрат кетидан кувмайди, ютуклардан эсанкирамайди,
мағлубиятдан ўзини йўқотмайди ва мақтанчоқлик килмайди.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Йўқ нарса ҳам бор бўлур, сен камтар бўлсанг,
Бор нарса ҳам йўқ бўлур, сен манман бўлсанг.
2. Мактанган панд ейди, камтарин қанд ейди.

ДИЛНИ ДИЛГА УЛАЙДИГАН БАХТ КЎПРИГИ

Ривоят қилишларича, бир донишманднинг икки шогирди бўлган
экан. Бир куни улардан бири донишмандга таъзим килиб: “Ҳурматли
устоз! Биз иккимиз хозир йўлда келаётib, бир можарали гувоҳи бўлдик, -
дебди. Икки киши бир бири билан муштлашиб, ҳолдан тойган бўлсаларда,
тиллари тийилмасди. Менинг наслим фалон, сеники фалон” деб бири
иккинчисини ҳакоратларди.

Кишиларда бир бирини менсимаслик, кибру хаво, меҳр оқибатнинг
йўклиги, ҳасадгўйлик туфайли шунга ўхшаш ходисалар рўй бераяпти, деб
йўладик. Мана шу ноҳушликларни тугатиб, барчани бир бирига дўст-инок
килиш имкони йўқмикан?

Донишманд шогирдлари сўзини диккат билан тинглаб, шундай дебди:
“Ҳакикатан ҳам инсонларни бир бирига меҳр оқибатга, инсоф, ақлга
чакирадиган чора борми? Сизлар менинг ақлли шогирдимсизлар. Дунёда

иложсиз иш йўқ. Сизларга бир ой муддат. Шу муддат ичида ахтаринг, ўрганинг, дилни дилга улайдиган баҳт кўприги нима эканлигини топинглар”.

Икки шогирд, таъзим бажо айлаб чикиб кетишибди. Улар бир ой мобайнида китоб вараклаб, хикматлар дурдонасини йигишибди. Шахар ва кишлеклар кезишиб, одамлар билан сухбатлашибдилар. Нихоят муддат этиб, улар донишманд хузурига келишибди.

“Устоз! Биз кишилар қалбидан чукур жой оладиган бир сирли сўзни топганга ўхшаймиз. Бу сўз бизнингча “Ассалому алайкум”дир”. “Ассалому алайкум!?” – ажабланибди донишманд. – Ҳа, устоз! Бу сўз бошқаларга тинчлик, осойишталик, саломатлик бўлсин, деган маънони англатаркан.

Бу сўзнинг таъсирини кишилар муомаласида синаб кўрдик. Дијларга меҳр, юзларга табассум югурди. Ҳатто ёш болалар, жажжи кизлар хам ота-она, бува-бувиларига, кўшниларига, барчага бу сўзни айтишга ўргана-бошладилар. Улар ўртасида дўстлик, ўзаро хурмат кучайди. Ўйлаймизки, бу сўз бутун дунёга тонг нуридек тарағусидир.

Донишманд хурсанд бўлиб, дебди: “Балли доно шогирдларим, ноёб сўзни топибсизлар, энди уни янада кенг ёйлик, токи у барчага баҳт келтирасин”.

Дарҳакикат, “Ассалому алайкум” сўзи хикматли сўздир.

„Ассалому алайкум”-мен сизга соглик, тинчлик тилайман. „Ва алайкум ассалом”-сизга ҳам соглик, тинчлик тилайман, деган маънони англатади.

Ҳар бир инсон ҳаётда яшар экан, ўз ҳалқининг одоб-аҳлоқ коидаларини ўзида мужассамлаштириб бормоги лозим. Одобли инсонни меҳрибонлари кўп бўлади, эл-юрт олдида обрўйи баланд бўлади. Одоблилик туфайли куч билан эришиш мумкин бўлмаган галабага ҳам эришиш мумкин.

Одоблиликнинг энг асосий мезонларидан бири – саломлашишдир. Ҳалкимиз азалдан инсонга салом беришни бурч деб билганлар.

“Меҳрибонлик нимадан бошланади”, деб сўрашганда, бир донишманд “Ассалому алайкум”дан деб жавоб килган экан. “Ассалому алайкум” деб сўрашиш ҳалкимизнинг энг қадимги ва энг яхши анъаналаридан бири бўлган илик муносабатларининг ифодаси сифатида ишлатилади. Ҳар бир саломлашишдан сўнг иккала томонга ҳам баробар бўлган иликлик ва ўзаро ҳурмат пайдо бўлади. Саломлашиш туфайли кишилар ўртасидаги гина-қудрат, ҳатто адоват йўқолади. Қаршингда келаётган инсон олдидан кўзни лўқ этиб ўтиб кетиш мусулмон киши учун уят. Ҳалкимиз “Мусулмонни саломидан бил” дейди. Ахир инсонларга хотиржамлик, саломатлик тилаги, шукронаси бўлмаган инсоннинг қалбида эзгу

туйғулар, ҳаётга мұхаббат бўлармикан? “Инсонга шукрона айтмаган киши худога шукрона айтмайди” дейилади ҳадисларда.

Бирорвга хат ёзсан, аввало саломдан бошлаймиз. Бинобарин салом-радди бало.

Саломлашишнинг ҳам шартлари бор. Ёци катталарга, аёлларга олдин салом берилади. Кейинги йилларда саломлашишда ҳам Оврупача тахлид кила бошланди. Айрим шахслар ўзларига номуносиб бўлсаларда, кўлларини пахса қилиб “Хелло”, “Чао” каби ибораларни ишлатиб саломлаша бошлишди. Кўпчилик эса бу улуғ сўзни бузиб “Ассалому алайкум” ўрнига “Сом алайкум” дейишадиган бўлишди. Агар шу кишилар “Сом” арабча сўз бўлиб, “Ўлим” маъносини англатишини, демак “Сом алайкум- сизга ўлим тилайман” деган мазмун беришини билсалар, балки бундай салом беришга чек кўйган бўлармидилар?

Бундан ташкари, айрим холларда эркакларни бир бирлари билан лабларини чўччайтириб, оғизларидан ўпишиб кўришишларини кузатамиз. Бу хол батамом одобсизлик белгисидир.

Ўзбек урф одатларига кўра эркаклар бир бирлари билан кучоклашиб кўришган пайтида, юзларини юзларига босадилар, аммо ўпишмайдилар.

Лекин ота-оналар ва фарзандлар, aka-ука, опа-сингиллар кўришганда юзларидан ёки пешоналаридан ўпиб кўришадилар. Яқин аёллар ҳам бир бирлари билан кучоклашиб кўришганларида факат юзларидан ўпишадилар. Ҳар икки ҳолларда ҳам оғзидан ўпиб кўришишлик гигиеник нуткни назардан ҳам бизнинг урф одатимизга хос эмас.

Салом-алик килиш ҳам ўзига хос санъят бўлиб, уни юксак маданият билан бажармок зарур. Чунки, ўта зукко ҳалкимиз кўпинча кишининг салом бериши, кўришишидаги одобига караб, канчалик тарбия кўргани ёки кўрмаганлигига баҳо беради. Оддий одамга оддийроқ, амалдорга бошкacha, ўта такаллуф билан салом берилса, атрофдаги кузатиб турган кишилар салом бераётган кишини лаганбардор, хушомадгўй деб баҳолаши мумкин. Бу эса одамнинг кўпчилик орасида оладиган баҳосини настлатади.

Саломлашганда бир бирларининг кийимиға эмас, балки юзига караб, хиёл кулиб, очик чехра билан туриш таъбирга жоиздир. Бошка томонга караб, кўл бериб саломлашиш ўта одобсизликдир. Кўпинча кишилар бир биридан узоқ масофада турганларида ўнг кўлинини чап кўксига кўйиб, саломлашиш ишорасини киладилар. Бу албатта, истисно холатларидандир. Салом берганда “Ассалому алайкум” дея тўлик салом бериш керак. Унга жавобан тўла “Ваалайкум ассалом” деб овоз чиқариб, дадил жавоб бериш максадга мувофиқдир. Саломга мингирлаб кўйиш ёки бошини кимирлатиб кўя қолиш ҳам одоб коидасига зиддир.

Ўзбек урф одатига кўра эркаклар кариндош ёки якин аёллар билан

кўришганларида гавдаларини бироз аёл томонга эгиб, ўнг елкаларини тутадилар. Аёл эркакнинг ўнг елкасида силаб, юзига суртади. Ўзига таниш бўлмаган аёл ёки қиз бола билан кўришганда эса, ҳар икки томон ўнг кўлини чап кўксига кўйиб, салом алик қилишади.

Кўл бериб сўрашиш жуда кадимиј жанговар одатларга бориб такалади. Ҳарбийлар орасида сулх-салоҳ бўлганда бир бирларига қўл берганлар: бу мана, кўриб кўй, кўлимда курол йўқ, дўстлик, тинчлик таклиф этаман, деган маънони билдирган. Бу жуда кўп халкларда одат тусига кирган ва ҳозирда ҳам ўз маъносини йўқотгани йўқ. Лекин кўл билан кўришаётган пайтда бир бирларини кўлларини каттик сикиб, оғритиш ёки кўлини учнингина бериш ҳам беодобликдир. Бундан ташкири, эркаклар аёлларга, болалар катталарга аввал кўл узатмайдилар. Ёшлар ўзидан катталарга икки кўлини бериб кўришганлари маъкулроқдир.

Дастурхон атрофида, кизгин сухбат кетаётган чогда, кеч келиб, сухбатини бўлиб, ҳамма билан қўл бериб кўришилик (агар даврага кириб келган одам бошқа юртдан ёки узок касалликдан сўнг, сафардан келгани бундан истисно) шарт бўлмаса керак. Бундай холларда ўнг кўлини чап кўксига кўйиб саломлашиб, узр сўраб даврага кўшилгани маъкул.

Агар сиз бировга салом берсангиз, у алик олмаса – бу ҳам одобсизлик белгисидир. Иззат-икром кўлдан кетмасин деган одам саломни аликсиз колдирмайди.

Айтишларича, пайғамбаримиз Муҳаммад алайхиссалом биронни кўрганларида, деярли хамиша ундан олдин салом бериб улгурад эканлар. Чунки бирордан саломни кутиб ўтиришликнинг ўзи ҳам одобдан эмасдир. Шунинг учун донишмандлар: “Салом – карзи Худо”, дейдилар. Одамлар орасида салом алик йўколмаган мамлакатда хайру барака ҳам кўтарилмайди.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Бир сўз бор, у эрталабдан бошланур,
Одобнинг боши ҳам – ундан бошланур.
Уни одат килган етар муродга,
Одат килмаган-чи, колар уятга.
2. Омон берди, элга салом килувчи,
Саломатлик топди, алик олувчи.
Салом бўлди одам тинчига гаров,
Соғлик олар, салом билан қолувчи.

3. Дил меҳригиёси саломим менинг,
Юрагим кимёси саломим менинг.
Ҳақ ёки ноҳақдан кўнгил синганни,
Алар мўмиёси саломим менинг.

СЎЗЛАШ ОДОБИ ВА МАДАНИЯТИ

Инсон одобини, хулқ-авторини кўз-кўз қиласиган хислатлардан бири – унинг сўзлаш одобидир.

Ота-боболаримиз: “Киши жамиятда яшар экан, сўзлаш одобига қаттиқ риоя килиши, ўйлаб гапириши, бўлар-бўлмасга сўз котмаслиги, тилини тийиб юриши зарур. Аск ҳолда бошига бало орттиради, ўзига зиён-захмат етказади”, деган фикр билдирганлар. Шу боис, улар сўзлаш одоби ва маданияти ҳакида жуда кўплаб маколлар ёзиб колдирганлар.

Мана шулардан баъзилари: “Сўз-кишининг ўзаги, одоб унинг безаги”, “Таом лаззати ўзида, одам лаззати - сўзида”, “Сўзлагувчи нодон бўлса, тинглагувчи доно бўлсин”, “Айтар сўзни айт, айтмас сўздан кайт”, “Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил”, “Ширин тил ош едирап, аччик тил тош едирап”, “Ўзи юзсиз, сўзи тузсиз” ва ҳ.к.

Кўпни кўрган кишилар: “Доно кишининг тили юрагининг ичидаги бўлади, агар у сўзламокчи бўлса, юрагининг ичига назар солади, фойдали бўлса сўзлайди, фойдали бўлмаса тилини бехуда кимирлатмайди. Нодон одамнинг юраги эса, тилининг устида бўлади, шунинг учун у тилига нима келса қайтармайди, юрагининг тубига назар солмай, бўлар-бўлмас гапларни алжийверади, натижада у бебурд бўлиб қолганини сезмайди. Шунинг учун бўлса керак, донолар: “Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир” дейишади.

Кишининг сўзи унинг калбидан ҳабар беради. Калби пок бўлса, яхши сўзлар, қалби нопок бўлса, асоссиз, беъмани ва тутуруксиз сўзлар чиқади.

Чиройли сўз, агар у рост айтилган бўлса, айтувчига ҳам, эшитгувчига ҳам манфаатлар етказади. Агар аксинча бўлса-чи?

Бу борада донишмандлар: “Эй инсон! Сен бирон нарса ҳакида гапирмоқчи ёки ҳабар бермоқчи бўлсанг, аввал ўйла, шошилма, кўрган ёки билган воқеани айнан ўзини баён эт. Ўз манфаатинг йўлида шубҳали нарсаларни ростдек килиб сўзлама, бирорни бугун мактаб, эртага ёмонлаб букаламундек иш тутма. Оқибат натижасида сенинг сўзларинг ҳеч кимга зарар келтирмасада, ўзинтга зарар келтиради, кейинчалик ҳеч ким сенинг сўзларингга эътибор бермай кўяди, одамлар ичидаги бурдинг кетади. Чунки сени тингловчиларнинг кўпчилигини ахли-фаросати сеникidan юқори бўлиши мумкин. Билгинки, кўп гапириш ақлнинг озлигидан, ёлғон сўзлаш

ироданинг заифлигидан далолат беради. Ўйламай, тўғри гапирайпман деб гапиравериш – сурбетликдир. Шу боис: „Тилингга эҳтиёт бўл, оғзингдан доимо маънили сўзлар чиксин”, деган эканлар.

Яна улар айтган эканларки: “Мулойим, тўғри сўз котиб тошга айланган юракни ҳам юмшатади. Қўпол ва асоссиз сўз эса, юмшок юракни ҳам метинга айлантиради”.

Шу боис тўғри сўзлик, кам сўзлаш, айттанини амалда исботлашга одатланмоқ лозим. Тийилган яъни айтилмаган сўз туфайли кишининг кўнгил тўқ, дили – хотиржам бўлади.

Шундай экан, яхши ва ёмон, фойдали ва заарли, керакли ва ортиқча сўзларнинг чегараси каерда? Буни қандай билиш, ажратиш мумкин? Уларни белгиловчи меъёр нимада? деган саволларни пайдо бўлиши табиийдир.

Бу дастлаб сўзни кишига ёкиш-ёқмаслиги, бошқаларнинг бунга муносабати билан ўлчанадиган ходиса, Ортиқча сўз, жонга тегадиган, кишини зериктирадиган бўлади.

Ривоят қилишларича, бир подшоҳнинг жуда ҳам чиройли оти бор экан. Подшоҳ отини жуда севаркан. Кунлардан бир куни шу от касалланиб, ўлиби. Ғазаб отига минган подшоҳ отбокарни ўлдириш касдида уни хузурига чорлабди. Подшоҳни доно вазири бор экан. Вазир орага тушиб, подшоҳни бу ниятидан кайтармоқ учун унга мурожаат килибди.

- Подшоҳим, сабр килинг, аввал бу ярамас отбокарнинг килган жинояти қандай натижалар берганини ўзига бирма-бир айтайлик, икror бўлганидан сўнг ўлдирсангиз бўлади, - дебти.

Кейин отбокарга, гўё газабланган бўлиб, айтибди:

- Эй ярамас отбокар, килган жиноятингнинг келтирган ёмон натижаларини биласанми? Билмасанг, мен бирма-бир айтиб берай,

айбингга икror бўлсанг, ўлимдан озод бўлиб, яна хизматингни давом эттираверасан.

Биринчидан, биламиз, подшоҳимизнинг отини яхшилаб бокдинг, унинг ўлишини эмас, ҳатто касал бўлишини истамадинг, лекин бечора от казоси етиб, ўлиб колди. Бало казони кайтариб, отнинг умрини узайтиришга нега кучинг етмади? Мана шунинг учун айбдорсан, тўғрими? Эй нобакор отбокар, айбингга икror бўл!

Иккинчидан, биламиз, отни сен ўлдирмадинг, умри тугаб, казоси етиб ўлди, лекин подшоҳимиз сендан гумон килиб, шу даражада газабландиларки, муборак кўлларига килич олиб, сени ўлдирмоқчи бўлдилар. Бу ишлари билан оламга кулги бўлишларига сал колди. Бунинг учун ҳам сен айбдорсан, айбингни бўйнигга ол!

Учиничидан, подшохимиз бир от деб сени ўлдирсалар эди, бутун одамзод: - Фалон подшох бир ҳайвон деб отбокарини ўз кўли билан ўлдирган, инсондан ҳайвонни ортиқ хисоблаган, инсоннинг қадркимматини ерга урган”, - деб подшохимизга лаънат ўқирдилар, нафрағ назари билан бокардилар, шу билан подшохимизнинг муборак номлари булғанарди. Бунга, яна сен сабабчи бўлардинг. Кел, подшохимизга узр айт, ҳамма айбларингта икрор бўл, ундан кейин подшохимиз нима қарорга келадилар, ўзлари биладилар. Менинг сўзларимни уқдингми, ярамас отбокар?

Подшоҳ тадбирли вазирнинг кинояли сўзларидан таъсиrlаниб, кўлидаги киличини улоктириб, отбокарни ўлдиришдан қўл тортиби, уни яна ўз хизматига кўйибти.

Шундай килиб, тадбирли вазир Сўзни жой-жойида ишлатиб, газаб отига минган подшоҳни ножӯя ҳаракатдан тўхтатиби, уни огохлантирибди, шу билан гуноҳсиз отбокарни ўлимдан куткарибди.

Демак, ҳар бир сўзни ўйлаб, тушуниб, тарозига солиб гапирмоқ кўп наф келтиаркан.

* Кўп сўзлаш – донолик белгиси эмас. У – эзмалик автоматидир. Ҳеч ким кўп сўзлаб, доно бўлган эмас. Аммо кўп эшишиб, оз сўзлаш, фикри кучли мулоҳазаларга таянтириш кишини кусурлардан холи килади.

Киши учун жуда керакли бўлган икки аъзо бор: Бири тил, бошкаси – юрак. Тил сўз учун, кўнгил эса шу сўздан лаззатланиш учун берилган. Шу туфайли, тўғри, фойдали, рост сўзни сўзлаш учун тилни тебратмоқ керак. Эгри, яроксиз сўзларни ташкарига чикаргандан кўра, тилнинг ҳаракатсиз колгани маъкул.

Агар йигилишда сизга сўз беришса, максадингизни қиска ва лўнда баён этишга ўрганинг. Хитойда шунга амал килиш учун, музокарага чикувчиларни бир оёқда туриб сўзлашларини сўраларкан. Шунда нотик оёги чарчагунча ўз фикрини баён этиб улгуриши керак экан.

Сўзлаш олдидан аклингизни пешлаб олиб: “Шуни гапирсан бўладими? Сўзларим бошқаларга маъкул бўлармикан?”, деган саволларни ўзингизга ўзингиз бир бериб кўринг. Кўрилаёттан масалани асл моҳиятига тушуниб етинг. Аклингиз етмаган масалаларга аралашиб, нотўғри фикрлар билан бирорларни бошини котирманг, вактини олманг. Чунки сиздан кейин шу масалани тўғри таххил килиб, ўзининг фойдали фикрларини билдирувчиларга вакт етмай колади.

Улуғлар айтар эканлар, беш пайтда одамнинг тили жим бўлмаса, ундан тилнинг борлигидан кўра, соков бўлмоги афзалдир. Биринчи, кўп гапиришда, иккинчи, касам ичишда, учинчи, кишини уялтириб кўядиган, бехуда ҳазил-мутойиба пайтида, тўртинчи, кишини ёмонлаб тилга олишда, бешинчи, - ўзини бошқалардан юқори кўйиб, мактаниш пайтида.

Шундай экан, кўп ва нотўгри сўзлаб, шоир айтганидек куйидаги холга тушиб қолмаслик керак:

Қадрим пастга тушди, тубанлашдим мен,
Биламан, аслида бир оз шошдим мен.
Тарозига тортиб кўрмайин тошдим,
Хом сут эмган банда, хаддан ошдим мен.

Ҳаёт сабокларидан маълумки, мулойим ва тўғри сўзловчи кишиларнинг обрўси кундан-кунга ошиб бораверади, кўпол ва маънисиз сўзловчилардан эса одамлар кочади.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Оғзига келганини демоқ нодоннинг иши,
Олдига келганини емоқ ҳайвоннинг иши.
2. Сўз – инсон юрагининг қалитидир.

ХУШХУЛҚИЛИК ВА ҚЎПОЛЛИК ҲАҚИДА

Буюк аллома Абу Наср Фаробий: “Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ахлок билан белгиланади” деган эди.

Маълумки, кейинги пайтларда хаётнинг жўшқинлиги туфайли инсонлар ўртасида мулоқат доиралари кенгайиб бораётди. Бу хол инсонларнинг асаб тизимиға таъсир этишини ҳисобга олиб, улар ўртасидаги муомала маданиятига катта эътибор берилишини такозо этаяпти.

Мулоқат доирасида ўзини тута билиш, сухбатдошнинг ҳар бир сўзини диккат билан тинглаб, уни мағзини чақиб хуласа чикариш, мулойимлик, гўзалликни хис қилиш каби омиллар мухим аҳамият касб этади.

Шуни билиш керакки, инсоннинг ақли, ҳаракати ва одоби кишилар назаридан ҳеч қачон четда қолмайди, бошқалар томонидан ҳар доим баҳоланиб турилади.

Савол тугилади: “Мулоқат пайтида нима асосий ўрин тутади – аклми ёки одобми? Иккалasi ҳам. Улар бир-бирини тўлдиради.

Одатда мулоқат пайтида, даставвал акл-идрокка нисбатан инсоннинг ҳулк-атвори кўзга ташланади: олдин кўз маъқуллайди, кейин юрак, қалб асосий гапини айтади.

Агар кишининг акл-идроқи кам бўлса, унинг одоби сунъий бўлади. Унинг одамлигини биласиз-у, одамийлиги йўклигидан ҳайратланасиз.

Одатда, ҳаётда турли инсонларга дуч келасиз, бирлари, бирорларга яхшилик килсан, оғирини енгил қилсан, деган шиор билан яшовчи

камтар, ҳалол, түгрисүз, шириңсұхан, одобли инсонлар бўлса, иккинчилари эса ҳамма нарса ўзим учун бўлса, бирорлар билан нима ишим бор, деган шиорни қурол килиб олган виждонсиз, иккисизламачи, лаганбардор, кўпол инсонлардир.

Одобли инсонлар камтар ва сәмимий бўладилар. Улар ўзларининг бутун кучлари, билимларини жамият учун, ҳалқ учун баҳшида этадилар. Бунинг учун ҳеч кандай мукофот талаб қилмайдилар, килган ишларини миннат этмайдилар.

Шоирнинг: Доно сира “Мен” демайди, “Биз” дейди,

Ҳахси одам кичикни ҳам “Сиз” дейди.

Ҳалол одам мол – дунёни ўйламай,

Эл-юрт омон бўлсин, деяғам ейди.

деган сатрлари шу инсонлар учун каратилган бўлса керак.

Одобли инсонларнинг ҳислатларидан яна бири шириңсұханлик, ҳушмуомалаликдир. Ҳушмуомалали бўлиш – атрофдаги барча кишиларни ҳурмат килиш, бошқаларга ҳалал бермасдан, аксинча уларнинг ишларига ўнгайлик тугдирishiга интилишдир. Зоро, тарбия кўрган киши инсон шахсини бенихоя ҳурмат килади, унга доимо муруватли ва кўнгилчан бўлади.

Донолар айтганидек, ҳушмуомалаликдан – улуғлик, каноатдан роҳат, ихлосдан – муҳаббат пайдо бўлади.

Хушфеъл кишилар билан ҳамсуҳбат бўлсангиз, кўнглингиз ёзилади. Кўнгли пок инсон тўғри сўзлайди, ҳалол бўлади, фиску-фасод билан шуғулланмайди.

Шириңсұханлик, хушфеъллик, манзират, илтифот ҳаётимизни безайди, унга гўзаллик беради. Ҳудди шундай фазилатли кишилар ҳам ўзларини, ҳам бирорларнинг кайфиятини кўтаради. Шу боис, ҳушмуомалаликдан ҳушмуомалалик тугилади, дейишади.

Шириңсұхан, хушфеъл инсонлар кандайдир алоҳида маҳсус жойларда этиширилмайди. Улар жамиятда одамлар ичида этишади, яхшилар билан ўзаро ҳамсуҳбат бўлиб, яхшилар теварагида айланиб камол топадилар.

Улар беадаб инсоннинг ножӯя ишларини кўриб, ижирганиб, одобли бўлишга интиладилар. Агар кишининг сұхбатдоши кўпол бўлса, ушбу кўполникдан у озор чекса, кейинчалик шу кўпол сұхбатидан кочади, шунда у хушфеъллик томон бир кадам олга ташлаган бўлади.

Шириңсұхан, хушфеъл инсонларнинг акси бўлган кўпол, одобсиз инсонлар қаерда пайдо бўлади?, деган саволни пайдо бўлиши ҳам табиийдир.

Моҳир жарроҳ Ф.Углов бундай шахслар ҳам онадан кўпол, одобсиз, дилозор бўлиб тугилмайдилар, улар ҳам оиласда, маҳаллада, жамоада ҳаёт

давомида меҳрсиз, орсиз, иккюзламачи, ҳасадгўй бўлиб ўсадилар. Атрофдагилар андишага бориб, уларга инсоф кириб колар, деб умид киласилар. Лекин, шундай бўлиши кийинрок кечади, ёки умуман кечмайди.

Бундай инсонлар билан сухбатдош бўлиб колсангиз, улар ўзларининг кўполликларини оклаб, “Мени характерим шунака” деб қўйишади.

Уларнинг фикрича кишилар уларнинг кўполликларини кечиришлари керак экану, улар ўзларининг дилозорликларини эса қилаверишлари керак экан. Агар шу инсонни ўзига сиз ҳам кўполик билан жавоб кайтарсангиз, у чида буролмай, сизни ноҳак ҳакоратлади.

Сиз бирор яхши ташаббус билан чиқсангиз ва уни аъло даражада бажарсангиз, буни “Биз” килдик деса ҳам майлия, уни “Мен” килдим деб, ўзгаларга мактанади. Агар бирор изжобий иш килинса уни ҳаммамиз килдик демай “мен-менлаб» колади. Халқимиз орасида юрган: “Мехнатни ўнг кўл киласи, узукни эса чап кўл тақади” деган накл балким шундай инсонлар учун яратилгандир.

Бу шахслар одатда кўпинча “ҳасадгўй” бўладилар. Улар кўзларини бакрайтириб туриб, худди ҳеч ким сезмаётгандай сизга ёлгон гапириб, сизни авраб, хушомадона муомалада бўлишга харакат киласилар, аммо уларнинг кўнгилларида эса “ҳасад” ўти ёнади.

Бундай шахслар бошкамар олдида ўзларини маънавияти юксак, бой килиб кўрсатишга уринадилар, ҳаммага акл ўргатадилар, ўзидан яхши таъсурот колдиришга ёлгоңдакам харакат киласилар. Лекин, булар ҳамма ерда ҳам ўзига яраша хисоб-китоб борлигини, атрофдагиларни ҳаммаси ҳам улар ўйлаганичалик “ахмок” эмас эканликларини гўёки сезмайдилар.

Ривоят қилишларича бир куни жаноби Расулуллоҳ (САВ) сахобаларига караб айтадиларки: “Биласизларми, мискин бечора ким?”, Сахобалар жавоб бердилар: “Мискин бечора деб на пули ва на матоси бор кишини айтurmиз”. Шунда пайғамбаримиз айтибдиларки: “Йўқ, мискин бечоралар деб шундай одамларни айтадиларки, менинг умматларим киёмат куни махшаргоҳга йигилган пайтларида, уларнинг ичидаги намозларини ўз вактида ўқиган, рўзалар тутган, закотларини ҳам адо этган мусулмонлар бўлади. Лекин улар бошка айблари сабабли мискин бечоралардан ҳам баттар хисобланурлар”. Чунки улар ибодатларини муқаммал килганилари билан бирорларни сабабсиз сўккан, ҳакорат килган ёки ноҳак зулм ўтказган бўладилар. Ана энди махшаргоҳда ўша мазлум, жафокаш кишиларга Ҳақ Таоло булардан касосларини ундириб беради, яъни канча зулм ўтказган бўлсалар, шунча миқдорда килган хасанотларидан – савоб ишларидан олиб, шу мазлумларга бўлиб беради. Агар килган савоб ишлари тўлашга етмаса, мазкур мазлумларнинг гуноҳларидан олиб, ўша золимларга ёзилади. Савоблар тугаган ва унинг

устига халиги мазлумларининг гунохларини ҳам ўзларига олганларидан кейин табиийки, жаҳаннамга ташланурлар”, деб жаноби Расулуллоҳ ўз умматларига разил сифатларнинг оқибати қандай мудхиш эканлигидан хабар берган эканлар.

Яна Пайгамбаримиз: “Жабру зулмнинг турлари, жуда кўп. Масалан, ота-оналар ўз фарзандларига яхши тарбия бермаётган бўлса, бу ҳам зулм. Оила бошлиги ўз рўзгори учун зарур нарсаларни мухайё килишга харакат килмаётган бўлса, бу ҳам зулм. Аёл киши ўз эрига хиёнат килса, эрининг топаётган маблагидан сўрамай, каёкларгадир сарф килаётган бўлса, бу ҳам зулм. Қайнона ўз келинларига ўтгай оналардек каттик муомалала бўлаётган бўлса ва аксинча келин қайнонага нисбатан адолатсиз бўлса, бу ҳам зулм. Хуллас, кўлидан яхшилик келадиган одам ёмонлик килса ёки ёрдам қилишга кудрати еттатуриб, ёрдамини аяса, демак унинг бераҳм, бешафқат, балки золим одам эканлиги, маълум бўлади”, - дейдилар.

Ўз манфаати йўлида хеч нарсадан кайтмайдиган инсонларнинг бирорларга қасофати тегишини хисобга олиб, уларга зинҳор-базинҳор ёндашмасликни кўпни кўрган инсонлар: Ёмонга ёндашма, яхшидан адашма” деган накл билан ифода этганлар.

Ҳаёт инсонга бир маротаба берилади. Шундай экан, бундай инсонлар билан ўз қадр-кимматингни саклаган ҳолда муомала килганинг маъкул. Ҳалкимизда: “Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча, эгилганга эгилгин бошинг ерга теккунча”, деган накл бор-ку.

Бундай шахслар улар билан бирга турли ҳулқ атвортади, ҳурматга лойик инсонлар ҳам ишаётганиларини унутмасликлари лозим. Аск ҳолда, бир куни келиб бу шахс кишилар ўртасида ўз ҳурматини йўқотади, бебурд бўлиб колганини сезмай колади.

Инсон шуни билиши керакки, куч билан эриша олмаган нарсага яхши сўз билан ҳам эришиш мумкин, ундан мохирона фойдаланилса, у кўплаб мўъжизалар яратади. Шу боис: “Сўз сехридан кучли нарса йўқ бу дунёда”, дейишади.

Буюк рус шоири Л.Н.Толстой: “Инсонга яхши сўз гапиришлик, эътибор килишлик – буюк хислатдир, унинг ёрдамида инсонлар бирлашадилар, агар эътибор бўлмаса, меҳр кетади, мухаббат кетади, улар ўринини нафрат олади”, деган экан. Шунинг учун кишиларнинг бир-бирига бирлаштирадиган эътибордан айрилмайлик.

Азизлар! Келинглар, бир-биримизга меҳрли бўлиб, бир-биримизни асрайллик, асабларга дам берайлик. Қаерда хуш-хулқли, хушмуомалали инсонлар кўп бўлса, у ерда кишилар инок яшайдилар, сихат-саломатликлари яхши бўлади, узоқ умр кўрадилар.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Насихат ҳакикий даво, уни тинглаган одам, ёкимсиз хулклардан озод бўлади.
2. Ростгўйнинг ҳамиша юзи ёрут, дили шод бўлади.
3. Чўқкига чикиб, ҳарсангтош қулатиш, бироннинг миннатини кўтаришдан енгилроқдир.
4. Кишидаги яхши фазилатларни йўқотиб, ёмон ҳислатларни юзага чиқарадиган нарса - манманлик ва баҳилликдир.

ЁШЛАРНИНГ КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ

Маълумки, кийиниш – бу маънавиятнинг бир қирраси. Охирги пайтларда йигит-қизларимизнинг кийиниш эркинлиги, маъсулнити ва маданияти ҳакида кўп гапирилмоқда. Чунки кундан-кунга айrim ёшларимизнинг кийимлари ярим ялонгоч, докадай майнин, тор, йиртик, хуллас аянчли тус олаётганлигини гувоҳи бўляпмиз.

Агар инсон ўз уйида юрган бўлса, унинг кандай кийиниши ўзининг шахсий иши, кўча-кўйда кандай кийиниб юриши эса – бу ижтимоий, маънавий масаладир.

Шахс либоси оркали атрофдагиларга ўзи ҳакида маълумот таркатади. Бунга баъзилар эътибор бермасалар хам керак. Қиз-аёлнинг баданларини ёниб юриши бир маънони, очик-сочик юриши эса бошка бир маънони англатади.

Ўзбек миллатида ўзига хос “Ҳаё” тушунчasi бор. “Ҳаё – бу одамийликининг ўзаги” дейишган. Шу ўринда бир ривоятни эслатиб ўтишини жониз деб биламан.

Бир ўзбек аёlinи маълум айби учун катл қilmokчи бўладилар. Уни олиб кетмокчи бўлиб кирғанларида, у мишиблардан игна-ин сўрайди. Мишибнинг “нима учун?” деган саволига, кўйлагининг бир жойи йиртилганини ва уни тикиб олмокчилигини айтади. Шунда мишиб: “Сени катлга олиб кетаяпмизу, уни тикишингдан не фойда” деган саволига, у аёл: “Мен ўзбек аёлимсан, ўлимга кетаётган бўлсан хам танамни бирор жойини ёт кимсаларга кўрсатмай, ҳаёни йўқотмаган ҳолда ўлишим керак” деб жавоб берган экан.

Кўрдингизми аждодларимиз авваллари ҳаёни, одоб-ахлоқимизни кандай эъзозлашган.

Бугунги кунда чиройли хулки, юксак маънавияти билан эъзоз-эътибор топаётган, ота-онасига раҳмат олиб бераётган кизларимиз кўп.

Адабиёт, санъат, таълим ва спорт соҳасидаги ютуклари билан Зулфияхоним номидаги юксак мукофотга эришаётган, жаҳон спорт ареналарида юртимиз байрогини баланд кўтараётган кизларимиз билан

хар кандай арзийди.

Лекин, шу билан бир каторда очик-сочик кийинган, юз-кўзларига дунёдаги бор бўёклардан чаплаб олган, атрофида ўзларидан бошка хеч ким йўқдек шангиллаб гапириб юрадиган, беўхшов киликлар киладиган кизларни ҳам учратамиз. Одатда киз болани гулга киёслашади. Киз боланинг гўзал ҳулки, одоби атрофдагиларга худди гулни хушбўй хиди каби таъсири кўрсатади. Киз боланинг бадаҳлоқлиги эса гул тикони каби кўнгилларга оғрик етказади. Ўйлаб коласан, маънавияти қашшок бу кизлар эртага кандай келин ва қайнона бўладилар. Бунга эътибор бермок зарур.

Кизларимизнинг очик-сочик кийиниб юришлари на факат маънаният масаласи, балки миллат генофонига таъсири бор масала ҳамdir.

Жинсларо муносабатларни ўрганувчи мутахассислар (сексопатологлар) фикрича, кизларимизнинг бундай кийиниб юришлари уларга нигоҳ солган йигитларимизнинг жисмоний саломатликларига, таъсиричанликларига зарар етказар экан. Натижада янги турмуш курган айrim оиласарда ноxуш ҳоллар юзага келиб, уларнинг турмушлари эрта бузилиб кетиш ҳоллари кузатилар экан.

Шу боис, неча асрлар давомида хар кандай тайзиклар остида бўлса ҳам асрлар кийинган миллий кадриятларимиз, ахлоқ-одобимиз, шарму-хаёмиши соғлиги учун курашишга барчамиз: ота-оналар ҳам, ёшу-карилар ҳам, устоз, тарбиячилар ҳам, маҳалла фаоллари ҳам маъсулмиз. Ҳаммамиз ўз бурчимизни тўғри англаган ҳолда харакат килмогимиз лозим. Бу масалага локайдлик килиб бўлмайди.

Ахир кўчага отланётган фарзандини кай алфозда остона хатлаб чикаётганигини ота-она кўрмайдими? Агар у ўкувчи, талаба бўлса устозтарбиячиларчи?

Янгишиб, кўр-кўrona бирвларга таклид килиб, очик-сочик кийинган ёшларимизга дўстона фикрлар айтсан бўлмайдими? Кўпчилик ёшларимиз акли, фаросатли, дўстларига гали ўтадиганларни кўп.

Якнида институтимизнинг педиатрия факультетининг 4-курс талабалари билан ёшларни кийиниши маданияти тўғрисидаги фикрларини сўраганимда, бир талаба кизимиз: “Биз ота-онамиз берган пулга уларни уялтирувчи кийим сотиб олиб кийсан, бу одобдан эмас. Наҳотки айrim кизларимизнинг ярим ялонгоч, шортик-майкаларда юришлари маданийлик ёки замонавийлик бўлса. Биз кўчада кетаётганимизда одамлар орқамидан “Бу фалончини кизи-ку” дейишади. Либос – бу ўткинчи обру воситаси. Унга ружу кўйиб бўлмайди?” деган сўзларни айтди. Мен бизнинг институтимизда мана шундай акли кизларимиз борлигидан ва улар кўпчиликни ташкил қилганидан фахрландим.

Хуллас, ота-оналар, катталар, устозлар, тарбиячилар, маҳалладаги

маслаҳатчилар, ёшлар вакиллари – барча-барчамиз бу масалага эътиборни кучайтириб, ёшларнинг кийиниши маданияти борасида тез-тез давра сұхбатлари ўтказиб, улар онгига миллий кийиниши маданиятимизни кадрлашимиз, авайлаб-асрашимиз ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз эканлыгини чукуррок сингдиришимиз зарур.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Кийиниши эркинлиги – бу олий кадрият, бирок ахлоқ доирасидан четта чикадиган ҳар кандай эркинлик – ахлоқсизликдир.
2. Ҳаё – бу одамийликнинг ўзаги.

ШУКРОНА АЙТИБ ЯШАШГА ЎРГАНАЙЛИК

Аллоҳ одамни ажиб ва латиф килиб яратди. Унга энг гўзал хулкларни, энг олий майлларни берди, атрофга ва бандаларга яхшилик килмокка, ҳётдан завкланиб, шукроналар айтмокка, ширин тил билан одамларни дилини равшан килмокка кодир килиб яратди.

“Дунё – тангрининг даласи”, - дейди Ҳазрат Жалолиддин Румий. Демак, бизлар ҳам ўша даладаги турфа гиёхлармиз. Унда бойчечагу-лоладан тортиб, сассик алаф ва заҳри котилгача мавжуд. Қай бири не бўй таратади – бу, энди уларни Аллоҳ синовидан кандай ўтаётганига боғлик.

Маълумки, инсон умри боқий эмас. Ҳамма нарса каби, инсон ҳам карииди. Бирони афти, бирони соғлиғи, бирони тили чарчайди. Айrim холларда шукронаси йўқ, иродаси бўш, сабри суст кишиларда бу ҳолат атрофдагиларга малоллик тарзида намоён бўлафтганлигини кузатамиз.

Бу борада, ҳаёт тажрибаси кўп бўлган инсонларни куйидаги фикр – мулоҳазалари, ўгитларига бир эътибор беринг-а:

Аллоҳ инсонга дунё, амал бериб, уни синовдан ўтказаркан, кандай амаллар килишини кузатаркан. Агар у ҳаддидан ошса, яъни ўз бурч ва масъулиятини унтиб, биронларни дилини оғритса, бойликка ружу кўйса, шунга яраша жавобини бераркан. Уни иши ўнгидан келмаскан, фарзандлари меҳрсиз бўларкан, уйидан барака кочаркан, омади чопмаскан, ҳар ишида ишқал чиқавераркан.

Бундан ташкири, Аллоҳ ҳар бир бандасига синаш учун яна кувонч, гам ва ташвиш ҳам бериб кўрар экан. Шунинг учун, инсон Аллоҳ берган шу кувончли ёки ташвишли кунларга ҳам шукrona килиб яшашга ўрганимоги лозим экан.

Ҳар кун, ҳар лаҳза биздан шукrona сўрайди. Шукronаликда катта хикмат ва барака, ҳамжихатлик ва ҳамкорлик бор экан.

Шу боис бўлса керак, Накшбанд ҳазратлари ҳам: “Эй азиз, сизга ранжу-гам юзланганда каноат килмогингиз энг яхши хислат. Ҳакикий мўмин ўзгалардан хафа бўлмайди, айбии ўзидан излайди ва топади ҳам.

Улуглик одамлардан ранжимасликдан бошланади, чунки ранжишда кибр бор, дейдилар. Ҳадиседа ҳам “Яхши-ёмон кунларимизнинг муаллифи факат ўзимиздадир”, дейилган.

Маълумки, инсон калбини Олоҳнинг мўъжизаси дейишади. Уни тафтиш килиб, яхши фикр, шукр ила охорлаб турилмаса, киши бошига сезилмас оғатлар ёғилавераркан. Улуг қишиларнинг ёкимли хислатларидан бири қаноатдир.

Аммо қаноат килиш ризқ қидириш ва қасб билан шугулланишдан тийилиш дегани эмас. Балки қасб туфайли топган нарсасига шукр килиш ва ортиқчасига интилмасликдир.

Доно қишилар: “Қаноат туганмас бойликдир, қаноатли киши ҳеч качон камбағал бўлмайди, чунки уни ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадойга ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам, кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарса учун одамлар олдида бош эгади”, дейдилар.

Қаноатсиз кишининг кўнглида ҳасислик ўти тутён урган бўлади. “Фалончи уни олибди, пистончи буни олибди, мен ҳам олишим керак, нега унда бўлади, менда бўлмайди”, деб жонини жабборга беради. Бу ҳол яхшиликка олиб келмайди, албатта.

Биз хатто кўшнимизнинг уйидаги тўкин-сочинлик, шод-хуррамлик учун ҳам ҳасад кильмай, шукронга килайлик, бизга ҳам шундай эҳсон насиб килсин, дея Аллоҳдан тилайлик.

Ношуқурлик яратганга ҳам, бандасига ҳам ёкмайди. Шу боис, сабр килиб, нафсни тия билиш керак. Сабр ва чидам – барча мушкул ишларни енгиш калитидир. Кимки унга кобил экан, сув сойликни, ўрдак кўлни топгани каби, хушбахтлик ва саодат эшиклари унга очилаверади.

Ривоят қилишларича Ҳазрат Сулаймоннинг “Бу дунёдаги ҳамма нарса ўтқинчи” деган сўзлар ёзилган узиги бўлган экан. Ҳазрат Сулаймон ҳаётининг кайгули онларида узикдаги ана шу хикматли битикни ўқиб, таскин топаркан.

Бир куни уни бошига шундай бахтсизлик тушибдики, узикдаги сўзлар ҳам дардига малҳам бўла олмапти. Ҳазрат Сулаймон газаб билан узикни счиб, отиб юборипти ва думалаб бораётган узукнинг ички томонида ҳам аллакандай битик борлигига ногахон кўзи тушипти. Ўрнидан туриб, узукни кўлига олибтида, битикни ўқибди. Узикнинг ички томонида: “Бу ҳам ўтиб кетади” деган ёзув бор экан. Ҳазрат Сулаймон аччик қулим-сираб, узикни бармогига такиб, умрининг охиригача уни ечмаган экан”.

Инсонга ақл, кўл, оёқ, тил ва дил – факат яхшилик килиш учун берилган. Қасд, ҳасад билан бирорини кўнгилини вайрон килган одам, мўминликдан чиккан одамдир.

Сиз ишга бирор нарсадан кайфиятингиз бузилиб келдингиз, дейлик.

Шунда Сиз биревларга асаб найзаларингизни худа-бехудага санчмай, акл ва фаросатни ишлатиб, бу ҳолатдан чикишга ҳаракат килиб кўринг. Акс ҳолда, бир куни келиб кишилар ўртасида ўз хурматингизни йўкотиб, бебурд бўлиб колганингизни сезмай коласиз. Шу боис, доим яхши сўзни, яхши ниятни кўйлайвериш керак. Ҳадиси шарифда ҳам “Одамларга, нисбатан ёмонлигингни тўхтат, шу ўзингга садака бўлади”, дейилганку.

Кўпни кўрган инсонларни: “Сиз биревларни айбини қидирманг, дилини оғритманг, кишиларга берилган имконларга ҳасад кильманг, биревларни обрўсизлантиришга уринманг. Алкисса, ўзингдан обрў кетади. Биревларга тилаган ёмонлигингиз, ўзингиз томон юриб келади”. Шу боис, ниятингизни яхши килинг, палончидан менинг нимам кам деб, ўзингизни ўтга, чўғга урманг, беюзларча таъмагирлик йўлини тутманг. Ишларимдан Аллоҳ розимикин?, деб ўзингиздан кўнглингиз тўлмай яшасангиз, Аллоҳ сизни доим кўллаб-кувватлайди, сиз бунга ишонинг. Ниятингиз мусафро, тилингиз билан дилингиз бир бўлсин, нигоҳларингиз одамларнинг юрагига чўғ туширсин, юзингиздан факат меҳрибонлик балкисин”, деб доимо эслатиб туришларини боиси ҳам шу бўлса керак.

“Умр окар дарё. Бу дарёдан кимдир сузуб, кимдир окиб, яна кимлардир чўкиб ўтади”, дейишади. Одам одамга ғанимат. Дунёга одам бўлиб келдикми, одам бўлиб яшайлик, бир-биримиздан яхши сўзни, яхши ниятни, меҳр ва муруватни аямайлик.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Дунёда меҳмонлар дунё талашса,
Хешу акроболар ола карашса,
Бир-бирига ҳасад нигоҳ кадашса,
Ҳайкиргим келади шундайин дамлар:
- Бағри кентрок бўлинг, азиз одамлар!

2. Она фарзандига меҳрин бермаса,
Ошик ёри учун гуллар термаса,
Фарзанд онасини йўқлаб келмаса,
Ҳайкиргим келади шундайин дамлар:
- Меҳрлирок бўлинг, азиз одамлар.

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ - НОН ҲАҚИДА

Табиатнинг буюк неъматларидан бири - нондир. Нон азиз ва мўътабар. У ҳаётимизнинг нафакат мазмуни, балки безаги ва кўркидир. Дастурхон солиндими, албатта биринчи навбатда нон қўйилади, уйга келган меҳмонни нонсиз кузатилмайди. Ўғли йигит бўлиб армияга кетар

экан, оналар нон тишилатиб, уни уйнинг энг тўрисига иладилар. Момоларимиз гўдаклар чўчиб уйғонмасин дея, уларнинг бош тарафларига нон кўйиб кўядилар.

Дарҳакикат нон – бу узоқ умр, тўқлик ва баҳт, инсонлар ризки, фарогати, Ватан мухаббати ва тинчлик рамзиdir. Ҳалкимизда “Нон – имондан азиз”, “Нонга ҳурмат – элга ҳурмат”, “Нон мўллиги – эл тўқлиги” деган накллар нонни муқаддаслигидан далолат беради.

Кўли гул нонвойларимиз ана шу тарифига қалам ожиз, бир умр кўнгилга урмайдиган бу азиз неъматнинг хилма-хил турларини ўйлаб топганлар. Улар бутун санъат, меҳрларини бериб эл оғзига тушадиган ширмонлар, седанали патирлар, сутли кулчалар, серкунжут оби нонлар тайёрлайдилар ва эл дусосини оладилар. Ҳозирда чет эл сайёхларининг ҳайратга солган нонларни Самарканд нонвойлари тайёрлаяптилар. Бу нонлар ўзбек ҳалқининг юзи, шон-шуҳратларидир.

Шу боис, ота-оналаримиз, бобо-момоларимиз ҳар куни эрталаб дастурхонда нонни кўрганларида унинг улуғлиги ва азизлиги шарафигга тавоф айлаб, шукроналар келтирадилар.

Доно ҳалкимиз нонни улуглаб, уни дастурхонга тескари кўймайди, унинг устига бошқа нарсаларни ҳам кўймайдилар. Нон устидан хатлаб ўтилмайди. Мабодо нон қўлдан ерга тушиб кетса, дарҳол уни олиб, уч марта ўпиб, пешоналарига сурадилар, нон ушогини дастурхон устида кўрсалар бармогини хўллаб, ушогига босиб олиб, еб кўядилар. Шулар оркали нонни эъзозлаш, ҳор ва исроф этмасликка бошқаларни ундайдилар.

Ҳеч нарса ноннинг ўрнини боса олмайди. Буни асрий ҳаётий мисоллар тасдиқлайди.

Нонни азизлашимизнинг яна бир боиси бор. Бу неъмат қорин тўйдирадиган овқат бўлигина колмай, у дори-дармон вазифасини ҳам ўтайди. Гап шундаки, нон таркибида инсон учун жуда зарур бўлган оксил моддалари, углеводлар, витаминалар, калий, кальций, магний, темир ва бошқа минераллар, бирмунча микроэлементлар борки, инсон буларни кабул килмай яшashi қийин.

Табобат илмининг бобокалонлари Абу Бакр ар Розий, Абу Али ибн Синолар ноннинг шифобахш хусусиятларига катта аҳамият берганлар. Абу Али иби Сино иссик мижозли шахсларга, семиз одамларга суви қочган нонни олиб, ивритиб ейишни тавсия этган.

Абу Бакр ар Розий еганини кусиб юборадиган, ошқозонида ачишиши пайдо бўлгандা, беморларга нонни асалга ботириб ейишни тавсия килган.

Бу алломалар нонни сутга тўғраб еб юрган шахсларда ҳазм аъзоларининг фаолияти яхши, ранг-рўйлари тиник ва чиройли бўлишини айтганлар. Ўша алломаларнинг айтишича, яна нонни сутга ботириб ейиш

пешоб йўлларидаги ачишишга бархам берар экан.

Каттиқ шамоллаганда, гриппга дучор бўлганда пиёз тўграб, қалампир солинган катикка нонни ботириб ейилса, инсон терлайди, ўраниб ётиб, бир ухлаб турса, киши ўзини тётик сезади.

Халқ табобатида кепакдан тайёрланган нонни қанд қасаллигига пархез килиб буюрилади.

Милклар қочиб, тишлар бўшаша бошласа, каттиқ нонни чайнаш тавсия этилади. Беморнинг ичи кетганида каттиқ нон талконини катикка аралаштириб истеъмол этиш тайинланади.

Бундан ташкири, яна кўплаб қасалликларда нон даводир. Шунинг учун бобо-момоларимиз ноннинг ушогини ҳам кўзларига суртганлар, зинхор-зинхор увол бўлишига йўл кўймаганлар ва бу одатни ўз фарзандларига доимо уктирганлар.

Биз ҳам ёшлигимизда кулча нонларни ариқда оқизиб, сўнг тутиб олиб ердик. Агар кўчада тасодифан нон парчасини кўриб колсак, олиб ўпиб, кўзга, пешонага суртиб, тоза жойга олиб кўярдик, нонни керагича, исроф килмай ишлатардик.

Хўш, ўша ор-номусга тенглагулик, ҳаётимизни усиз тасаввур кила олмайдиган нонларимизнинг кадри ҳозирда қандай?

Маънавий тарбиянинг оқсоклиги туфайлими, ҳаётда «увол» деган тушунчани камроқ кўллаяпмиз. Айрим хонадон эгалари «тўкликашўхлик» кабилида иш тутиб, ноннинг накадар азизлигини, у олий кадрият эканлигини унугтиб кўйаяптилар.

Тўй-базмларда дастурхонда янги синдирилган юмшоқ нон бўлаклари тургани холда, ҳар бир келган меҳмон учун яна бутун нон кайта-кайта синдирилаяпти.

Ота-оналар ўз фарзандларига бу буюк неъмат дастурхонимизга келгунига кадар қандай меҳнат сарф килинаётганини, уни беўрин сарфлаш увол эканлигини уктиришилари керак.

Хонадонларда дастурхонда ортган нонни тўграб, офтобда ёки духовкада қуритиб, ҳалтачаларга солиб кўйилиши керак. Уни турли масалликларга қўшиб, акл-идрокингиз, пазандалик маҳоратингиз билан ажойиб, ноёб таомлар тайёрлашингиз мумкин. Бу билан уйингизга кутбарака киради, нон исрофгарчилигига чек кўйган бўласиз.

Бу борада ҳар биримиз тежамкор бўлишимиз, бу олий неъматдан оқилона фойдаланишимиз улугвор фазилатни вужудга келтиради.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Нон ҳам, ушоги ҳам нон.
2. Нон боласи – нонушоқ.
3. Нон кон бўлса, кон-жон
4. Нон хидида ҳаёт бор

III- ОИЛА МАЪНАВИЯТИ

ОИЛА-ТАРБИЯ ЎЧОГИ

Оила – мукаддас даргоҳ. Жамиятдаги ҳар қандай муваффакият, ҳар қандай инкиroz ҳам оиладан сув ичади.

Рисоладаги инсон боласи оила бағрида дунёга келади, ота-она, ака-ука, опа-сингил, якин кариндошларнинг меҳр күёшидан баҳра олиб улгаяди, инсоний фазилатлар касб этиб, камол топади.

Ёш ниҳол катталарга ҳурмат-эҳтиромни, кичикларга меҳр-шафкатни, она табиатни эъзозлашни ва кўз корачигидай авайлашни, киндик кони тўқилган она тупроғи, жонажон Ватани олдидаги бурчларни оила кучогида ўрганади.

Хозирги замон руҳшунос олимларининг исботлашича, инсонга хос кобилияту-иктидор, фазилату-иллатларнинг 80 фоизи 5 ёшгача таркиб топиб бўларкан, колган 20 фоизи эса 25 ёшгача чўзилиб шаклланаркан. Лўндаси одам боласининг келгусида қандай инсон бўлиб етишиши оила кучогида ҳал бўларкан. Бунда оиласи мухитнинг сог-носогломлиги кўпинча тақдируломон ахамият касб этаркан.

Оилада ҳар бир шахснинг ўз ўрни бор.

Донишмандлар: “Жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути тимсол, нимаики жўшкун бўлса, унга ҳам она меҳри тимсол, нимаики чидамли, сабр токатли бўлса, она иродаси тимсол. Шунинг учун ҳам биз “она юртим”, “она тилим, деймиз”, дейишади. Ҳадиси шарифда ҳам “Жаннат оналар оёғи остидадир” дейилади.

Она фарзандининг соглиги, камолати ва келажаги йўлида хатто ўзини курбон килишга ҳам тайёрdir.

Ривоят килишларича, кунлардан бир куни юртни ёв босибди. Элни тиғдан ўтказибди. Экинзорларни пайхон килибди, юртни талабди. Навбат онага келибди. Онани бир ўғли ва бир қизи бор экан. Боскинчи онага караб: “Сени ўлдирмокчи эмасман. Катта бўлганида биздан касос олиши мумкин бўлган ўғлингни катл кильмокчиман. Агар сен ўнг кўзингни берсанг, ўғлинг омон колади, бўлмаса уни ўлдираман”, - дебди. Она: “Кўзим керак бўлса ол, аммо боламга тегма”, - дебди. Жаллод онанинг ўнг кўзини ўйиб олибди. Онадан “гинг” деган садо чиқмабди.

Боскинчи: “Энди чап кўзингни берсанг, кизинг омон колади”, - дебди. Она ҳеч иккilanмай, унга ҳам рози бўлибди. Жаллод онанинг чап кўзини ҳам ўйиб олибди. Онаизор икки кўзидан айрилибди-ю, болалари омон қолибди.

Тез орада эл баҳодирлари кўзгалиб, боскинчиларни ер билан яксон килибдилар. Она меҳри, жасорати олдида бош эгиб, ҳалойик уни юртга

бошлик этиб тайинлашибди. Икки күзидан айрилган она ўғлини ўнг күзи, кизини чап күзи килиб, узок яшабди, юртни адолат билан бошқарибди.

Шу ўринда болалыгимда ўқиган бир эртак ёдимга тушди. “Кадим замонда бир ўлкага ёвуз жодугар келибди. Ҳамма ундан күркиб, ўз уйларини ташлаф кета бошлабдилар. Бир аёл ҳам чакалогини багрига босиб йўлга чикибди. Йўлда уни ёвуз жодугар таъкиб килибди ва онадан чакалокни тортиб олмокчи бўлибди. Бирок она фарзандини ҳеч багридан кўйиб юбормабди. Фазабланган жодугар аёлни боласи билан жарга ташлабди ва жарни сув билан тўлдира бошлабди. Сув аёлнинг тиззасига етибди, кейин белигача чикибди. Аёл эса гўдагини багрига босиб кимирамай тураверибди. Сув ҳам шафкатсизларча аёлнинг кўксига етиб, бўйнига караб йўл олганда, у боласини икки қўли билан сувдан кўтарибди. Сув онани бутунлай кўмибди. Лекин она бор кучи билан фарзандини сув юзида ушлаб тураверибди. Ёвуз жодугар бу холни кўриб, онанинг чексиз меҳрига койил колибди ва узок – узокларга кочиб кетибди. Аёл эса сувнинг чангалидан кутилиб фарзанди ва бутун ўлкани ёвуз жодугардан халос этибди. “Она меҳри” бу оддий эртак эмас – ҳақикатдир.

Она шундай зотки, у ўзидағи битмас-туганмас меҳру-шафкат туфайли фарзанд учун энг оғир кийинчиликларга бардош беради. Айникса, фарзандининг эмизикли пайтида онанинг ширин уйкусидан кечиб, бедорлик дардини тортган онларини бир тасаввур килиб кўринг. Оналар гўдакка оқ сутига меҳрини қўшиб эмизадилар. Ҳаёт озукаси чакалокнинг оғзидан кириб, бутун танасига сингиб кетади. Зеро томирларда окувчи қон эмас, онаизорнинг оқ сути. Юрак уриб турар экан, она меҳри йўколмас. Меҳр йўколса, ҳаёт сўнади. Бола қалбига имон ва эзгулик уругини экувчи, уни парваришлаб камолга етказувчи шарафли зот Онадир. Онанинг эркалаб-сўйганидан, меҳр-муруватидан тош қалблар эрийди.

Ўқиганим бор. Болалар врачи кабулига бир она бемор боласнин олиб келибди. Шамоллаган экан. Бола безовта, иситмаси баланд. Врач ҳамширага иситмани тушурувчи укол килишини буюрибди. Ҳамшира бемор болага ёндошганида, унинг кўлидаги шприц ва игнага кўзи тушган аёл беихтиёр сесканибдида: -Игнангизнинг кичикроги йўкми? дебти калтираб. Холбуки, ингани энг кичиги экан...

Ҳамшира болага укол килаётганида эса аёл кўзларини чирт юмиб, лабларини каттиқ тишлаб, инграб юборибди. Кўзларидан икки томчи ёш юмалаб тушибди. У яна ҳамширага караб, дебти: - Шу уколларни боламга эмас, менга килсангиз бўлмайдими?! Она сути оркали ўтади-ку??!

Ҳамшира аёлнинг соддалигидан кулиб, килаётган ишига изоҳ бераркан, онанинг меҳру шафкат, илтижо тўла кўзларига кўзи тушиб, кўнгли алланечук бўлибди.

Дарҳакикат, фарзанд она юрагининг, қалбининг бир бўлгиги, фарзанд бетоб бўлса, она бетоб, кўзига дунё тор. Бола соғ бўлса она ҳам саломат. Унда оналик меҳри, олам шодлиги жўш уриб туради. Кўрдингизми, фарзанд танасига кадалган игнадан она қалби титради, фарзанд танасидаги оғриқдан она кўзига ёш келди, фарзанд йигисидан эса она қалби жунбушга келиб, тилга кирди ва ҳамширадан меҳру шафкат тилади.

Оилада болаларни тарбиялашда отанинг салмоғи ҳам жуда катта. Ота оиланинг узогини яқин ва йўғини бор килиш учун доимо ҳаракатда бўлади.

Бир киши бир донодан насиҳат килишни сўрабди. Доно унга: “Ховли-жойинг, илму-одобинг кимдан колган? – дебди. У киши: “отамдан”, - деб жавоб бериби.

Доно унга: “Шунинг ўзи насиҳатдир”, дебди ва давом этиб: “Агар сен яхшилик қилсанг, яхшилик қолади, ёмонлик қилсанг ёмонлик қолади”, деган экан.

Ота-оила таянчи, меҳрибон маслаҳатчи. Азалдан отанинг мавкеи, юриш-туриши, обрўси, меҳнатга муносабатидан ибрат олиш фарзандлар учун одат ҳисобланган. Ота рози худо рози дейдилар. Фарзанд отани рози килиб, дуосини олса, дилини пок тутса, Аллоҳ ҳамиша сўраганини беради, ҳар кандай яхши ишларга йўл очилади.

Ота фарзандидан кўп нарса талаб килмайди, фарзандини доимо соғ-саломат кўргиси келади. Бу борада Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов шундай дейди:

Ўғлим сўрамасман сендан мол-дунё,
Уй жой куриб берма, майли аломат.
Майли, кўзларимга бўлмагин зиё,
Ёнимда юрсанг бас согу-саломат.

Майли кўтартмагил мени елкангда,
Қалкон ҳам бўлмагин ёгса маломат.
Бир куни ёстиққа бошим текканда,
Тепамда турсанг бас согу-саломат.

Ота-онанинг фарзанди учун чексиз меҳнат – машакқатларини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Бир парча этдан, мурғак чакалоқдан забардаст бир инсонни вояга етказгунча онадек меҳрибон ғамгузор, отадек парвонани ю захматкаш зотлар канчалар азият чекиб, канчалар қалб нурларини фарзандига баҳшида этадилар.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини севади. Ҳеч ким уларни ёмон ва баҳтсиз бўлишларини истамайди. Ўзлари эришолмаган ютукларни кўлга

киритишини, юксак мэрраларни забт этишинни ҳохлайди. Шу боис ҳам Йортбошимиз: “Фарзандларимиз биздан кўра доно, кучли, билимли ва албатта баҳтили бўлишлари керак”, деб кўп бора таъкидлайдилар.

Фарзандининг ҳар бир ютуғи ота-онанинг юрагини тогдек кўтаради, фахр ва гурур туйгуларини вужудга келтиради. Ана шу туйгу уларга маънавий коникиш беради, умрларига умр кўшади.

Одатда отани падари бузруквор, онани эса меҳрибон волида деймиз. Ота-она буюк зотлардир. Улар сиз билан бизни дунёга келтириб, кўз корачигидек асраб-авайлаб, вояга етказибгина колмай, ҳамма вакт ҳаётимизга нур сочиб турадилар, ой каби тунимизни ёруғ, йўлимизни ойдин киладилар. Отa-она ўғил-қизига ўз умри, акл идроки, шодлигини баҳш этади.

Шуни билингки, яшаса болам деб яшайди ўзбек. Шу боис шоирлардан бири ҳам:

Ўзбекка ўхшашни топмоқ муаммо,
Ўхласа ўзига ўхшайди ўзбек.
Қиёси йўқ унинг, меҳри бир дарё,
Дуниёда болам деб яшайди ўзбек.

Бир кўлда беланчак, бир кўлда қуръон,
Бир елкада кетмон, бирида нимон.
Барчага баробар бир офтобсимон,
Яшаса болам деб яшайди ўзбек

деган экан.

Хадиси шарифда оилада фарзанд бурчи тўғрисида тўхталиб, фарзанд узлуксиз ота-она хизматида бўлиши, уларнинг розилиги асосида ўз ҳаёти ва фаолиятини йўналтириши таъкидланади.

Шу боис, бу чексиз уммондек буюк мўътабар оналар қалбига таъзим айланг, азиз фарзандлар! Отa-онани тез-тез зиёратига боринг, хоки-пойларини кўзларингизга суртинг, меҳрибонларингизнинг дуосини олинг. Тиззаларига бошингизни кўйиб, кўзингизни бир нафас юмиб туринг. Шунда бундан ортиқ жаннат йўклигини хис киласиз.

Рўзгорчи дерсиз? Рўзгорнинг гори қачон тўлган, айтингчи? Ҳаёт ташвишлари хеч қачон тугамаган, тугамайди ҳам, лекин ота-оналар бу фоний дунёда меҳмонлар. Кейин минг тавалло-ю, тавба-тазарру билан ҳам уларни ортига кайтариб бўлмайди.

Бу гапларимга кулок тутинг, оғир олманг, ота-она кошига шошилинг, дуоларини олинг, кам бўлмайсиз.

Күнгил қуши “кезсайдим, күп олам” деркан,
Хофиз: “Қани, зүр бүлсайди нолам” деркан,
Ота-она ўлгунча “болам” деркан,
Айтиңг, дўстлар, фарзанд қачон отам деркан, она
деркан?!

Азизларим! Энди шоирнинг қуйидаги сўзларига эътиборларингизни
қаратмокчиман. Уларни диккат билан ўқиб, мағзини чакиб оларсиз деган
умиддаман:

Ҳаётинг айланса дўзахга бир кун,
Яқининг айланса узоққа бир кун.
Дўстларинг айланса тузоққа бир кун,
Билгингки, бораринг ота-онангдир.

Дардларинг сен билан ютгучи ҳам у,
Кетсанг гар сафарга кутгувчи ҳам у.
Йиқилсанг кўлингдан тутгувчи ҳам у,
Билгингки, кадрдон ота-онангдир.

Бошларинг текканда такдир тошига,
Кўзларинг тўлганда алам ёшига.
Бораарсан зор йиглаб онанг қошига,
Билгингки, азизинг ота-онангдир.

Дардингни ҳеч кимлар асло тингламас,
Онангдек ҳеч кимса қалбинг айламас.
Сен учун дунёда ҳеч ким йигламас,
Билгинги, йиғлаган ота-онангдир.

Кувонсанг кувониб бағрига босган,
Кўзлардан асрарон туморлар осган.
Шодлигинг кўрганда кувониб, тошган,
Билгингки, азизинг ота-онангдир.

Фарзандингга дунёда нелар килмадинг,
Отанг кутганини асло сезмадинг.
Яхши сўзлаб онанг чун бир кулмадинг,
Билгингки, азизинг ота-онангдир.

Кимки ота-онасини чукур хурмат килса, албатта фарзандлари ҳам
уни эъзозлайди, хурмат килади. “Қайтар дунё” деб бежиз айтилмаган.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Оила – бу мукадлас олий бир макон,
Оиладан бошланур бепоён Ватан.
Авайлаб – асрайлик уни ҳар бир он,
Шу ерда фарогат, ором олар жон.
2. Фарзанднинг яхшиси-дилбанд бўлади,
Отаю-онага бир канд бўлади.
Ёмони бошингга келтирас бало,
Еганинг аччик сўз ва панд бўлади.
3. Агар ҳаётдан олмасанг таълим,
Сени ўргата олмас хеч бир муаллим.

ЎГИЛ ФАРЗАНДЛАРГА АЙТГАНЛАРИМ...

Азизларим! Эртага сиз оила бошлиги, ота бўласиз. Бу сизга катта масъулият юклайди. Оила бошлиги бўлган эркак ўз хонадонида адолат билан иш тутиши лозим. Яъни аёли томонига ўтиб, ота-онани таҳқирлаш ёки сиз ҳаксиз деб ота-онани ёнини олиб, аёlinи жабрламаслиги керак. Худди шунингдек ота ўз фарзандлари ўртасида ҳам адолатли бўлиши, уларни иттифоқ яشاши кафолатидир.

Пайғамбаримиз: “Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳли аёлларига яхшилик қилганингиздир” деганлар. Шу боис ҳар бир эркак оилада ўз аёлига доим ёрдам кўлини чўзмоги керак. Донолар: „Агар хотининг иффатли, номусли, очик юзли ва ширинсўзли бўлса, у ҳоҳ гўзал, ҳоҳ хунук бўлсин, барибир уни сев, хурмат кил”, дейдилар.

Шу ўринда шоира Ойдин Ҳожиева ҳам эркакларга карата:

Шохи кўйлак олиб берма,
Сен аёлга гулимсан дегил.
Афсонавий қаср курма,
Сен аёлга дилимсан дегил,
дейди.

Ҳалқимиз севган маънавият тарғиботчиси Турсуной Содикованинг куйидаги сўзларига бир эътибор беринг-а: “Ўғлоним, умрингизни охиригача Сиздан асло нари кетмай, факат сизнинг парвонангиз бўлиб яшайдиган аёлингиздир. Аёлсиз ҳаёт – дўзах, уй-уй эмасдир.

Сиз минг бой бўлинг, минг олимур- машхур бўлинг, аёлингиз бўлмаса гаридирсиз. Эркак зотини Аллоҳ мард яратган, аммо мўрт яратган. Шу

мүртлигингиз боис сизга бизнинг тоифани кўшиб яратган. Аёл сизни синишидан асрайди. Аёл ўз файзи билан рўзгорнинг ҳамма жабҳасини нурлантириб турсагина, эрлар мард бўладилар. Аввало жуфт таинланганда ақлу закоси, наслу насабига эътибор бермок зарур. Куш уясида кўрганини қиласди. Қолаверса, келиннинг ёшлик ва тажрибасизлик килиб йўл кўядиган хатоларини тузатишнинг бир чеккаси ҳам эркакнинг зиммасига тушади. Рўзгорнинг биринчи кунидан бошлаб, сабру тоқат билан, гоҳ ҳазил, гоҳ ҳазинлик билан аёлингизда сезилган кусурларни йўқотмокка тутиниш керак. Дунёда канча одам бўлса, феъли ҳам турфа хилдир. Ҳар кандай жуфт бир-бирига машакқат билан мослашади. Айримлари буни вазминлик билан ўтказадилар. Ўзини бошкара билмаганлар уйлари уй бўлгунча бир неча бор ўт чикариб, атрофдагиларни ўзларига қаратадилар. Бир рўзгорнинг йўлга тушиши учун у ёғ-бу ёги ўн йил керак. Шу муддатни сабр билан ўтказган эр, аёлнинг эртаси порлокдир”.

Шу ерда, ўқиган бир ибратли сўзлар эсимга тушиб қолди. Унда айтилишича, “Йигит киши қачон уйланиши мумкин” деган саволга “Хотини ва давлати ҳакида бировга гапирмасликка ақли етганида” деб жавоб берилган экан.

Кўрдингизми, ота-боболаримиздан колган кичкина ибратли сўзда ҳам қанчалар чукур маъно бор.

Абу Али Ибн Сино: “Соғлом фарзандни дунёга келтириш учун эркак онанинг соғлигига эътибор бериши керак. Ҳамма вакт унинг истаган нарсасини имкон даражасида мухайё килиши лозим. Бунда иккита манфаат бор: бири зурриёднинг руҳи учун бўлиб, у ёшликтан яхши хулқли бўлиб ўсади. Иккинчиси – унинг бадани учундир, чунки ёмон хулк мижоз бузилишидан кечади” дейди.

Ота-она соғлом бўлса, соғлом авлод, соғлом жамият вужудга келади. Лекин бу ерда онанинг нафақат жисмонан соғлиги, балки маънавий соғлигини ҳам назарга олиш керак яъни, она ўз вактини, кучини фарзандига тўғри таълим-тарбия беришга сарфласагина келажакда соғлом жамият вужудга келиши мумкин.

Аёлни тўқиз ой кўкраги остида кўтариб юрган фарзанди мажруҳ ва ҷалажон тугилса, бу не-не умидлар билан кўзи ёритган аёл учун катта фожиа эмасми?

Факат аёл авайлансада баркамол авлод дунёга келади. Буни сиз азиз фарзандлар ўз фаолиятларингда ёдда тутинглар!

Ўз аёlinи ҳурмат килиш тўғрисида ҳам шоирлар эркакларга куйидаги шеърий мисраларни тақдим этганлар:

Оҳу каби кезгандা ҳам гўзаллар,
Қошу-кўзин сузгандা ҳам гўзаллар.

Ўз йўлига солганда ҳам гўзаллар,
Уйдаги ёр, фариштангни унутма!

Молу давлат қўша-қўша келса ҳам,
Юрган йўлинг сулувларга тўлса ҳам.
Кўзинг тойиб, имонинг суст бўлса ҳам,
Уйдаги ёр, фариштангни унутма!

Бошинг ёстиқ, тошга етар кун келар,
Кўзинг бир кун ёшга тўлар кун келар.
Бир пиёла сув берса шул ёр берар,
Уйдаги ёр, фариштангни унутма!

Азизларим! Ўзил бола опа ва сингилларига ҳам меҳрибон бўлиб,
улардан бот-бот хабар олиб туриши лозим. Хадисларда “Опа ёки
сингилни излаб чиккан ака ёки ука то манзилга еткунча жаннат боғларида
юргандек бўлади”, дейилади.

Отам бир ривоятни кўп айтардилар: “Бугдой нон мукаддас. Уни увол
килиш, устидан босиб ўтиш мумкин эмас. Аммо, агар ака синглисини ёки
опасини кўриш учун ана шу бугдойзорни кесиб ўтиши керак бўлса, бунга
руҳсат этилар экан. Ота ёки онага ҳам эмас, айнан ака-уқага. Мана шу
сўзларни ҳам кадрига етмолок лозим.

Аллоҳ таоло: “Кимки кон-кариндошлиқ муносабатларини
мустаҳкамласа, мен уни раҳматимга мұяссар қилгайдурман ва кимки кон –
кариндошлиқ муносабатларини узсалар, мен ундан раҳматимни дариг
туттайдурман”, дер экан. Парвардигори олам кон-кариндошлиқ ҳакида
шундай десада, биз бандалар арзимаган нарсалар туфайли бир-
биримиздан (ака-ука, опа-сингил) аразлашиб юрсак, ойлаб, йиллаб
улардан хабар олмай сухбатлашмай юрсак, бу инсофданми? Ахир улар
жигарку, бир кориндан тушишганку. Бир доно айтган экан: “Эсингизда
бўлсин, агар хотиним ўлса, бошка хотин оламан, фарзандларим ўлса,
хотин олсан фарзанд кўраман, лекин ота-онам келиб менга на ака, на ука,
на опа ва на сингил тугиб бераолмайди”.

Шуни биллингки, ота-она вафот этгандан кейин оиланинг катта ўғли
бош бўлиб колади. Бу катта маъсулият.

Шу ўринда эшитган бир воқеани тавсилотини айтиб ўтишини жоиз деб
билдим.

Бир одамнинг отаси вафот этибди. Ҳамма жаноза намози учун саф
тортибди. Тобутни олиб чикишибди. Имом тобут олдига келиб, дебди: -
Отанинг қарзларини гарданига оладиган катта ўғли олдинга чиксин!
Мархумнинг икки ўғли олдинга чикиби. -Катта акамиз Тошкентда

яшайдилар. Биз кишилекда яшаймиз. Отамизнинг олди-бердиси бўлса, биз кафилмиз, таксир! Имом амрона охангда тақоролабди: - Катта ўғли чиксин! Катта ўғил имомнинг олдига келибди. Имом баланд овозда: - Кўпчилик “Отанинг қарзларини гарданига оладиган катта ўғли чиксин!” деганимда, бояги йигитлар айтгандек, бировлардан олган олди-бердини тушунишади. Унака қарзларни узиш кийин эмас, олган қарзларидан айрим одамлар кечиб ҳам юборишади. Мен бошқа қарзлар ҳакида гапирайман. Катта ўғилни чакиришимдан максад шуки, мархум адo килаолмаган вазифалар энди тўнгич ўғилнинг гарданига тушади. Укалари уйланмаган бўлса, уйлантириш, уларни ўқитиш, кизлар колган бўлса, уларни турмушга чикариш, опа-сингиллардан ҳам энди отанинг ўрнида хабардор бўлиб туриш, уларнинг кийналиб колишига йўл кўймаслик энди унинг зиммасига тушади. Катта ўғил энди укаларга, сингилларга ота ўрнида бўлади. Шу боис мархумнинг ёнига катта ўғилни чакириб, „Отангизнинг қарзларини гарданингизга оласизми?” деб сўраяпман. Катта ўғил „Ҳа, гарданимга оламан”, деганидан кейингина жанозани ўқийман. Чунки руҳлар ўлмайди, улар кўриб, эшитиб туради. Ўғилнинг „ҲА” жавобидан кейин мархумнинг руҳи тинч бўлади. Охириги сафарига хотиржам кетади, деган экан.

Ушбу хикматлар ҳам аклимиз, ҳам қалбимизга таъсир этиб, ишимиз ва турмушимизни, феъл-авторимиз ва одобимизни, одиллик, меҳр-шафкат, ҳақгўйлик, ҳалоллик каби фазилатларимизни адашиб ёки билиб туриб йўл кўйган камчиликларимизни тиник кўзгуда кўрсатгандай намоён этадилар ва юксак инсоний мезонлар билан яшашга ундайдилар, деб ўйлайман.

Ога-инилар, опа-сингиллар бирбириларидан меҳр-муруvvatларини инсон сифатида аямасликлари керак.

Хурматли Турсуной Содикова бу ҳакда ўз маколаларидан бирида шундай дейди: “ Ога-иниларнинг балки бир-биридан ҳаки йўқдир. Аммо, уларнинг ҳар биттасининг вужудида онасининг парчаси бор. Биродар, сиз жигарнингизни унинг вужудидаги онангизни йўклаб, бир нарсалар илинасиз, сиз унинг хузурига унинг жонида яшаётган онангизнинг розилигини олгани борасиз. Эслант, ҳар сафар ога-ини, опа-сингилга якинлашганингизда ота-онангизни хидини тусиз. Жисми-жонингизда нимадир эрийди, юрагингиз ўртаси юмшагандай бўлади. Менимча, шундай пайтларда руҳлар бизни кучокласа керак ва улардаги яйраш бизга ўтса керак.

Йўлда кўшилган келинлар, куёвлар эшитиб кўйинглар! Ота-онамиздан колган энг киммат мерос - бир кориндан тушгандаримиз. Агар рўзгорингизни карғишига учрамаслигини хоҳласангиз, жуфтингизни жигарларидан узоклаштирманг! Ораларига совуклик солманг! Аксинча, вазиятни ямаб, андавалаб юриб, йўқ муносабатларни бор килинг! Айникса

умр йўлдошингизни узоқ яшашини истасангиз, жигарлари томон итаринг, жигарини топса, у онасини топади, отасига якин боради. Уларнинг руҳи ҳам мададкор, ҳам муолажадир”.

Энди, азизларим, ушбу шеърий мисраларга эътиборингизни каратинг ва ундај қеракли хулосалар чиқариб олинг!

Ёшлик ортда колди, турғин оёкка,
Азму шижоатни унутма болам.
Насиҳат ёқмайди, энди кулокка,
Аклу фаросатни унутма болам.

Бу дунё аслида алдамчи бозор,
Унда лўттибозу, нокаслар бисёр.
Сен мардлар кошида мард бўлгин бисёр,
Ҳайру саҳоватни унутма, болам.

Балки дастурхонинг доим мўл бўлмас,
Омад ҳам ҳамиша чараклаб кулмас.
Ким айтар суюнган падаринг ўлмас,
Сабру каноатни унутма болам.

Оғам деб кимлардир силар бошингни,
Укам деб еб кетар бирор ошингни.
Минг бир тарозуга солар тошингни,
Макру адоваратни унутма, болам.

Турфа синовларга дуч келган инсон,
Гоҳида шодондир, гоҳида нолон.
Чорасиз колсанг ҳам лек, хеч қачон,
Аклу адолатни унутма болам.

Билингларки сабр-каноат инсонлар учун буюк бир фазилат. Сабр – мўмин-мусулмон кишининг руҳий таянчи ва хидоятга бошловчи омиллар. Сабр-осудалик, хотиржамлик тўйгуси бўлиб, киши нафсини ҳар қандай таъмалардан эҳтиёт килувчи жараёндир. Қаноат йўли – иззат йўли: Қаноатли киши сабрли, чидамли бўлиши билан бирга ҳасад, хирс, хорлик каби иллатлардан узокда бўлади. Ҳалқимизнинг “Сабр таги-сарик олтин” дегани бежиз эмас. Сабр инсонни инсонийлик қадрини саклаш билан бирга кувват багишлайди.

Сабр, қаноатли киши ҳаётнинг аччик-чучугига бардош беради. Садоқат билан оила тутади. Сабрли кишида инсоф-диёнат мавжуд бўлади.

У ўз кучи билан кун кечиради. Ҳалол меҳнат қилиб, ҳеч кимдан бирор нарса таъма килмайди. Бойликларга учмайди. Ҳаётда учрайдиган барча кийинчиликларга бардош беради. Турли-туман сўзларга, кайгу-аламларга сабр-каноат билан чидайди. Савоб ишларни кўп килади. Савоб кетидан кувганининг дили равшан, юзи ёрут бўлади. Бекорга: „Одоб билан тирикдир одам, одамсиз на даркор олам“ дейишмайди-ку.

Инсоннинг бошидан қандай воеса ва ходисалар кечмайди, дейсиз. Сабр-тоқатли инсонлар шахсий, оиласирилган сирларни керак бўлса бир умрга пинхона саклайди. Чунки сирни ошкора бўлиши обрў - эътиборни букилишига олиб келади. Сабр-тоқатли киши адолатли бўлади. У бошқаларнинг камчилигидан кулмайди, аксинча унга иложи бўлса якиндан ёрдам беради. Сабр – тоқат канчалик оғир бўлмасин, кейинрок шодлик келтиради. Шу боис сабр билан зафар бир – бирига кадимдан дўст бўлиб келган.

Ҳар доим ваъдага вафо қилишга интилиниглар. Бу борада тартиб-интизомли бўлиб, ваъдалашган жойга ҳеч ҳам кечикиб борманглар. Агар бир-икки бор кечикиб борсангиз, инсонларда сизга нисбатан нотўғри фикрлар пайдо бўлади. Сўзида турмайдиган инсонни халкимиз “бебурд” деб аташади ва у инсон одамлар орасида беобрў ва кадрсиз бўлиб колади.

Кўлидан келмаган ишга ваъда бериб, биронни ишонтириш, менинчча энг ёмон одат. Сиз ҳам, азиз фарзандлар, куруқ ваъда билан биронларни илҳақ килманг. Ҳар бир одамда ҳам, унинг ўзи сезмаган камчиликлари кўп бўлади. Агар бирон камчилигингиз тўғрисида сизга айтсалар, фаросатингиз билан унинг тўғри ёки нотўғрилигини фарқлаб, уни йўқотишга жазм қилинг. Билингки, ҳакикат тиконли гулга ўхшайди, хидлашни билмаганларнинг бурнига санчилади. Бор камчилигига икрор бўлмаган инсон ўз касаллигини табибдан яширган бемор кишига ўхшайди.

Содда ва табиий холда умр кечириш ҳаётнинг энг гўзал ва тўғри йўлидир. Бу йўл инсонни самимий, ҳакикатгўй, номусли ва матонатли бўлишга олиб боради. Шуни унутманглар!

Сўзим охирида Сизларга Аллоҳдан мадад сўраб, шоирнинг кўйидаги сўзларини тилаб коламан:

Сенга сўзладим, мен сўзим, эй ўғил,
Сенга ўғит бердим ўзим, эй ўғил.
Кумуш колса мерос бўлиб гар сенга,
Уни тутмагин сен бу сўзга teng-a!
Кумуш ишга тушса олкинар, тугар,
Сўзим ишга тушса олтинлар тўкар.

ДОНОЛАР АЙТАДИ

1. Оналар қалбидა қувонч порласин,
Оталар қалбидა ишонч түғйлсин.
Фарзандлар соғ бўлиб, юрт камол топсин,
Улар қувончи оламни тутсин.
2. Дард кўтартмагин асло болажон,
Соғлом ўсгин, доим бўл омон.
Соғ тандаги соғлом ақлинингдан,
Буюк бўлсин – юрт – Ўзбекистон.

КИЗ ФАРЗАНДЛАРГА АЙТГАНЛАРИМ...

Азизларим!

Фикрларимни баён килишдан аввал, шоирларимизни аёлларни улуғлаб ёзган айрим тўртликларини эътиборларингизга хавола этаман.

Агар бир шоир:

Аёлдан бошланур асли гўзаллик,
Аёлдан бошланур бу ҳаёт – мамот
Аёлдан бошланур юрт гўзаллиги,
Аёлдан бошланур – тинчлик фарогат
деган бўлса,

иккинчиси:

Ҳаётдан маъно-ю, мазмун йўқолар,
Юрак танҳоликнинг куйини чалар,
Байрамлар, байрамга уланмай колар.
Агар бу дунёда “аёл” бўлмаса
деган.

учинчи бир шоир эса:

Сахрого ўхшагай аёлсиз дунё,
Куригай, қақшагай аёлсиз дунё,
Туюлгай галати аёлсиз дунё,
Чунки жим қолади аёлсиз дунё
деган экан.

Аёлсиз ҳаёт гариб ва файзсиздир, шунданда Коинот Сарвари кўп бора онага куллик килмоқликни лутф этганлар.

Донолар аёлларга карата: “Аёллар каддингизни янада баландрок ёттаринг. Сизларга караб туриб сўзлаймиз: Сиз бардошсиз, Сиз најотсиз, Сиз қанотсиз. Сиз қудратлисиз. Сизнинг ҷомингиз мухаббат, бир номингиз матонат, бир номингиз жасорат, бир номингиз садокат. Бир номингиз онадир. Бир номингиз ҳаёт, бир номингиз латофату, бир номингиз нафосат” деган эканлар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёкубовнинг “Аёллар биз гуноҳкор эрларга нисбатан ўн баробар кечиримли, юз баробар меҳрибон, минг баробар шафкатли ва раҳмидил инсонлардир” дегани минг бора тўгри. Азизларим! Ҳаёт такозосига кўра, ҳар бирингиз балогат ёшига етгандан сўнг, турмушга чикасизлар яни оила барпо киласизлар, бу табиий хол, албатта.

Катта ҳаёт тажрибасига эга бир мўътабар онахонининг кизлар тарбиясидаги қўйидаги фикрларига эътиборингизни қаратмоқчиман:

“Маълумки, кечаги кизалок хадемай бўйига етиб, турмуш куриш хохишида бўлади” деб сўз бошлиди у: Хўш, у аслида турмушга тайёрми? Икки ёшни қовуштириш, кизни келин бўлиб узатилиши ҳамма учун кўнгилли хол, албатта. Бирок уй бекаси бўлиш ҳам осон эмас-да. У келинчаклик даври ўтгач, вафодор хотин, меҳрибон она ва никоят доно қайнона бўлгунича оила ташвиши билан яшами, хонадон ками-кўстини бутлаш, эр ҳурматини жойига қўйиш, каноатли ва тадбиркор бўлиш, охири жанжалга олиб борадиган истрофарчилигу-бебошликлардан кочиши, болаларга меҳрибон она ва ғамхўр мураббий, қайнонага эса келин эмас, тоабад киз бўлиб колишини улдалаши лозим. Бу шартларнинг бенуксон бажарилиши учун ҳар бир бўлгуси уй бекаси ўзи тугилиб ўсган оиласида мукаммал бошлангич тарбияни олган бўлиши зарур.

Савол тугилади. Бугунги кизларимиз оиласда шундай тарбия олишагайтими? Атрофга назар солсангиз, турмушга узатилаётган баъзи кизларимиз хатто оддий овкат пиширишни ҳам билишмаяпти. Нега шундай? Менимча, айрим ота-оналар кизларини чиройли кийинтириб, кимматбаҳо такинчокларга буркаб, сепларига чет элларда чиккан мато, мебеллар ва бошка рўзгор буюмларини олиб бериш учун бор кучларини сарфлашяяптилар, лекин улар тарбиясига эса вакт топа олмаяптилар. Катта бўлса йўлини топиб кетар, кабилида иш тутилаяпти. Доноларнинг: „Улғайиб новда котгандан сўнг, уни эгиб бўлмайди” деган наклини эсламаяптилар.

Садокатли уй бекаси бўлишга тогдай чидам, парилардек бокиралик, акл-фаросат талаб килинади.

Аёл сўзини давом этиб: Мени “Учта кизим бор. Ўгилларим ҳам З та.

Хали кизларим кичиклик пайтларидаёк уларни ишга солабердим. Улар эшикдан кириб келган киши ечган оёк кийимларини бир текис килиб кўйишни, ифлоси бўлса ювишни, чангини артишни билишди. Мактабга чиккан пайтларида эса, уларни аста-секин ошхона ишларига кўникутира бордим. Мен билан овкат, пиширишди. Хамир овкат килсан, хаммаси баробар чучвара, манти туғишар, лагмон чўзишарди. Кирларни ювишни ўргатдим, дазмол ишларини бажаришни ўрганишди. Кейин ишларни уларга тақсимлаб кўядиган бўлдим. Бирига бутун уйларни тозалашни буюрсам, иккинчисига овқат килишни, учинчисига эса ховлига караб кўйишни ва бошка вазифаларни буюрардим. Тез-тез бу вазифаларни алмаштириб турардим. Кўникма пайдо бўлгач, айтмайдиган бўлдим. Ўзлари билиб, хамма ишларни бажарадиган бўлишди. Ҳозир уччаласи хам турмушга чиккан, кудаларимдан факат раҳматлар эшитаяпман.

Хонадоннинг тартиб ёки тартибсизлиги хотинга боғлик. Ошхонаси тоза, пок, ейиш-ичиши анжомлари софу-тоза ҳамда саранжом-саришта бўлса, шу уйдаги хотин тарбияли, интизомли хисобланади.

Ҳар куни сахар чогида ўзбек хонадонининг кўча эшиги олдини супирилиши одат тусини олган. Уни кўпинча қизлар ёки келинлар амалга оширадилар. Уни хам коидаси бор дейишиади.

Авваламбор шу аёл ихчамгина кийинган, соchlари чангдан тўсилган бўлиши керак. Сувни шалопплатмай, енгил сепиб (кўллатиб эмас), сўнг бирвларга малол келмайдиган тарзда супуриш керак. Кўп кузатаман, аммо хамма жойда ҳам бунга амал килинмайди. Аёлни соchlари тўзгиган, эски кийимда, кўча чангтиб, супуради. Бу холат кўчадан ўтадиганларни эрталабки яхши кайфиятларини бузади. Буни уй бекаси кизига ёки келинига ётиклик билан тушунтириб кўйиши керак.

Донишманддан, “Яхши аёллар” деб кимларни айтамиз деб сўрасалар у: “Олийжаноб, покиза ва қалби гўзалларни, акли, каноатли, иффатли, вафолиларни, барча харакатларини ўйлаб киладиган, эрининг борида ҳам, йўғида ҳам хурматлаб, ўзини ва номусини саклайдиганларни, яхши ва ёмон кунларда фидокор бўлишни ўзларига шиор килиб олганларни, юзидан кулги аримайдиган, тили ширин, кўли баракали, қадами қутлуг бўлганларни” деб жавоб берган экан.

Агар Сиз баҳти бўламан десангиз, турмуш ўртоғингизнинг кўнглини топиб, унинг феълинин ўрганинг ва унга мослашинт. Шундай килсангиз оғирингиз енгил кечади. Эрингиз сизга нисбатан ножўя харакат у ёқда турсин, хатто ўринисиз гапирмайди, сизни хурмат килади, оқибатда эса қайнонангиз билан ўртгангизда доимий иликлик баркарор бўлади. Менимча оиласда эркак киши устун яъни бошқарувни, аёл киши эса уйнинг фариштаси бўлгани маъкул. Қайси оиласда эркак киши устун бўлса,

шу оилада тартиб, бир-бирига хурмат, эътибор кучли бўлади. Худа бехудага жанжал келиб чикавермайди.

Халкимизда “Бир кун жанжал чиккан уйдан кирк кун барака қочади” деган накл бор. Дарҳакиқат шундай. Жанжални қелтириб чикармаслик чораларини кўриш керак. “Эрни эр киладиган ҳам, ёаро ер киладиган ҳам хотин” дейишади. Аёл окила, фозила ва андишали бўлган оилада отанинг обрўси жойида бўлади.

Онамнинг айтишларича, эр кишини улуглашда энамга тенг келадиган аёл бўлмаган экан. “Болаларнинг отаси кўчадан келганида иргиб ўрнидан турмаган, “Яхши келдингизми?” деб пешвозига чикмаган аёлни мен аёл хисобламайман”, бу доимо қулоғингда турсин” дердилар.

Яна момоларимиз бизларга карата: “Болаларим, киз бола палахмон тоши, борган жойингда тиниб-тиничиб кетишинг керак. Турмуш-мушт. Тош келса кемирасан, сув келса симирасан. Ҳаёт тошлари” га чидасанг енгасан, турмуш “захар”ларини ютсанг, ютиб чикасан. Куёвингдан кучи етмаган ва сотиб олишга қурби етмаган нарсаларни талаб этма, эринг олдида эски либосда ёки юзларингга оро берилмаган ва соchlаринг тартибга солинмаган холда турма. Либосларинг ўзингта ярашган бўлсин, Очиқ-сочик кийиниб юриш – беодобликдир”, дер эдилар.

Бу сўзлар дур-дур сўзлардур, уларни қадрига етмоқ лозим. Инсонга хос бўлган фазилатлар жуда кўп, лекин шу фазилатлар ичida эркакларга алоҳида ярашадиган ва аёлларга алоҳида ярашадиганлари бор. Мардлик, тантилик, жасурлик, ўқтамлик, шахт сўзлик кўпроқ эркакларга ярашадиган фазилатлар бўлса, мулојимлик, ширинсуҳанлик, назокат кўпроқ аёлларга ярашади.

Аёлнамо, ўта юмшоқ эркак киши кўзга қандай хунук кўринса, “Эркаклаб” кетган аёл ҳам шундай хунук кўринади.

Келин айб иш килиб кўйса “Мени кечириңг, ёшлик килдим, деб кайнонадан узр сўраса, кайси кайнона бемеҳр бўлади, кайси эр унга нафрат билан қарайди?

Кечирим сўраш – ёпилиб колган меҳр булогининг кўзини очишдек маъноли бир гап. Айб ҳаммадан ҳам ўтади, лекин ўз вактида кечирим сўрашга мардлик килиш керак. Вактида кечирим сўраш ҳам инсон учун бир маданият.

Магрурлик килиб, бир гапдан қолмаслик, ўз вактида кечирим сўрамаслик, севган кишисидан айрилишига, оиланинг бузилишига, фарзандларини эса етим бўлиб колишига олиб келишини унутмаслик керак.

Кўша-кўша кийимлари бўла туриб, магазинма-магазин, бозорма-бозор чет элда тикилган либос ахтариб юрувчи аёллар, кизлар ҳам йўқ эмас. Бундайларни биз гўзал деб олмаймиз, маънавий қашшок деймиз

холос. Қимматбаҳо тақинчоклар, ялтироқ кийимлар, мода кетидан қувиши ташки киёфани ўзгартиради, аммо ички оламга сайкал бермайди. “Ҳаё, ибо, ор-номусли, фаросатли инсонда ҳамма нарса – чекра ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам, фикр ҳам гўзал бўлади.

“Рўзгор-гор” дейдилар. Рўзгорда эр ишлаб, топғанларини аёл саришта билан ишлатса, кам бўлмайди, мухтоҷ бўлмайди. Оиланинг баракаси хотин кишининг тежамкорлигига боғлик. Оила аъзолари топғанини бир кишига келтириб берса, рўзгор сарф-харажатини факат бир киши олиб борса, ҳеч качон оила мухтоҷлик кўрмайди. Болалар ҳам шу кўйда тарбияланади. Шуни билингки, файз-баракасиз оила, эпсиз она, бепарво ота билан ҳеч кимнинг қуда-андиа тутингиси келмайди.

Катта қизимни турмушга узатганимга 5 йил бўлди, дейди онахон сўзини давом этиб. Бир куни у бизникига келганида, мен ундан атайлаб турмуш ўртогингни ранжитмаяпсанми? деб савол бердим. Қизим: “Турмуш мушт деганларидек, турмуш ўртогим билан келишмовчиликлар бўлиб, уришиб қоламиз. Бундай ҳолларда мен биринчи бўлиб, кечирим сўрайман. Бу фазилат сиздан юкканда, она. оилани сиз бизга мукаддас деб ўргатгансиз, уни тинчини таъминлаш кўпроқ аёл зиммасида. Шу сабабли турмуш ўртогимни айрим инжикликларига чидайман. Мен доим турмуш ўртогимдан бир погона паст туришимизни ёдимдан чиқармайман”, деди. Мен қизимни бағримга олиб, унга яхши дуолар килдим”, деб сўзини тутатди онахон.

Азизлар! Бу сўзларни тасдиғини биз ҳаётда кўп учратдик. Мўътабар аёлнинг юкоридаги сехрли ва қимматбаҳо сўзларини доимо ёдда тутмок даркор.

Шуни унумтмангки, эркак канчалик аклли ва зукко бўлмасин, оиласдаги иклимини аёл яратади. Агар оилани катта бир кемага киёсласак, ота унда моҳир эшкакчидир. У оилани усталик билан ҳар хил ҳавф-хатардан олиб ўтади. Кема ичиди она ва фарзандлар бор. Она фарзандларига бот-бот эшкакчининг моҳирлиги туфайли оила кемаси тинч ва хотиржам сузаётгани тўғрисида уқтириб туриши керак. Шу тарика фарзандларда отага нисбатан хурмат ва меҳр хисси камол топади.

Ота-она маъсулиятини факат ўғиллар ўз зиммасига олади, деб ҳеч ерда айтилмаган. Ота-онани асраш, авайлаш ўғилга ҳам, қизга ҳам бирдай тўтиёдир.

Нокобил ўғил туфайли ота-онага келадиган исноддан қизнинг ортидан келадиган дашном юз чандон азоблироқ, оғриклироқдир. Қизининг шаънига берилган баҳо унинг зотига, ота-онасининг маънавий мағзига берилган баҳодир. Шу боис андиша, шарму-ҳаё ва мулохаза билан иш юритмок лозим.

Момоларимиз ниҳоятда андишали, кечиримли, ҳаёли ва эрига

итоаткор бўлишган. Бу ўзбекона феъл хеч қачон ёмоникка етакламаган. Мехр бунёд этиш аёлнинг кўлидадир. Аёл меҳрини кизғанмаган жойда оила илдизи мустаҳкам томир отади, умрни узокларга элтувчи бир меҳр дарахти бунёд бўлади.

Агар аёл бўдмаса, хар қандай хонадоннинг баҳти кемтиқ бўлиб тураверади. Шунинг учун оталар уй остонасидан кирмай туриб, фарзандларига “Онанг кани?” деб сўрайдилар, ваҳоланки гарчи у аёлни уйдалигини сезиб турсада. Ана шу саволнинг тагида меҳр, муҳаббат ва соғинч туйгулари мужассам. Демак, бу туйгуларни кадрлай билиш, меҳрнинг умрни узайтириш, эркакни оиласа боғлаш ҳам аёллар зиммасида эканлигини зинҳор унутманглар.

Шу ўринда ўқиган бир хикоя эсимга тушди. Унга сизлар ҳам бир эътибор беринглар-чи.

Қадим замонда бир эркак аёли билан сухбатлашиб ўтиришганларида, эшик такиллаб колибди.

- Ким у? – сўрашибди эру-хотин бараварига.
- Мен тақдирман, - дея овоз келибди эшик ортидан. Хонадонингизга озигина баҳт ва бироз баҳтсизлик олиб келгандим. Шуни икковларинги тақсимлаб беришим керак.
- Сен баҳтни аёлимга бер у бир умр шу рўзгорни деб тиниб-тинчимиади, баҳтсизликни эса менга колдир, дебди эркак.
- Йўқ, йўқ, мен эмас, эrim баҳтли бўлиши керак, - дебди аёл жон холатда. “Баҳтсизлик”ни менга беракол, чунки биз аёллар жуда сабр-токатлимиз.

Шунида тақдир дебди: - “Мен сиз иккингизни бор-йўти синаб кўрмокчи эдим холос, ваҳоланки бир-бирингиз билан аҳил экансизлар, оиласа бундан ортиқ баҳт йўқ”.

Ибратли хикоя, шундай эмасми?

Бир донишманддан аёлларнинг қайси сифатини мактай оласиз деб сўраганларида, у: „Аёл энг аввало аёл бўлиб колиш керак. Унинг гўзалиги ҳам, ҳаёси ҳам, латофати ҳам унинг аёллигигида. У қайси лавозимда ва ким бўлишидан катъий назар, энг аввало аёлдир, онадир. У оиласа ҳам, ҳаётда ҳам шундай бўлиб қолмоги маъкул”, деб жавоб берган экан.

Одамзотнинг бутун умри синовларга тўла. Ҳар ким ёшлидан ҳалк одобномасига қулок солса, ота-она сўзларига, катталарнинг панд-насиҳатларига, оқил мураббийларнинг маслаҳатларига амал килса, оқибати жуда хайрли бўлади. Инсонга жуда бебаҳо умр бир марта берилар экан, ҳар ким қўшилгани билан қўша кариб, ували-жували бўлиб, кексалар айтганидек, туб кўйиб, палак ёзиб яшасин.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Аёл уйининг султони, болаларининг химоячиси, уларни тарбия этувчи мураббийдир.
2. Яхши ёёл сиркани бол килади, ёмон феълли аёл, болни сирка килади.
3. Бир уйда аёлнинг овози баланд чикса, ул уйда хайр йўқдир, у ердан саодат кутма.
4. Ҳолига шукр этмаган, турмуш ўртогига меҳр ва хурмат кўрсатмаган аёл канчалик гўзал бўлмасин, оиласага ҳузур ва баҳт келтиримайди.

ОТА-ОНА ИШОНЧИНИ ОҚДАНГ

Ҳар бир инсон учун отадан улуг ва онадан мўътабар киши йўқ.

Она шундай зотки, у ўзидаги битмас туганмас меҳру шафкат туфайли фарзанд учун энг оғир кийинчиликларга бардош беради. Айникса, фарзандининг эмизикли пайтида онанинг ширин уйкусидан кечиб, бедорлик дардини тортган онларини бир тасаввур килиб кўринг.

Оналар гўдакка оқ сутига меҳрини кўшиб эмизадилар. Ҳаёт озукаси митти юракнинг оғзидан кириб, бутун танасига сингиб кетади. Зоро томирларда окувчи конмас, онаизорнинг оқ сути. Юрак уриб турар экан, она меҳри йўқолмас! Меҳр йўқолса, инсонийлик бўлмайди, одамийлик йўқолади, ҳаёт сўнади.

Отанинг ҳам фарзандига муҳаббати чексиздир, чунки у фарзанднинг ўз суратидан кўчирилган нусха деб англайди. Ота ўзи истаган фазлу камолини фарзандига беришга, уни ўзидан кўра ҳам мукаммал килиб тарбиялашга гайрат килади. Ота-фарзанд ҳакида ҳалқдан «Тарбия килган отангга раҳмат» деган сўзни эшитса, севинади, невара, эвараларини кўриб наслини давом этаётганидан кувонади.

Ота-она ўзини ўтга, сувга уриб: «Зурриётим безавол ўссин, унсин, вояга етсин, катта ҳаётга қадам кўйисин», дейди. Шунинг учун ҳам алломалар: «Ота-онани кадрлаш, уларга салом беришни канда килмаслик билан бирга, насиғатларига кулок тутиш, уларни хурмат билан ўрнидан туриб кутиб олиши, кузатиш, ота-она сухбатини бўлмаслик, килаётган ишларига кўмаклашиш, уларга тўридан жой бериш, кўлига сув бериш, кўлига сочик тутиш ва уст-боши ва оёқ кийимларини кийишда ёрдамлашиш, йўл бериш, олдиларини кесиб ўтмаслик, юриш-туришларда учрайдиган машаккатлар ва кийинчиликларни сингиллаштириш ва ҳар кандай вазиятда ҳам уларни ранжитмаслик, асабларига тегмаслик, одобмуомала бобида шахсий намуна кўрсатиш оркали уларни хурсанд килиш, ножӯя ишларга йўл кўйиб кетмаслик, ҳар қадамда уларга раҳмат

келтириш, ҳар бир окила фарзанд бурчидир», дейилади. Бу ўгитларга иложи борича амал килмоқ лозим.

Сизни азиз ўқувчим, ота-онангиз не-не яхши умидлар билан, келажагингизни ўйлаб, мэндан кейин нони бутун бўлсин деб, ўzlари кам еб, кам кийиб билим даргоҳларига ўкишга жўнатадилар.

Агар сиз олий ўқув даргоҳига кирган бўлсангиз, болам фалон курсда ўқияпти, тез орада яхши мутахассис бўлиб, ҳалқ хизматида бўлади, деб катта гурухларда қариндош-уруглар орасида ғурур билан гапиришади. Бошқалар унга ҳавас қиласидилар.

Уйга ҳар хафта ёки хафтаро борганингизда соғлигинг, ўкишларинг қалай, деган саволни берадилар. Бу бежиз эмас, уйдан қайтаёттанингизда кийим-бошингизга эътибор берадилар. Агар у бироз уринган кўринса, келгуси келишингизга иложи борича бошкасини ёки янгисини танлаб кўядидилар, емишингиз, пулингиз бор-йўклиги билан қизикадилар. Ҳаммангиз меҳрибон ота-онангизнинг шу яхши умидларини оқлаяпсизларми? Ҳа, оқлаётганлар кўп. Лекин орангизда айрим дўстларингиз, дугоналарингиз яхши ўқимаяптилар, педагоглар панд-насиҳатларига кулок бермаяптилар. Ота-онасининг яхши ниятларини пучга чиқарајаптилар, «саёқ» юраяптилар, заарли одат бўлмиш чекишга ўрганишајаптилар.

Инсоний фазилатлар орасида энг олий ўринлардан бирида фаросатлилик туради. Фаросатли бўлиш – бу, ўткир зеҳнли, ақл-идрокли, укувли, кўрган-билганларини идрок эта олишлик, ҳар бир топшириқ ва вазифага ақл кўзи билан қараш демакдир.

Фалончи укувсиз, бефаросат каби таъна-надоматта қолишни истамаган ҳар бир талаба одобли бўлмоғи, ҳамма вакт аъло ва яхши баҳоларга ўқимоги даркор. Бас шундай экан, фарзандлар яхши билим олиб, интизомли бўлиб, «саёқ» юрмай ота-оналари, педагоглар берган саҳоватга одобли бўлиб, фидойилик билан жавоб бермоклари ҳам фарз, ҳам қарзdir.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Чикмаса киздир, ўғил, ота-она фармонидан,
То ҳаёт экан улар, аъло кўрар ўз жонидан.
Кексайиб қолган чоги, тез-тез келиб ҳолин сўраб,
Кўнглингиз нима тилар деб, ол хабар туз-нонидан.
2. Ота-она бехад бўлади курсанд,
Фарзанди бўла олса муносиб фарзанд.
3. Ота-она хурматини ҳар кимса келтирса бажо,
Бахту-икбол у одамнинг ёди бўлгай доимо.

4. Кишидан рози бўлса гар кариндош,
Ошиб обрўйи, бўлгай барчага бош!

АЁЛ, ОНА – БУЮК ЗОТ

Азиз ўкувчим! Ҳаётда шундай мавзулар бўладики, улар ҳеч қачон кун тартибидан тушмайди. Бу мавзу мухокамаси, унда кўтарилаётган масаланинг ечими ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлиб колаверади. Бу “Аёл, она” мавзусидир, чунки аёлдек, онадек буюк зот йўқ дунёда.

Буюк ва кудратли калам соҳиблари, адабиёт, санъат ахли, сўз усталари, илм-фан фидойилари хозиргacha минг бор уриниб ҳам аёл, она мадхини, улар ҳакидаги таърифларни маромига тўла етказа олмаганлар.

Маънавият жонкуяри, ардокли адабамиз, мархум Турсуной Содикова: (Охиратлари обод бўлсин) “Аёл деб аталган мўъжизанинг ҳали том маънодаги таърифи, ўлчови ва ярашикли баҳоси топилгани йўқ. Олис сайдаралар ўрганилди, етти қават ернинг сири ошкор бўлди, аммо аёл калбидаги очилмаган неча-неча китъалар шундайлигича қолиб бормоқда. Аёл-сирли бир китоб, вараклаган сари қизиги чикаверади. Йил фасллари факат тўртта, аёлнинг эса минг битта фасли бор. Уни буткул тушуниб етган одам йўқ бу дунёда! Уни томоша килиб зериккан инсон йўқ ер юзида! Унга иши тушмаган киши йўқ! Уни сўймаган ва у деб кўймаган эркак зоти йўқ. Аёлни тушунишни ўзи бир илм” деган эди.

Аёл, она! Уч ҳарфдангина иборат шу сўз шундай кудратлики, уни эшитган замондаёк эктиром ила на фактат ёшлар, балки дунёни ўз аклидроки билан мунаvvар этиб келган улуг зотлар: Баҳоуддин Накшбанд, Имом Абу Мансур Мотуридий, Имом Ал-Бухорий, Аҳмад Ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғилоний, Абдулқосим Аз-Замахшарий, Ал-Хоразмий кабилар ҳам унга таъзим бажо килгандар. Зоро уларни ҳам аёл, она дунёга келтирган.

15 ёшида табиб сифатида доврук козонган, шарқда “Шайхур раис” (олимлар устози) деган улуг номга сазовор бўлган Абу Али Ибн Сино, ўттиз ёшидаёк саркарда бўлиб ном козонган, дунё давлатчилиги тарихида бутунлай янги сахифа очган Амир Темур, моҳир сарбоз бўлган Улугбек, олти ёшида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут тайр” деб номланган асанини ўкишга тутинган, ғазал мулкининг сultonи Мир Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, етти ёшида ғазал машкини бошлаган, 12 ёшида таҳтга ўтирган Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам она фарзандидирлар.

Бу буюк инсонлар оналар олдида бош эгиш билан бир каторда, улар ҳакида кўшик ёзганлар, достонлар битишган, наср ва назмда асрлар бўйи куйлаб келишган.

Агар Абдураҳмон Жомий: “Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,

шараф тожи эрур оёгин гарди” деган бўлса, Мир Алишер Навоий :”Бошни фидо айла ато кошига, жисмни садка кил ано кошига” деган эдилар. Абдулқосим аз-Замахшарий: “Таниклигу шарафинг отангдандир, меҳрибонлик, мушфиклик онангдандир”, “деган бўлса, хадисларда: “Жаннат оналар оёги остидадир”, “Аввал оյангга, яна онангта ва яна онангта, сўнгра отангта яхшилик кил” дейилган.

Харканча уринмайлик, аёлнинг биргина кора ҳоли учун Самарқанду Бухородан воз кечиб юборадиган шоирдан ошириб, бирор нарса дейишимиш кийин. Лекин бу мавзуни ёритишдаги ҳар қандай саъй-харакат, ҳар қанча изланиши-рагбат ва тахсинга, кўллаб қувватлаш ва хайриҳоҳликка арзиди.

Шарқда азалдан аёл – волидаи муҳтарама, мушфик сингил, садоқатли ёр тимсолида эъзозланиб келинган. Шундан бўлса керак, биз дунёдаги энг табаррук хисобланмиш Ватан, ризқу-рӯзимиз, борлигимиз манбаи бўлмиш тупрок ва қувончу – қайгуимизга ҳамиша ҳамдard эл-улусни ток айтмай, “Она” сўзини кўшиб айтамиз (она Ватан, она тупрок ва ҳ.к.).

Ривоят қилишларича Ҳақ Таоло аввал одам алайхиссаломни яратиб, ул муборак зот ухлаб ётганларида чап қовургаларидан бирини олиб, Момо Ҳавони бунёдга келтириби.

Ҳазрати Одам уйғониб гулруҳсор малакни кўриб:

- “Бу ким?” деб сўрабди
- Бул менинг чўрим, - деб жавоб берибди Яратган эгам.
- Қодир эгам, уни ким учун ҳалқ қилдингиз? дебдилар юрагида муҳаббат пайдо бўлиб?
- Ким бу чўрини омонат сакламок учун олар бўлса, анинг учун ҳалқ қилдим.
- Оллоҳим, ундоқ бўлса, бул омонатни мен қабул қилдим, - деган эканлар.

Демак, аёл Оллоҳнинг Одам Атога калб меҳварини ёритмок учун берилган омонатидир.

Яна ушбу ривоят замирида улуғ бир ҳикмат яширинган, дейишади. Негаки, одамзод аёлни севиб, суюкли бўлди. Дунёнинг гўзаллигини, тирикликининг бетимсоллигини англади. Аёл эзгуликнинг, меҳрнинг тимсоли бўлиб, дунёни поклади, нурлантириди ва тебратди.

Шу боис ҳам, она босган тупрок табаррук, она юрган йўллар табаррук, она Яратган Оллоҳга шукр, онани Яратган оламга шукр, дейишади.

Дарҳакиат, аёл ҳаётни давом эттиришдек кудратли, оналик синоатига эга бўлган улуғ зотдир. Балки шу синоат туфайли унинг меҳридан нурланмаган кулба, қаҳридан қуламаган қуон йўқдир.

Шу боис, шоирлар ҳам аёл ҳакида кўплаб шеърий мисралар битганлар.

Мана шулардан баъзи бирлари:

Аёлдан бошланур асли гўзалик,
Аёлдан бошланур бу ҳаёт – мамот.
Аёлдан бошланур юрт гўзалиги,
Аёлдан бошланур – тинчлик фароғат.

Ёки

Сахрого ўхшагай аёлсиз дунё,
Куригай, какшагай аёлсиз дунё.
Туюлгай ғалати аёлсиз дунё,
Чунки жим колади аёлсиз дунё.

Ҳа, буюк зот хисобланмиш аёл, оналар тўғрисида бундай сатрлар кўплаб ёзилган, лекин ҳар канча ёзилса ҳам, улар учун оз деб ўйлайман.

Бир парча гўдак бошида тунни кунга улаган, чакалоги бир касал бўлса, минг изтироб чеккан, боласи бир кулса, минг кувонган, бир кадам босса, ўзини учгандек хис килган, фарзанди кўчага чикса, хавотири ошган, ортидан дуоларини йўллаган ҳам онадир.

Ўзбек аёли фарзанди дунёга келганида кўйлар сўйиб, элга ош беради, бешикдаги боласини сизлайди, тетапоя бўлиб юрабошлаганида унинг бошидан ширинлик сочади, уйлантириш олдидан фарзандига янги уйлар куради, янги ниҳол экиб парваришлайди. Ҳа, ўзбек аёли дунёда болам, деб яшайди.

Ўзбекнинг ўзбек бўлишида, бутун дунёда тутган мавқеида, авлодларнинг етук бўлишида ўзбек аёлининг хиссаси улуг. Ўзбек ўглонларининг эртага мард, бакувват, аклан етук, баркамол бўлишида аёлнинг, онанинг ўрни ўзгача. Шунинг учун ҳар биримиз ўша қўллари кадок, меҳнаткаш, мушфик, меҳри дарё аёлни, онажонларимизни асраримиз, авайлашимиз лозим.

1. ДОНОЛАР АЙТАДИ:

2.

3. “Аёл уйнинг сultonи, болаларининг ҳимоячиси, уларни тарбия этувчи мураббийдир”
4. “Агар аёл бўлмаса, ҳар кандай хонадоннинг бахти кемтик бўлиб тураверади”
5. “Дунёда шундай бир улуг зот борки, биз ундан ҳамиша карздормиз, У ҳам бўлса - онадир”

ОНА ҚАДРИ

Отани – Куёш, онани – Ой деб билган ҳалкимиз уларнинг қадрига етиш, эъзозлаш, бошга кўтаришни, падари бузрукворнинг туз ҳаккини, волидаи-мехрибоннинг сут ҳаккини оқлашни ҳар бир ўғил-қизнинг виждоний бурчи эканлигини алоҳида уқтиради.

Куёшдан сўрашибди:- “Сенинг ҳароратингдан зўррок ҳарорат борми?”; “Бор,- жавоб бериби қуёш – Она меҳри менинг тафтимдан кучлироқ”.

Ўлимдан сўрашибди: «Сенга бас келадиган куч борми?». “Бор-деб жавоб килибди ўлим. –Она меҳри мени чекинтиради”.

Ҳар бир фарзанд ота-онасини чукур хурмат қиласа, уларни рози этса, албатта фарзандлари ҳам уни эъзозлайди, хурматини килади. Бугунги ўғил эртага ота, бугунги киз эртага она бўлиши табиий – бу хаёт конунидир.

Билиб-бilmай, шошма-шошарлик килиб оиласдаги ҳар хил иғво гапларга учеб, ота-онага озор бериб, уларнинг кўнглини қолдириб, кейин юз бор пушаймон кильмаслик лозим.

Қўйидаги ривоятга бир эътибор беринг-чи?:

Қайнонанинг чакаги тинмайтганини кўрган келин эрига зарда килади:

- Нима бало, кун бўйи онангизнинг оғзи овқатдан бўшамайди, йили отми-а?

Хотин иғвосига ишонган анқов ўғли онаизорини елкасига олиб, узок чўлга олиб бориб, ташлаб келади. Хотини кувониб, очилиб-сочилиб юрадиган бўлибди.

Кунлар ўтиб, ўғил ҳабар олгани чўлга борса, ҳашаки чайлада хомуш ўтирган онанинг ҳали ҳам чакаги тинмайтган экан. Ажабланган ўғил онасидан сўрайди:

- Она, сизнинг ҳам тўядиган кунингиз бўладими-а?

Она кулиб, жавоб берибди:

- Эй, соддагина болагинам-е, кўраяпсан-ку, тишларим йўқ. Ўзинг олиб келган туршакдан бир донасини бир ойдан бери шимийман.

Қилмишига пушаймон бўлган ўғли онасига айтади:

- Тушундим, юринг энди, уйга олиб борайин.

Кампир унамайди:

- Йўқ бормайман, болам. Қолган тўрт кунимга шу туршак етади. Бошинг тошдан бўлсин, келиним билан галвасиз тинч-омон яшасанг бўлди. Қачон кўз юмсан, тупроғим тортиб келган шу ерга топширгайсан мени».

- Иккинчи ривоят айтилишича, болакай ошхонада пик-пик ииглаётган онасига савол қотди:

- Нега ииглаяпсиз?

- Чунки мен аёлман, - дея жавоб килди онаси
- Тушинмадим! – деди бола. Онаси ўғилчасини бағрига босди ва деди: “Буни хеч качон тушуна олмайсан!” Шундан сүнг бола отасидан:“Дада, ойим нега йинглайди?” деб сұради.
- Отанинг жавоби күйидагича бўлди: Аёлларнинг барчаси арзимаган нарсага ҳам йиглашга мойил бўлади! Бироқ бу жавоб ҳам болакай учун кифоя килмади. Бола улгайди, катта одам бўлди, лекин шунга қарамай аёлларнинг нима учун йиглаши боисини била олмади. Қариб, омонатини топширгандан сўнг, жаннатда Аллоҳдан сўради.
- Раббим, - деди. Аёлларнинг йиглаши жуда осонлигининг боиси нима? Тангридан шундай жавоб бўлди:
- Мен аёлларни ўзгача килиб яратдим! Ҳаётнинг азоб-уқубатлари ва жамики кийинчиликларини таший оладиган даражада кучли бўлишига қарамай, бошқаларга тасалли бера оладиган юмшок елкалар, тўлғокнинг азоби ва дунёга келтирган фарзандларининг нонкўрликларига бардош бера оладиган ички кувват бердим. Бошқаларнинг мадори, умиди колмаганда уларнинг умидсизликка туширмайдиган, аксинча уларни олга одимлашга уйдайдиган азми шикоат, оиласидагилар бетоб бўлганда холдан тоймайдиганчалик курдатни тақдим этдим. Не бўлишдан катъи назар, ҳатто ўзларини ранжитса-да, жигарбандларини севиш хиссини ато этдим. Бу туйгу болалари кайси ёнда бўлмасин, уларнинг яраларига малхам, муамоларини эшитиб, уларга бирга ечим топишида кўл келади. Эрларини бор кусурлари билан севиш кувватини бердим. Уларга яхши эр аёlinи асло ҳафа килмаслигини, лекин баъзи-баъзида унинг дастак ва кучини синааб кўришга уринишини англаб етадиган ақл-заковатни тухфа килдим. Аёлларга биргина заифлик сифатида кўз ёшни бердим... Хеч чоралари колмаганда фойдаланиш учун. Одамийликдан чикиб кетмаслиги учун. Аёлни унинг сочи, вужуди ёки ўзини тутиши эмас, севгисини баҳам кўра олиши, фидокорлиги, масъулияти, зехни ва биргина ақлига эмас, қалбига ҳам таяниб иш кўриши гўзал килади.

Қандай таъсирли ривоятлар, шундай эмасми?

Азиз йигитлар ва кизлар! Оналаримиз бизларни вояга етказиш учун меҳру-мухаббатини ишга солиб оромидан кечиб кечалари ухламай, тарбиямизга машғул бўлган. Ҳафа бўлиб колсак ёки кўнглимиз бироз ранжиб колса, атрофимизда парвона бўлган, тобимиз кочса хузур ҳаловатини йўқотган ҳам она. Богонсиз бирор дараҳтнинг меваси яхши бўлмайди. Она эса биз учун bogонdir. У доимо бизни парвариш килиш пайида бўлади. Буни фаҳмлаган ҳар қандай фарзанд ўз онасини барча

нарсадан устун кўяди ва ҳамиша хурматини қилади.

Аклли фарзанд бир дакика бўлса ҳам она меҳрини эсдан чикармайди, кичкина ишга кўл урганда ҳам онани бундан вокиф қилиб, унинг розилигини олади, айтган сўзларга қулоқ солиб, маслаҳатларига амал қилади, ҳар вакт онани миннатдор қилишга уринади.

Сиз шоир Каримберди Тўрамуроднинг қуидаги шеърий мисраларига бир эътибор беринг-а:

Энди шохи, атлас киймайди онам,
Энди кимхоб, адрес киймайди онам.
Энди зар олиб бер, демайди онам,
Энди онам факат мени кутади.

Катта шахарларга борай демайди,
Париж, Лондон, Римни кўрай демайди.
Япон боғларида юрай демайди,
Энди онам факат мени кутади.

Сархил таомларга хуши йўқ энди,
Тандир кабобларга тиши йўқ энди.
Зиёфатлар билан иши йўқ энди,
Энди онам факат мени кутади.

Ёкмас тўй-ҳашамлар шовқин-сурони,
Ёкмас неваралар тўс-тўпалони.
Сўрамайди кунни, оби-хавони,
Энди онам факат мени кутади.

“Болам, бўйингни бир кўрсам бас”, дейди,
“Суҳбатлашиб ўтири, кел, бир пас”, дейди.
“Менга бошка нарса керакмас”, дейди,
“Энди онам факат мени кутади”.

У-бу олиб кел, деб хеч сўрамайди,
Олган нарсамга ҳам бир қарамайди.
Дер: “Кеп турсанг онанг бил, каримайди”,
Энди онам факат мени кутади.

Бормаган бир куним ўн кунга ўтар,
Мен борар йўлларнинг бошида кутар.
Мени кўрса дилдан ғамлари кетар,
Энди онам факат мени кутади.

Дейди: “Болам, бугун айт, келасанми?
Агар келсанг ётиб ҳам коласанми?
Жуда согинганман, сен биласанми?”
Энди онам факат мени кутади.

Энди шохи, атлас киймайди онам,
Энди кимхоб, адрес киймайди онам.
Тиллолар олиб бер, демайди онам,
Энди онам факат мени кутади.

Менчи? Кошки, хар кун бора олсайдим...
Шу ўринда бир воқеани эслатиб ўтай.

Бу воқеа XIX асрнинг ўрталарида бўлган экан. Намангандик бир илмли киши Бухоро мадрасасига мударрисликка жўнатиладиган бўлади. Бу уламонинг уйида кекса онаси бор экан. Онасидан кўзи киймабди. Аммо, Бухорога бормасликка ҳам илож йўқ-уезд ҳукмдорининг буйруги шундай экан. У ўйлай-ўйлай бир қарорга келибди. Муштипар онасининг оёқ панжалари изини бир парча лойга тушириб, уни бирга олиб кетибди. Уламо онасини, юртни жуда согинибди. Борай деса йўл олис, от-улови йўқ. Юрагини согинч эзган пайтларида ҳалиги оёқ излари туширилган гувалани ўпиб, кўзларига суртиб, бироз йинглаб оларкан. Бу холдан бошка мударисларни жахли чикибди: “Нечун бир бўлак гувалага тавалло киласан” деб дашном берарканлар.

“Азизларим, дебди у бир куни у хўрсиниб – Сизлар ўз тугилган масканингиздасизлар, ота-она, оиласизлар, Ҳижрон аламидан узокдасизлар. Мен кишлогим тупроги лойига, онажонимнинг табаррук изларини тушириб олганман. Согинчдан ўртанган кезларим, гувалани кўзларимга суртишимнинг боиси шудир. Ундан волидан меҳрибонимнинг нафаслари келиб туради” деган экан.

Ривоят килишларича, кунлардан бир куни бир одам пайғамбаримиз саллаллоҳу алайхи васаллаҳум ҳузурларига келиб дебди:

- Ё, Расулуллоҳ, менинг онам борлар, ҳозир жуда кексайиб, боладек бўлиб колдилар. Киликлари ҳам гўё ёш болаларникidek. Менга тамоман суюниб колдилар. Мен ҳам анча вактимни онамини парвариши килиш билан ўтказман. Корни очса, овкат тайёрлайман, сўнгра ўз кўлим билан едираман. Тахоратига сув тайёрлайман. Ибодат маҳаллари меҳроб каршисига ҳам ўзим кўтариб олиб бораман. Їовлига олиб чикаман, каерга деса, елкамда кўтариб олиб бораман. Ё, Расулуллоҳ, айтинг – чи онамнинг мендаги ҳаккини ўтай олдимми – йўкми?...

Унинг сўзларини диккат билан тинглаган пайғамбаримиз бир дам унинг кўзларига тикилибдиларда, сўнгра:

- Йўқ, сен волидангнинг хаккни юздан бирини ҳам ўтай олмагансан. Онанга килган хизматларингни ҳар қанча хисоб – китоб килма, сенинг у учун килганларинг, у сенга берган меҳрнинг каршисида жуда камдир. У сенга бир күёш янглиғ меҳр сочган бўлса, сенинг қайтарганинг бир – икки катим нурча, холос, - дебдилар.

Шунда ул одам ажабланиб:

- Нега? Ё, Расулulloх?! Мен онамнинг барча айтганларини сўзсиз адо этајпманку, - дебди.

Унга жавобан пайғамбаримиз:

- Волиданг сени юраги остида 9 ой кўтариб юрди. Туғилганингдан сўнг ҳар қанча кийинчилик кўрмасин, ўғлим униб – ўссин, улғайсин, деб ўзи емай, едирди, ўзи киймай, кийдирди. Дард чексанг тунлари мижжа кокмай, бошингда парвона бўлиб, ҳакка муножот килиб чиқди. Унинг сени деб чеккан захматларининг хисоби йўқ. У хамиша сенинг камолинг, баҳтиргни тилаб яшади. У бирор марта мен фарзандимга шунча меҳр кўрсатдим, дея хисоб китоб килган эмас. Сен-чи? Сен унга качон умри тугаркин, качон ундан қутулар эканман, деб хизмат киласан. Буни кўзларинг айтиб турибди. Ахир онангнинг сенга бўлган эъзози билан сенинг онанга бўлган эътиборинг орасида осмон билан ер кадар фарқ бор. Сен онанга қанча хизмат килсанг ҳам унинг хаккни ўтай олмайсан. Буни яхшилаб билиб ол. Ота – онага, умуман, инсон инсонга чин дилдан холис ва гаразсиз яхшилик килмоғи лозим. Шуни билгилки, сен ота – онанга канчалик яхшилик килсанг, Аллоҳ сенга энг буюк савоблар беради. Зоро, ота – онанинг ризолигини олган, ризосига ноил бўлган одам яратганинг ризосига ноил бўлади, - дебдилар.

У йигит тилидан ўтказган нохуш ўйларини пайғамбаримиз сезиб турганликларини англаб, қайта – қайта Яратганга тавба – тазарру килибди. Шу кундан эътиборан унинг онасига бўлган меҳри, муҳаббати, эъзози янада ортибди. Энди у “Эй, соҳиби олам, онамнинг умрини узок кил, дардига дармон бер”, дея чин дилдан волидасига хизмат кила бошлабди.

Кўрдингизми, она меҳри канчалик мўътабар. Жамики инсон зоти учун хеч ким онасилик чинакам дўст ва меҳрибон эмаслигига икрор бўласан киши.

Вояга етган фарзандлар яхши тарбия олиб, бирор касб эгаллаб олганларидан кейин ҳар вакт оналарини олдига келганларида, бир вактлар шу онасидан сут эмиб, катта бўлганларини ўйлаб, хеч качон онага қаттиқ гапирмайдилар, юмшок сўзлар билан унинг кўнглини оладилар. Онанинг бир вакт ўзлари учун чеккан жафоларини кўз олдиларига келтириб, шу

чеккан жафо ва меҳнатларини унуттиришга уринадилар, уларнинг дил розилигини олиб, бир умрга шодмон киладилар.

Шундай фарзандлар халқимиз олдида тез обрў-эътибор ва камол топадилар.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Талабгор бўлса етмок яхши кўрган муддаосига,
Дилини пок айлаб бошини эгсин раҳнамосига.
Муродин кучмок эрса бўлмасин ким гул хаётида,
Ёмонлик этмасин хеч у қариндош, акробосига.
2. Онасизлар онасидан жудо бўлганга йиглайди,
Онам қайда дея сўраб, гадо бўлганга йиглайди.
Юрак-багри куйиб ёниб, адо бўлганга йиглайди,
Якин дўстим, онасидан жудо, багрини тирнайди.
3. Жон кулогинг бирла тингла, мохи тобондур онанг,
Бахт-икболинг самосида дурафшондур онанг!

ОНА МЕХРИ

Айтишларича, машхур бир олим минбардан туриб янги кашфиётни зълон килибди. Табинийки, илм аҳли уни тулларга, олкишларга ва айни дамда саволларга кўмиб ташлабди:- Сизни на факат юртимиздагилар, балки кўплаб хорижий давлатдаги олимлар ҳам танишади, эъзозлашади. Асарларингиз дунёда неча тил бўлса, барчасида чот этилган. Сиз энг баҳтиёр аёлсиз. Айтинг-чи, армонингиз борми?

Аёл бу саволдан бир калкib тушибди ва ўзини ўнглаб олгач, маюс бир оҳангда сўз бошлабди:- Тўгри, мен дунёга машхур аёллигимни, фанда салмоқли кашфиётлар яраттанимни инкор этмайман. Бу жиҳатдан мен энг баҳтли олиммаман. Бирор энг баҳтсиз аёлман. Чунки мен она эмасман. Агар мендан: “Дунёдаги энг буюк баҳт нима?” деб сўрашса, “Оналиқ баҳти” дердим. “Дунёдаги энг буюк дард нима?” деб сўрашса, “Она бўлолмаслик” деган бўлардим. Дарҳакикат, шундай.

Ҳар бир инсон ҳаётда катта бўлиб, турмуш курсам, фарзанд кўрсам, деб орзу килади. Ота-она фарзандларига хеч качон ёмонлик тиламайдилар, баҳтли, саодатли бўлиб, роҳатда умр кечиришларини орзу киладилар.

Оилада фарзанд тарбиясида отага караганда она кўпроқ хисса кўшади. Онанинг кадди-комати бир дараҳт бўлса, фарзанд бу дараҳтнинг мевасидир. Фарзанднинг ҳаётига сабаб бўладиган биринчи кувват она жисмидаги конидир. Она сути унинг юрак конидир. Чакалок шу кондан

озикланиб, хаётини саклайди. Шунинг учун фарзандга онанинг меҳрмұхаббати отаникига караганда күпроқ бўлади. Она фарзанди учун хатто ўзини фидо килишга ҳам тайёрдир.

Муҳтарам адабимиз Саид Аҳмад, рафикаси, атокли шонра, ёзувчи ва драматург Саида Зуннуновага багишлаган “Шоиранинг феруза олами” номли маколасида шундай ёзди:

“1963 йили Саидахон бир муддат ҳасталаниб колди. Шифокорларнинг маслаҳати билан” “Трусковец” деган курортда даволаниши керак эди. Бу курортта йўлланма топиш кийин бўлди. Лекин бир амалтаб топдик. Саидахон кетиши олдидан 3 ёшли кизи Нодирани бағрига босиб, йиглаб:-
Боламга яхши каранглар. Иссик-совуғига хушёр бўлинглар,- деб кайтакайта тайинлади:- Ҳиди келиб турсин деб битта ювилмаган кўйлагини олиб кетаяпман, кидириб юрманглар,- деди.

Эртасига ишдан келиб, дарвоза ёнбошидаги кўнгироқ тугмасини босдим. Эшикни Саидахон очди. Буни карангки, поезд Саксовул деган станцияга етганда, Саидахон вагондан тушиб колибди. Боласини согиниб, кечаси билан мижона кокмапти. Қизининг кўйлагини хидлаган сари баттар согиниб кетавериби.

-Нега бундай килдингиз, даволаниб келсангиз кандай яхши бўларди,- дедим.

-Қўйинг, мен курортларда дам олишга ўрганмаганман. Ҳар қанча дардим бўлса, шу кизимни бир марта бағримга боссам, согайиб кетаман – деди.

Кўрдингизми, фарзанд – она учун накадар азиз ва буюк неъмат.

Фарзанд яхшими, ёмонми, она доим болам дейди. Она учун боланинг етмиш яшари ҳам, етти яшари ҳам бирдек тенг.

Ўқиганим бор: Махамат ҳожи Муслим Соҳибжон ўғли хикоя килади: «Кунлардан бирида кишлоқка ўртогимниги мемонинг бордим. Эртасига юр, оғайни, бувимларни зиёрат килиб келамиз, деди. Ширмон хола 100 ёшга кирган эканлар. Кичкина бўлиб колибдилар, нуроний чехралари тиник, ўзлари тетик. Уни карангки, тишлари чикибди. У кишини зийрат килдик. Бир пиёла чой устида кўз ёш килиб, кенжа ўғилларининг оёги синиб ётиб колганини, бир ойдан бери кўролмай, согиниб кетгандарини айтдилар.

Шу пайт ҳовлида оппоқ соколи кўксига тушган ота кўриндилар, ёнларida кари кампир. У киши ҳассага таяниб, оқсокланиб келардилар. Ўнг кўлларида 10-12 яшар болани етаклаб олганлар, кейин билсан, у отахоннинг чеваралари экан. У киши уйга кириб, оналари билан кучоклашиб, ўпишиб кўришдилар, оёклари синиб, кўргани келолмаганлари учун узр сўрадилар. Онахон ўғлим деб суюб гапирганларида кўз ўнгимга 40-45 яшар киши келганди, уни карангки,

ўғиллари 77 ёшда эканлар.

-Айланиб кетай сендан, эхтиёт бўлиб юрсанг бўлмайдими, кап-катта бўлсанг, ахир, качонгача куйдирасан. Оёгинг оғриётгандир-а, кел болам, силаб қўяй,- деб чолнинг оёкларини курушкоқ кафтлари билан силаб-сийпаладилар, худди ёш бўладек эркаладилар. 80-га якинлашиб қолган ўғилларини худди ёш боладек эркалаганларини кўриб, кўзларимга ёш келди. Она учун кари бўлсаям бола-болада.

Хикоя килишларича кишлоқда истикомат килувчи Бахтиёр исмли шахс шахарнинг чекка даҳаларининг биридан янги уй сотиб олади. Кунларнинг бирида у уйда ўтириб, ошхона томондан хотини Латофатнинг чинкирок овозини эшитади ва у томон югуради. Аёли газ печининг олдида тошдек котиб турар , столнинг устида тахминан 3 – каричлар келадиган илон ўткир кўзларини хотинга қаратиб, вишилларди. Бахтиёр шунда эшик ёнида турган кетмонни кўлига олиб, уни илон турган жойга зарб билан уради. Лекин илоннинг жасади ерга кирдими , осмонга учдими , хеч каердан топилмайди. Аничадан сўнг Латофат тилга келиб, бу уйда аввал бир кампир яшаганини, уни илонлар билан гаплашишини, бу уй хосиятсиз эканлигини кўшнилардан эшитганини айтади. Эртаси куни Бахтиёр маҳалла чойхонасига чикади. У ерда кекса отахонлар сухбатлашиб ўтирган эканлар. Бахтиёр улар билан кўришгач, чолларга караб: - Айтишларича, аввал менинг сотиб олган уйимда аллакандай кампир яшаган экан. Уни “ilonlar билан гаплашаркан деб эшитдим” дебди.

Кекса отахонлардан бири унга караб шундай дебди : - Бундан чамаси олтмиш йиллар олдин сиз яшайдиган уйда кар кампир яшаган. У кизлик даврида бағоят сарвкомат , дилбар , ширин забон бўлган экан. Кунларнинг бирида бўйи етган кизнинг уйига совчи келади. Куда томонлар ўзаро келишишади. Бир куни куёв бўлмиш ховлининг орка томонида бўлажак келинни кутиб турган маҳал уйдан бир илон чикади. Йигит тош қидириб , газандани ўлдиришга киришади. Кўлидаги тошни илонга улоктираётган маҳал эшикдан чикиб колган киз ўзини жонзотнинг устига отади. Тош кизнинг кулогига тегиб, уни йикитади. Шошиб кизнинг ёнига келган йигит судралиб кетаётган илоннинг бошида ғалати тожи борлигини пайкайди. Шу кундан кизнинг кулоклари кар, йигитнинг акли нокис бўлиб колади. Кейинроқ куёвни бошка жойда илон чакиб ўлдиради. Алхол , ўша кундан кар кизга тожли илон ҳамроҳ бўлган экан. Айтишларича, сен олган ховлида илонлар маликаси кезиб юрармиш. Шу боис маҳалла ахли уни “ilonli уй” деб атайди. Олган киши эса кўп вакт турмай сотиб кетади. Балки, уларни илонлар тинч кўймас. Яна билмадим ...

- Сиз буларни каердан биласиз? - сабри чидамай сўради Бахтиёр.

- У вактларда жуда ёш эдим. Отамдан, кейин унча – мунча кексалардан эшитганим бор.

Бахтиёр бир муддат жим турди. Сўнг тунда бўлган воқеани айтишга жазм этди:

- Отaxon, кеча тунда тамаддихонамииздан илон чиқди. Афтидан болачаси бўлса керак. Ўлдирмокчи эдим, аммо кетмон олиб келгунимгача кочиб кетибди. Айтгандек, унинг кўзлари кип – кизил эди.

Ҳамма бирдан Бахтиёрга қаради. Баъзиларнинг кути ўчиб шивирлашди. Ота охиста деди:

- Болам, бекор килибсан. Уни чўчитмаслик керак. Сенга айтган гапларим бежиз эмас. У ховлида ростдан хам илонлар салтанати бор. Кар киздан ёдгор қолган. Энди эктиёт бўлинглар, илонлар маконлари учун курашади. Лекин зинхор бирортасини ўлдира кўрманглар, улар касоскор бўлади. Факат ўзинг хам, болалар хам сергак бўлинглар!

Бахтиёрнинг кўнглига ғулгула тушди. Ҳаёлида оқсоколнинг айтган гаплари гир – гир айланниб, ҳаловати ўйқолди. Вахоланки, энди отaxon айтган гап – илонларнинг касос олиши мукаррар, деб ўйларди. Хоналарнинг ҳамма тешиклари-ю, деразаларини маҳкамлаб чиқди. Латофатга хеч нарса демай, машинада киракашлик килиш учун кўчага чиқиб кетди.

Икки қизини бобосиникига жўнатган Латофат ўғли Шодиёр билан уйда колди. Опалари йўклигига зериқдими, бола ўйнагиси келмай, инжиклик килди. Кейин “жой солиб беринг, ухлайман”, - деб туриб олди. Ўглига айвондан жой хозирлаб берган жувон чала колган кирларини ювиш пайида ховлига чиқди. Юмушини тугалаб, эшиқдан ичкарига қадам кўяркан, нигохи ўгининг ёнида танасини ишириб турган тождор илонга тушди-ю, тили калимага айланмай қолди. Кўркиб кеттганидан ранги докадек оқарди. Шу маҳал тождор илон вишиллаганча Латофат томон бурилиб, “хозир болангни чакаман” дегандек тикилди. Уларнинг кўзлари тўкнаш келди. Инсон ва судралиб юрувчи жонзотнинг нигоҳлари садосиз куч синашишни бошлади. Латофат илондан кўз узмаган холда кархисида турган илон оддий эмаслиги, балки кўшниларидан эшифтгани каби илонлар хукмдори билан рўбарў келганлигини, ўғли унинг чангалида турганини хис эттио, тиз чўкди. Бутун вужудидаги кучни тўплаб тилга кирди:

- Эй, Худонинг мавжудоти, илонлар маликаси! – мунгли термулди аёл унга.

Илон “ҳа” дегандек бош иргади.

- Маликам агар жон керак бўлса, меникини ол! Факат ўтиниб сўрайман, боламга тегма! Унинг ёш жонини увол килма! У ҳали гўдак, ҳали хеч нарсани кўрмади.

Тождор илон худди Латофатни гапини тушунгандек бошини бироз пастга туширди. Даф килиши хам сусайди. Бундан сал кўнгли кўтарилган аёл сўзлашда давом этди:

- Биламан, бу уйда хали хеч ким тинч яшамаган. Чунки бу сизлар танлаган макон. Лекин ... сизлар олий мавжудотсизлар, сен эса уларнинг маликасисан. Истасанг, шу ерда яшайвер. Сўз бериб айтаманки, бизлардан бирор ёмонлик кўрмайсизлар. Факат бизни бу ердан хайдаманглар ...

Латофат гапини тугата олмай, йиглаб юборди. Илон эса оғзини катта очиб, ўткир, захар билан лиммо – лим тишларини кўрсатди. Кўзлари алланечук безовталаниб, болакайнинг юзларига тикилди. Сўнг жувоннинг лахзалар ичида кўркувдан сарғайган юзига қаради ва Латофатнинг боласини, оиласини сақлаб колиш, не машақкатлар билан етишган макони учун жанг килаётганини англади. Бу жангда қурол ишлатилмайди. Бу шундай жангки, бир маконга эга чикиш истагидаги икки жонзотдан бирин ўз хохиши билан салтанатни ташлаб кетади.

Илоннинг беко ҳаракатидан ташвишга тушган аёл кўзларидан тинимсиз оқаётган ёшни артишни ҳам унутиб, ёлворди:

- Сен ҳам онадирсан, боламга раҳминг келсин, нахот фарзандингни яхши кўрмасанг? “Она онани тушуниади”, - дейишади. Жонзотми, инсонми, у, бари бир, она. Нахотки мени тушунмаяпсан, илонжон? Нима керак бўлса берай, факат болажонимга заар берма. Токи бир умр дуон жоннингни, салтанатинг омонлигини тилаб яшай. Инсонлар доимо илонлардан нафратланиб келган. Уларни бераҳм ва ёвуз жонзот хисоблашган. Маликам, сен бу гапларни йўқка чикар. Илонларда ҳам калб борлигини исботла. Илонлар ҳам Яратганинг мавжудоти эканлигини, инсонлар билан ўзаро меҳр-оқибатда яшай олишини исботла, маликам. Боламни чақма, чақма! Бизни тинч кўй!...

Латофат яна анча илтико килди, йиглади – сиктади. Илондан эса сас чикмас, у ҳамон вишиллаган кўйи жим туарди. Сўнг аёлнинг кўзлари тинди. Боши айланиб, охиста йикилаётби, кўзи илонлар маликасининг ўзи томон судралиб келаётганини кўрди. “Фарзандимнинг ўринига менинг жонимни ол”, - дея пичирлади унинг лаблари. Илон жувонга яқин келиб қарама – карши турди. Латофатнинг наздида бу даҳшатли жонивор бор газабини жамлаб, хозир бир ҳамла билан захар тишларини ўзининг баданига санчадигандек туйилди. Аммо илон бундай қилмади. Охиста ортига тисарилиб, секингина судралганча ташкарига чикиб кетди.

Латофат ўзини ўнглаб олиб, ўглининг тепасига келди. Кўнгли алланечук ғаш тортиб, бироздан кейин бўладиган даҳшатли ходисани сеза бошлади. Ўглини авайлабгина кўтариб, ичкари уйга олиб кириб, ўз каравотига ётқизди. Ўзи эса ўглининг айвондаги ўринига кириб ётди.

Илонлар ўз ҳакларини тўла олмагунча тинчимасликлари ҳакида хўп гапирилган. Уларнинг касоскор мавжудот бўлишини у кўп эшиштан. Шу боис Латофат ўринда жунжикиб ётганча она илонни – илонлар маликасини кута бошлади. Энди унинг чехрасида кўркув ва талвасадан

асар ҳам колмаган, ўзини эркин ва бўш кўйиб, фарзандларининг келажаги ҳакида ўйларди, холос. Кўрдингизми, азизлар она фарзанди учун жонини фидо киляпти.

Бу пайтда хўвлиниң этагига бориб колган она илон ёнгок дарахтининг тагида тўхтади. Оз фурсат туриб, нимадандир ҳадиксирагандек атрофга аланглади. Боласи ёдига тушди, шекилли, кўзлари яна оловдай кизғиш тус олди. Тишларига заҳар тўлди. Тезликда ортига ўғирилди-ю, ўқдек учеб кетди. Зум ўтмай бўсағада майнингина шитирлаган овоз эшишилди. Латофат унинг келганини билди ва килт этмай жойида ётаркан, кафтлари билан кўрпани сикди. Она илон бўлса, шошилмасдан, бор газаби ҳамда заҳрини тўплаб тиркишдан кўрпанинг орасига кирди...

Она фарзандим деб яшайди. Бола тугилган кунидаёқ она унга алла айтиб, гўдакнинг ҳали сўз маъносига тушумаслигидан қатъий назар у билан ширин сухбатлар куради. Мана шу сухбатлар инсон боласини инсонликка тайёрлайди. Унга Аллоҳ томонидан берилган тафаккур, онг, кобилият тушунчаларини уйғотиб, жамиятта кўшиб боради. Бола атрофни идрок килишни онадан ўрганади.

Кўнгиз ҳам боласини “Оппогим” дейди, деган наклни эшигтансиз. Бу бежиз эмас. Фарзанд қандай тугилган бўлмасин-ҳоҳ нуксонли, ҳоҳ нуксонсиз- она учун у катта баҳт ва унга муҳаббати чексиз бўлади.

Айтишларича, бир инсоннинг яккаю ягона ўғли бўлиб, у гунг- кар экан. Ўша бола 12 ёшга кирганда кизамиқдан вафот этибди. Шунда унинг шўрлик онаси: “булбулиг ўё болам” деб, соч юлиб йиглаган экан.

Она фарзанди бемор бўлиб қолганда бедор кунларни ўтказади, ўғил ёки кизлари камоли учун бор харакатини қиласди. Уларни одобли, хушмуомала килиб ўстиришга интилади. Шоир айтганидек:

Балки олим бўлмассан, болам,
Сендан чикмас шоир ҳам, бирок
Юлдуз бўлиб порламассанг ҳам,
Майли, бўлгин йўлларда чирок,
Болагинам, одам бўл одам!-
деб насиҳат қиласди.

Сиз буларни биласизми, хеч ўйлаб кўрганмисиз, дилдан хис киласизми?

Буюк боболаримиз Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур оналарини, аёлларни севиш, ардоклашни ниҳоятда кучли эҳтирому эҳтирос билан таъкидлаганлар. Биз уларнинг авлодлари эканлигимизни унутмайлик.

Кекса оналаримизнинг калалак қанотидан ҳам юпка калбини хис этиш, вакт топиб олтинга баробар сўзларни ёнларида ўлтириб тинглаш, кўзларига яхширок караш, хатти-харакатимиз, турмуш тарзимиз, тилимиз

билан уларнинг нозик дилига заррача озор етказмаслик йўлларини ахтариш қўлимиздан келар. Оналарга меҳр зарур, хотиржамлик зарур.

Азизлар! Биз она олдидаги бурчни чукур сезган холда унга меҳр-мухаббат туйгуларини баҳш этмөғимиз лозим. Бизнинг дунёга келишимизга сабабчи бўлган, тарбияjab ўстирган онамизнинг ҳакларини хеч камчиликсиз адо этайлик, иззат-хурматларини бажо келтирайлик. Насихатларини бажонидил кабул килиб, амалда кўрсатайлик.

Билайлики, биз онамизга қандай муомалада бўлсак, кейинчалик биз ҳам фарзандларимиздан шундай муомалани кўрамиз, чунки улар биздан намуна оладилар. Бу ҳаёт тажрибаси.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Одамзоднинг даврасида табаррук,
Табарруклар даврасида энг буюк.
Энг буюклар даврасида энг суюк,
Онадир ул, онадир ул, онадир...
2. Отага билак, онага юрак бўлинг.
3. Онанинг меҳри ҳам зўр, қаҳри ҳам зўр.
4. Онангни қандай улуг неъмат эканлигини, онасидан жудо бўлганилар билан сухбатлашганда биласиз.

ОТА-ОНА МЕҲРИНИ ҚАДРЛАШ – ҲАМ ФАРЗ, ҲАМ ҚАРЗ

Ҳаётда шундай мавзулар борки, улар ўткинчи эмас, улар эскирмайди, улар доимо кўз ўнгимизда туради. Ҳар бир инсон ҳаётда улгайиб, турмуш куриб, фарзанд кўришни орзу килади.

Фарзанднинг ҳаётига сабаб бўладиган биринчи қувват – она жисмидаги кондир, она сути унинг юрак конидир. Чакалок шу кондан озиқланиб, ҳаётини саклайди. Онанинг кадди-комати бир дараҳт бўлса, фарзанд шу дараҳтнинг мевасидир.

Онанинг фарзанди учун меҳри бекиёс. Онанинг эркалаб, суйганидан, меҳр-мухаббатидан тош калблар ҳам эрийди.

„Бир парча гўдак бошида тунни кунга улаган, чакалок бир касал бўлса, минг изтироб чеккан, боласи бир кулса, минг бор кувонган, бир кадам босса, устидан ширинликлар сочиб, ўзини учгандек хис килган, фарзанди кўчага чикса, хавотири ошган, ортидан дуолар йўллаган ҳам онадир” дейди донолар.

Она фарзандига бор меҳрини беради, барча кийинчилкларга, хатто ўзини фидо килишга ҳам тайёрдир. Ҳаётдан мисол келтирай:

Бу сўзларни тасдиги учун яна куйидаги воеани келтирай:

Немис фашистлари асиrlар ўртасида қуидагича тажриба ўтказишган экан: Киш фаслида қалин музни ёриб, унга ялангоч холда ҳар хил ёшдаги эркак ва аёлларни муздек сувга бўйнигача ботириб, кўлларини кўтаргани холда, уларни томир уришини тўхтагунча санаб, неча дакикадан сўнг вафот этишини ёзиб боришган. Навбат бир аёлга келибди, унинг ёнида ёш боласи ҳам бор экан. Аёлни боласидан ажратиб, уни сувга туширишибди, бола йиглаб колибди. Буни қарангки, муздек сувга туширилган ҳар хил ёшдаги эркаклар вафот этган дакикалар ўтиб борсада, аёлнинг томир уриши давом этаркан. Бунга текширувчилар хайрон бўлишган. Шунда улар бунинг сабабини аёлни боласи кисматига илхақ бўлиб, унга бўлган меҳри туфайли жони таслим бўлмаяпти, деган хulosага келишган.

Чет элларнинг бирида бир хомиладор аёлни ултратовуш текширувидан ўтгацишанида, хомилада б-та юрак нуксони борлиги аникланган. Шунда шифокорлар онага болани дунёга келтириш ўта ҳавфли, у туғилибок вафот этиши мумкин, сизнинг ҳаётингиз ҳам ҳавф остида бўлади, хомиладан воз кечинг, дейишибди. Аёл, мен туғилажак боламни бир кўриб ўлсам ҳам розиман, деб хомилани олдиришга кўнмабди. Фарзандига ҳаёт хадя этишга чоғланган аёлни ҳар кандай жудоликка тайёр туришини кўрдингизми?

Аёлни туғдиришда 30-та шифокор қатнашибди. Туғрук жараёни жуда оғир кечибди, она бир ўлиб, бир тирилибди. Чакалокни туғилишидаёк шифокорлар унда 3-та мураккаб жарроҳлик амалиётини бажаришибди. Орадан маълум вакт ўтиб, яна 3-та жарроҳлик амалиёти ўтказилибди. Буни қарангки, онанинг меҳри, сабр ва матонати туфайли чакалоқ ўлмай, согая бошлабди ва ҳозирда у яхши вояга етаяпти экан. Дарҳакикат, онанинг меҳри, салоҳияти, кудрати чегара билмайди.

Отанинг ҳам фарзандига мухаббати чексиз, чунки у фарзандини ўз суратидан кўчирилган нусха деб англайди. Ота ўзи истаган фазлум-камолини фарзандига беришга, уни ўзидан кўра ҳам мукаммал килиб тарбиялашга ғайрат килади. Шу боис ҳалқимизда „Отанг кадрин билсанг, одам кадрини биласан“ деган макол хукм суради. Ота фарзанди хакида инсонлардан „Тарбия килган отангта раҳмат“ деган сўзни эшитишни хоҳлайди, наслини давом этаётганидан қувонади.

Хозирда фарзандлар ота-оналарнинг шу меҳрларига кандай жавоб кайтарайтилар?

Хадиси шарифда, оиласа фарзанд бурчи тўғрисида тўхталиб, фарзандлар буюк зотлар: ота ва она хизматида бўлишлари, уларнинг розилиги асосида ўз ҳаёти ва фаолиятларини йўналтиришлари кераклиги баён килинган.

Мустакил Республикализ Конституциясининг 68-моддасида: „Вояга етган, меҳнатга лаёкатли фарзандлар ўз ота- оналари хакида гамхўрлик

килишга мажбурдирлар” дейилган.

Ҳаётда кўрмокдамизки, кўпгина оқил ва оқила фарзандлар юкоридагиларга амал килиб, бир дақиқа бўлса ҳам ота-оналари меҳрини эсдан чикармай, улар кўзларига нур, белларига тиргак бўлиб, авайлаб, асраб, оқ ювиб, оқ тараф юрибдилар, уларни тез-тез йўқлаб турадилар. Кичкина ишга кўл урганларида ҳам ота-онани вokiб килиб, уларнинг ризоликларини олиб, айтган сўzlарига амал килиб, ҳамма вакт уларни миннатдор килишга интилмокдалар. Бундай фарзандларга тасанио айтасан киши.

Вилоят туманларининг бирида, фалокат туфайли бир ёш кизалокни оёклари ишламай колибди. Она уни кўнглини кўтариб, хар куни: „Қизим, сен оёкка албатта турасан, Оллох сенга шифо беради” деб унга нажот багишларкан. Буни қарангки, 23-йил деганда у оёкка турибди, ўзини-ўзи эплайдиган ҳолга кирибди. Шунда бу киз ногирон бўлсада: „Мехрибон онам туғилганимдан шу кунгача мени деб кўчага ҳам чикмади, олдимдан бир кадам силжимади. Энди навбат менини. Онам учун бор меҳримни, эътибор ва вактимни аямайман” дебди. Бундай фарзандларга хар канча тасанинолар айтсанг арзийди.

Шу билан бирга, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳаётда шундай фарзандлар учрамоқдаки, улар она муҳаббатини, ота фидойилигини доим ҳам етарли баҳолай олмайдилар, улардан узок вакт хабар олмайдилар, уларнинг ганиматлигини ўйламайдилар.

Айримлар ўсиб, улгайиб, ота – она хурматини хар замонда бериб турадиган озгина пули, ўзлари олиб бормай, кимларданdir бериб юборадиган майда чуйдаси билан ўлчайдилар.

Билингки, ота-оналарнинг кадр-кийматлари на бойлик, на зебу-забар билан ўлчанмайди. Фарзандлар умр бўйи ўз ота-оналари хузурида карздордирлар. Ота-онага фарзандининг дийдори, уни кўриб туриши, мол -дунёдан устуни туради.

Ўқиганим бор. Бир бева аёлнинг иккита ўғли бузгунчи оқимларга кўшилиб бедарак йўқолади. Шунда она: „Майли эди, уйимдаги бор нарсаларни сотса ҳам, ишламасдан юрсалар ҳам майли, факат улар ёнларимда бўлса, уларни дийдорини кўриб турсам, бас эди, нафакам билан уларни бокардим” деган экан.

Саволлар туғилади. Отa-она чизган чизигидан чиқкан, уларнинг юзларига тик караган, ҳаётда уларга кўл ва хаттоки айрим холларда тиг кўтарган фарзанд, фарзандми? Ёшлири бир жойга етиб колган чоғларида, уларнинг кийимларини гардини покламаган, уйининг тўрисига ўтказиб, уларнинг деганларини бажо келтирмаган, дуоларини олмаган фарзанд, фарзандми? „Ота рози, худо рози” деган акидани, „Жаннат оналар оёги остида” деган хикматни вужуд-вужудига сингдирмаган, уларнинг

хизматларида бўлмаган фарзанд, фарзандми? Хотини вафот этган отани ёки турмуш ўртогидан барвақт бева қолган, фарзандини деб турмушга чикмай, уни ўстирган онани кимларнидир гапларига кириб, „Мехрибонлик уйи” га жойлаган, фарзанд, фарзандми? Уларни ота ёки она демай, бобой, кампир деб мурожаат киладиганларничи?

Кадимда ота-она юзига фарзанднинг тик караб гап қайтариши қатъий таъкиланган. Барча ота-оналарининг каргишини эмас, олкишини олишга интилгандар. Шу ўринда дуонинг яшинатишими, каргишнинг какшатишими эсламок лозим. Билингки, ота-она тамонидан лаънатланган ўғил ёки киз эл-юрт олдида хор бўлади, бошини кўтариб юраолмайди, ишлари юришмайди, маҳалла-кўй, кариндош-уруглар олдида обрўси тўкилади.

Бир донодан: „Дунёдаги энг буюк баҳт нима? деб сўраганларида, у: „Фарзанд учун унинг ота-онасининг ҳаётлиги” деб жавоб берган экан. Ота-она кўз юмгандаридан сўнг кабрига неча сўмлик тош кўйиб, хайру-эхсонлар килгандан кўра, улар тириклигига бир пиёла сув тутиб, кўнгилларини овлаш афзалроқдир.

Шундай экан, ота-оналари тирик бўлган фарзандлар, бунга шукронга келтириб, агар алоҳида яшасалар, уларни тез-тез йўқлаб, хоки-пойларини кўзларига суртмоклари, олтинга баробар сўзларини ёнларида туриб тинглашлари, кўзларига яхширок карашлари, хатти-харакатлари, турмуш тарзи, тили билан уларнинг нозик дилларига заррача озорлик етказмаслик йўлларини ахтаришлари керак. Ота-онаси билан бирга яшайдиган фарзандлар эса, эрталаб ота-она холидан хабар олиб, кейин бошка ишларини килишлари керак. Билингки, тонг кимлар учундир отмаслиги, бошка бировлар учун ташвишлар келтириши мумкин.

Рўзгорчи дерсиз? Рўзгорнинг гори качон тўлган? Ҳаёт ташвишлари хеч качон тугамайди, лекин ота-оналар бу фоний дунёда меҳмонда турибдилар. Кейин минг тавалло-ю, тавба-тазарру билан уларни ортига кайтариб бўлмайди.

Шахримизнинг катта бир ташкилот раҳбари ота-оналарини зиёрати учун бормокчи бўлган ходимларига ҳоҳлаган кунлари иш вақтидан маълум вақт ажратибди. Қандай олийжаноблик. Бундай савобли ташаббус харканча тасаннога лойикдир.

Ота-она тириклигига уларни хушнуд этиш, вафотидан сўнг эса тирикликларида айтган насиҳатлари ва маслаҳатларига амал килиш, уларнинг яхши хислатларини ёдлаш, барча фарзандлар учун хам фарз, хам карзидир.

ОИЛАДА ОТА ҲУРМАТИ

Балогат ёшидаги ўғиллар ва кизлар кўпинча ўзларини инсон сифатида шакллаіган хисоблайдилар-да, ортиқча панду насиҳатларни ёктирмајдилар.

Лекин шундай бўлса-да, ёшлар энг улуғ инсон бўлмиш ота ва унинг оиласидаги ҳурмати ҳакида фикр юритишни лозим деб топдим. Зоро, ҳалкимизда “Отанг кадрини билсанг, одам кадрини биласан” деган макол хукм суради.

Азиз ёшлар! Сиз эндигина бозорга бормоқдасиз, отангиз эса бозордан кайтмоқда. Сиз ҳозирда куч-кувватга тўлмоқдасиз, отангиз эса кучдан кетмоқда. Сиз бу сўзларга бир эътибор беринг-а.

Отангиз оиласинг узогини якин ва йўгини бор килиш учун доимо ҳаракатда бўлади. Ўғиллари яшаши учун уй-жой қуради, кийдириш учун кийим-кечак топади. Ейиш ва ичиш учун озиқ-овқат излаш пайдан бўлади. Сиз отангизнинг тер тўкиб ҳаракат килаётганини, кўлидан келадиган барча яхшиликларни сиз учун мухайё қилиш йўлида меҳнат килаётганинги билишингиз ва бунинг шуқронаси учун унга итоат қилишингиз, айтганларини ўз вактида бажаришингиз, фарзандлик бурчини адо этиш учун ҳамиша шай туришингиз керак.

Отага итоат этиш билан бирга унга чин дилдан ишониш ҳам зарурдир. Ота сўзларига ишонмаган, ундан ўзларини ақлли ва ишбилиармон деб хисоблаган ёшлар кўргина кийинчиликлар ва ҳар хил оғатларга дучор бўладилар. Чунки ишончсизлик одамда алдов ва ёлғончиликни тугдиради, ёлғончилик эса барча кабиҳликларни юзага чиқаради.

Отани гафлатда колдириш, уни алдаш, ҳар бир ишнинг ҳақикатидан бехабар колдириш ота учун зўр укубат ва ҳакоратдир.

Ҳаётда кимда-ким сизга қарат: “Буни отангга айтма, ундан яшир” деса, билингки, у дўст эмас, балки душмандир. Бундай одамдан нари юрмоқ лозим.

Агар фарзанд ўз отасининг чин кўнгилдан меҳрибончилик қилиб айтган сўзларига риоя килмаса, берган маслаҳатларини кулокка олмаса, бора-бора йўлдан адашади, оқибатда баҳтсиз бўлади. Фарзанд ота насиҳатларига карши иш тутдими, демак, ўша кундан бошлаб ота дили ранжийди. Ота сўзларини ерда колдириш канчалик кўпая бошласа, ота меҳри боладан шунчалик қола бошлайди.

Айрим йигитлар ўсиб, улгайиб, мансаб курсисига ўтирасалар, ота ҳурматини ҳар замонда бериб турадиган озгина пули билан ўлчайдилар. Шуни билингки, ота кадри пул билан ўлчаммайди. Ота учун фарзанд дийдори пулдан устунроқ туради. Ота хеч вакт фарзандига ёмонликни

раво кўрмайди. Сиз куйидаги шеърий мисраларга бир эътибор беринг-а.

Бир куни ранжитди Отани фарзанд,
Ота ўз уйдан бош олиб кетди.
Лекин Аллоҳ меҳри бўлиб сарбаланд,
Ота Маккатуллоҳ васлига етди.

Ота фигон чекди Каъба кошида,
Гўё унут бўлгай аламлар бари.
Нажот чарх урса ҳам гарчанд бошида,
Сира кетолмади, бир гапдан нари.

Каъбага сигинар экан кекса чол,
Армонин ошкора айтди оламга.
Деди: «Ибодатим бўлса ҳам увол,
Факат саодат бер ўша боламга».

Падари бузрукворининг чизган чизигидан чиккан, юзига тик караган фарзанд фарзандми? Отанинг елкасига, иссик кучогига бош кўйиб улгаймаган, меҳрига тўймаган бола борми? Ота рози – худо рози деган улуг акидани вужуд-вужудига сингдирмаган, хизматларида бўлмаган, дуосини олмаган йигит йигитми? Ёши бир жойга етиб колган чогида эгнидаги кийимлари гардини покламаган, уйининг тўрисига ўтказиб, отасининг дегандарини бажо келтирмаган, дуосини олмаган ўғил-ўғилми? Отани улуғлаганлар, эъзозлаганлар, кафтида кўтарганлар кам бўлмагай.

Азиз кизлар! Эркак канчалик аклии ва зукко бўлмасин, онладаги икlimни аёл яратади. Ҳалкимизда: “Яхши кўриш бир-бирига термулиб туриш эмас, биргалашиб бир томонга карашдир”, – деган накл бор. Муҳаббат шоҳсупасига илм, онладаги ахиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва фидойилик пиллапоялари оркали чикилади. Шундай экан, сизлар ҳам катта бўлиб она бўласизлар.

Аёнки, аёлнинг фикри, юрак кўри кўшилмагуича, рўзгорнинг араваси ўрнидан силжимайди. Одатда, эркаклар ошкора, дангал, аёллар эса сездирмай, синиклик билан бошчилик киладилар. Аммо, шунга эришиш керакки, болаларимиз ҳал килувчи овоз отамиизда деб билсинлар. Ҳар бир ишда отанинг рухсати бўлсин. Оталарнинг омон бўлиб, болаларига бош бўлиб юрганига нима етсин.

Азиз йигитлар! Ўзбек халки қадим-қадимдан отани оламда энг улуг, энг мўътабар, энг муқаддас зот деб билиб, фарзандларига уни умрбод эъзозлаш, иззат-хурмат килиш, қадрига етиш, унга мададкор, ҳамнафас бўлиш, панду насиҳатларига кулок солиш ва амал килиш, каттиқ-курум

гапирмаслик, дилини оғримаслик, аксина, факат яхшилик килиб, берган түз-насибасини оклаб, хар жихатдан рози килиб, олкишу дуосига сазовор бўлиш, унинг бошлаган ишларини давом эттириш-энг муқаддас бурч эканлигини қайта-қайта уқтириб келганлар. Бу ҳакда кўплаб ибратли маколлар битганлар. Жумладан, “Отаси борнинг унуми бор”, “Ёмғир ёғса тўнинг хўл бўлар, отанг ўлса уйинг чўл бўлар”, “Ота ризоси-Аллоҳ ризоси”, “Отанга нима килсанг, болангдан шуни кўрасан”, “Отасини оғритган эл ичиди хор бўлур”, “Ота қадрини ота бўлгандада биласан” ва хоказо.

Сиз буларга катта эътибор беринг. Отани иззат-икром килиш факат ёшлик пайтида ёки бой-бадавлатлик пайтидагина эмас, балки умрингиз борича ва кучингиз тугагунча бўлсин.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Ҳакикий фарзанд ҳар бир соҳада отасининг ҳукмига тобе бўлиши керак.
2. Ота доги кўйдирап, она доги ўлдирап.
3. Отаси борнинг унуми бор, онаси борнинг тиними бор.
4. Отаси бор отланмас, онаси бор тебранмас.
5. Фарзанд отадан кўркмасин, отани хурмат килсин.

ОТА-ОНАНГ ДАВЛАТИНГ

Ота-она буюк зотлардир. Улар сиз билан бизни дунёга келтириб, кўз корачигидек асраб-авайлаб, вояга етказибгина колмай, ҳамма вакт хаётимизга нур сочиб турадилар. Бас шундай экан, биз фарзандлар ана шундай саховатга фидойилик билан жавоб бермогимиз ҳам фарз, ҳам карзdir.

Илмий ва диний манбаларда баён қилишича, ота-онани фарзандга нисбатан саксонта ҳакки бор. Уларнинг киркласи тириклик вақтида, колган киркласи вафот этгандан кейин амалга оширилар экан.

Тириклик чогида киркта ҳаккининг ўнтаси танга, ўнтаси тилга, ўнтаси дилга ва ўнтаси молга тааллукли экан.

Танга тааллукли бўлган ўнта ҳак ота-онага сидкидилдан хизмат килиш бўлиб, у куйнагилардан иборат: Отаси-онага ҳамма вакт хурмат кўзи билан қараш, килма деган ишларини килмаслик, уларнинг маслаҳати ва розилигисиз ҳеч бир ишга кўл урмаслик. Улар уйга кириб келсалар, дарҳол ўриндан туриб, кутиб олишлик, агар улар ўтиришган бўлса, рухсат берганларидан кейингина ўтиришлик, улар ўтирадиган жойга ўтирмаслик, йўлда кетаёттандада улар олдига ўтиб олмаслик, уларнинг олдида очик чехра билан ўтиришлик, қовокни солиб, хўмрайиб қарамаслик,

чакиргандарыда югуриб боришилек.

Дилга тааллукли ўнта ҳаклари куйидагилар: уларга раҳм-шафқат билан қарашиблик, кўлидан келганча яхшилик қилишиблик, уларга доимо шодлик улашиблик, улар ғам тортсалар малҳам бўлишиблик, ортиқча гапирсалар малол олмаслик, танбех берсалар хафа бўлмаслик, дилларини озор топишини ўзлари учун ор билишиблик, ниятларига ҳамдард бўлишиблик, уларнинг умрларини узок бўлаётганликларини кўриб кувониш, ҳар доим кўнглини олишиблик.

Тилга тааллукли бўлган ўнта ҳакга: уларга доимо мулоим мумомалада бўлиш, баланд овоз билан гапирмаслик, кўполлик қилмаслик, исмларини айтиб чакирмаслик, гапираётганларидан сўзларини бўлмаслик, айтганларини рад этмаслик, бирор иш буюрсалар “йўқ” деб жавоб қилмаслик, улар кичкириб гапирсаларда, паст овозда гапириш, уларни гапларига “ох”, “ух” деб хитоб қилмаслик, улар олдида доим тавозеда бўлишиблик киради.

Молга тааллукли ўнта ҳақ куйидагилардан иборат: Ўзингга кийим-кечак қилишдан аввал, уларга килиб беришиблик, ўзинг ейдиган таомлардан ширинроқ таом беришиблик, бир дастурхонда овкатланаётганда емишнинг яхшисини улар олдига суруб кўйишиблик, қандай нарса сотиб олиш истаклари бўлса, иложи борича ўша нарсани олиб беришиблик, иморатларини яхшилаб, уйларини безаб беришиблик, ошкора сўрамасалар ҳам вакти-вакти билан пул бериб туришиблик, уларга “топган тутган нарсаларим сизлар учун bemalol олаверинглар” деган сўзлар билан орадаги уялиш ва тортинишни йўқотишиблик, уларни уйларига таклиф килиб, иззат-хурматини жойига кўйишиблик, уларнинг дўстларини доимо хурмат қилишиблик, улар ҳолидан тез-тез хабар олиб туришиблик.

Бу ўгитларни фарзандлар доимо ёдда саклашлари ва иложи борича уларни бажо келтирмоклари лозим. Ҳар бир оқил ўғил, оқила киз “ота-онамни шод қилиш учун нима иш кила олдим” деб ўз виждони билан бот-бот сухбатлашиб туришини одат қилиши керак.

Мустакил республикамиз Конституциясининг 66-моддасига асосан “вояга етган, меҳнатга лаёкатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳакида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” деб ёзиб кўйилган. Ота-онанинг кадр-кйматини на бойлик, на зебу-завар билан ўлчаб бўлмайди. Фарзандлар умр бўйи ўз ота-оналари хузурида карздордирлар.

Ҳадиси шарифда ҳам фарзанд узлуксиз ота-она хизматида бўлиши, уларнинг розилиги асосида ўз ҳаёти ва фаолиятини йўналтириши таъкидланади.

Аммо ҳаётда шундай фарзандлар ҳам учраб турадики, улар туккан онасига, тарбиялаган отасига ғамхўрлик қилишни ўзларига эп кўрмайдилар, хабар олмайдилар. Бундай фарзандлар ота-она олдида катта

генох килаётганликларини сезмайдилар, уларнинг ганиматлигини эсдан чикарадилар.

Хар бир инсон, агар у виждонли ҳакниий инсон бўлса, дўпписини олиб кўйиб, яхшилаб ўйлаб кўриши керак. Хўш, мен отамга, онамга кандай яхшилик килдим, деб. Ҳаёт карздорлик ва бурчдан иборат.

Кимки ота-онасини чукур хурмат киласа, уларни рози этса албатта фарзандлари хам уни эъзозлайди, хурмат киласи. “Қайтар дунё”, деб бежиз айтилмаган. Ким нима экса, шуни ўради.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Отангни гапини икки килма, икки дунёйинг куйиб кетади.
2. Яхши фарзанд ота-онани вазир этади, ёмон фарзанд разил этади.
3. Эй ўғил, киз! Сен ота-онангни мамнун эта олсанг, дуоларини ола билсанг, улар сенинг жаннатингдир. Агар уларга киё бока олмасанг, улар сенинг жаҳаннаминг ҳамдир.
4. Ота-она масъулиятини факат ўғиллар ўз зиммасига олади деб, кайда айтилган? Ота-онани асрраб-авайлаш, ўғилга ҳам, кизга ҳам бирдай тўтиёдир.

ЖИГАРЛАР РИШТАСИ УЗИЛМАСИН

Ҳаёт бир мактаб. Инсон хоҳлайдими, хоҳламайдими узун ва машакқатли ҳаёт йўлидаги баланд ва паст йўлларни босиб ўтиши керак. Бунда яхши ва ёмон кунлар, хушчакчоқ ва ташвишли онлар учрайди. Бундай холларда инсон ўзини кандай тутишлиги, нималарга эътибор қаратиши лозимлиги тўгрисида баён килинган қексалар ўгитлари кўл келади.

Жигарлар (бир кориндан тушганлар) муаммоси ҳар доим долзарб масала бўлиб келган. Бу борада кўп ва хўб ёзилган. Лекин шундай бўлсада, бу мавзуга яна қайтиш фойдалан холи эмас, деб ўйлайман.

Хар нарсанинг ибтидоси ҳам, интикоси ҳам бор. Қодир табибининг ҳеч ўзгармас қонуни – тугилмоқ ва бир куни ўтмоқ ҳам бор. Ажал ҳеч кимни: шохни ҳам, гадони ҳам, эркагу-аёлни ҳам, гўдагу-кексани ҳам аямайди, вақти казоси етганда ҳамма ҳам бандаликни бажо келтиради, ундан ҳеч ким куттила олмайди. Бу такдиру азалининг хукми.

Ота ёки она вафот этар олдидан оиланинг тўнгич фарзандига: „ Сен каттасан, укаларингнинг бошларини ковуштириб тур, мендан кейин ахил-иноқ яшанглар”, деб сўнгти ўқинч билан унга насиҳат киласи.

Шу ўринда бир воеа тавсилотини айтиб ўтишини жоиз деб билдим.

Тошкент вилоятининг туманларидан бирида бир инсон вафот этиби. Уни учта ўғли бор экан. Ҳамма жаноза намозига саф тортибди. Тобутни

олиб чикишибди. Имом тобут олдига келиб: „Отанинг қарзларини гарданига оладиган катта ўғил олдинга чиксин” дебди.

Мархумнинг иккита ўғли олдинга чикишиб: „Катта акамиз Тошкентда яшайдилар. Биз кишлокда отамиз билан бирга яшаймиз. Отамизнинг олди-бердиси бўлса, биз кафилмиз таксир” дейишибди.

Имом амиона оҳангда яна сўзини такрорлабди: „Катта ўғил олдинга чиксин!”. Катта ўғил имомнинг олдига келибди. Имом баланд овозда: „Кўпчилик, отанинг қарзларини гарданига оладиган катта ўғил олдинга чиксин! деганимда, бу икки ёш йигитлар айтганидек, бировларнинг олди-бердисини тушинишади. Унака қарзни узиш кийин эмас, берган қарзларини айрим шахслар кечиб ҳам юборишади. **Мен бошқа қарзлар ҳакида ҳам гапирияпман.** Катта ўғилни олдимга чакиришимдан максад шуки, мархум ота адо килаолмаган вазифалар энди тўнгич ўғилнинг гарданига тушади. Укалари уйланмаган бўлса, уйлантириш, уларни ўқитиш, кизлар колган бўлса, уларни турмушга чикариш, укалари, сингилларидан отанинг ўрнида вакти-вакти билан хабар олиб туриш, уларнинг кийналиб колишларига йўл қўймаслик унинг зиммасига тушади. Катта ўғил укалари ва сингилларига ота ўрнида бўлади. Шу боис, мархумнинг ёнига катта ўғилни чакириб: „Отангизнинг қарзларини гарданингизга оласизми?” деб сўраяпман. Катта ўғил: „Ха, гарданимга оламан” дегандан кейингина жанозани ўқийман. Хозир вафот этган инсоннинг руҳи ёнимда турибди, у ўғдини жавобини кутаяпти. Руҳлар ўлмайди, улар кўриб, эшишиб турадилар. Ўғилнинг „Ха” деган жавобидан сўнггина мархумнинг руҳи тинч бўлади, охирги сафарига хотиржам кетади” деган экан. Кўрдингизми, катта фарзанд бурчларини.

Юкоридаги холатда айтилганидек, ҳаётда ота-онадан кейин, ука ва сингилларни бир-бирига ковуштириб, худди ота-онадек катъиятли, ҳаммага баробар эътиборли ва жонсарак яшашлик катта фарзанд зиммасига тушаркан. Ота-онадан сўнг онлага бош бўлиб коладиган фарзандга осон бўлмайди. Лекин унинг бажараётган ҳар бир амалларидан аввал Оллоҳ рози бўлади, колаверса ота-она руҳлари рози бўлади. Бу эса шу катта фарзандга ҳаётида пайдар-пай яхшиликлар келтираверади.

Оилада ўғил фарзандлар ота-оналари каби опа ва сингилларига ҳам меҳрибон бўлиб, бот-бот улардан хабар олиб туришлари лозим. Уларни кўллаб- кувватлаш, ардоклаш Оллоҳ ризолиги йўлида килинган хайрли иш хисобланади.

Ҳадисларнинг бирида: „Она ёки сингилни излаб чиккан ака ёки ука то уларнинг манзилларига еткунча жаннат bogларида юргандек бўлади” дейилади. Яна айтадиларки: „Бугдой нон мукаддас. уни увол килиш, устидан босиб ўтиш мумкин эмас. Аммо агар ака синглисини, ука опасини кўриш учун шу бугдойзорни кесиб ўтиш керак бўлса, бунга рухсат этилар

экан". Бу сўзларни қадрига етмок лозим.

Куръони Каримда айтилишича, энг катта гуноҳ Оллоҳга ширк келтириш бўлса, иккинчиси ота-онага „Ок бўлишлик”, учинчи катта гуноҳ „Катъу рахм” дейилади. Бу жигарлар билан алокани узиб, меҳр – окибати бўлмаган инсонлар гуноҳидир. Жигарлар хурмати ота-онадек азиз инсонлар билан бир макомда тураркан.

Жаноби Расулulloх (с.а.в.) марҳамат килиб: „То бир-бири мизни, жигаримизни севмагунимизча жаннатга кира олмаймиз. Намоз ўқиймиз, рўза тутамиз, Ҳажга борамиз, закот берамиз. Аммо уларни Оллоҳ хузурида кабул бўлишилиги меҳр – окибатга боғлик. Қалбида жигарларига нисбатан меҳр-окибати йўқнинг хатто Лайлутул Қадр кечасида килган ибодатини ҳам Оллоҳ кабул этмайди” деган эканлар.

Мусо алайхиссалом Тур тогида Оллоҳ билан сўзлашгани келиб, Яратган Эгамдан сўраган эканлар :-Ё Раббим, жигарларини ризо килгандарга нима мукофотинг бор?. Шунда Оллоҳ: „Умрини узок килиб, икболини кенг киламан” дебди. – Эй Оллоҳим, жигарлар билан алокани узиб қўйган бандаларинга қандай ажримлар бор? деб яна сўрабдилар. Шунда Оллоҳ: „Ундайларнинг умри, ризки кам бўлади” деган эканлар.

Бир йигит Расулulloхдан сўрабди: „Ё Расулulloҳ, ота-онам дунёдан ўтса, улар рухларини нима билан шод этиб тураман?”. Шунда Расулulloҳ: „Ака-укаларинг, опа-сингилларинг холидан хабар олиб туришлик, ўзбошимчалик қилмай, улар билан маслаҳат ила иш кўришлик билан” деб жавоб берган эканлар.

Оллоҳнинг розилигини олиш, охиратини обод бўлишилигини хохлаган инсон ўзи яхши кўрганини жигарларига ҳам раво кўради.

Донолар: „Бу дунё -синовли дунё, ундан канд еган ҳам, панд еган ҳам ўтади. Оллоҳ сизга бойлик бериб синайди. Сизни муруваттингизни, сахилитингизни имтиҳон қилади. Агар сиз „Худо берди” деб осмонга кўтарилиб кетмасангиз, жигарларингизга муруватли бўлсангиз, шунда Оллоҳ Таоло бойликларни сизга давомли килиб беради. Лекин, аксинча сизда кибр пайдо бўлиб, босар-тусарингизни билмай колсангиз, бемеҳр бўлсангиз, ўзбилармончилик қилсангиз, катталар билан бамаслаҳат иш кўрмасангиз, Парвардигор оламан деса бир кунда, бир дақикада олиб кўяди” дейишади. Дарҳакисат, биз бу имтиҳондан йиқилганларни ҳам ҳаётда учратаяпмиз.

Сиз аввало жигарларингизга муруватли ва сахий бўлинг. Улардан ошсангиз, бошқаларга муруват килинг. Шунда бу харакатингиз Оллоҳга хуш келади. Муруват олган жигарларингиз дуолари сизга янада кўп бойлик келтиради” деганлар.

Халқимизда: „Бир корнидан тушган, бир кўрпада катта бўлган, битта ионни бўлиб ейишган” деган гаплар юради. Вакти-вақти билан ога-

инилар, опа-сингиллар бир-бирларини йўклаб: „Қалай юрибсиз, ишларингиз қалай, жиянларим яхшими?” деб хол – ахвол сўраб кўйишликнинг ўзи: „Менинг сўрайдиганларим бор” дея шу инсонга маънавий озука бўлади, меҳр-муҳаббат уйғонади.

Халкимиз севган маънавият тарғиботчиси Турсуной Содикова бу борада ўзининг бир маколасида: „Шуни билингларки, оға-ини, опа-сингилларнинг ҳар бирининг вужудида она юрагининг бир парчаси бор. Жигарлар бир-бирларини йўклаб уйларига боргандарида, улар жигари вужудидаги онасининг розилигини олгани боради. Ҳар сафар оға-ини, опа-сингиллар бир-бирларига якинлашганларида улардан ота-онасининг хиди сезилади. Шундай пайтларда вафот этган ота-она рухлари зиёрат килувчиларни қучокласа керак ва улардаги яйраш фарзандларига ўтса ажаб эрмас. Келинлар, күёвлар, эшитиб қўйинглар. Ота-онамиздан колган энг киммат мерос-бир кориндан тушгандаримиз. Агар рўзгорингизни яхши бўлишилгини ҳоҳласангиз, жуфтингизни жигарларидан узоклаштируманг! Ораларига совуқчилик солманг! Аксинча, вазиятни ямаб, андавалаб юриб, йўқ муносабатларни бор қилинг! Агар умр йўлдошингизни узок яшашини истасангиз, унинг жигарлари томон итаринг, жигарини топса, у онасини топади, отасига якин боради. Уларнинг руҳи ҳам мададкор, ҳам муолажадир.

Билингки, ҳамма бола-чака деб уриниб юради. Хеч кимнинг ортиқча пули йўқ. Жигарларни бир-бирларига ёрдам беришлари мажбурий деган жойи ҳам йўқ. Имкони бўла туриб, ўз жигарларига ёрдам бермаганларни суд ҳам килмайдилар. Аммо қонида Худо суйган саҳишлиги бор инсон агар қодир бўлса биринчи навбатда ўз жигарларига, улар сўрамасалар ҳам мурувват килаверадилар. Аслида оғизни очиб турган болаларининг ризқидан кийиб, жигарининг камига сарфлаш катта фидойиликдир. Лекин мурувватли инсон бирни берса, Оллоҳ унга ўнни беради. Бу холатларни ҳам ҳаётда кўп кўрмоядамиз. Яна шуни эслатиб ўтмокчиманки, мурувват қабул килувчи жигар бунинг учун Оллоҳга шукрлар айтиб, мурувват килгучига чин дилдан дуо қилсин, миннатдорчилик билдирисин. Яна у: „Эй Худо, мени ҳам қодир кил, бир кун мен ҳам кутилмаганда жигарларимни бир кувонтирай, деб дилдан яхши ният килиб юрса, у ҳам шу ниятига албатта етади. Шунда жигарлари ҳам бу ишдан яйрайдилар, меҳрлари янада ошадилар. Ношукурчилик Оллоҳга ёкмайди, ҳар бир инсон ҳасад билан эмас, хавас билан яшамоги керак” деган эди.

Агар жигар жигарини излаб борса, унга етмиш минта фаришта қўшиларкан ва улар томонидан: „Қадаминг кутлук бўлсин. Жойингни Оллоҳ жаннатдан тайёрлаб қўйсин” деган бир нидо бўларкан.

Жаноби Расулуллоҳ (С.А.В.) сахобаларга қарата : „Жаннатий

одамлардан сизларга хабар берайми” дебди. Шунда сахобалар: „Е, Расулуллох, хабар беринг” дейишибди. Шунда Расулуллох; „Пайгамбарлар, Сиддикийлар жаннатийдирлар. Оллох ризолигида жигарларини зиёрат килгани борғанлар хам жаннатийдирлар” деган экан. Аиа жигарларга меҳр оқибатни бәхоси.

Оллох Таоло: „Кимки кон-кардошлик муносабатларини мустахкамласа, мен уни раҳматимга мұяссар эттайдын ва кимки бу муносабатларни узса, мен ундан раҳматимни дариг туттайдын” деган экан.

Күрдингизми? Жигар, бир кориндан тушганларнинг азизлигини! Шу боис, акаси ё укаси, опаси ё синглиси борлар Оллохга шукронда келтириб, бир-бирларини излашлари, бир-бирларидан ўз меҳр – муруватларини аямасликлари керак! Рисоладаги жигарлар бир-бирларини доимо күллашлари, бир-бирларини яхши кунларидан, тўй-хашамларидан бош-кош бўлишлари, ёнларидан камарбаста бўлишлари керак. Бойлик, амал учун ўртоқ, дўст туғинган мугомбир, иккюзламачи инсонлар гапларига кириб, жигарлар билан алоқани узишлик- энг ёмон гуноҳ эканлигини билмоқ лозим.

Биз осий бандалар хар бир кечираётган кунимиз хар доим шундай такрорланмаслигини, хар бир жигар бир-бирига ганимат эканлигини айrim холларда унитиб қўямиз.

Пайгамбаримиз Расулуллох (с.а.в): „ Ким ризки мўл бўлишини, ажали орқага сурилишини истаса, жигарлик алоқаларини узмасин” дея марҳамат килгандар.

Шу ўринда Мусо алайхиссалом давридан колган бир ривоятни келтиромокчиман.

Бой-бадавлат бир йигит хаётда ўзи орзу килган хаёт тарзига эришади. Унда ҳамма нарса мавжуд. У баъзан бойлигини бир қисмини ноҳор, етим-есирларга улашиб тураркан. Ортиқча бойлиқдан закот бериши лозимлигини хеч хам унутмаскан. Аммо қўшни кишлоқка келин бўлиб тушган ёлгиз, ноҳоррок хаёт кечиравчи синглиси ҳакида хеч ўйламаскан. У ўзи килаётган хайрли ишларни хар жойда ҳаммага сўзлаб, мактаниб юаркан.

Ўз хаётидан мамнун бу йигит бир куни Мусо алайхиссаломга мурожаат этиб, дебди: „Оллохдан сўраб беринг мен яна канча умр кечиарканман”.

Унга Мусо алайхиссалом шундай жавоб килибди: „Сени уч кунлик умринг колибди , уч кундан сўнг хаётдан кўз юмасан.

Йигит безовта бўлиб, ўзини у ёкка урибди, бу ёкка урибди. „Наҳотки мен хаётдан кетсан , наҳотки умрим тугаган бўлса, ахир мен жуда кўп хайрли ишларни қилдим, савобли амалларни бажардим, буни мукофоти шуми?”.

У нима килишини билмас , жисми-жони безовта, рухи тушган холатда экан, вакт эса ўтиб борар, агар башорат тўғри бўлса, унинг казо вактига уч кун колган экан, холос.

Шунда бирдан туғилган жигаргўшаси, қўшни кишлокка турмушга чиккан синглиси кўз ўнгидан ўтибди. Унда шу синглисини кўриш , уни хузурига бориш истаги пайдо бўлибди. У билан видолашиш максадида уни ўйига ташриф буюрибди. Синглиси акасини кўриб, боши осмонга етибди, курсандлигидан кўзига ёш келибди.

Йигит синглисига карата:,,Сингилжон, канча вакт ўтибди, сендан хабар ололмадим, хафа бўлма, мени кечир” дебди ва синглисига катта инъомлар берибди, жиянларини йўклабди.

Синглисини уйидан кайтаркан, йигитни безовталиги бироз босилибди, лекин юрагидаги кўркув, вахима уни тарк этмасмиш. Вакт ўтиб бораверибди: уч кун, беш кун, ўн кун, лекин йигит ўлмасмиш. У хайрон бўлар, ўз казосини кутиб, хаяжонланар экан. Шунда у ўлим хабарини келтирган Мусо алайхиссаломга рўпара бўлибди ва сўрабди:,,Мен ўлмадимку, бу холатни сир-синоати нимада, тушнитириб беринг?”. Пайғамбар жавоб берибди:,,Эй банда, сен билмайсанми? Оллоҳ раҳмдил. У ҳар нарсага қодир. Сен ёлғиз синглингни йўқлаган, унга ёрдам берган, кўнглини кўтарган кунингни эслайсанми?. Ўша куни синглинг сени ташрифингдан кувонган, боши осмонга етган ва сени кузатиш чогида Оллоҳга йиглаб мурожаат килиб: „Эй Оллоҳим, ўзинг қодирсан, акамни умрини зиёда қил, уни паноҳингда асрар, баҳтимга акам соғ бўлсин”, дея илтижо килган эди. Ёлғизликда, ночорликда килинган дуо, чин юракдан айтилган тилак, опа-сингилларни ўз жигарлари (ака-укалари) хақида килган дуолари ижобат бўлғусидир” деган экан.

Бу йигитни бир умр қилган хайрли ишлари, савобли тадбирлари бир даражада бўлса, синглисига қилган бир марталик, ха, бир марталик муруввати даражаси юкори бўлиб, уни ўлимдан олиб қолган бўлса ажаб эмас.

Факат ота-онани эмас, балки акада, опа-сингилларни (яъни жигарларни) бир-бирларини ризо килишлари, уларнинг дуосини олишлари ҳам инсонни ўсиши, улгайиши, камол топишида, обрў-эътиборга эга бўлишида хизмат килувчи амаллардан эканлигини унутмайлик!

Дарҳақиқат, қайси оиласда жигарлар алоқалари мустаҳкам бўлса, шу оиласда вафот этган ота-оналар рухи авлодларнинг силари раҳми билан боғланганларидан кувонади, агар аксинча бўлса, улар рухи азоб чекишини бир ўйлаб кўрайлик. Кон-кариндошлик ришталарини узган инсон факат ўзига жабр қилмай, унинг қасри бутун қавмга ҳам урар экан.

Юкоридаги хадис, ривоятлар, донолар фикрлари ҳам аклимиз, ҳам

калбимизга таъсир килиб, ишимиз ва турмушимизни, фъел атворимиз ва одобимизни, адашиб ёки билиб туриб йўл кўйган камчиликларимизни тиник кўзгуда кўрсатгандек килиб кўйди, деб ўйлайман. Буларни маъноларини чакиб, уларга амал қилсак, ҳар биримиз ўз одамийлик бурчимизни адо этган бўламиз.

Бугунги кунларимизда битта-битталаб кайтадан кашф этилаётган маънавий булоқларнинг шифобаҳш оби-замзамлари фарзандларимизни хидоят йўлига бошламоқда, кўнгилларга яхшилик ургуларини сочмоқда. Ҳар ким ёшлиқдан ҳалқ одобномасига кулок солса, кексаларнинг ва оқил мураббийларнинг юкоридаги каби панд-насиҳатларинга амал қилсалар, оқибати хайрли бўлади.

ОНАНИ НОРИЗО ҚИЛГАНЛАР...

Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом замонларида Ал-Кома деган бир сахоба жангда оғир ярадор бўлиди. Уни оғир ахволда уйга олиб келишибди. 3-4 кундан сўнг Ал-Команинг хотини Расулуллохнинг олдиларига келиб, йиғлаб: “Ё, Расулуллоҳ, эрим Ал-Комани жангдан оғир ахволда олиб келишди. У бир неча кундан бери азобда, жон таслим килолмай бехад кийналаяпти, нима киларимни билмай сизнинг олдингизга келдим” дебди.

Шунда Расулуллоҳ сахобаларидан сўрабдилар:

- Ал-Команинг онаси борми?
- Бор,- деди сахобалардан бири.- Шу якин орада, ёлгиз бир ўзи яшайди.
 - Бориб Ал-Команинг онасини чакириб келинглар,- дебдилар.
- Орадан бир мунча фурсат ўтгач, Расулуллохнинг хузурига 80 ёшлар чамасидаги озғин бир кампирни олиб келибдилар.
- Эй она, ўғлингиз борми?- сўрабдилар Мухаммад алайҳиссалом.
- Бор. Исми Ал-Кома. Мен ундан хафаман.
- Нега хафасиз?
- Хафталаб, ойлаб у мендан хабар олмайди. Дунёда бормисан, она, ейиш-ичишга нарсанг борми? деб сўрамайди.
- Хотинининг гапига ишониб, менга озорли гапларни айтади,- дебди.
- Рози эмасмисиз ундан?- сўрадилар Расулуллоҳ.
- Ҳа рози эмасман.
- Ўғлингиз жангда оғир жароҳат олган, ахволи оғир. Ўлим тўшагида ётибди.
- Баттар бўлсин, дебди кампир йиғлаб, мени норизо қилгандан сўнг шунака бўлади-да.

Шунда Расулуллоҳ сахобаларига буюрибдилар:

- Ал-Комани олиб келиб, ёкинглар.
- Шунда кампирнинг ранги окариб:
- Нега ўглимни ёкишади?- сўрабди у овози калтираб.
- Онасини норизо килган фарзандни ёкиш керак, бошка илож йўк. Жазоси шу,- дебдилар пайгамбаримиз.
- Йўк, йўк. Боламни ёқманглар. Майли мен гуноҳларидан кечдим. Мингдан-минг розиман ундан. Факат уни ёқманглар. Кечирдим уни.
- Шунда Расулуллоҳ Ал-Команинг хотинига дедилар:- Энди уйингизга бориб, эрингиздан хабар олинг.

Хотин юрганича уйига кетибди ва орадан бироз вакт ўтгач келиб, Ал-Команинг беозоргина жон таслим килганини билдирибди.

Иккинчи бир ривоятда келтирилишича, кунларнинг бирида Сарвари олам (С.А.В.) кабристон ичидаган эдилар, бир кабрдан: “Остимда олов, ўнг ёнимда олов, сўл ёнимда олов”, деган овозни эшилдилар.

Ҳазрати Пайгамбаримиз (С.А.В.) Макка шаҳрига хабар бериб, ҳар ким ўзига тегишли гўр олдига келиб ўтиришларини буюрдилар. Халқ келиб ўтирди. Бир кампир келиб, ҳалиги кабр ёнига чўқди. Пайгамбаримиз (С.А.В.) кампирдан:

- Бу кабрдаги сизга ким бўлади? – деб сўрадилар.
- Ўглимдир, лекин мен бундай фарзанддан безор бўлганман, - деди кампир.

Пайгамбаримиз (С.А.В.):

- Ундан нега рози эмассиз? – деб сўрадилар.

Кампир деди:

- Шунинг учунки, у менинг кўнглимни оғритган.

Набий (С.А.В.):

- Эй, бор Худоё, ундан хижоб (парда)ни кўтаргил, то ўглининг ахволини кўрсинг! – дедилар.

Ўша онда хижоб кўтарилди. Онахон ўглининг кабри олов билан тўлдирилганини кўрди. Фарзанд олов ичидаги куярди. Уни кўриб она бехуш йикилди. Фурсат ўтиб, ўзига келгач у деди:

- Худоё, Худовандо, мен ўглимдан розиман, ўз камоли караминг билан ундан рози бўлгин!

Мунис онахон сўзларини тугатмаган ҳам эдики, ўғил азобдан ҳалос бўлди.

Кўрдингизми, онани норизо килган, унинг дилига озор берган инсоннинг умри ниҳоясида ҳатто жон беролмай кийналганилигини.

Шу ўринда бир кекса отахоннинг кўйидаги сўзларини келтиришни лозим деб топдим. У айтади: “Мен ҳаётим давомида кўп бор иллатли, кечириб бўлмас ишларнинг гувоҳи бўлганман. Каъбаси, жанинати бўлган

онасини хор килганларни кўрдим. Кекса онасини қалтиратиб, хотинига хизматкор килганларни, бола-чакаси, хотини олдида онасини жеркиб, беобрў килганларни кўрдим. Ойлаб онасининг холидан хабар олмай, изига зор килганларни кўрдим. Хотинининг оғзини тишга, бўйнини тилла занжирига тўлдириб кўйган ўгил онасининг устидаги чопони тўкидиб кетай деб турганига эътибор килмаганини, кўшни турадиган ночор онасига уйда қайнаб турган ёглик шўрвасидан бир коса илинмай, онанинг холидан багри тилинмай, бемалол томогидан ўтказган номардларни кўрдим. Ўзи ҳамма шароити мухайё бўлган, касрларда яшаб, онасини кишда совук, ёзда эски уйларга кўйиб кўйган бемехр фарзандлар бор. Азизлар, бундай кимсаларга шундай дегим келади: Эй кўзи эмас, қалби кўр одам! Онанинг оқ сутини окламаган зот! Шу она ўлимини бўйнига олиб, сени дунёга келтириди. Бир парча гўшт эдинг, мана шундай одам килди. Ўзи емай едириди. Ўзи киймай кийдирди. Минг бор азобларни бошдан ўтказиб, камолингни кутди. Оқибат сендан олгани шу бўлдими? Сенда юрак борми? Қайтар дунё кайтиб, ўзинг эртага шу ҳолга тушсанг, кипригинг остида авайлаб ўстирган фарзандинг сени шу ҳолга солса, ҳолинг не кечади? Оналаримиз ҳам беш кунлик дунёда меҳмон. Эртага дунёдан ўтган куни оёгин гардини ҳам топа олмайсан. Пушаймонда дод солиб йиглаганинг, козон-козон ош дамлаб, маърака ўтказганинг бефойда.

Ота-она қадрига етмаган, отага қаттиқ гапирган, онага кўл кўтарган фарзандларнинг бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам азобга, таҳкирга маҳкум бўлиши аник. Фарзандлар ота-онасига доимо итоат этиб, ҳар бир фурсатни уларнинг ризолигисиз ўтказмасликлари лозим. Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она кайфиятини розилик белгиси билан ҳандон қилиши, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган яхшиликнинг дебочаси деб билиши лозим.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Эркин Шомирзаев оналар хакида шундай дейди:

Парча этни жисмида, инсон қилган онадир,
Гоҳо кону жон бериб, бағрин тилган онадир.
Тунлари мижжа қокмай, алла айтган онадир,
Оқ сутига меҳрини кўшиб чайган онадир.

Ўраб-чирмаб, оқ тараб, ўстирган ҳам онадир,
Оқ-корани ёшлиқдан танитган ҳам онадир.
Бутун умрин фарзандга, фидо килган онадир,
Бошимизга калбини, хумо килган онадир.

Замин узра ягона, бағри күёш онадир,
Фарзандини кўз каби, асраран кош онадир,

Пойида жаннат ётган, жонга малҳам онадир,
Бир умрлик күшигим, дилда илҳом онадир.

Нажот эшигининг қалити ва саодат гулзорининг насими ота-она туфайли хосил бўлади. Фарзанд ўстиришдан муддао шўлки, улар имкони борича ота-она хизматини килсинар ва ҳеч қачон уларга уят ва шармандалик келтирмасинлар.

Ота-она тириклигида уларни хушнуд этиш, вафотларидан кейин эса тирикликларида айттан насиҳатлари ва маслаҳатларига амал қилиш, уларни яхши хислатлари билан ёдлаб туриш содик ва вафодор фарзандларнинг энг яхши одатлариандир.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Онангни норизо килма, бокиша азият чеккан,
Сени ғам ила, ташвишинг алифдек коматин эгтан.
Сира рӯёбга чикмайдур, она кўнглини оғритган,
Жаҳонда sog юрай десанг, дилин килма сиёҳ, ўғлим.
2. Айтчи дўстим, хаётда кандай бўларди?
Қизлар тугилмаса, она бўлмаса.
Ўзинг ҳам дунёга кайдан келардинг,
Онанг сени туғиб, катта килмаса.
3. Ўзинг улғайгандек, кўксинг тоғ этма,
Алла айттан волидангни койитма.
Оқ сут берган онанг дилин оғритма,
Бил, эй фарзанд ота-онанг ганимат.

ОТАНИ НОРОЗИ ҚИЛГАНЛАР...

Бир донодан: “Дунёдаги энг улуг баҳт нима?”, деб сўраганларида, у: “Фарзанд учун ота-онанинг ҳаётлиги”, деб жавоб берган эканлар.

Хар бир инсон, агар у вижданли, ҳакиқий инсон бўлса, яхшилаб ўйлаб кўриши керак: Хўш, мен отамга, онамга кандай яхшилик килдим, деб.

Ҳаёт карздор ва бурчдан иборат. Инсон ота-онасига нима килса, кариганда ўз фарзандларидан шуни кўради.

Ота-она дунёдан кўз юмганларидан сўнг қабрига неча сўмлик тош кўйинб, ҳайри-эхсонлар килгандан кўра, тириклигида бир пиёла сув тутиб, кўнглини овлаш афзалдир. Уламолар: “Ота-онани ўзидан ризо килган фарзандлар бу дунёда завол кўрмайдилар, у дунёда жаннат эшиклари улар

учун очик бўлади. Бундай инсонларни эл-юрт ҳам азиз тутади, дуолар килади”, дер эканлар.

Айтишларича, Фазл Ибн Яхё Бармакий деган Богдод шаҳри хукмдорини кўкрагида кичкинагини оқ дод пайдо бўлиб, у бундан каттиқ кайгуга тушган. Бир куни надимларни йигиб: “Шу кунларда Ироқ, Хурросон, Шом ва Форсда энг машхур табиб деб кимни тан олишади”, деб сўрабди. Шунда надимлар: “Форслик Жосалик!” деб жавоб беришибди. У Фосерга одам юбориб, ҳаким Жосаликни Шероздан Богдодга олдиртириб келиби. Табиб бу касаликка килиниши лозим бўлган барча ишни килиби, орадан анча вакт ўтса-да, аммо беморда ҳеч кандай ўзгариш сезилмабди. Шунда ҳаким Жосалик: “Бу мен учун жуда осон иш эди, нега даволаниш узокқа чўзилаяпти”, деб жигибйрон бўла бошлабди.

Бир куни у Фазл Инб Яхё билан танҳо ўтирганларида шундай дебди: “Эй улуғ хукмдор! Мен даво учун нима лозим бўлса, ҳаммасини амалга оширдим, аммо таъсири сезилмаяпти. Наҳотки сиз ўз отангизни норизо килган бўлсангиз? Агар шундай бўлса, уни рози қилинг, шундагина мен сизни бу дарддан куткара оламан!”, дебди. Ҳаққатан ҳам хукмдор отасини норизо килган экан. Ўша куни кечкурун Фазл Ибн Яхё каттиқ аҳд килиб, отасининг хузурига бориб, ўзини унинг оёги остига ташлаб, узок кечирим сўрабди. Кекса ота уни ноилож кечирибди.

Ҳаким Жосалик уни яна ўша эски усул билан даволашга киришибди. Иллат аста-секин тузала бошлабди ва орадан кўп ўтмай, оқ дод бутунлай йўқолиб кетибди.

Шундан сўнг Фазл Ибн Яхё ҳаким Жосаликдан: “Бу иллатнинг сабаби – отамнинг норизо эканлигини қаердан билдинг”, деб сўрабди. Жосалик: “Мен кандай усул билан даволамай фойдаси бўлмади, шунда ўзимча дедим: “Наҳотки бу улуғ зот дуюбадга қолган бўлса?!”. Атрофни кузатиб, ҳеч бир кимсанинг сиздан норози эканлигини билмадим, Шунда хукмдордан норози отасимасмикан, деган хulosага келдим”, деган экан.

Азизлар! «Ота» деган сўз бизда бениҳоя юксак мақомда юради. Чунки аждод, уруг, кабила, оиласнинг энг шоҳ супасида, кон-кардошлиқ шажарасининг бошида ота тимсоли туради. Ота ҳар биримизнинг умуртқа погонамизнинг энг устки кисми – бош ҳисобланади. Пушти паноҳ, Буларни ҳеч ҳам ёдан чиқарманг!

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Она кечирмаса, мумкинdir, аммо
Ота кечирмаса чора йўқ асло.
2. Нокобил ўғилдан душман афзалрок,
Ота англасайди буни аввалрок...

ОТА-ОНА ҚАРГИШИ – ОТИЛГАН ЎҚ

Азизлар! Дуонинг яшнатишини ҳам, каргишининг қақшатишини ҳам англаш учун одам авваю ўзини ушбу гунохлардан покиза деб билмаслиғи керак. Одам тили билан эмас, дили билан интилган нарсасига эришади. Одам олам билан дили оркали боғланади. Дил эса рухнинг мактаби саналади. Дуо ҳам, каргиш ҳам рух маскан тутган дилдан бўлса борми?

Унинг шарофатини севинчла адо этиб, бало-офтатини эса коруннинг мол-дунёси билан ҳам даф килиб бўлмайди. Ҳақ қарғиш какшатади. Ўшанда албатта дилозорнинг ёдига кимга, қачон, қандай азоб берганини эслатади.

Бугунги кунларимизда битта-битталаб қайтадан қашф этилаётган маънавий булокларнинг шифобахш оби зам-замлари фарзандларимизни хидоят йўлига бошламоқда, кўнгилга яхшилик уругларини сочмоқда. Лекин, кайсибур хилватларда ёмонлик ҳам ўз умрини яшаб юрибди. Хар яхшиликка мукофотни ҳам, хар ёмонликка жазони ҳам аввало яраттанинг ўзи беради. Аммо бир ўртада виждан тарозиси бор. Инсон қачондир ўз килмишларини шу тарозида бирма-бир ўлчашга мажбур. Виждан судининг ҳукми то умрининг охиригача авф этилмайди, жазолайверади, жазолайверади...

Инсон умри накадар киска. Ҳаётда виждан оғрикларисиз, оддий бир одамдек яшаб ўтмоқлик лаззатига не етсин. Аслида инсон номини кўтариб юришнинг ўзи бир масъулият.

Ота-она чирогим ўчмасин, умрим боги ҳазон бўлмасин деб, зурриёд ниҳолини камолига умрларини багишилаб ўтади.

Айтишларича, қадим замонларда бир йигит маншатдан қайтгач бешикдаги фарзандига “алла” айтиб ўтирган хотинига дебди: “Сен хунуксан, тўрт томонинг кибла. Мен истасам ҳозир янгисига уйланиб оламан”. Ёш она зор-зор йиглаб дашт-биёбонга бош олиб чикиб кетибди. Йўл юрибди. Онанинг томоги қақшабди, хатто чакалогига ҳам сийнасида сут қолмабди. Хориган ҳолда бир дарахт соясида ўтирган чогида, каерландир оқ соколли мўйсафид пайдо бўлиб. она ноласини тинглабидида, унга бир дона олма бериб, дебди: “Шу олмани есанг, дунёдаги энг гўзал аёлга айланасан, аммо фарзандинг кўз юмади”. Она бу гапни эшитиб, фарзанди камолини ўйлаб, дунёдаги энг гўзал аёл бўлиш баҳтига мушарраф бўлишдан воз кечган экан.

Саволлар тугилади. Ёруғ дунёга келиб, аклини таниган фарзандлар ота-онанинг максад ва ниятларини ҳозирда қандай тушунаяптилар? Муштдек чакалоклигидан минг машаккатлар ила катта килиб, унга бутун меҳрини берган, едириб-кйидирган, оқ ювиб-ок тараган ота-она олдидағи бурчларини тўғри англаяптиларми? Уларнинг кадрига этиб, хурматларини

ўрнига кўя олайптиларми? Улар мушкулини енгиллаштиришга зътибор килишяптиларми?

Бу саволларга жавоб беришдан олдин куйидаги хикоятларга қулок берайликчи:

Ўғил бироз топармон бўлди. Хулки ўзгара бориб, уйга кеч келадиган, айрим ҳолларда эса ичиб келадиган одат чикарди. Укаларини ҳам бўларбўлмасга уришиб, сўкиб уларни безиллата бошлади. Ҳолат шу даражага бориб етдики, ота-онаси олдида ҳам тап тортмай оиласини, укаларини куракда турмайдиган сўзлар билан сўкишини одат килиб олди. Кунлардан бир кун отаси панд-насихат қилмоқчи бўлиб, ҳали оғиз очмасдан: «Коч... кўзимга кўринма, менга акл ўргатма», - деб ўшқириб отасига тик бокди. Шу пайт онаси югуриб келиб, эрига илтижо оҳанг билан “жон отаси, шайтонга хай берингу, ўғлингизни каргаманг”, деб ёлворди.

Ота! Минг бўлса ҳам ота! Ўз фарзандига ёмонлик тилармиди? Ёшлик килгандир, акли кириб колар, деб, эр-хотин таскин топдилар. Йўқ, бўладинган бола бошидан деганларидек, йигит ўз одатини ўзгартирмади. У арзимаган нарсалар учун ҳам бакириб, жанжал чикариб, ота-онасини назар-писанд қилмай кўйди.

Ҳар кандай одобсизликни, хўрликни ҳам чеки-чегараси бўлади. Бир кун ота олдида у хотинини, укаларини ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб, уйда жанжал кўтаргандан сўнг, ота кўнглидан: “Илоҳим ўсма, кўкарма!”- деган каргиш кечди! Ота бу ўғил билан гаплашмай кўйди. Орадан йиллар ўтди. Укалари акли бўлиб улгайишди, фарзандли бўлишди. Бу орада бу йигит икки бор уйланиб, фарзанд кўрмади. Сигинмаган жойи колмади. Хотинига айб кўйган эди, у бошка бирорвга турмушга чиккач, фарзанд кўрди. Ҳамма гуноҳ ўзида эканини билди.

Бир куни кекса бир аклли оксоколга дил дардини айтади. Шунда оксокол: «Отанг билан онанг сендан розими?», - деб сўрайди. Йигит улар билан гаплашмай кўйганлигини айтади. Ота рози- худо рози, деганлар. Отангни дуосини ол, мушкулинг осон бўлади», - деб маслаҳат берибди мўйсафид. Йигит отасининг ҳузурига бош эгиб келганда, отаси кенжа ўғилларини чакириб, васият қилмоқда экан. Отасининг оёғига тиз чўкиб: «Отажон, мен гумроҳ ўғлингизни кечиринг», - деб йиглаб ёлворибди. Шунда отаси: «Эх, ўғлим, энди кечикдинг. Гишт колипдан кўчган. Отана каргиши отилган ўқ, дейдилар. Отилган ўқ, кайтиб ўқдонга кирмайди. Мен кечирган билан яраттан Аллоҳим кечирмайди сени» деб жон берибди. Шундай килиб бу йигитнинг бири икки бўлмабди.

Иккинчи бир хикоятда айтилишича, бир одамнинг уч ўғли бор экан. Оналари вафот этган, отаси эса оғир дардга чалинган экан. Бир куни ота ўзининг вафоти якин эканини сезиб, уч ўғлини ҳузурига чорлаб: ўғилларим, вафотим якинлашиб колганга ўхшайди, мендан кейин

уччовингиздан биттангизгина меросхўр бўла оласиз, шаҳар козиси ва улуғлари қайси бирингизга хукм килса, ўша ворис бўлади, улар менинг кўнглимдагини топиб хукм киладилар деб ўйлайман-дебди.

Бир неча кундан сўнг у мўътабар йинсон вафот этибди. Уч ўғил отадан колган меросни талашиб, қози ҳузурига келишибди, отанинг айтган сўзини билдиришибди. Қози бу масалани ечишга ожизлик килиб шундай дебди:

-Мен бу масалани ҳал кила олмайман. Отангиз қайси бирингиз меросхўр бўлишингизни очик айтмаган. Шу шаҳарда бир донишманд одам бор. Унинг ҳузурига бориб, отангиз васиятини айтинг, у қандай хукм чикарса, мен уни тасдиклайман.

Ўғиллари донишмандни топиб, унга воқеани баён килибдилар.

Донишманд газабланган бўлиб: Шу хилда ҳам мужмал васият бўладими? Боринглар, шундай тутуруксиз васият килган отангизни қабрини бузиб, ер билан яксон килиб, сўнгра ҳузуримга келинглар, келганингиздан кейин тўгри, хақконий ҳукмимни эшитасиз,-дебди.

Эртаси куни икки катта ўғли кетмон, белкурак кўтариб, кичик ўғил эса қўлига килич олиб, оталарининг қабри олдига келибдилар. Икки катта ўғил қабрни бузишга харакат килган эканлар, кичик ўғил килич кўтариб, уларга:

-Қандай одобсиз, тарбиясиз, виждонсизизлар. Мол-дунё деб отамизнинг қабрини бузишни истайсизлар. Мен бундай ифлос ишни килишингларга йўл кўймайман. Мен меросдан кечдим. Сизларга колаколсин. Ота-онамиз ҳаёт вактларида сизлар уларни хурмат килмадинглар. Энди қабрда ҳам тинч ётгани кўймайсиз, эй номуссиз, акалар, дебди. Катталар кичик ўғилнинг киличидан кўркиб, қабрни бузишга ботина олмаптилар.

Улар донишманд олдига боришиб, бўлган воқеа баён килишибди. Шунда донишманд: «Сизларни синаш учун отангизни қабрини бузишга буюрган эдим. Сиз икки нокобил ўғил шу жирканч, гуноҳ ишни бажаришга рози бўлдинглар, уканиз бу ишдан сизларни кайтаришга ундали. Энди инсоф килиб айтинглар-чи, ҳаккний меросхўр сизларми ёки уми?- деб кичик ўғилнинг пешонасидан силаб айтибди.- Офарин, ўглим, отангнинг чин фарзанди сен экансан, ота меросига сен эга бўласан. Менинг ҳукмим – шу.

Бу хикоятларни келтиришдан мақсад, ҳозирда ота-оналарини хор-зор қилаётган, дилларини оғритаётган номард фарзандлар ҳам учраб турибди. Улар нима қилаётганиларини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Хатти-харакатларининг накадар даҳшатли эканлигини хис килмайдилар. Айримлари вактингчалик топган бойликлари олдида эсанкираб, шундай йўл тутадилар, ўз укалари, сингилларини хўрлайдилар, кондошларига

шафкатсизлик қиласылар.

Қадимдан бир накл бор: "Ота ўнта болани бокади-ю, ўнта номард бола ота-онани бока олмайди". Бу наклнинг мазмуни жуда чукур. Уни хар бир фарзанд үйлаб күриши, ёдидан чикармаслиги лозим.

Яна шуни үнүтмаслик керакки, қадимда ота юзига фарзанднинг тик, караб гап қайтариши катъий такикланган. Падари бузрукворлари томонидан лаънатланган ўғил ва киз эса эл-юрт олдида бошини кўтириб юра олмаган, юзи шувут бўлиб, маҳалла-кўй, кариндош-уруг олдида унинг обрёси тўкилган. Бундай фарзанддан барча нафратланган.

Боланинг касби отасининг хунарига ўхшамаслиги мумкин, бирок, одоби, юриш-туриши, отасига ўхшаса, инсонлар фаҳр билан уни «отасининг боласида» дейишади. Одобли – интизомли инсоннинг фарзанди бўлсаю, у ҳакда бирон ножуя гап оралаб қолса, «Бўлмаган гап, мен у одамнинг отасини танийман, ким биландир янглишираяпсиз шекилли» деб ишонишмайди, «ноўрин гапларга дарров чек кўйишидаи. Агар шу гап рост чикса, бу болани шайтон йўлдан урган, бирон бир тасодиф курбони бўлган, адашган деб унинг ҳимоясига шайланадилар, керак бўлса хеч иккиланмай кафилликка ҳам оладилар. Ота-онасининг ҳурматини жойига кўйган фарзанд бой-бадавлат бўлмаса-да, эл орасида кам бўлмайди, юзидан доим нур ёғилиб туради.

Киши ким бўлишидан катъий назар, у аввало ҳакикий инсон бўлиб колиши керак. Унинг инсонлиги эса эгаллаган мансабига эмас, балки жамиятда тутган ўрии, одамларга кайишиши, одамийлик фазилатларига караб белгиланади.

Шунинг учун донолар: "Ота-онангиз билан мулойим муносабатда бўлинг. Улар билан ҳар бир чог охиста сўзлашинг. Зинҳор-базинҳор овозингизни кўтарманг. Улар бекордан-бекорга сизга жабр етказсада, барибир тавозеда туринг. Асло одоб коидаларини бузманг", - дейишади.

Яхши фазилат ва ажойиб хислатларни етук ота-оналардан, қолаверса бағри кенг меҳнатсевар ҳалқимиздан доимо ўргана боришимиз керак.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Шул ҳаётдан ризоман, чекмадим андух алам,
Шунга боис шу, азизлар, хўб дуо килган отам.
Ким отасин ва она, хеш-акрабосин килса шод,
Мен кафилман унга минг бор, кўрмагай бехуда ғам.
2. У вафодорларни доим амрида юрган эдим,
Кўл очиб минг раҳмат айтиб лутф ила килди карам.

Пандини тинглаб, улар режасида юрган эдим,
Үтди умрим хўб фаровон, бўлмадим ҳаргизда гам.

3. Отанинг каргиши-отилган бир ўқ!
Она қаргишининг ҳам давоси йўқ.
Эй фарзанд, уларнинг дуосини ол!
Яшай десант, каргиш олишингдан кўрк.

АЁЛ ИБОСИ БИЛАН ЧИРОЙЛИ

Азиз ўқувчим! Аёл ибоси билан чиройлик деяпмиз. Фикрларимни баён килишдан аввал эътиборингизга куйидаги ҳаётий мисолларни келтироқчиман:

Вилоят тери-таносил касалликлари шифохонасида бир неча bemорларни кўриб, улар билан сұхбатлашишга тўғри келди. Улар сұхбатидан куйидагилар аён бўлди:

Биринчи bemор 25 ёшда, Зта фарзанди бор. Турмуш ўртоги топарман-тутарман бўлган. Лекин охирги икки-уч йил ичидаги касалликка чалиниб, тез-тез шифохоналарда даволаниб турган. Аёл тирикчиликни деб сенгил-елли савдо-сотик ишлари билан шугулланган. Қўлига бироз пул тушгач, эрини писанд килмай кўйган. Шаҳарма-шаҳар юришини бошлаган. Енгилтак аёллар билан дўстлашган. Улар эридан ажралишини, эркин күш бўлиб юришини маслаҳат беришган. Кунларнинг бирида у судга ажралиш учун ариза беради. Эр, кайнота, кайионанинг панд насиҳатлари унга таъсир килмайди. Хукук-тартибот идоралари ходимларининг оилани саклаб колиш борасидаги сайи харакатлари ҳам зое кетади. Улар ажралишади, З бола тирик етим бўлиб колади.

Тез орада аёл “дом”га ўтади. Кун, ойлар ўтаверади. Кейинчалик у чиройли кийинадиган, такинчоклар такадиган холда юрадиган бўлади. Ҳар куни, кун ора унинг ўйидан кечки “мехмонлар” аримайди. Бу ўйдаги холдан зийрак ички ишлар ходимлари хабар топиб, навбатдаги “мехмонни” кузатаётганида уни ушлаб, шифохонага келтиришади. Үнда заҳм касаллиги топилади. Эр, кайнота, кайнона қаргиши ўз кучини кўрсатади.

Навбатдаги bemор 19 ёшда, жуда хушрўй. Ота-онаси кекса бўлишларига карамай, яхши умидлар билан уни кишлоқдан шахарга ўқишига жўнатишган. Лекин, у имтиҳонлардан ўтолмаган. Қишлоқка кайтиб боришни хоҳламай, ота-онасига: “Мен шаҳарда ишга кирдим. Бир йил ишлаб сўнг ўқишига албатта кираман” деб туриб олган. Ота-она бунга ноилож кўнишган. У бир бева аёл хоналонида ижарада турган. Аввал хар

хафтада, кейин 2-3 хафтада бир кишилекка бориб турган. Шу орада ота-она биз кариб қолдик, орзу-хавас күришимиз керак деб, уни кишилекдаги бир йигиттә турмушга узатышган. Түйдан бир хафта ўтмаәк, у шахарга кочиб кетган. Бундай шармандаликтин күттара олмаган ота-она тез орада оламдан ўтишган. Киз шахарда саәк дугоналар орттирган. Айшу-ишратта берилиб, енгил-елни хәёттә ўрганган. Бу давр мобайнита хомиладор бўлиб қолганини сезган ва хомилани хуфёна олдириган ва ниҳоят навбатдаги айшу-ишрат пайтида ички ишлар бўлими ходимлари томонидан кўлга олиниб, шифохонага ётказилган. Текшириб кўрилгач, унда сўзак касаллиги борлиги аникланган.

Иккала бемор ҳам килемшиларидан пушаймонлигини, шу шифохонага тушганидан сўнг сезганликларини айтдилар. Бу сўзларга ишонса бўладими? Улар, мол-дунё, зебу-зийнат, айшу-ишратни хаё, ибодан афзал кўришган-ку.

Қадимдан маълумки, шарқ ҳалклари турмуш баркарорлигини ҳар қачон устун кўйишган. Ҳаёттй осойишталик учун хатто жонларини аямаганлар.

Ривоят килишларича, қадимдан улкан бир дарёнинг бўйида ахилуинок эл яшаркан. Одамлари бир-бирига ардокли, азиз экан. Даврлар ўтиб, шу юрт тупроғига душман оралабди. Тирик жон борки, киличдан ўтказилиб, макону-масканлар кули кўкка совурилибди. Тасодифан тирик қолган бир аёл чакалогини бешикка белаб, сўнг дарёга оқизибди ва шамолга ёлворибди: «Сен уни тинч ва осуда жойларга етказ. Унинг томирида диёнатли бир ҳалкнинг кони оқаёттир!». Шамол бешикни оҳистагина илгари сурибди. Аёлнинг кўнгли тинчибди. Шунда ортидан овоз эшитилибди: «Сени ўлдирмаймиз, якироқ кел...» Аёл ўгирилса, кўзи душманинг оч нигохи билан тўкинашибди. Фаҳмлабди. «Эвоҳ, мен тирик колиб, сўнг душман уругини кўпайтириб берсам, бегуноҳ юртдошларим кони тўкилган ер мендан гина кильмасму? Йўқ, шундай килайки, ҳоким шу она тупрокда колсин!» Аёл шамолдай югуриб ўзини дарёнинг энг чукур жойига отибди.

Айтадиларки, момоларимиз шундайин саодатли ва мард бўлишган!

Ҳар бир аёл ўз ибоси билан чиройли, лекин афsusлар бўлсинки, журъатсизлик килиб, енгил-елни яшаш йўлини танлаб, маҳалла-кўй, кариндош-уруглар олдида шармандаю-шармисор бўлганларга тез-тез дуч келяпмиз. Суюк оёклик кўпинча тери-таносил касалликларига асос бўлишини юкоридаги мисолларда кўрдик.

Донишмандлар: «Иккя тоифадаги аёлни кечириб бўлмайди. Бири енгил оёк, иккинчиси уй тутуми нопокиза», деган эканлар.

Эди эътиборнигизни мана бу мисолга қаратмоқчиман: Якинда рўзномаларнинг бирида турмуш ўртогидан жудо бўлиб, 25 ёшида Зта бола

билин бева қолган бир хушрой аёлнинг мактуби эълон қилинди. Қарангки, эри вафотидан кейин З йил ичида қайнотаси, қайнонаси, қайнисинглиси вафот этибди. Уларнинг маросимларини ёлғиз бир ўзи харакат қилиб ўтказибди. Кечалари дўппи тикиб, кундузлари аёл киши бўлса хам мардикорлик килибди. Ҳа, мардикорлик килибди! У ҳеч качон, хатто кора кунларида ҳам виждонига ямоқ туширмабди. Бу мисолдан «Минг кишини енгган эмас, ўз нафсини жиловлаган – ҳақиқий марддир», деган хикматни накадар тўғрилигига ишонч ҳосил киласан киши.

Аждодларимизнинг зебо фазилатларини эслайлик, ўрганайлик, давом эттирайлик. Улар ҳам севгандар, севилганлар, ишкий шеърлар битиб, кўшиклар айтганлар, лекин бехаёлик қилмаганлар.

Одамзотнинг бутун умри синовларга тўла. Ҳар ким ёшликтан ҳалқ одобномасига кулок солса, ота-она сўзларига, катталарнинг панд-насиҳатларига, окил мураббийларнинг маслаҳатларига ва яхши кўни кўшнилар йўл-йўригини магзини чақиб, дил-дилидан унга амал килса, окибати жуда хайрли бўлади.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Аёл уйининг сultonи, болаларининг ҳимоячиси, уларни тарбия этувчи мураббийдир.
2. Яхши аёл сиркани бол қилади, ёмон феълли аёл, болни сирка қилади.
3. Бир уйда аёлнинг овози баланд чикса, ул уйда хайр йўқдир, у ердан саодат кутма.
4. Ҳолига шукр этмаган, турмуш ўртоғига меҳр ва хурмат кўрсатмаган аёл канчалик гўзал бўлмасин, оилага хузур ва баҳт келтирмайди.

ТЎҒРИ ТАРБИЯ - ОИЛА БАХТИНИНГ АСОСИДИР

Дунё дунё бўлгандан бери инсон гўзалликка, покликка, ҳар томонлама баркамол бўлмоққа интилади. Гўзаллик бамисоли дараҳт, япроклари аҳлоқ, илдизи ички дунё, меваси яхши фазилат.

Одам боласидаги гўзаллик табиат ато қилган ҳусн-жамолдан ташқари, яна яхши ҳулқ-атворни, яхши фазилатларни ўз ичига олади. Одамзот ўз ибтидосидан бошлаб хозирги кунгача бир ажойиб фазилатини ёруғ юз билан саклаб келадики, бу фарзанд тарбияламоқ бурчидир.

Ота-она учун фарзанддан ширин ва азиз нарса йўқ, фарзанд учун эса ота-онадан яқин, қадрдан ва ғамхўр киши йўқ. Шундай экан, жондан азиз фарзандимизни ҳар томонлама ҳаётга тайёrlашдек вазифани адо этиш

осон эмас. Бу учун тарбиянинг жуда “калтис” томонига эътибор ила карамогимиз зарур.

“Күш уясида кўрганини килади” деганларидек, рўзгор бошлиги бўлган ўғил отанинг, бекаси бўлган киз эса онанинг одат ва хислатларини ўз кўрган оиласида такрорлаши шубҳасиз.

Киз бола шундай хилкатки, унда барча гўзалликлар, англаб бўлмас сехр, ибо, ҳаё мужассамдир. Уни шундай мукаммал килиб улгайтиrmок онага катта масъулият юклайди.

Аввало киз болани янада нафис, янада кўркаму, малоҳатли этадиган хусусиятларидан бири-унинг хушхулклиги, ширинсуҳанлигидир. Хонадонда кизлар ўзаро сўзлашаётганда овозларини баланд этмасдан, ўта назокат билан гаплашишлари лозимки, бу уларнинг фазилатларини янада мукаммал этади.

Кулгу-инсоннинг дилидан яйраб, курсанд бўлишини ифодаловчи воситадир. Лекин, кулганда хам бакириб кулмасдан, аксинча ним табассум билан атрофдагилар диккатини жалб этмасдан, кийкирмасдан кулсалар, бу уларнинг яхши тарбия топганларидан далолат беради.

Киз болани жуда кичиклигидәёқ рўзгор юмушларига ўргата бориш, кизалогининг эртами-кечми ширинсўз, хушахлоқ, пазанда, тадбиркор ва улдабурро уй бекаси бўлиши зарурлигини хеч қачон унутмаслигимиз лозим. Киз болада иффат ва назокатни камол топтириш, унинг ички оламини гўзал килиб тарбиялашнинг ўзи бўлажак bekанинг турмушда хеч кокилмаслигига кафолатдир. Хотинини ишдан боргандা очилиб-сочилиб кутиб олишини, уйни озода тутиб, мазали таомлар пишириб дастурхонга кўйишини кай бир эркак истамайди, дейсиз.

Тўйдан олдин йигит кизнинг хусну-мaloҳатигга маҳлиё бўлса, тўйдан сўнг бу муносабатлар бир мунча жиддийлашади. У ўз турмуш ўртогини синчилаб кузатади, унинг рўзгор тутишга кай даражада укувли эканини фаҳмлай бошлади. Агар эр киши кутган натижча чикмаса, бора-бора гаши келади, оиласида тутувлика путур стади.

Бизнинг миллий хонадонларимизда деворга мих кокиб юрган аёлни ёки кўйлагига тугма кадаб юрган эркакни кам учратамиз. Аммо шундай бўлмас экан, умуман бу оиласи мустаҳкам деб бўлмайди. Мехнат айрибошлаш шикаст топса, бу хол янги оиласиning умумий рухиятига аста секин таъсир килиб, уни ичкаридан смириб боради.

Бундай номатаносибликлар оила аъзолари ўргасида келишмовчиликларга олиб келади.

Келин тушган жойга бир кулол сифатида кириб келади. У ердаги шарт-шароит билан ўзидаги маҳоратни аралаштирган ҳолда ҳаммага хуш келадиган шаклу-шамойилдаги муносабатларни ясаб, безаб бораверади.

Аёл келинчаклик шодиёнасини ўтгач, вафодор хотин, меҳрибон она

ва нихоят доно кайнона бўлгунича оила ташвиши билан яшashi, хонадо́н кам-кўстини бутлаш, эр хурматини жойига кўйниш, каноатли ва тадбирко́з бўлиш, охири жанжалга олиб борадиган истрофгарчилигу бебошликларда кочиш, болаларга меҳрибон она ва гамхўр мураббий, кайнонага эса келинг эмас, тоабад киз бўлиб колишини уddaлаши лозим.

Бу шартларнинг бенуксон бажарилиши учун ҳар бир бўлгуси ўзекаси ўзи туғилиб ўсган оиласида мукаммал бошлангич тарбияни олгани бўлиши зарур. Масалан “эрни кўриб хотинга баҳо бериш керак” дейдилар. Хеч каерига гард юқтирумасдан чакмоқдек кийингган эркакни кўриб “хотини покиза аёл экан” деган ҳаёлга борамиз. Аслида ҳам шундай. Уйда аёл эрига қанчалик эътибор билан караса, кай тарзда муомоала килса, шундай оиласида ўсаётган киз ҳам бу холни назардан кочирмайди. Умуман рўзгорнишиларини, айникса пазандаликни “койиллатиб” бажариш, бунинг устига ширинсуҳан бўлиши эрни уйга bogлаб турадиган воситадир.

Буюк комусчи олим Абу Райхон Беруний ҳам оила қураётган кизларга ота-онасиининг паид насиҳатларини келтириб, оиласидаги тинчлик, тотувлик, оиласидаги бахтиёргани кўпроқ аёллар зиммасига тушишини таъкидлайди ва шундай ёзди:

- “Эй қизим! Сен ўз ўргангандан кетиб, нотаниш хонадонга тушмокдасан, сен бўлажак кубингнинг ҳамма хислатларини билмайсан! Сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тут, унинг олдиди ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олийжаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ери кўкартиргани каби, у ҳам ўз меҳру-шафқати билан сени хушнуд этади. Эринг сендан факат ширин сўзларнинг эшитсин».

Оиласидаги ёмон тарбия, факат шу оиласидаги ўзигагина салбий таъсир килиб қолмасдан, балки атрофдаги бошка оиласидаги ҳам ёмон таъсир килиши мумкин.

Демак, тўғри тарбия оила бахтининг асосидир.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Ақдли аёл эр жаҳлини ўз табассуми ва чиройли муомаласи билан юмшатади.
2. Эр зардали бўлса, хотин пардали бўлади.
3. Эрининг кариндош-уругларига иззат ва хурмат кўрсатишини билмайдиган аёл, хузур ичida яшаш йўлларини билмайдиган аёлдир.

ЁШ ОТА-ОНАЛАРГА ДОНОЛАР ЎГИТЛАРИ

- Рўзгор- икки кишининг кўли, икки кишининг акли билан тўқиладиган умр занжиридир.
- Ким агар хаётдан олмаса таълим, унга ўргатаолмас хеч бир муаллим.
- Уйидаги ҳаловати бор, иш жойида кадри бор, фикри тоза, калби пок одамдан касаллик чекинади, хаёти осуда, умри зиёда бўлади.
- Фамсиз яшашининг белгиси тўрт нарсадир: яхши сўз, яхши феъл, яхши ният ва яхши сухбат.
- Яхши хулк, яхши фазилат, гўзал чехра- бу инсон учун буюк мартаба, улуг риск, олий мукофотидир.
- Қаноат соҳиби бўлиш, ширин турмуш курмокчи бўлган хар бир оиласа лозимдир.
- Бир кун жанжал чиккан уйдан кирк кун туз-насиба кўтарилади.
- Эркак учун энг яхши либос-ширинсуханлик, аёл учун энг аъло кийим очик юзлилийдир.
- Аёл учун энг зўр бойлик, энг зўр мартаба, энг комил фазилат-бу иффатидир.
- Ақли хотин - эр жаҳлини ўз табассуми ва чиройли муомаласи билан юмшатади.
- Яхши хотин турмуш ўртоғидан сотиб олишга кудрати етмаган нарсаларни талаоб этмайди.
- Оқила аёл турмуш ўртоғи олдида эски либосда ёки юзларига оро бермаган ва сочларини тартибга солмаган холда турмайди.
- Эри юзига тик бокмаган аёл-аёлларнинг афзалидир.
- Эр ва хотинни тотувлик билан яшашлари, бутун оила аъзоларига баҳт-саодат келтиради, уларнинг юзларига роҳат ва фарогат багишлайди.

ФАРЗАНД УЧУН САБОҚЛАР

- Ота-онанинг юзига караб ўтиришнинг ўзи-катта ибодатдир.
- Ўғил фарзанд-оила шамчироги, киз фарзанд-мехр саодати эканлигини билинг.
- Сиз ота-онангиз тириклигида уларга кандай муносабатда бўлсангиз, сиз ҳам фарзандларнингиздан шундай муносабат кутинг.
- Сиз ота каргиши ўқ бўлишини, она каргишини эса дўқ бўлишини доимо эсда тутинг.
- Фарзанд отадан қўрқмасин, уни хурмат килсин.
- Ота-онани кандай неъмат эканлигини ота-онасидан жудо бўлганлар билан сухбатлашганингизда биласиз.
- Ота-она тириклигида уларни хушнуд этиш, вафотларидан кейин эса

тириклигига айтган насиҳат ва маслаҳатларига амал килиш, уларни яхши хислатлари билан ёдлаб туриш, содик ва вафодор фарзандларнинг энг яхши одатлариданdir.

-Ота-онаңгиз, ақа-уқангиз, опа-синглингиз вафот этганда әл кўзига дод солгандан кўра, уларнинг тириклигига ширин сўз ила зиёрат жилинг.

-Онанинг меҳри ҳам зўр, қаҳри ҳам зўрлигига ишонинг.

-Отаси борнинг унуми бор, онаси борнинг тиними бор деган макол борлигини доимо ёдда сакланг.

-Отага билак, онага юрак бўлинг.

-Ҳар ким маслаҳат пайтида маслаҳатчининг сўзига, муолажа чогида табибининг сўзига, шариат масалаларида зоҳиднинг сўзига кирмаса, яхши иш фойдадан, муолажа шифосидан ва ибодат савобидан маҳрум бўлади.

IV МИЛЛИЙ УДУМ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

МИЛЛИЙ УДУМ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ-ҲАЁТИМИЗ ГУЛТОЖИ

Ўзбек ҳалки бой маънавият ва тарихга эга. Ўзбек миллатида шундай удумлар бор эдикӣ, уларни ер юзининг бошка бурчакларида учратмас эдингиз. Мана, ўшалардан баъзилари: авваллари ота ўтирган даврага ўғил дафъатан кўшилмаган, отага тик караб гапирилмаган. Таом тановул килишда ота-она келмагунча хеч ким овқатга кўл узатмаган. Ҳар қандай кийин, мураккаб ишлар олдидан кексаларнинг маслаҳатларини тинглаб, улардан фотиха олинган. Қариндош-уруглар, ёру-биродарлар кучи билан хашарлар килинган, тансиқ таомлар пиширилганда кўшниларга улашилган. Эрталаб туриб фарзандлар ота-оналаридан хабар олишган. Эрта тонгдан кўча эшиклари очилиб, ҳовли ва дарвоза атрофлари супириб-сидирилган. Кўча-кўйда ёши улувларнинг олдидан кесиб ўтилмаган, саломлашишни хеч ким канда килмаган. Бемор ва карияларни зиёрат килиш одат тусини олган.

Ажоду авлодларимиз сувни мукаддас ҳаёт сарчашмаси деб билиб, уни ифлослантиришни, ахлатларни ташлашни, хатто унга туфлашни гуноҳи азим ҳисоблаганлар. Ҳар бир хонадонда ариклардан зилол сувлар оқиб турган. Оқар сувларни касал бўлиб қоламан деб ҳадиксирамай, bemalol ичишган. Болакайлар ҳовлидаги ёки кўчалардаги мевали дараҳтлар шоҳлари устиларида юрсаларда, уларни синдириб, пайхон килишни ҳаёлига ҳам келтирмаганлар, кушлар, ҳайвонларга озор бермаганлар, янги фарзанд тутигланган хонадондан она “алласи” доимо эшитилиб турган. Она қалбидаги яхшилик, эзгулик, поклик нури алла

билан фарзанд қалбига ўтган.

Бобо ва момоларимиз, ота-оналаримиз савоб нима, гунох нима, увол нима, карғиши нима? бобида тез-тез сұхбатлар ўтказыб турғанлар. Ёшу катта уларни зүр эътибор билан тинглаганлар үшін үлесінде көрсеткіштің оның мәндерін анықтауда да жақсы жүргізу мүмкін. Шу үдемларимиз, миллій қадриятларимиз ассоциацияда ёш авлодға ҳалоллик, ростгүйлік, бир-бирларнан яхшиликни сиғиниш, виқжон, иймон, эътиқод, катталарга хурмат каби олийжаноб маънавий фазилатлар сингдириб борилған.

Маълум даврларда кимларғадир тақлид килиб, кимлардан діннен аздоза олиб яшады. Окибатда миллій одоб-ахлоқ, тарбиядан, биревлар хавас килады. Урф-одатларимиздан узоклашды.

Амир Темур, Бобур, Алишер Навоий, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Ал Хоразмий, Ал Беруний, Ал Бухорий каби алломаларимиз, Бибихоним, Нодирабегим, Зебунисо каби зукко момоларимиз бўла туриб, биз ўзимизни маданият, маърифатдан йирокда деб билди. Савоб билан гунохнинг фарқига бормадик. Натижада айрим жойларда ота-оналарга бўлган хурмат йўқола бошлади. Хатто уларга тиғ кўтариш пайдо бўлди. Оддий “Ассалому-алайкум” деб сўрашишни унутдик. Кексаларга хурмат, улардан маслаҳатлар олиш камайди. Йиллаб кариндош-уруглар бир-бирларидан хабар олмай кўйишиди. Ҳашарлар камайди, хонадонларда “она алласи” камрок эшишила бошлади. Кўп хонадонлардан ўтадиган ариклар йўколди, анхорларга ахлат ва бошқа чикиндилари ташлаш одат тусига айланди. Хаттоки, корхона чикиндилари ҳам сувга оқизила бошланди.

Бир болалар бөгчасининг катта гурух тарбияланувчиларига савоб нима?, гунох нима?, карғиши нима?, увол нима?, деган деб савол беришганида 54та боланинг ҳаммаси бу сўзларни умуман эшиitmaganliklарini айтишган.

Мустакиллик бизга ўз эркимизни, миллій урф-одатларимизни, жаҳон тан олган удум ва қадриятларимизни қайта тиклаш имконини берди. Энди уни мустаҳкамлаш ҳаммамизга, бизнинг маънавиятимизга боғлиқ.

Республикамиз ахолисининг 65%-ини ёшлар ташкил килар экан. Эндиликда, келажак авлод тарбиясида миллій удум ва қадриятларимизни тиклаш замон талаби бўлиб колмокда. Ёшлар онгига мустакиллик, озодлик туйгуларини, бир-бирларига меҳр-окибатни сингдириш асосий вазифаларимиздан дінди. Савол тугилади: маънавиятни бойитишини нимадан бошлаш керак?

Биринчи Президентимиз: “Маънавият инсонга она сути, ота намунаси ва аждодларимиз ўғити билан сингади”- деб айтган.

Ҳар биримиз она сути, она алласи ахамиятини яхши тушуниб етсак, ота болаларнан ўзининг барча хатти-харакатлари билан ўрнак бўлса, уларга савоб, гунох, увол, карғиши каби тушунчалар аждодларимизнинг

ўгитлари мисолида тушунтириб борса, уларни меҳнатта ўргатса, оналар кизларини уйда тозаликка, орасталикка риоя килишга, уй юмушларини бекаму-кўст бажаришга, мустакил ҳётта тайёрласалар, шу хонадонда ҳамиша равшанлик, мусаффолик, бир-бирларига меҳрибонлик хисси хукм суради. Бу муҳитда таълим-тарбия кўрган болалар ҳамма жойда шундай иш тутишга одатланадилар. Бу ишларни болалар боғчасида, мактабда, коллеж, лицей ва олий ўкув юртларида ҳам давом эттириш керак.

Тарбияловчи аввалимбор ўзи тарбияланган бўлиши керак, деб бежиз айтмаганлар. Биз чекма деб, чексак, ҳалол бўл деб, унга амал килмасак, “Ассалому-алайкум” дегин деб туриб, уни ўзимиз бузиб „Сом алайкум” деб айтсак, қандай тарбия берган бўламиз?

Тарбия – жиддий, узок муддатли, мураккаб жараён. Таълим ва тарбия ўртасида ҳеч качон узилиш бўлмаслиги керак. Таълим жараёнида ёшлар етарли тарбия олмоклари лозим. Тарбия жараёни эса таълим билан тўлдириб борилиши керак. Ҳолбуки, чинакам таълимнинг моҳияти одамни одамийликка тайёрлашдан иборатдир. Таълим факат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш ва тажриба биландир.

Ҳакикий инсон бўлиш учун одамлар ичидаги юриш керак. Бир одам катта олим, ўз фанининг устаси бўлиши мумкин, лекин у ҳаётни билмаса кийин, у билан гаплашиб мазза топмайсиз. Ва аксинча, оддий дехкон, ишчи ҳакикий инсон фазилатларини эгаллаган бўлса, унинг сухбатидан бир олам завқ олишингиз мумкин.

Ҳар бир жамоада бутун умрини ҳалоллик, покликда ўтказган, элютига ихлос-эътиқод кўйиб яхшиликлар килаётган ёшу кексаларни, аёлларни хурмат килишимиз, бемор ходимларимизни, нафакага чикканларни холидан ўз вақтида хабар олишга ўрганмогимиз керак.

Ўкув даргоҳларида “Маънавият ва маърифат” бурчаклари ташкил килиниб унда савоб, увол, гуноҳ, карғиш каби сўзларининг маъноси, ота-она, кексаларга хурмат, соғлом турмуш тарзи, Ватан туйуси масалалари ўз ўрнини олган бўлиши керак. Бундан ташкири, талаба ёткхоналарида ёшларнинг маънавиятини бойитишига қаратилган катта давра сухбатлари ўтказиш одат тусини олиши керак.

Ҳалқимизнинг гўзал урф-одатлари, ажойиб феъл-атворлари, бекиёс расм-русларни тарихи минг йиллирга тақалади.

Фарангистонлик элшунос олима, мусаввир Бурдон хоним Республикаизда тадқикот ишлари олиб борган. У инсонларнинг ҳаёт тарзи билан якинроқ танишмок мақсадида шахар ва кишлоказларда, турли табака хонадонларида бир неча ой истикомат килган. Ўзбек аёлиннинг хонадонда, тўй-маросимларда, жамоат жойларидаги ўзини тутиши, ахлоқ одоби, шарм-ҳаёси олимани ҳайратта солган. Бу ҳакда у шундай ёзган: «Биз, маданийлашган Овропа аёллари ахлоқ-одобни, иффатни назаримда

Туркистонлик аёллардан ўрганмогимиз жоиз экан. Лесгафт, Дидро назарияларидан мутлақо бехабар бу аёллар ахлоқ назариясидан кўлланма ёзсалар арзир экан». Кўрдингизми, хар бир ориятли кишида миллатни, миллийликни хўрматлаш туйгуси юксак бўлиши лозим.

Мусулмон давлатларининг бирига саёхатга бориб келган аёл шундай ҳикоя қиласди: «Саёхатдан қайтишимиз чогида сайёхлар биргаликда суратга тушмоқчи бўлдик, мен сочимни чиройли турмаклаб олдим. Суратчи келди-ю, бир нарсалар деб кайтиб кета бошлади. Таржимон уни зўрга тўхтатди ва менга караб: “Барака топгур, бошингизга рўмол ўраб олинг, суратчи урф-одатларимизни хўрмат килмаганларни тасвирга тушурмайман деяпти” деди. Сўнг мен рўмол ўрашга мажбур бўлдим”.

Биз бу билан ҳамма узун енгли кўйлак кийиб, бошига рўмол ўраб юрсин демокчи эмасмиз. Лекин ёшларимиз миллий урф-одатларимизни хўрмат килсинлар, кийинишда, юриш-туришда одоб доирасидан чикмасинлар, кизларимиз иболи бўлишиб, саёқ юрмасинлар, отасиз фарзандлар тугилмасин.

Талабаларга мутахассисликка оид билимларни ўргатибгина колмай, балки уларни мустакил ҳаётта ҳам тайёрламогимиз лозим. Шу боисдан барча билим даргоҳларида “Одбонома” руҳни остида «Рисоладаги оила, рисоладаги фарзанд, рисоладаги аёл, рисоладаги эр қандай бўлиши керак?», “Савоб ва гуноҳ нима?”, “Алланинг ва она сутининг аҳамияти”, “Дуонинг хосияти”, “Миллий кадриятларимизни биласизми?” каби мавзуларда давра сухбатлари, анжуманлар мунтазам ўtkазиб борилса мақсадга мувофиқ бўлди деб ўйлайман. Бундай тадбирлар ёшларни маънавий жихатдан етук ва баркамол қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

Шоира Дилором Фиёсованинг ушбу шеърий мисралари, бизни шу сай-харакатларга бошласа ажаб эрмас:

Имонни бут айла, соф ниятингни,
Тикла удумлару кадриятингни.
Фарзандлар ўқисин кадим имлони,
Тилидан кўймасин Ҳакни-Аллоҳни.

Сен Темур авлоди, курдатинг азим,
Нечун ўзгаларга айламак таъзим.
Элинг хур, тилинг хур, бўлсин дилинг хур,
Дадил кадам ташла, магрур олга юр.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Юртбошинг даъватига кулок сол ўглон,
Элим деб, юртим деб яшагин сен хар он.
Сен мустакиллик сўзин маъносин уккин,
Ўз кўлингдадир келажак, буюк даврон.
2. Тиклансин қайтадан дилдаги имон,
Уйгонсин мудраган покиза виждан.
Лоқайдликка карши қайнаб турсин кон,
Диёнатли бўлинг, одамлар!
3. Ўзбекман, иншооллоҳ, иймоним бутун,
Тилим кисиқ эмас башариятдан.
Кимгадир тенгдирман, кимдандир устун,
Зувалам корилган самимиятдан.

ОНА АЛЛАСИ

Мустакил юртимизда “Софлом авлод” дастурининг амалга оширилаётгандиги жамият зиммасига ота-она ва болалар ўртасидаги меҳроқибат, соғлом турмуш, соғлом маънавий дунё, Ватан туйғусини тиклаш, баркамолликка эришиш заруриятини юклайди.

Асримиз шубҳасиз илм-фан, техника тараккиётининг янги уфқларига кўтарилиди. Инсоният авлоду ажлодлари ҳаёт тарзини нечоғлик тараккиёт эттириб бормасин, эскилар янгиларга жойларини канчалик тез ёки секин, бўшатмасин, шундай миллий кадриятларимиз борки, улар асрлардан-асрларга сайкалланиб ўтаверади. Шулардан бири бокий ва бокира, дарёдек уйғок, мангу кўшик – она алласидир. Она қалбидаги яхшилик, эзгулик, поклик нури алла билан фарзанд калбига ўтади. Ёргу оламни илк бор кўрган чакалоқ, ҳамиши она алласига ташна бўлгандек туолади. Хатто иситма чикиб, безовта чакалоқни она алласидан ором топганининг гувоҳи бўлганмиз. Она алласи сеҳридан хатто табиат ҳам осуда бўлади.

Алла... Дунёдаги энг соғ, энг оҳангдор, эрка туйгули, қалб нури билан кўйланадиган оналик қўшиги. Аллада илтижо сеҳр, қалб садосию, Ватан навоси, бу дунёдаги жамики эзгу тилаклар мужассам.

Айтишларича, алланинг илк талаффузи Аллоҳдир. Кадимда оналаримиз “Боламга инсоғ, иймон, умр бергин Аллоҳ” деб илтижо килишган. Орадан вактлар ўтиши билан мукаддас исем талаффузий эврилишлар оқибатида “Алла” шаклига эга бўлган экан.

Она алласининг шаклланиши хусусида доно ҳалкимиз ҳилма-хил ривоятлар, афсоналар, достон ва эртаклар тўкишган.

Шулардан бирда ривоят қилинишича, бир юрт остонасига ёв бостириб келибди ва шу ерлик аҳолини вахшийларча киличдан ўтказа бошлабди. Қишлоқнинг етти ёшдан етмиш ёщигача бўлган барча ёшу кариси жон саклаш учун дуч келган томонга караб коча бошлабди. Бутун қишлоқни кон какшатиб келаётган вахшийлар бир уйнинг остонасига етгач, лашкарбоши беҳосдан ортидагиларга жимлик ишораси сифатида бармоғини лабига босибди. Лашкарбоши кулоқ солса, ичкаридан онанинг мунгли алласи эшитила бошлабди:

*Алла айтай, жоним болам, қулоқ солгин, алла,
Худойимга нола қиласай, катта бўлгин, алла.
Катта бўлсанг ёё бўлмагин, посбон бўлгин, алла,
Шавқатлию меҳрибон бўл, аллаёй, алла.*

Аёл алласи ёв бошлигининг кулогига ўз онасининг фарёди бўлиб туюлибди. Шу боисдан унинг қалвидаги нафрат алансаси ўчиб, унинг ўрнини меҳру шафкат эгаллабди. Она алласининг сехри билан шамширлар гилофга тушибди.

Кўриниб турибдик, ривоятда чинакамига ҳақиқат яширган. Бобокалонларимиз “Она алласи тошни ҳам эритишга қодир” деб бекорга айтишмаган бўлса керак.

Иболи аёл рўзгорда сув келса симириб, тош келса кемиради. Она хонадоннинг яхшисини ошириб, ёмонини яширади, не савдоларни ичига ютади. Аламни тинимсиз ўзингга олганингдан кўра, кимгадир баъзан-баъзан кўнгил ёрган сиҳатлик учун фойда экан. Бирок момоларидан, оналаридан уй сирини кўчага олиб чикмасликни мерос килиб олган ўзбек аёли ҳасратларини ўзгалар олдинга дастурхон килавермайди. Бундай пайтларда алладан ортиқ дилдош топилмас.

Жамики сўзлар сultonидан териб айтилган «алла» ёлгиз кўнгиллардаги гам-андухларни бироз сингиллаштиради, зарга тўкнаш келавериб толиккан кўзларга дам беради, ёлғонларни кечиб бораётган кадамларни тўхтатиб кўяди.

Табобат илмининг сultonни ва асосчиси Абу Али Сино: “Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ лозим, бири болани аста-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб колган алладир”, деган экан.

Айтиш лозимки, ер юзидағи жамики оналарни ўз алласи бўлади. Уни она бутун борлиги билан чин юракдан хиргойи килади. Бола уни рухан хис этади. Ўғил болаларга нисбатан айтиладиган аллаларда ботирлик, жасурлик, мардлик, дўстга садокат ва Ватан хисси устунлик килса, киз болаларга айтиладиган аллаларда кўпроқ тўзаллик, хусн, латофат, назокат

ва оқидалик тиланади.

Афсуслар бўлсинки, аждодларимиз камолотида ўзига хос тарбия мактаби бўлган, руҳий озука, куч-кудрат ато этиб келган аллаларимиз кейинги йиллар мобайнида хонадонларимизда кам янграйдиган бўлиб колди.

Ҳозирги ёш аёлларимизнинг кўпчилиги алла айтишни умуман билишмайди. Бола ухлатиш учун радиони баландлатиб кўйиб: “Нима фарки бор, онанинг алласини эшидими, хонанданинг кўшигини тинглаб ухладими – тил уқмас гўдакка бари-бир эмасми?” – деганлар ҳам йўқ эмас.

1986 йили АҚШда она корнидаги гудаклар маҳсус дастур асосида ўқитиш бўйича ўтказилган тажрибаларда катнашган бўлгуси оналар, гўдакнинг корнидаги пайтидаёқ эшитиш ва хатто сўзлаша олишига ишонгандар. Демак, дунёга келган чакалок ўз онаси айтган аллани барча кўшиклар, мусикалардан ажрати олиши табиийдир.

Бола кўнгли она меҳрини, қалби тафтини ҳамиша қумсаф туради. Алла тинглаб, улгайган бола ҳақиқий юрт фидойиси, Ватан посбони эзгуликка мойил инсон бўлиши шубҳасиз.

Донолар : «Она билан бола кўнглининг ришталаридан бири ҳам алладир. Алла айтилмаса, демак, бу ришталардан бири узилади – бола она меҳрига қонмай, такаббур, ялтироқ нарсаларга ихлосманд, кадр-кимматни баҳолай олмайдиган, ибосиз бўлиб вояга етиши мумкин. Алла эшиятмай ўсан болалар орасида ҳар хил кўнгилсизликлар, жиноятчиликлар кузатилади. Мехрсизлик, окибатсизлик, гиёхвандлик, спиртлик ичимликларга ружу кўйиши, таносил касалликлари ҳам уларда кўпроқ учрайди» дейишади.

Ўсмирлигига беҳаёғ гап-сўзлар билан тили котган, котаётган йигит-кизлардан эртага қандай чоллар, қандай кампирлар вужудга келишини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-чи.

“Мен Америкада бўлганимда, “Нью-Йоркдан тахминан 200-чакирилмлар узокда жойлашган ва ўзбеклар хонадонининг катта бир килеми истикомат киладиган гоят гўзал шаҳарча – Нью-Жерсидаги гурунглардан бирида 70 ёшлардан ошган бир мўйсафид мени фарзандининг тўй маросимига таклиф этди”, деб ёзади Ёкуббек Яқвалхўжаев. Бу мўйсафид 20-йилларда Тошкентни тарк этган маърифатпарвар бир инсоннинг ўғли экан. Тўй дастурхони кўп чиройли, тўқин-сочин, мусикалар янграмокда. Давра олов бўлиб қизиётган бир паллада, эшик томондан оппок, узун тўй либосида келин, чиройли қора костюм кийган куёв ва улар ортидан келин-куёвнинг боши узра Куръони Каримни баланд ушлаган йигит келгандарида, жамики оҳангларни босиб келгучи, юракларни ларзага солиб, кўнгилларни ажиб хушнудлик сари бошловчи “ёр-ёр” айтилиб колди. Фалати ҳолат. Бир зум кайда ўтирганилигимни унутдим. Ахир, бу

каер, - дейман ўзимга ўзим. – Америками ёки Ўзбекистонми?!

Ахир ўша “ёр-ёр” айтаётган аёллар Ўзбекистонда туғилмаганлар, Тошкенту, Фарғонани, Самарканду, Бухорони кўрмаганлар. Кейин билсам, бу аёллар “алла”ни ҳам койилмақом килиб айтарканлар. Уларнинг калбига бу улуғ оташларни 1920 йилнинг укубатларидан, 30 йилларнинг қаҳатчилигию, катагон даҳшатларидан кочиб, узок юртлардан бошпана излаган халқимизнинг бир кисми бўлган Оналар сингдиришган экан. Улар вужудини ўз она юртига бўлган мухаббат тарк этмаган, бу мухаббат ўша “ёр-ёр” билан, “алла” билан жисму-жонига синган.

Бугун уларнинг фарзандлари “ёр-ёр”, “алла” айтаётган эканлар, бу улуғлик, мухаббат учун уларга таъзим қилмогимиз лозим.

Биз уларга “ёр-ёр”, “алла” ларни шундай айтингки, токи овозларингиз еру-кўкни ларзага солсин, бу ларзага тушган ер ва кўкнинг нидосидан бизнинг аёлларимиз ҳам озука олсин. Ўз она юртида “алла”ни, “ёр-ёр” ни унитаётганилар хакки ҳам айтингки, уларнинг жисмида ҳам сизлар каби янглиг жунбуш пайдо бўлсин дегим келди, деб хикоясини тутатади Ёкуббек ака.

Замонлар, одамлар ўзгараверади. Лекин онанинг фарзанд келажаги ҳакидаги орзу-ўйлари юксаклигича қолаверади. Қизларимиз шуни унумасликлари керакки, фарзанд тирногига зор ота-оналар яратганга илтижо килиб, азиз-авлиё, муқаддас жойларга сигинадилар. Хайр-садака бериб, зурриёт учун кайгурадилар. Ҳар бир аёл фарзандлик бўлганига шукронга айтиб, уй юмушлари кўп, шароит ўзгача каби баҳоналар кидирмай, алла орқали унга ўз меҳрини бермоги, келажак авлодни ҳам жисман, ҳам руҳан баркамол улгайишни таъминламоги лозимдир.

Шу боисдан мустакилларимиз туфайли миллий қадриятларимизнинг тикланишига катта йўл очилган экан, мактабларда, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида “алла” кўрик танловларининг тез-тез ўтказиб борилишини максадга мувофиқ деб биламан.

Юкоридаги саъй-харакатлар билан ҳар бир жамоа мустакил давлатимизнинг “Соғлом авлод” дастурини бажаришга ўз хиссасини кўшган бўларди.

Мұхтарам Президентнимиз таъкидлаганларидек, соғлом авлод йўлида кўйилган ҳар бир кутлуг қадам, эртаси порлок, кучли ва кудратли мамлакат истиқболига хизмат килади.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

Алла гўдак илк бор тинглар кўшиги,
Сингади сут ила нурбахш бу садо,
Сукунатта чўмади бу борлиқ, мавжудот,
Чунки бутун олам унинг ошиғи.

Она барча орзу-умидин күйлаб,
Жигаргүшасига тақдим этади.
Кексайган одам хам эшитса ногох,
Согинчдан күзда ёш қалқиб кетади

САХАР ТУРИШ ҲОСИЯТИ

Улуглик соатлари бўлмиш эрта тонгни кўз олдингизга келтиринг. Куёш гўё ўз элчиси – тонгги шафакни ер юзига юбориб: “Ердагиларга бориб айт, огоҳ бўлишсин, мен чикиб келаюпман”, - дегандай бўларкан.

Ҳа, қуёш – улуғ мўжиза, унинг беминнат илтифотидан баҳра топмаган ҳеч нарса йўқ. Унинг истиқболига пешвоз чикиб кутиб олиш – миллатимиз одати.

Бобо-момоларимиз: “Болаларим, эрта туриш керак, ҳар тонг ўзини яхши кутиб олган одамга бир олам насиба олиб келади. Кимки уйгок бўлса, ўшанга кўпроқ тегади”, дер эдилар.

Шунга амал килган барча хонадон соҳибалари тонг саҳарлаб туришиб, ховлию-эшик олдиларига сувлар сепишиб, чиннидай килиб супурардилар ва қуёш чикишини кутардилар.

Минг афуски, хозирда барча хонадон соҳибалари бунга амал килаяпти, дея олмаймиз. Тонг саҳарда туриб юзини ювган киши бир олам тетиклик, яхши кайфият олади, рухи тонгдай покиза бўлади. Инсон гафлатдан бош кўтариб, ўзлигини англайди, инсоний юмушларга киришади, ишлайди, кўради, яратади. Унинг улуғ ишлари шу тонгдан бошланади.

Шу боис саҳармардондан кеч колмаган инсонларни олкишлаш керак. Бу бизнинг азалий удумларимиздандир.

Шундай экан, ҳар бир оиласда барча оила аъзолари, ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик бўлсин шу одатга ўргансалар, шу оиласда ҳамиша мусаффолик, равшанлик, дилхушлик хукм суради. Бу муҳитда тарбия кўрган киши ҳамма жойда шундай иш тутишга одатланади. Бунга барча ёшлар ҳам амал килсалар, ўрнакли иш бўларди. Ҳар бир хайрли ишда отабоболаримиз асрлар давомида яратган, ўзларининг ҳаёт синовларидан ўтказган умрбокий анъаналаримиздан, урф-одатларимиздан фойдаланишини йўлга кўйишимиз мухимdir. Бусиз ҳар канча гапирмайлик, ёзмайлик, ижобий натижаларга эришиш кийин.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Тонгда ухлашлик ризкни кияди.
2. Сахарда уйкудан туришга одатланган киши каишок бўлмайди.

МЕҲМОНДЎСТЛИК – ҲАЛҚИМ УДУМИ

Миллий қадриятларни, урф-одатларни эъзозлаш ҳар бир ҳалкнинг мукаддас бурчидир. Йирик жамоат арбоби, буюк кирғиз шоири Чингиз Айтматов шундай, ёзди: “Люксембург кўчаларида “Биз қандай бўлсак, шундай колишни истаймиз” деган улкан шиорларни кўрамиз. Бу шиор ҳар бир люксембурглик учун: “Кўшиниларига кўр-кўронга эргашмангиз, она тилингизни, маданиятингизни, санъатингизни, адабиётингизни кўзкорачигидай саклангиз, ўз ўтмишингизни – томирингизни унутмангиз” – деган огохлантириш белгиси экан”.

Ҳар бир ҳалқ тарихида минг йиллардан бери ўрин олиб келаётган анъаналар мавжуд. Шулардан бири меҳмондўстликдир. Бир-бирини йўклаш, дўстлик, биродарлик илларини боғлаш ва мустаҳкамлаш, шодликка шериклашишни ҳалқ бир ибора билан “меҳмондўстлик” деб атаган.

Барча ҳалкларда меҳмон эъзозланган, улуғ хисобланган. Меҳмонга ҳам, мезбонга ҳам карата айтилган. “Меҳмон отангдан улуғ”, деган ҳалк хикмати бежиз эмас.

Қуйидаги ривоятга эътибор беринг-а!

Қадим замонда бир хон яшаган экан. Бойлиги чексиз экан. Бир куни у мулозимлари билан овга чиқади. Ўрмон оралаб ўтиб, давондан ошиб тушадилар. Кўккисдан улар қаршисидан чиройли сайғоқ чиқиб қолади ва отлардан кўркиб қочади. Хон камондан ўқ узиб, сайғокнинг орка оёгини ярадор қилади. Хон мулозимлари ҳайқиришиб, сайғокни жар ёқасига сикиб бораверадилар. Ярадор сайғоқ иложсиз қолгач, олисда турган ўтовни кўриб қолади ва у ерга чопиб бориб, очик турган эшиқдан кирадида, дастурхон устидан сакраб ўтади-ю, тўрига бориб йикилиб, холдан тойганча оғир-оғир нафас ола бошлади.

“Сайғокни чиқариб юбор! – деб кичкиради отда турган хон уй эгасига қараб. – Мен уни чошгоҳдан бери кувиб юрибман. Бу – менинг ўлжам”.

“Тўгри, бу сенинг ўлжанг – дейди уй сохиби, аммо у менинг уйимнинг тўрисида ётиди. Кўриб турибсан, дастурхоним ёзиглик. Ҳеч ким дастурхонни хатлаб ўтолмайди. Ҳатто ашаддий душманлар ҳам дастурхон устида ярашадилар, гина курдатни унутадилар. Муқаддас анъанамиз шундай. Сен хон бўлсанг ҳам боболаримиздан қолган удумни бузишга ҳаккинг йўқ”.

Хон ҳеч нарса дей олмай, от жиловини буриб жўнаб колган экан. Бу ибратли ривоят. Бунинг тагида катта маъно ётади.

Ҳалклар ўртасида меҳмонга бориши меҳмон кутиши удумлари турли-тумандир.

Меҳмондўстлик-ўзбек ҳалкининг олий фазилати. Бизнинг

мехмондўстлик коидаларимиздан сабоқ олса арзигулиkdir. Уларни яхши билиш, маъноларини укиб олиш фойдадан ҳоли эмас, албатта.

Мехмонга хос бўлган одоблардан бири шундаки, кимки меҳмонга таклиф этса, иложи борича рад килмай бориши керак. Чакирилмаган жойга бормаган маъкул. Мехмонга уй сохибиининг руҳсатисиз, айтилмаган ёки нотаниш одам бошлаб келинмайди. Мехмон одоби меҳмонга борилган уйнинг остонасидан бошланади. Бунда эшик кўнгироги устма-уст босилмайди, таклифни кутмасдан ичкарига кирилмайди, овозни баралла кўйиб кичкириб чакирилмайди.

Уйга киргандга юкорига ўтишга уринмай, уй эгаси каерни кўрсатса, ўша ерга ўтириш зарур. Кираётганда ва ўтираётганда таъзиму тавозени унутмаслик керак. Ўзлари хоҳламай турган икки одамнинг орасига сукилиб ўтирилмайди. Мехмондорчиликда улуг одамлар ўтирган бўлса, овкатта улардан олдин кўл узатилмайди.

Мезбон уйига меҳмон келса, “хуш келибсиз” дея очик чехра билан кутиб олади. Чунки меҳмон келиши хонадон учун бамисоли байрам. Ҳалкимиз меҳмондўстликни яхшилик рамзи деб билгани учун уни лутф ила кутиб олиб, иззат-хурматини жойига қўйишни доимий одат тусига айлантирган.

Мехмоннинг олдига кираётганда, чикаётганда ёки таом ейилаётганда очик юзли, ширин сўзли ва хушфeyъл бўлиш лозим. Меҳмонлар олдида ўз якинларига каттиқ гапирилмайди, уларга танбех ва таъна сўзларни айтишдан тийилади. Шу боисдан бўлса керак, “Мехмон келса мушугингни хам “пишт” дема”, дейди доно ҳалкимиз.

Уйига тез-тез меҳмон келиб турадиган оиланинг маҳалла-кўй ўртасида обрўйи ортади. Уларнинг фарзандларида ҳам хушфеъллик, хушмуомалик каби яхши сифатлар шаклланади. Меҳмон тўsatдан келганда ўзлари оч ўтиrsa ҳам меҳмон олдига чой дамлаб, уйида бор масаллиқдан бирор таом тайёрлаш ўзбек ҳалкининг одати бўлган.

Шундай килиб, меҳмонга ҳам мезбонга ҳам бўлган талабларни ўзига жо айлаб, унга амал килиш ориятли инсон учун муҳимдир.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Уйга меҳмон келса кулиб чик дарров,
Шоду хуррамликка тўлиб чик дарров.
Бошингда чарх уриб турсада ғамлар,
Мехмонга бошқача бўлиб чик дарров.
2. Мард киши хар ишни ҳаёда килар,
Мехмонга кулгисин зиёда килар.

Мансабда бўлса хам, отнинг устида,
Шу куни ўзини пиёда килар.

- 3. Нур ёгар ҳар хонага келганда мөхмон яхшилар,
Хуш чиройли кутса кимки яхши мезбон яхшилар.
Келгувчи ким бўлмасин хеш-акробоми, ёт, бўлак,
Чехранг очиб карши ол килмай паришон, яхшилар.
- 4. Мөхмон келса эшиқдан, риски келар тешикдан
- 5. Мөхмон келса чоптирас, бор йўғини топтирас.

САВОБ ОЛМОҚ – ХАЙРЛИ ИШДИР

Ривоят қилишларича, бир подшо юртга муносаб вазир танламок учун хузурига кўпчиликни чорлаб, “Осмонда, ерда ва ер остида нима кўп”, деган саволни ўртага ташлабди. Юртнинг таникли олимум-фозилларининг жавоблари подшога маъкул бўлмабди. Йиггин охирида бурчакла ўтирган оддий бир киши ўрнидан туриб, изн сўраб, руҳсат этилгач, ўз жавобини куйидагича ифода этибди: “Куёш ерни иситади, ой ёритади, булут ёмғир тўкиб яшнатади. Бунинг эвазига ердан ҳеч нима талаб этмайди. Эвазига ҳеч нарса талаб этилмайдиган яхшилик, савобга лойик. Шу боис осмонда савоб кўп. Ер юзидағи ҳар бир тирик жон бирон-бир орзу, бемор-согайиш, ёлғиз уйланиш, камбагал-бойниш, оч-корин тўйдирин ва ҳоказо билан яшайди. Шунинг учун ерда орзу кўп. Орзусига ета олмаганлар армон билан кетадилар. Шу боис ер остида армон” кўп, дея сўзини тутатибди. Унинг жавоби подшога маъкул бўлиб, уни вазирликка тайинлаган экан.

Хозирги ташвишли ва хаяжонли ўтаётган ҳар бир кунимизда савоб олмоқ учун осмонга чиқишимизга хожат йўқ. Агар зийракрок назар ташласак, шундоккина оғимиз остидан савоб олмогимиз учун улдасидан чикадиган хайрли ишлар кўп.

Дарвоке, савоб-нима, дегани? У авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган, олийканоб инсонларга хос ноёб туйғу ва фазилатдир. Ҳар биримиз ёруғ дунёга келиб, эс-хушнимизни таний бошлаганимизданок отоналаримиз: “Болам, ундоқ килма, бундоқ кил, савоб бўлади деб насиҳат қилишларининг боиси шунда эмасми? Савоб-бу кўлингдан келганича бошқаларга яхшилик килиш, ҳеч кими йўқ, кимнилар кириб келишига зор-интизор, кўзлари тўрт бўлиб эшик пойлаб ўтирган ёлғиз бир гарифни йўқлаб, кўнглини овлаш, бошига мусибат тушган дилафгорни йўқлаб,

хамдардлик билдириш, ота-она ва яқинларимизга меҳр-окибат кўрсатиш, одамларга ғамхўр ва эътиборли бўлиш, демакдир.

Савоб-бу бир сўз билан айтганда, ўзлигингдан кечиб кўпнинг баҳтсаодати, тинчи, хотиржамлиги ҳақида ўйлаш, кайғуриш дегани.

Шундай савоб ишлардан яна бири вужуди шабададан тебраниб турган, ҳазон япроқдек омонатгина турган бир беморни йўқлаб, икки оғиз ширин сўз айтишдир. Инсонки оғирми, енгилми касал бўлиши мумкин. Унинг руҳияти соғлом киши руҳиятидан фарқ қилиб, инжик, асабий, кўнгли жуда нозик бўлиб қолади. Чунки ҳалқ ибораси билан айтганда “дард келганда, дармон қочади”, киши толикади, баъзи ҳолларда умидсизликка тушиб қолади. Хаста киши учун шифокорнинг эътибори нечоғли кадрдан бўлмасин, у барибир ўзининг яқин кишиларини, дўст улфатларини, ҳамкасларини кўмсар, уларнинг меҳрибонликларига жуда муҳтоҷ бўлар экан. Шу боис унинг ёнида бўлиб, икки-уч оғиз ширин сўз айтиб, кўнглини кўтариш, яхши гаплар билан овутиш, дардига малҳам бўлиш зарур. Ҳалқимиздаги “Беморнинг кўнглини кўтариш, унга яrim соғлик баҳш этишдир” деган хикмат ростдир.

Ҳаётдан мисоллар келтираман.

Шифохонамида бола-чакалари, кариндош-урӯғлари жуда кўп бўлган бир бемор оғир юрак хасталиги билан даволанаарди. Уни кўргани кўп яқинлари, ҳамкаслари келиб турарди. Лекин у соғлик пайтида тез-тез учрашиб турадиган бир дўстини келмаётганини айтиб қолди. Ундан хабар олинглар, нега келмаяпти, дея ўғилларига тайинлади. Ўғиллари:-келиб колар деб уни юпатишар, лекин бемор у дўстини кўп эсларди.

Шунда ўғилларидан бири шу дўстини иш жойига бориб, отасини кўриб кўйишлигини, зеро уни кўргач, аҳволида яхши ўзгаришлар бўлиши ажаб эрмаслигини ундан қаттиқ илтимос қиласди. Лекин у дўсти ҳар хил баҳоналарни рўқач қилиб, уни кўргани кела олмайди. Бемор шифохонадан чикканидан сўнг ҳам уйига бориб кўрмайди. Орадан бир ой ўтиб-ўтмай бемор вафот этади. У дўстини дийдорини кўра олмай ўтиб кетади.

Иккинчи bemор зиёли, 62 ёшда, кексалик гаштини сурадиган пайти, вилоятимиз туманларининг бирида истиқомат қиласди, олтита фарзанди бор. Уларни уйлаб, чиқарган. Укалари, сингиллари яхши лавозимларда. Турмуш ўртоғи меҳнатга ярокли. Охирги пайтларда у касал бўлиб, тез-тез туман шифохоналарида даволаниб турган. Лекин яхши натижа чиқавермагач, шаҳарга олиб бориб даволатишларини укаларидан илтимос килган. У бизнинг шаҳар шифохонамида 3-4 кун даволангач, аҳволи яхшилана борди, кайфияти кўтарилди, хаётга умид кўзи билан қарай бошлади. Лекин ундан шу кунлар давомида бирон кимса хабар олмади. Буни эътиборга олиб, бўлимдаги шифокорларнинг барчасига, ҳамшираларга унинг олдига тез-тез кириб, кўнглини кўтариб

туришларини сўрадим. Ўзим ҳам уни олдига тез-тез кириб турдим. Лекин шунга қарамай, унинг кайфияти чўка бошлади, ҳеч ким билан гаплашгиси келмай колди. Уни ёлгиз колдиришларини илтимос қилди. Шифохонада даволанганини ўнинчи куни, бир беморни кўргани келган танишини учратиб колибди. Кечки пайт эжан. Навбатчи шифокорга айтиб, уни рухсат бермаганлигига қарамай, танишидан ўз уйига олиб бориб кўйишилигини илтимос қилибди. Ана сизга меҳр, ана оқибат.

♦ Шуни унумаслик керакки, одамнинг одамга меҳрибонлиги, дўстлиги, қавму-кариндошига, самимийлиги, ҳамдардлиги, бемор ёнига бориб, ҳол-аҳвол сўраганда аниқ рўёбга чиқади.

Савоб-бу дилдан килинадиган иш. У асло миннат килинмайди. Миннат килинса, худбинликка айланади.

Куни-кеча автобусда олдинги ўринидикда ўтирган аёлнинг: “Қаёкка кетаяпсиз овсин” деган саволига иккинчиси захархандалик билан: “Куриб кеткур, кудам шифохонада ётувди. Эртами-индин чикиб колар экан... Шунга бирров бориб келмасам, кўрганда сасиб юради”... деб колди.

Беморни кўргани борган одам самими, чин юракдан хол сўрамас экан, дил оғротишни, сунъий мулозаматларни нима ҳожати бор!

Беморни ўйқлаш удуми ёлғиз хаста учунгина аҳамиятли бўлмай, балки бориб кўрувчи соғлом киши учун ҳам мухимдир. Негаки ҳар ким ўз саломатлигининг қадрига кўпроқ bemor ёнига борганде етади.

Бундан ташқари, донолар фикрича bemor кўргани боргандарга уларнинг бориб келгунларича бошларига нури хидоят ёғилиб турармиш. Шунинг учун эл дуосини олиш, кўлларидан келганча бошкаларга яхшилик, эзгулик, меҳрибонлик қилиш ориятли инсон бурчидир.

Шуни эсда тутмоқ лозимки, инсондан экилган кўчат, казилган ариқ, яхшиликлар қолади. Донолар: “Арзимасдай туйилган эътибор билан чўккан кўнгилларни тогдай кўтартмок мумкин”, дейдилар.

Ха, меҳр-муруват олами одамга ҳаётдай зарур. Инсон меҳр билан тирик. Одамларга маънавий, моддий ғамхўрлик ва эътиборли бўлиш одамийликни юксак белгиловчи инсоний бурчидир. Чунки бу фазилат инсон умрига умр кўшади. Ана шу инсоний бурчни эринмасдан адо этаётганлар битмас туганмас савобга эга бўлаверадилар.

♦ Ривоят қилишларича, Мусулмонқул деган содик одам бўлар экан. У дустлари билан ҳажга сафар қилиш ниятида пул жамғарибди. Жўнаш олдидан нима бўлибди-ю, ниятидан кайтиби. Ночор бир қўшниси бор экан. Уни угли мактабга борадиган бўлиб қолибди-ю, аммо қашшоқлиги туфайли, уни қўлинини ҳалоллай олмабти. Мусулмонқул ўз хисобидан тўй килиб, шу болани қўлинини ҳалоллапти. Кўшнининг кўнгли тогдай кўтарилибди. Эл-юрт Мусулмонқулнинг ҳакқига дуо қилибдилар. Ҳажга боргандар кайтишаётганларида сафарлари кабул бўлганларни рўйхатлари

зылон қилинибди. Дўстлари карашса, рўйхатнинг бошида Мусулмонкулнинг номи зикр этилган эмиш. Ҳамма ёка ушлабти – “Ахир Мусулмонкул хажга келмадику, бу не хол, не сиру – синоат ?” Шунда уларнинг кулогига гойибдан садо келибди: - “Мусулмонкул 10 марта хажга сафар килганидан ҳам хайрли иш килди. Энди у сизларнинг пирингиз. Унинг йўл – йўриғидан чикмангиз.”

Улар келиб суринтиришса, Мусулмонкул бир ночор боланинг кўлини ҳалоллаб, хажга бормай, хожи бўлган экан.

Иккинчи ривоятда айтилишича, кадим замонда дехкончиллик билан шугулланувчи бир одам оламдан ўтгач, ундан икки ўғил колибди. Катта ўғил оиласи бўлиб, ота уйидан кўчиб чиккан бўлишига карамай, укаси билан отадан колган ерда дехкончиллик килар экан. Мархум отаси уларга доим: “Бир – бирингизга меҳр – оқибатли бўлинглар, чунки меҳр – оқибатда хосият кўп” деб насиҳат килар экан. Ўша иили ака – ука эрта кўкламдан тер тўкиб, меҳнат килишибди. Уларнинг меҳнатлари бесамар кетмабди ва кузда яхшигина хирмон кўтаришибди. Ака – ука хосилни тенг иккига бўлиб уйларига таший бошлишибди.

Акаси хирмонга келса, укаси ҳали қайтмаган экан, шунда ака: “Укам ҳали ёш, уйланмаган тўй килиши керак. Мен эса рўзгоримни тиклаб олганман. Кел, укамга мендан ёрдам бўлсин”, деб ўз хирмонидан бир неча челак бугдойни укасининг хирмонига кўшиб кўйибди ва ўз идишини тўлдириб, уйига равона бўлибди. Шу пайт укаси ҳам хирмон бошига етиб келибди ва ўзича: “Мен ёлғиз ўзимман, акамнинг эса болалари кўп. Менга нисбатан хосилнинг купроғи акамники бўлгани маъқул”, деб бир неча челак бугдойни акасининг хирмонига кўшиб кўйибди ва хеч нарса кўрмагандай ўз ишини давом эттираверибди. Ака – ука ҳар гал келиб кетишида бу холни такрорлай беришибди.

Ака – ука канчалик ташишмасин, хирмон хеч камаймасмиш. Чунки улардаги бир – бирига бўлган оқибатни кўрган Худо хирмонга барака назари билан боккан экан.

Машойихлар: “Савобнинг химмати улуғ” дейдилар. Ҳикматона бу иборада ҳар бир мўминнинг икки дунё саодати ўз ифодасини топгандек. Боиси, савоб кетидан кувганинг дили равшан, юзи ёругдир. Бекорга: “Одам билан тириkdir одам, одамсиз на даркор олам” дейишмайдику.

Болалигимизда ҳовлидан-ҳовлига ўтадиган бир нечта дарчалар бўларди. Момоларимиз тайёрлаган таомлардан кўшниларга “Ҳамсоя товок” килиб чикарилиб туриларди. Бир-бириннинг аҳволидан ҳамиша хабардор бўлишарди. Ҳуллас, бир майизни кирк киши баҳам кўрарди. Бу ҳамжихатлик иноклик, бир-бирига муҳаббатли бўлиш, дўстлик рамзи эмасми? Боболаримиз одамийлик, инсонийликни авайлаб асраралар. Нега биз аждодларимиздан ўрганмаймиз, улардан ўрнак олмаймиз?

Замон ўзгарди. Мустакил бўлдик. Қадриятларимиз билан боғлик бўлган таълим-тарбия, одоб-ахлок кайта тикланаяпти. Йўколиб кетган кўпчилик урф-одатлар, миллий қадриятлар кенг кулоч ёзмокда. Шундай экан каерда, кайси соҳада бўлмайлик бир-биrimizga мададкор бўлиб, кўнгилни кўтарайдик, окибатли, меҳрли бўлайлик, тинч диёrimizda кўпроқ савобли ишларга бел боғлайлик.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Ёшимни сўраманг, яхшилар,
Мухиммас нечага кирганим.
Сўраманг не эзгу иш килдим,
Ёшимни сўраманг яхшилар.
2. Яшаган йилларнинг хисоби,
Бўлаолмас тарози узра тош.
Ҳакикий инсоннинг кийматин
Ўлчамас, ўлчаолмас асло ёш,
3. Жамият бўйнига юк бўлган
Юз йилни қилмайман хавас,
Одамлар жонига жон бўлиб,
Бир нафас яшашнинг ўзи бас.
4. Кимда гар сахийлик одати йўқдур,
Яхшилик кутмокнинг хожати йўқдур.

ҚАДР ҚИЛГАН ҚАДР ТОПАР

Ажойиб устоз, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўратган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, мархум профессор Карим Йўлдошев маънавият ва маърифат бобидаги сухбатда шундай дейди: “Оддийликка камтарликка нима етсин. Мен оддийлик, камсуханликни аввало оилада, ота-онамнинг хаёт тарзida кўрганман. Раҳматли падари бузрукворим оддий ишчи бўлиб, камтарона яшар эдилар. Кўлидан келган яхшиликни асло аямаедилар. Доимо савоб ишлар билан машғул бўлардилар. Биз, фарзандларга ҳам ҳаётда камтар бўлишини доимо уқтирадар. Волидан меҳрибонимнинг ўтитлари доимо ёдимда туради: “Болаларим, ҳар вақт эл хизматида, эл ичиди бўлинглар, элдан хеч ажралманглар”.

Дарҳакикат халқимиз “Камтарга камол”, деб бежиз айтишмаган. Ота-

оналар дуосини олиш, якин кишилар, кариндош-уруглар ҳолидан ҳабар олиб туриш, хасталар күнгилига бир оғиз шириң сүз билан малхам бўлиш, кабристонларни зиёрат килиб ўтганларни доимо ёд этиб туриш – булар инсоний фазилатларга киради. Лекин бу фазилатлар ҳаммамиизда мухайёми?

Бу саволга таникли шоир Мурод Раҳмоннинг қуйидаги шеърий мисралари жавоб бўлса керак:

Ҳаёт берилганлир бир бора бизга,
Эгов бўлмоқ нечун бир-биrimizga
Ажралиш кўп, оғир ҳар биримизга,
Нечун аччик сўзлар ўз ёrimizga?
Эй, азиз одамлар, не бўлди Сизга?
Қайда колди меҳр, кайди окибат?
Хатто кариндошлар ўзаро локайд.
Дил яраси кетмас, биттар жароҳат.
Нечун ёв карайсиз бир-бирингизга,
Эй азиз одамлар, не бўлди Сизга?
Кўшини тўй килса кира олмайсиз,

Онагиз кўргани бора олмайсиз,
Бемор дўстингизни кўра олмайсиз,
Карамай ўтасиз ён-верингизга,
Эй азиз одамлар, не бўлди Сизга,
Қандай булат тўсди ою юлдузни?
Нега аяр бўлдик сал шириң сўзни?
Нечун оғир пайтда юмасиз кўзни?
Садоқат қиласлик дўст-ёrimizga,
Эй азиз одамлар, не бўлди Сизга?
Бир-бирин йўклаб яшар ҳар инсон,
Камол топса фарзанд, ким бўлса шодон.
Нечун ҳабар олмас отадан ўғлон?
Меҳр керак бугун диёrimizga,
Эй азиз одамлар, не бўлди Сизга?

Ҳа, дўстлар, инсонга бир марта бериладиган умр ҳаш-паш дегунча ўтади-кетади. Умр ўлчовли, ҳеч ким дунёга устун бўлмайди. Инсон ҳаёти неча йил яшагани, канча бола-чака, бойлик орттиргани билан эмас, қандай ҳаёт кечиргани, ўзидан сўнг кимларни, қандай хотиралар колдиргани билан ўлчанади.

Фаолиятимиздан мамнун бўлганлар: “Отангга балли” деганларида кувонамиз ва аксинча, беихтиёр нопок харакатлар содир этилса отанинг

пок рухлари азият чекишини ўйлаб кайғурамиз.

Бас, шундай экан, барчамизга бу умр шоду хуррамлик билан, одамларга меҳр-мурувват, яхшилик кўрсатиш, юрт олдида яхши ном колдириш билан ўтказмоқлика, яхшиларни авайлаб, асраромоқлика Аллоҳ мададкор бўлсин.

ДОНОЛЛАР АЙТАДИ:

1. Кўнгил деган мамлакатга шоҳ бўл аввал,
Хеч бўлмаса битта дўстга тоғ бўл аввал,
Хоҳ шоҳ бўл, хоҳ гадо, хоҳ буюк бўлгин,
Аввал охир шу элингда суюк бўлгин.
2. Одамнинг энг баҳтли вақти – бошқаларга эзгулик килган онларидир.
Беминнат килган эзгулик – энг мақбул ва гўзал эзгуликдир.
3. Ҳимматингни тут баланд эл олдида,
Ҳимматингча мартабанг бўлгай баланд.

ҲАЛОЛЛИК – МАЪРИФАТ ШАМЧИРОГИ

Ўқиганим бор. Чет мамлакатлардан бирида социолог олимлар ғалати синов ўтказишибди. Серкатнов кўча ўртасида пул тўла ҳамёнлар тез-тез “тушириб” колдираверилган. Сўнг маълум бўлишича, аҳолининг тўқсон фоизи бу ҳолга эътибор килмай ўтиб кетишган. Қолган ўн фоизи эса у ёки бу сабаб билан ҳамённи тезда “ўзинники” килиб олишга уринганлар.

Агар шу синов ҳозирда бизда ўтказилса нима бўларди? деган савонни ўртага ташлаб, бир зум ўйга чўмдим.

Аждодларимиз азал-азалдан ҳалоллик йўлини тутишган. Қора меҳнат эвазига топган бир бурда ионни-ю, бир коса оби-ёвгонини ҳам зарур бўлгандা бева-бечораларга илингандар. Кўчадан бирор танга топиб олса уни эгасини топишга ҳаракат қилган. “Ҳаром юқмайди” деган ақида бор экан ўшанда.

Айтишларича, бир маҳаллада Ҳожи ота деган киши бўлган экан. У жуда одобли, обрў-эътиборли, кичик кўнгил, нуроний оқсокол эканлар. Унинг ҳовлисидан катта ариқ ўтар экан. Ёз келди дегунча ўша арикнинг кўшниникига девор остидан ўтадиган жойига тўр сим жойлаштириб кўяркан. Пишикчилик бошланди дегунча шу арикдан ўрик, олма, шафтоли, нок каби мевалар окиб келаркан. Ҳожи ота бомдод намозидан

қайтгач, сим тўрга илиниб колган меваларни хис-чўплардан тозалаб ҳар бир тур меваларни алоҳида-алоҳида пакирларга соларкан. Бу меваларни ҳар бири юкоридан кимларнинг ховлиларидан окиб келишини ҳам аввалдан биларкан. Сўнг пакирдаги мевани кўтариб ўша ариқ ўтадиган хонадонга бориб, унинг эшигини такиллатиб, уй эгасини чакираркан. Унга: “Бу мевалар сувда бизникига окиб борибди, ҳаммасини тозалаб олиб келдим. Мана олинг, бу сизники, мусулмончиликда бироннинг ҳақки деган гап бор”.

Уй эгаси: “Хожи ота, мевани сувга тушгани элники, нега овора бўлиб олиб келдингиз. Мен розиман”.

Шунда Хожи ота: “Шундайку-я, лекин рози ризолик деганлар, бундан ташкари лукмаи ҳалол деган гап бор ҳалкимизда”.

Шундан сўнг Хожи отани кўнгли таскин топиб, иккинчи пакирни кўтариб, яна бошка хонадон томон йўл оларкан. У ерда ҳам худди юкоридагидек савол-жавоблар кечаркан.

Шу хол ҳар куни тақоррланар экан. Шунда ҳар бир турдаги меваларнинг эгалари: “Хожи ота биз бир эмас, минг бор розимиз, деб неча марта айтдик, ҳар куни овора бўлиб келиб юрманг” дейишса, шунда у “Шундайку-я, лекин ўртада шайтон деган маҳлук бор, кеча айтган сўнгиздан бугун сизни у кайтарган бўлсачи – бу менга коронгу” – деб жавоб киларканлар.

Ҳар куни мева эгаларини розилигини олгач, ховлисидаги патнисларга меваларни тўкиб, ўзининг ва қўшниларининг фарзандларига, невараларига қараб: “Мана болаларим, буларни ҳалоллаб келдим, энди есанглар бўлаверади” дер эканлар.

Ҳикоят қилишларича, бир камбагал мешкобчи яшаган экан. Уни мешидан бошка ҳеч вакоси йўқ бўлиб, шу мешда сув ташиб, тириклигини бир нав ўтказиб турар экан. Кунларнинг бирида, мешкобчи кўчадан ўтиб бораётса, бир ёш бола унинг мешини мих билан тешиб кочибди. Сув тўкилиб, мешкобчи шу куни тириклигидан колибди ва мешини ямабди. Бу хол кейинги кунларда ҳам бир неча марта тақоррланибди. Охири меш ямаб бўлмайдиган даражага етибди. Чорасиз колган мешкобчи боланинг уйини топиб отасига учрабди, бўлган воқеани унга баён қилибди.

Боланинг отаси меши ҳамда, у бехуда ўтказган кунлар ҳақкини тўлаб, мешкобчини жўнатибди. Бола тарбиялашда қачон ва қандай хотага йўл қўйдим, экан деб кўп изтироб чекибди. Чунки бу одам ҳалол яшаган, фарзандларини ҳам пешона тери эвазига бокётган экан.

Жигарбандимга қачон ҳаром лукма егизиб қўйдим, экан дея қанча ўйланмасин, бундай ҳолни ҳеч эслай олмабди. Хотини ҳам ўйланб топа олмабди. Келаси куни хотин: “Ёдимга тушди шу боламизга

хомиладорлигимда қўшнимизникига чиккан эдим. Ҳеч ким йўқ экан. У ерда гарк пишиб ётган анордан бирам егим келдики, сўрамай биттасини узуб егандим” дебди. “Э, ха кўрдингми, каерда адашганимиз” – дебди эр. Ота кўшиисиникига чикиб, бўлган воеани айтиб, уларни рози килибди. Лекин буни ўғлига айтишмабди. Буни карангки, қўшинини рози килган захоти бола беихтиёр михни улоқтириб юборган экан.

Иккинчи бир хикоятда айтилишича: Бир улуг козиколон ўтган экан. Унинг бир покдамон, ҳалол боғбони бўлган экан. Кунлардан бир куни козикалоннинг уйига нуфузли меҳмонлар ташриф буорибди. Дастурхон тўкин, мевалар ранг-баранг. Меҳмонлар боғбонга тахсинлар айтишибди. Аммо анорлар жуда нордон экан. Мезбон ҳижолат бўлиб боғбонини чакирибди ва меҳмонлар кўз ўигида койибди. Боғбон узрини айтибди: “Ҳожам, менга бодга ишлашни буторгансиз, мевалардан еб юр, демагансиз. Шунинг учун мен бодингизни парвариш килдим, лекин мевалардан еб кўрганим йўқ”.

Боғбоннинг жавобидан меҳмонлар ҳайратга тушибдилар, хар бири бу боғбонни ўз бодига хизмат килишини орзу килибдилар.

Кози ҳам шундай ҳалол одамини кўлдан чикаргиси келмабди, унга миннатдорчиллик билдириб, уни ўзига куёв килиш нияти борлигини етказибди. Тўй ўтибди, хурсандчилик, тантана тугабди, лекин янгалар ҳайронмиш. Нима учун куёв келинга якинлашмаятти? Ҳафта ва ундан кўпроқ кутишибди, лекин ахвол ўша. Охири, гап козига етибди. У киши боғбонни хузурига чакирибди-да, минг андиша билан дебди: “Ўглим, ожизамизни ўзингизга муносиб кўрмадингизми, сизга беадаблик килдими?”.

Боғбон эҳтиром билан узр айтибди: “Эй муҳтарам ҳожам, сиз энди менга ота ўрнидасиз. Каримангиз томонидан заррача нуксон содир бўлгани йўқ. Мени минг бор манъзур тутасиз, қайлигим буткул покланиб, тозаланмагунича унга якинлаша олмайман”.

Кози баттар ҳайрон бўлибди. Боғбон кўнглини очибди.

- Қизингиз кирк кун пархез килишлари, сизнинг парваришингизда еган таомлари кувватидан буткул ҳалос бўлмоқлари керак. Чунки сизнинг маништингиз ҳамиша ҳам ҳалол бўлавермаганди, уйингизга жуда кўп нуфузли одамлар келишганди, совгалар, инъомлар килишганди. Улар бу инъомларни ҳамиша ҳам рози бўлиб, чин дилдан тухфа килмаган бўлишлари мумкин. Айрим “химмат”лилар эса одатда бошқаларни норизо килиб, тарозидан, хисобдан уриб колиши хисобига бойиганлар ва шу бойликларидан дабдабали зиёфатлар берганлар. Сизга ҳам совгалар келтирганлар. Шунинг учун менинг оиласи, қайлигим ўз жисемидаги таом асоратидан ҳалос бўлгунича пархезда бўлмоги лозим. Бу покланиш мену кизингиздан бўлак яна бир инсон – бўлгуси фарзандимизнинг ҳалоллиги

учун ҳам зарурдир”.

Қозининг ҳайратига ҳайрат қўшилибди, куёвига ҳурмати ўн чандон ошибди. Вакт соат етиб, бобгон ўғил кўрибди. Отини Абдуллоҳ кўйибдилар. Мана шу Абдуллоҳ ислом оламининг энг улут олим ва фозил кишиларидан бўлиб етишибди.

Момомнинг хикоя қилишича, дадамнинг дадалари яъни бобомиз ҳалол, пок инсон бўлган эканлар.

У жуда камбагал яшаган экан. Бир бойдан пул карз олиб, бўзи (маҳси) тикиб, зўрга кун кечирав экан. Бўзини сотиб, топган икки тангасини бирини бойга, иккинчисини рўзгор учун ишлатаркан. У хар куни эрталаб ва кечкурун маҳалла масжиди ҳовлисини савоб учун супуриб, сидириб юрар экан. Кунлардан бирида бобомиз бомдод намозидан сўнг ҳовлига кириб келганларида, момомиз унинг кавушига барг ёпишиб колганини кўриб “Кавушингизга барг ёпишиб колибди” деса у “Бай, бай, бай бу барг масжидники” деб уни тезда олиб бориб масжидга кўйиб келган экан. Момомнинг бу хикоясини эшишиб, ҳайратда колдим.

Бобомнинг ўғли яъни отам раҳматли ҳам бош хисобчи бўлсада, ҳалол ва камтарона яшардилар. У каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек ширин муомалада бўладиган, хушчакчак инсон эдилар. Отам маҳалламиз оқсоколи бўлган. Кимнинг бошида қандай ташвиши бор – ҳаммасидан ҳабардор эдилар. Тўй-маъракаларга бош-қош ҳам шу киши эди.

Кўпчиликни ҳайратга соладиган одатлари бор эди. Ҳеч кимга каттиқ гапирмасди. Катта-ю кичикка сизлаб гапиради. Кимдир ёрдам ёки маслаҳат сўраб мурожаат этса, ташвишларини енгиллаштиришга шошиларди. Сўзлари майнин, киши кўнглига малҳам эди. У киши билан бироз сухбатлашган одам дарди енгиллашгандек сезарди ўзини. Ҳуллас, юриш туришлари, рўзгор тутишлари, кишилар билан муомаласи бу одамнинг қандай инсон эканлигини ҳеч бир таърифсиз шундоккина кўрсатиб турарди. Бирор нарсадан ёки бирон кимсадан нолиб гапиргандарини эшифтмаганмиз. Маҳалла аҳли ўртасида обрўси бениҳоя катта бўлган.

Отам акам ва менга: (биз оиласда икки фарзандмиз) “Ўғилларим, доимо адолатли бўлинглар, ҳаммани бир текисда кўринглар. Ҳалол ишлаш – бу дүённинг зўр яхшилигидир, маърифатнинг шамчирогидир. Агар сизларга бирор каттиқ гапириб кўнгилларингни оғритса, кўлларингдан келса ҳам уч олишдан сакланинглар, уларнинг айбларини кечиринглар. Ҳаммага имкон борича яхшилик килиб, яхши ном чикаришга ҳаракат килинглар”, деб бот-бот насиҳат килардилар.

Мен “Ҳалол, пок инсонларни меҳрибонлари кўп бўлади, эл-юрт олдида обрўлари баланд бўлади” деган ибораларни тўғрилигига дадам вафот этган куни яна бир бор ишонч ҳосил килдим. Кўчамиз тумонат

одамларга тўлди. Ҳамма (катта-кичик) уни охирги йулга изтироб ила кузатиб қўйишга шошиларди.

Ушбу сатрларни ўқиб, хозир ҳалоллик тўғрисида гап юритишга не хожат, замонни кўр, ким ҳалол яшаяпти, маошга кун кўриб бўладими? дегувчилар ҳам бордир.

Тўғри, муаммоларимиз кўп, ўзбекнинг маросимлари эса бисёр. Буларни инкор этиб бўлмайди, лекин ҳалол пок одам доим поклигича колади. Ундейлар яхши кунлар келишига ишонч билан яшайдилар, каддини тик тутишга ҳаракат киладилар. Чунки барчамизниг рўпарамизда ҳақнинг буюк ва асло адашмайдиган тарозиси турибди. Биз барчамиз ана шу улуғ ажрим кунига, буюк тарози кошига кунма-кун бораётган одамлармиз.

Мустакилларимиз туфайли ҳалқимиз ўзлигини англаяпти, иймон ёзтиқод илдиз отаяпти. Ҳалқимизниг қадимий урф-одатлари, хислатлари ҳакида гап кетганда мен ҳамиша фаришта мисол юкорида номлари зикр этилган шахсларни хурмат ила эслайман. Поклик, ҳалоллик, маънавий юксак баркамоллик тимсоли сифатида кўз ўнгимда намоён бўлади. Ҳалолликка йўл менимча юракдан бошланмоғи лозим.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Мехнатдир кишига обрўю жамол,
Ҳакикий меҳнатдан кишига камол.
Пок меҳнат нонида бошқача лаззат,
Ҳалолнинг риски ҳам, баҳти ҳам ҳалол.
2. Дунё йигишга асло оғритмагин бошингни,
Айлаб каноат доим ичгил ҳалол ошингни.
Эл чиhib мабодо тўплар эрсанг зару мол,
Қилмас вафо у сенга керма ковок қошингни!
3. Ранж чекмасдан туриб, ганж эшигини очиш мумкин эмас.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ИНСОННИ УЛУГЛАЙДИ

Мехнат ҳар бир жонзот учун зарур машгулотдир.

Донишмандлар: “Мехнат – тўқликнинг отаси, овқат ҳазм қилишнинг буваси, саломатликнинг бобокалонидир”, дейдилар. Дарҳакикат, узок умр кўришининг сири ҳам меҳнатдандир. Меҳнат одамни учта зўр фалокатдан: ғамгинлиқдан, мухтожликдан, касалликдан ҳолос этади. Инсон ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик бўлсин, меҳнат билан шугулланмоғи лозим.

Бир хикоятда айтилишича, бир бола мактабга бормокни ҳеч

хоҳламас экан. Шунинг учун ҳар куни опаси ўқишига етаклаб олиб бориб, мактаб партасига ўтказиб келар экан. Бир куни опаси билан мактабга кетаётib бола дебди: “Опажон, бир оз ўйнайлик, кейин мактабга борармиз”. Опаси унга: - Йўқ, укажон, бўлмайди. Мен сени мактабга элтиб юйгач, кайтишда дўкондан ип олишим керак.

Йўл гулзор орасидан ўтар экан. Гулзорда ранг-баранг очилган гуллар орасида асаларилар учеб юрган экан. Боланинг асалариларга ҳаваси келиб: “Асалариларга мазза-да! Ўйнаб-ўйнаб учеб юрадилар”, дебди . Ундай эмас, дебди болага опаси. – Асаларилар ўйнаб учеб юрганлари йўқ. Улар гулдан гулга кўниб бол йигмокдалар. Сўнг уларни ўз уяларига элтадилар. Охири улар йигиб келган боллар одамларга озука ва дори бўлади. Демак, хозир асаларилар меҳнат билан машгулдирлар.

Опа-ука яна йўлни давом эттирибдилар. Йўл якинидаги бир эшик олдида катта ит чўзилиб ётган экан. Уни кўриб бола: - Опажон, каранг, ит хузур килиб дам олиб ётибди, - дебди. Шу пайт эшик очилиб, ховлидан бир киши чикиб келибди. Унинг елкасида ов милтиги ва халтаси бор экан. Ит хўжайнини кўргач дархол ўрнидан турибди ва уни ортидан йўлга тушибди. Хўжайнини овчи экан. Ит эса – ов ити. Улар ўз хизматлари сари йўл олиди.

Кўрдингми, дебди опаси укасига, ҳамма ўз иши билан банд. Одамлар ҳам, асаарилар ҳам, ов ити ҳам. Сен ҳам ўз ишининг билан шугулланишинг керак. Сенинг ишинг эса ўқишидир. Бола опа ўйтларини тушунибди. Шундан сўнг унинг ўзи мактабга катнайдиган одат чикарибди ва ўқишига берилиб кетибди. Бу хикоя ҳудди меҳнат мадхиясига ўхшайди.

Ҳар бир инсон ҳалол меҳнати эвазига топган даромади билан тирикчилик килмоги керак: тинимсиз молу давлат, бойлик йигмокка интилув керакми? Бойликка хирс кўйиш нималарга олиб келиши мумкин? Бу борада Абу Райхон Беруний хикоясига бир кулок беринг-а!

Қадим замонларда одамлар соғ ва саломат бўлган эканлар, улар узок умр кўриб, касаллик нима эканлигини билмаган эканлар. Улар ҳалол меҳнат билан топган даромаддан ўз эҳтиёжларини коплаган эканлар. Шундан ортигига интилмаган эканлар. Кишилар ўртасида ҳамжихатлик, ациллик баркарор бўлган экан. Кейинчалик молу-давлат йигиши келиб чиккан. Бирорлар ҳалол меҳнатсанз, иполок йўллар билан тез бойиб кетгандилар.

Бу ўз навбатида, душманлик ва низони тугдирган. Натижада одамлар ўртасида ахиллик йўқолиб, аловат кучайган. Шу туфайли касалликлар пайдо бўлиб, кишилар вафот эта бошлаганлар. Шунда элнинг мўътабар кишилари Аллоҳга илтижо килиб бу дардлардан куткармокни сўраганлар. Шунда Аллоҳ кишиларга тиб илмини ўргатган эмиш.

Демак, ҳамма иллатнинг боши бойликка хирс кўйиш экан.

Ҳалол меҳнат кишилар учун, ўзгалар учун фойдаси тегадиган меҳнатдир.

Яна ҳаётда кишиларга зарар, ҳавф түгдирадиган меҳнатлар хам мавжуд.

Масалан: ўғри хам ўзича меҳнат килади. Аммо унинг меҳнатидан элу юртга наф йўқ. Факат зарар бор, холос. Порахўр, инвогар, чакимчи, кўзбўямачи кабилар хам нималар биландир машгул бўладилар, елиб ютурадилар ва ўз “меҳнат”ларининг чиркин натижасидан мамнун бўладилар. Шулардан фарқли ўлароқ биз ҳалол меҳнат ахлини улуглаймиз.

Донолар: “Ҳаётда ажойиб тарози мавжуд. Бу тарозининг хусусияти шундаки, унинг бир палласида меҳнат ва иккинчи палласида шунга муносиб мукофот бўлган ҳолдагина, у мувозанатда бўлади. Бирок турли айёргиллар билан “хўжа кўрсинг” деб, уни мувозанатта келтирган билан, охири тегишли томонга тортмай кўймайди, деганлар.

Ривоят килишларича, кайси бир юртда бир ўтинчи чол яшаркан. Унинг бор-йўги икки газ аркони, горда эса бошини қўйиб ётадиган бир дона гишти бор экан. Тангри Таоло: “ Мана шу кулимни жанинга киритаман, аммо икки газ аркону, бир дона гиштни кандай топганини сўргини бериб бўлгандан сўнг жанинга киради” деган экан. Менимча ривоятни изоҳлашга хожат бўлмаса керак деб ўйлайман.

Ҳалол меҳнат ва шу оркали тирикчилик кильмок инсонийликнинг бош омилидир.

Ҳар кандай шароитда хам инсон ўзлигини унутмаслиги, ўз турмушини инсонга хос юксакликда уюштиргомги лозим.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Меҳнатдан битади кўнгил яраси,
Меҳнатда намоён баҳт самараси.
Инсон камолининг сабаби меҳнат,
Меҳнат даволарнинг ажиб сараси.
2. Эр киши меҳнат билан иззат топар,
Қанча айби бор эса меҳнат ёпар.
3. Меҳнатнинг севиш, гайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгилроҳати, зехнинг ортиши.
4. Одамнинг энг ширин, лаззатли ва ҳалол таоми ўз меҳнати, кўл кучи билан топган рискидир.

НОМИНГИЗНИ ПОК САҚЛАНГ

Ривоят қилишларича, бир чол билан кампирнинг бир-биридан ширин бир ўғилу, бир кизи бўлган экан.

Чол кампир ўзларининг хотамтойликлари, кўллари очиклиги билан одамларга меҳр кўргазиб маҳалла кўй, кишлок ахли орасида обрў козонишган экан. Ҳамма уларни иззат-хурматларини жойига кўяр экан. Чол-кампир ўғли билан кизини ёшлидан ўзларига ўхшаб ҳалол ва тўгри килиб, меҳнатни севиб, кадрига етадиган, бирорларга ҳакига хиёнат килмайдиган килиб ўстиришибди.

Вакти-соати етиб бетоб бўлиб, боши ёстикка тегибди. Шунда у ўғли билан кизини ёнига чакириб: - Болаларим, мен сизларни ҳалол пок яшашига ўргатдим. Мехнатдан кочмайдиган бўлдинглар. Бирор йиглаб турса кўлладиган, йикиса тургизиб, юролмаганларни йўлга солиб кўядиган килиб тарбияладим. Каттани-катта, кичикни-кичик биладиган, оку-корани ажратадиган бўлдинглар. Энди менинг ёшим ўтиб колди, каридим. Кўриб турибсизлар, мендан сизларга катта бойлик мерос колаётгани йўк, факат килган ўйтит-насиҳатларимгина мерос колаяпти. Майли десанглар яна икки-уч оғиз сўз айтмоқчиман. Ҳеч качон бирорни дилига озор берманглар, яна нима ишга кўл урсанглар оқибатини обдон ўйлаб иш тутинглар. Менинг сизларга колдирадиган бирдан-бир меросим – яхши ном билан яшаш, яхши ном колдиришdir. Шу буюк меросимни оёқ ости килмай, унинг кадрига етсанглар, ҳеч качон кам бўлмайсизлар, ёмонлик кўрмайсизлар. Чол шу гапларни айтиб оламдан ўтибди.

Чолнинг кўшниси бойнинг ҳам бир ўғли ва бир кизи бўлиб, ҳар иккиси оталарига ўхшаб ўсишган экан. Бой ҳам оламдан ўтиб, ўғил-кизига еру кўкка сиғмас бойлик колдирибди. Бир куни бой ўғли билан чол ўғли учрашиб колишибди. Шунда бойнинг ўғли: - отамдан менга катта бойлик мерос колди, уни ака-сингил бир умр еб тугата олмаймиз. Сизларнинг отангиздан нима мерос колди? - деб сўрабди. Шунда чолни ўғли: - отамиздан бизга буюк мерос – тўғрисўзлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, хотамтойлик, эл-юртга меҳр-муҳаббатли бўлиш колди, деб жавоб берибди.

Бойнинг ўғли, ичида: “Кўрамиз отанг қолдиран мерос билан қаергача бораракансан, деб кулибди.

“Ётиб еганга тог чидамайди” дейишади. Ойлар йиллар ўтибди. Бойнинг қолдиран меросини болалари тутатибди. Уларнинг кўлларидан ҳеч бир иш келмагач, охири гадойлик килиб кун ўтказишга мажбур бўлишибди.

Чолнинг ўғли-кизи бўлса, оталаридан қолган мерос -- акл-одобни кўз

корачиғидай асраб, унга гард юктирмай камолга етишибдилар.

Эди, азиз ўқувчим, эътиборингизга қуидаги вокий ҳикояни келтирмокчиман: “Бир туманинг илк жоме масжидига биринчи гишт кўйиш маросими бўлибди. Шунда ёши улуг ушламолардан бири: “Масжид Аллоҳнинг уйи. Унга биринчи гишт кўйишнинг ўз тамойили бўлади. Бунга ҳамма риоя килиши керак. Бунинг тартиби шундай: - “Орангизда ким – ҳамиша таҳоратли юрса, беш вакт намозни сира тарқ этмаган бўлса, умрида арок, гиёҳ нималигини билмаган бўлса, бегона аёл олдидা белбогини ечмаган бўлса, бироннинг ҳаккини ноҳақ олмаган бўлса, бошкаларга зулм килмаган бўлса, марҳамат биринчи гиштни кўйиб берсин” деган экан. Шунда одамлар ўзларини ўзлари имтиҳон килишибди, тўплангандарнинг биронтаси “Биринчи гиштни мен кўяман”, дея журъат эта олмабди. Айримлари эса ўз кўлларига олган гиштни секингина ташлаб юборган эканлар. Бундан ўзингиз хулоса чиқариб оларсиз.

Кимда-ким ёшликда ҳалқимизнинг йиллар ва даврлар синовидан ўтган ҳалқчил, ҳаётий одатларини, удумларини, одобномасини яхши ўзлаштириб олса, ота-оналаримиз панд-насиҳатлари ва ўгитларига қулок солса, унга амал килса, ундаи бола катта обрў-эътибор топади.

Одобимиз ота-оналаримизнинг эзгу одати – ном кўйишдан бошланади. Ота-оналаримиз не-не орзу умидлар билан кўйган номини пок саклаш, унга дод туширмаслик, уни шон-шарафга буркаш энг биринчи бурчимиздир.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Ота-она беҳад бўлади хурсанд,
Фарзанди бўлаолса муносиб фарзанд!
2. Фарзанд эрур, давлат ботига ниҳол,
Ундан кулиб бокар, баҳт ила иқбол.
Қолдирса агар у яхши деган ном,
Эл ичра обрўйи ошар батамом.
3. Бу дунё молига хирс кўйма, эй дил,
Туку бут бўлдингми, шу ўзи кафил.
Қабрга ким молин оркала бетган,
Сендан ҳам кимгадир колар бу сабил.

ОДАМИЙЛИКНИНГ ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТИ

Хар нарсанинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам бор. Қодир табибнинг ҳеч ўзгармас конуни – туғилмок ва бир куни ўтмок ҳам бор. Ажал ҳеч кимни – шоҳни ҳам, гадони ҳам, эркагу-аёлни ҳам, гўдагу-кексани ҳам аямайди, вакти казоси етганда ҳамма ҳам бандаликни бажо келтиради, ундан ҳеч ким кутила олмайди. Бу тақдирни азалининг хукми. Тақдирнинг тақозосига сабр килиниб, марҳум қабристонга дафн этилади. Расм-удумимиз шундай.

Ота-боболаримиз инсон вафот этгандан сўнг унинг руҳларини ёд айлаб, қабрларини тавоб айлаб эслаганлар. Мозорга гуллар экилган, қабрлар атрофи тоза, покиза тутилган. Қабристондаги гул-гиёхларга марҳум озор топмасин деб тегилмаган. У ер гоят мўътабар жой, зиёраттаҳ сифатида эъзозланиб келинган.

Ҳалкимиз мозорга тахоратсиз киришни, чикинди ташлашни, тахорат ушатишни, қабр дўнги устига ўтиришни гуноҳ хисоблаганлар. Ёшларни қабристонларга олиб бориб, у ерни зиёрат килиб туриш кераклигини уқтирганлар.

Донолар: “Ғам андух кийнаганда дарё бўйига, баҳтинг тошиб, завкинг ошиб кетса қабристонга бор” деб насиҳат килгандар. Чунки ғамгин одам дарё бўйига борса, соғ ҳаво, сув тафти ва жилваси билан дилидаги андуҳ ёзилади. Бойлиги ошиб кетиб, босар-тусарини билмай қолган бандаси қабристонга борса ховуридан тушади, манманликдан кайтади.

Ривоят қилишларича: Мавлоно Алишер Навоий яшаган замонда авом ҳалк бебош бўлган, улар шариат конунларидан кўркмас эканлар. Навоий вазир бўлгандан сўнг жамики сайлу-томошалар мозор бошига ўтказилсин деган фармони олий чикаридилар. Зоро, бундан максад шуки, ҳалойик мозорга боргач, ўтган ота-она, қавму-кариндошларининг қабрларини кўради, уларнинг атрофини супуради, тозалайди, обод қилади, гул ва кўчатлар экади. Ана шу юмушларни килаётганида инчунун ўзича охири келиб бизларнинг ҳам ётар еримиз шу жой бўларкан-ла деб ўйлади ва шу тарика инсофга келади.

Дарҳакикат, ушбу фармон Алишер Навоий ўйлаган мақсадга мувофик натижка бера бошлабди. Қабристонларга одамлар боравериб, у ерларни обод қилибдилар.

Ўша пайт Хирот шаҳрида учта ўткир ўгри бўлган экан. Энг катта ўгрибоши икки йил бурун казо килган экан. Бу ўгрилар баҳор байрами кечаси бир бойнинг ховлисини босишига маслаҳат килгандар. Улардан бири бундок дебди: - “Оғайнилар, сайил мозор устида бўлади. Сайилга борайлик, томоша килайлик, ўгриликка сўнгти кеча ҳам борурмиз”. Бу маслаҳат шерикларига ҳам маъқул тушибди. Эрталаб учала ўгри олономонга кўшилиб мозорга борибдилар. Қарасалар, одамлар эрта озондан келиб ҳар

бири ўз қавму-кариндошларининг кабрларини зиёрат қилиб, супуриб, гул - кўчатлар экиб юрибдилар. Ҳалиги ўгрилар бир-бирларига караб, тўғри ўша ўгрибоши кабри устига борибдилар. Қарайдиларки, кабр чўкиб, уидан шўра, камиш ўсиб чикибди. Бир вактлар бирга нон туз еганмиз деб, улар кабрнинг атрофини тозалаб, устига тупрок ташлаб, шўра-камишлиарни ўриб ташлабдилар. Шунда гўё қабрдан: “Эй инсон, фоний дунёга алдамчи ишратларга кўп берилиб кетма, ўзингни билмай колар даражага тушма, хаммасини одамлар катори меъёрда тутгин. Менинг ҳолимни кўр ким эдим, нима бўлдим. Ҳамма ҳам бир сиким тупрокка айланар экан. Агар одамий-одам бўлай десанг кўзингни катта очиб, яхшиликни, мусулмончиликни ва умрингни интихосини ўйла” деган садо келгандек бўлибди. Шунда ўгриларнинг каттароги хўрсиниб дебди: - “Эй оғайнилар, ўгрилик билан ном чикарган бу ўгрибошининг охир оқибати шу бўлса, эртага биз билан сиз ҳам ўламизу, бундан гўримизни тепкилаб ўтадилар. Келинглар, энди ўгриликни ташлаб, колган умримизни ҳалол ишлаб ўтказайлик, тавба киласлик, шояд бизларнинг гуноҳимиз кечирилса. Шу бўлибдию, ўгрилар ўзларини меҳнатга урибдилар. Ана ўшандан бошлаб ҳалқ орасида “Ҳаддингдан ошсанг мозорга боргин” деган нақл колган экан.

Бобокалонимиз Амир Темур: “Азиз авлиёлар, саҳобалар макбараларни, кутлуг қадамжойларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам карз билур эдим. Қайда бўлмай зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан зиёратни ўринлатдим. Аркону давлат, барча мулозимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай тавоф этмоқни одат килишди” деб ёзди.

Инсон яхшилик учун яратилган, яхшилик билан яшайди ва яхшилик билан хотирланади.

Дунё ўткинчи. Дўппини бир бор айлантиргунча неча йиллар ўтиб кетади. Ўзлигини англаб етган, қалбига кулоқ солган ҳар бир инсон марҳумларни хотирлаб, кабрларини тавоф этиб турса, мен бу фоний дунёда нима иш килдим, яна қандай ишлар килишга курбим ва вактим етади деган саволни берса, унинг қалби тозаланади, ёмон йўллардан, фикрлардан қайтади, инсофга келади, шу билан бирга одамийликнинг гўзал фазилатини бажарган бўлади.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Кўнгилни равшан эт меҳру вафодан,
Ўгирма юз бурунги ошнодан,
Агар ошианг факир бўлса, унутма,
Унга ёрдам этишдан кўлни тортма.

2. Ожизу дардмандларга кил карам,
Токи бўлмагайсан жаҳонда мухтарам.
Сен бу иш бирла агар бўлсанг мудом,
Максади аълода туттайсан маком.

3. Мардларнинг ишларин андеша килт,
То тириксан яхши ишни пеша кил.

САДОКАТЛИ ДЎСТ-ҲАҚИҚИЙ ДЎСТ

Ҳар бир инсон ўсиб-улгайиб борар экан, шодлик ва қувончларини бирга баҳам кўрадиган, ташвиш ва муаммоларни бартараф этишда хамкор бўладиган дўстга эҳтиёж сезади. Дўстлик бегараз ва беминнат бўлиши керак. Инсон ўз дўсти учун ҳар қандай фидойиликка тайёр турмоги лозим.

Дўстлик куч-кудрати энг оғир пайтларда, машаккатли онларда яккол кўзга ташланган. Улуг Ватан уруши йилларида канчадан-канча йингитлар кайси миллатга мансуб бўлишилкларидан катъий назар, куролдош дўстларига ўз жонларини тикиб, ўқ ёмгирилардан олиб чиқканлар. Канчадан-канча асирилкдаги тутқунлар бошларига ўлим келиб турган бўлсала, дўстларини сотмаганлар. Шу боисдан ҳалқимиз орасида: “Дўстинг учун заҳар ют”, - деган накл юрса керак.

Чинакам ва яхши дўстга эга бўлишини ким орзу килмайди дейсиз. Ҳакиқий дўст сенга меҳр кўйган, сенга яхшилик киладиган, галабангдан қувонадиган, мағлубиятингдан хафа бўладиган бўлади. У сени ҳаммадан ҳам яхши тушунади, сенга ишонади. Бундай дўстликда доимо нур ёғилиб туради, ундан яхшилик ургулари униб чиқади.

Дўст бўлиш осон, лекин уни саклай билиш кийин. Дўстликни саклаш, эъзозлашнинг ўзига хос фидойиликлари бор. Буни дўстликни узоқ йиллар саклаб келаётган одамлар яхши биладилар. Шунга кўра улар: “Комил, ақли, тўғри фикрли ва одоб-ахлоқи жойида бўлган кишилар билан дўстлашинг. Бундай кишилар, беморлигинизда даво, саломатлигинизда зийнат, кулфат-машаккатларингизда таянч ва диккат бўлган соатларингизда улфат бўладилар. Фаровон турмушингизда ҳам, ёмон аҳволга тушганингизда ҳам булар ажралмайдилар”, - деб таъкидлайдилар.

Баъзан хаётда: “Таниш-билишлар кўпу, дўстлар кам, ҳозирги кунда садокатли дўст топиш кийин”, - каби сўзлар кулокка чалиниб колади.

Дарҳакикат шундай.

Омадинг келганда, ишинг юришиб турганида, маблагинг, амалинг борида сенга дўстлар кўп бўлаверади. Буларни содиги кайсию, соткини кайси эканлигини билмай коласан. Факат амалдан кетганингда, маблагинг

камайганда сараги саракка, пучаги пучакка ажралади. Бу ҳакда донишмандлар:

- Биродарлар, сизлар душманларингиздан ҳавфсирамант, улар сизларга зарар етказмайдилар, чунки уларни душман эканликларини биласиз, шунинг учун ҳар бир ишингизда эхтиёткорона ҳаракат киласиз. Сизларга зарар етказадиган кишилар ўз дўстларингиздир. Қандай дўстларингиз? Албатта, чин, самимий дўстларингиз эмас, риёкор мунофик, иккюозламачи, тилёгламачи дўстларингиздир. Сизлар кўпинча самимий дўстларингизни сўзига эмас, балки шу тилёгламачи дўстларингизни сўзларига лакка тушасизу, улардан кўрган заарингизни ҳеч бир душманингиздан кўрмайсиз. Бундай иккюозламачи дўстларингиз ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай гаразлиқ ишлардан ҳазар килмайдилар. Агар сиз амалдоррок бўлсангиз, улар сизга ёлғондан муҳаббат ва ихлос кўйиб, ўзларини якин килиб кўрсатиб, катта йигинларда сизни мақтаб, кўкларга кўтарадилар. Ўз муддаоларини хосил килгандан кейин эса, ошноликдан юз ўгирадилар. Бундай мунофиқларнинг ёлғондан мақташлари, ихлос кўрсатишлари, қиликларидан, сўзларидан дарров билинса ҳам, баъзи уста мунофиқларнинг самимий дўст эмасликлари кейинрок, лекин албатта билинади. Чунки булар килган ишларини кўриб турувчи кўзлар ва эшишиб турувчи кулоклар бордир", - деган эканлар.

Афсуски, дўст танлашни ўргатувчи фан йўқдир. Лекин "дўстни дўстидан тани", "дўстни бирор нарса сўраб сина", "дўст ачитиб гапирав, душман кулдириб", - деган маколларни доимо ёдда тутиб, юкорида зикр этилган донишмандлар насиҳатларига кулок солсак, чин, самимий дўст топа оламиз.

Дўстликни чин, самимий ҳолда сакламок истасингиз, доноларнинг куйидаги ўйтитларга риоя килинг:

- сиз бошқаларнинг айбларини кўрган вактингизда ўз айбларингизни ҳам тушунинг. Ўз айбини кўрган киши бошқаларнинг айби билан шуғулланмайди;

- Ҳаклик, тўғриликка карши курашманг, ҳамманинг назаридан коласиз;

- гаразли хушомадгўй одамнинг сухбати ва ошнолигига ишонманг, унинг дўстлигига эътибор берманг, чунки хушомадгўй одам ўз муддаосини хосил килгандан кейин сиздан узоқлашади, сиз билан сухбатдош бўлишдан ва ошноликдан юз ўгиради;

- сохта йўл билан топилган унвондан ва мансабдан магурланманг, чунки эл назарida аник хисоб-китоб бор.

- бошқаларни мессимай "ўзим биламан" деб даво килманг, ўзингизни билармон килиб кўрсатманг. Илмда сиздан ҳам юкори зотлар борлигини унутманг, мактанчоқлик – билингки, нодон кишилар ишидир;

- ҳеч кимни беобрў килишга уринманг, ўзингизни обрўйингиз тўкилади;
 - дўстларим, билингки, гуноҳ асло унутилмайди, эзгулик ерда колмайди. Ҳар ким нима экса, шуни ўради.
- Дарҳакикат, сиз юқоридаги донишмандлар ўғитларига кулок берсангиз, турмушингиз жойида, оиласангиз тинч бўлади.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

Окшом ғаниматдир, наҳор ғанимат,
Куй қўшик ғаниматдир, ёр-ёр ғанимат.
Дил тафтин дил тортар деган ҳикмат рост,
Бу киска дунёда дийдор ғанимат.

НОШУДИНСОН ҚИССАСИ

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий тўғрисида кўплаб ривоятлар битилган. Туркманларда ҳам Алишер Навоийни Мирали номи билан, Ҳусайн Бойкарони эса Султон Суюн номи билан атаб, улар ҳакида кўплаб ривоятлар битилган. Бу ривоятларда Мирали олижаноб инсон, доно вазир, нозиктъаб сўз устаси сифатида тасвирланган.

Азизлар! Сиз шу ривоятлардан бирига эътибор беринг-а!

Кунлардан бир куни Султон Суюн билан Мирали ҳазинадаги Султон Суюннинг отаси колдирган китоблардан бирини ўқиб ўтиришса, жуда кизикарли жойи чикиб колибди. Унда бир вактлар думли юлдуз тукканлигини, Султон Суюн билан Миралидан бошқа яна икки нафар киз дунёга келганлигини шу китобга ёзиб колдирган экан.

Шу кундан бошлаб ўша кизларнинг ишку - муҳаббати уларнинг кўнглини ўртай бошлаган. Аммо кизларнинг на исми, на турар жойи маълум бўлмаганлигидан, уларни топиш амри маҳол экан. Қизларни излашда акл-идрок билан бирорта тадбир ишлатиш зарурлигини тушунган Султон Суюн Миралидан маслаҳат сўрабди. Шунда доно Мирали: “Кексалардан колган бир накл бор, яхши гап билан илон инидан чиқар, деган. Шунинг учун уларни ё ширин сўз билан излаб топмоқ керак ёки бирор кимсани ноҳақ ҳақоратлаб эл кўзига кўрсатиб, уларни тиллантирмок керак”, дебди.

Ҳусайн Бойкаро иккинчи таклифни маъкул кўрибди, икки ясовулни чакирибди-да: - Сизлар бир даёв йигитни топинг-да, кўлини орқасига боғлаб, олдингизга солиб шаҳарнинг жин кўчасию, кенг кўчаларидан айлантириб чиқинг. Кета-кетгунча бошига камчи ёғдириб, юрак бағрини

догланг. Кимда-ким, бу йигитнинг ахволига ачиниб, бу бечорани нега ураяпсизлар, деб сўраса, унака одам билан ишингиз бўлмасин. Фукароларимиз орасида бу ишни маъкуллайдигани чишиб колса, уни зудлик билан менинг кошимга олиб келинглар! – деб буюрибди.

Ясовуллар кўчадан бир чопони йиртик косиб йигитни тутиб олиб, уни кўчама-кўча ҳайдаб, камчилаб олиб ўта бошлабдилар. Бегунох йигитнинг зорига чидай олмаган одамлар: - Хой ясовуллар! Бу бандай мўминнинг гунохи не? Бечорани нега ураяпсизлар? – деб сўрашса, ясовуллар: - Эй ҳалойик! Бу йигит ҳар доим буюрилган ишнингина килади. Унинг бундан бошка айби йўқ, - деб жавоб беришибди.

Одамлар: - Эл-юртда айтилган юмушни бажармаган одамни жазолаш расм бўлганини биламиз. Аммо, айттан ишни килган кишининг калтак еганини умримиз бино бўлиб эшитмаганмиз. Бу ишингиз инсофдан эмас! – деб ясовулларнинг оркасидан ер муштлаб колаверибдилар.

Хуллас, икки ясовул эрта окшомдан то шомгача пиёда кўчаларни айланишса-да, уларнинг ишларини маъкуллаб, “баракалла” дейдиган бирортаям инсон топилмабди.

Улар хориб, чарчаб, шаҳар чеккасидағи кўчалардан бирининг одогига этиб борибдилар. Йигитни уриб, суриб бораётган ясовуллар кечга якин нон ёпиш учун тандир киздираётган бир аёлнинг уйи ёнидан ўтиб колибдилар. Шунда аёл: - Сарбоз ўғилларим! Бу йигитнинг ёш жонига раҳмингиз келмайдими? Не айби учун бу шўрликни шу кўйга солдинглар? – дебди. Ясовуллар: - Бу йигит ҳамиша кил деган ишни килади, шунинг учун ураяпмиз, дейишибди. Аёл: - Бу канакаси бўлди? Одамлар буюрилган ишни килмаганини урадилар, сизлар бўлса айтилган ишни килган одамни бунча хўрлайсизлар? Шунчалик ҳам ноинсоф бўласизларми ахир?! – дебди.

Бу аёлнинг ёнида бўйига еттан кизи ҳам турган экан, у гапга аралашиб, ясовулларнинг тарафини олибди: - Йўқ она улар жудаем тўгри иш килишашапти. **Качонгача бирорвга ҳамма ишни айтиб килдирасиз, юмушларни ўзи билаб қилавермайдиган ношуд инсонларнинг жазоси шудир!**

Ясовуллар подшо айтганидек килиб аёлнинг кизини саройга олиб кетибдилар.

Икки ўрим тим кора соchlари думли юлдуз куйругидай тўлгониб турган соҳибжамол кизга бир нафас разм солиб турган Султон Суюн: - Яхши киз, бизнинг ноҳақ буйргумизни ҳақ дейишингизни бонси нимада? – деб сўрабди.

Киз: - Султон Суюн билан Мирали адолат тахтида турганиларида салтанатда ноҳақ иш қилмаслигини билганимдалир, - деб жавоб берибди.

Сизнингча, ҳамиша бўйрукка караб иш килишга одатланиб колган

кишини жазолаш тўғри эканда?! дебди Султон Суюн.

- Ўз ақлу фаросати билан иш қилмайдиган инсондан жамиятта не фойда? У аслида бундан оғирроқ жазога лойикдир, - дебди киз.

Султон Суюннинг кўнглидагини кўзидан билишга одатланган Мирали дўстининг ниятини даров сезиб, кизга савол берибди: Эй кўзлари шохло киз! Султон Суюннинг кўнглидаги биттаю-битта армони бўлса-ю, унинг рўёбга чикишига факат сизга боғлик бўлса, ўз илтифотингиз ила унинг дилини равшан кипармидингиз?

- Кўлимдан келса, жон устига. Аммо баҳт менга насиб этмас, ахир мен подпозодалар зотидан эмасман, бир камбагал дарбозабоннинг сагириман, холос!

- Султонимиз шахар дарбозасининг калитини отангизга ишониб топширган бўлсалар, кўнгил саройининг кулфи калитига сиздек зебо киз эгалик килишини истайдилар, - дебди Мирали.

Киз Султон Суюн билан Миралига таъзим бажо келтирибди.

Ибратли ривоят, шундай эмасми?

Бу ривоятдан шундай хulosha чикадики, ҳар бир инсон оилада ҳам, меҳнат жамоасида ҳам ақл-фаросат билан иш тутса, оилада тинчлик-тотувлик, кувонч, барака ва жамоада муваффакиятларга эришади, обрў-эътибор топади.

» Хар бир муассаса, ташкилотлардаги раҳбар ходим ўзларидаги тармок ёки бўлимларга раҳбар тайинлайди.

Бир бўлимдаги ёки тармокдаги раҳбар ва унинг ходимлари кундалик иш жараёнида ўзлари эгаллаб турган лавозимларига оид ҳамда катта раҳбар буюрган топширикларни бажариш билангина кифояланадилар.

Иккинчи бўлимдаги ёки тармокдаги раҳбар ва унинг ходимлари эса, юкоридагилардан фарқли ўлароқ, ўз вазифаларидан ташкари ўзларининг ақли-заковатлари билан янги-янги ташабbusлар билан чиқадилар ва уларни амалиётта татбик этадилар.

Сиз, азиз ўкувчим, келажакда вакти келиб катта лавозимларни, эгаллаб, кўпчиликка бош бўлишингиз мумкин.

Агар унда сиз биз мисол келтирган биринчи раҳбар изидан борсангиз, сизнинг ва ходимларингизнинг ишларида тараккиёт жуда секинлик билан кечади.

Агар сиз иккинчи раҳбар йўлидан борсангиз, нур устига нур бўлади. Шунда сиз, ташабbusкор раҳбар сифатида ўз иш услубингизни ходимлар ўртасида ёясиз. Натижада тармогингиз ёки бўлимингиздаги ҳар бир ходим ҳам шундай бўлишга интилади. Ташабbus кулоч ёйган жойда эса муваффакият бисёр, муваффакият бор жойда эса обрў-эътибор зиёда бўлади.

Энди буларнинг кай бирини танлаш ўзингизга ҳавола.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Ўз сирини саклайдиган, лаёкатли кадрлар топа оладиган, садокат билан хизмат киладиганларни кадрига етадиган ва тақдирлайдиган, гунохкорларни ўз вактида адабини бериб туродиган, маслаҳат билан иш кўрадиган, тадбирли раҳбарнинг хокимияти узок умрли бўлади.

2. Юксалиш кийин, настлаш осон. Негаки, оғир тошни кўтариш кийин, ташлаб юбориш эса осондир.

3. Сўзни хакимлардан эшит, сұхбатни донолар билан кил, савонни олимларга бер.

4. Агар икки киши бир буюк орзуга етишишни истасалар, бунга уларнинг муруватда устун бўлгани муваффак бўлди. Агар муруватда тенг бўлсалар, иродаси кучли бўлгани етишади. Иродада ҳам баробар бўлсалар, ёрдамчи, дўстлари кўп бўлгани енгиг чиқади. Агар бу жихатдан ҳам ораларида фарқ бўлмаса, у вактда толеи баланд бўлгани етишади.

ВАТАННИ СЕВМОҚ ЙИМОНДАНДИР

Мустакиллигимизнинг илк кунларидаёқ юртимизда маънавият ва маърифатга алоҳида эътибор каратилганидан кўзланган асосий максад – ўзликни англаш, тарихий хотира ёрдамида келажакнинг нурафшон йўлларига чиқиб олиш, одамлар калбида Ватан, миллат, мустакиллик тамоилиларини карор топтириш, мустахкамлаш эди.

Ўзбекнинг боласи Ватанини ҳали бешикдалигигидаёқ сева бошлайди, уни ўз хонадонида, маҳалласида, мактабида кўради.

Эътибор берган бўлсангиз, аскарликка кетаётган йигит ўз онаси тутган нонни бир тишлаб кетади. У қайтганида ўша нон уни азиз Ватан бўлиб кутиб олади. Ўзбек кизини турмушга чиқаётган пайтида йиглаш одатини биласиз. Бу кўз ёшлар севган йигитига узатилаётган, яхши хонадонга келин бўлаётган кизнинг ота-онасига, кизлик уйига – илк Ватанига бўлган меҳр-садокат рамзиидир.

Она ер, она Ватан одамларга ҳар доим куч-кувват багишлиб келган. Ҳар бир ҳалкнинг чинакам фарзандлари Ватан учун жон фидо килишни ўзлари учун катта баҳт деб билганлар. Киши учун Ватандан азиз нарса бўлмайди. Ватандан жудо бўлмок оғир баҳтсизликдар. Тақдир такозоси билан Ватанидан узокка кетган кишилар бир умр она ерларини қумсаб ўтганлар.

Андижонда туғилиб, ўсган буюк хукмдор, шоир ва мутаффакир Захиридин Мухаммад Бобур Хиндистонда подшо бўлса ҳам, Ватандан жудоликни бебаҳтлик деб ҳисоблаган. Машхур маърифатпарвар шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуркат, улуғ мутаффакир, табиатшунос

олим Абу Райхон Берунийлар умрларининг кўп қисмини она юртидан олисда ўтказганлар. Аммо улар кадрдан она юртлари бўлмиш Қўқон ва Хоразмни ҳамиша қўмсаганлар, уни ҳеч качон ёддан чикармаганлар.

Саудия Арабистонидан бўлмиш бир ватандошимиз 1990 йилда юртимизга ташриф буорган чоғларида: “Ота-оналаримиз тақдир такозоси билан хижрат ихтиёр килгандаридан акаларим 3-5 ёшда, мен эса 1 ёшда эканман, деб ҳикоя килади. Албатта, ҳаммамизнинг саводимиз араб тилида чиккан, бирок, мана орадан 60 йилдан кўпроқ давр ўтган бўлсада, ўзбек тилимизни унуганимиз йўк. Падари бузрукворимиз, волидаи меҳрибонимизнинг урф-одатларимизни сакланглар, тилимизни унугманлар, ўз она тилини унугтан Ватанини унугтади, Ватанини унугтан одамнинг эса иймони бўлмайди, деб килган васиятлари доим кулогимизда. Биз буни ўз фарзандларимизга ҳам сингдирганимиз, ўз она Ватанимиз – Туркистон шаънига дод туширмаяпмиз”.

Муборак ҳаж сафарида бўлган бир дўстимизни ҳикоя килишича, Мадина шаҳрилик бир ватандошимиз: “акажон, онам бир неча кундан буён бетоб, оғир ётибдилар, Сизларнинг келганларингни эшишиб: “Ўглим, ҳамюртларимиздан бир сўраб кўринг, она Ватанимиз тупроғидан олиб келганлари бўлса, бир кафтгина бериб юборишин, Кўзларимга суртсан, сўнгра вафот этсан, армоним қолмайди, деб илтижо қилдилар” дебди.

Кўрдингизми, она Ватан канчалик азизу-мукаррамдир. Она диёрнинг бир сиким тупроғи ўзга ўлканинг барча бойликларидан афзалдир.

Мана бу масаланинг мазмунига ҳам бир эътибор беринг-а:

“Бир жойга илдиз отиб туравермасдан сен ҳам мундок менга ўхшаб бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрсанг бўлмайдими, колаверса кишилар назар эътиборидан ҳам четроқдасан”, дебди Кумгок Янтокка.

- Кишилар назаридан узокрок бўлсан ҳам шу заминга чукур илдиз отиб яшайдиганимдан мамнунман. Сенга ўхшаб, хиёл шамол турса, қаёкка юмалашни билмай титраб-кақшашдан тангри сакласин, - деб жавоб бериди Янток.

Шу пайт бироз шабода эсибди, Кумгок учуб кетиб сойга кулабди ва сув юзида окиб кетибди.

Ўзининг шахсий тақдирини ҳалқ тақдирни билан, Ватан тақдирни билан боғлик эканлигини бевосита англаб етиш – инсоннинг юксак аҳлоқий фазилатидир.

Ҳакиқий ватанпарвар атрофида юз бераётган воқеаларга локайд қарамайди, камчиликлар ва нуксонларга чидаб тура олмайди. Ҳалқ учун, Ватан учун доимий кайгуриш, ташвишланиш, ўзининг фидокорона меҳнати билан ўрнак кўрсатиш, намуна бўлиш, Ватан тақдирига бепарво қарамасликнинг далолатидир.

Маънавиятни бойитувчи ва унга кувват берувчи куч Ватан

севгисидир. Ориятли киши факат Ватанинни севиш билан кифояланмайди, балки унинг бойлигига бойлик, шухратига шухрат кўшади. У она диёрнинг бир ховуч тупргини ҳам ганимларга раво кўрмайди. Зоро, Ватанга муҳаббат туйгуси бўлмаган инсонни на аклли, на одобли, на маънавий гўзал дейиниши кийини.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов: Й-чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нуткида, биз ҳаётга катта орзу умидлар билан кириб келаётган ёшлиаримизга бир ҳакикатни яъни, “Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор – мана шу Ўзбекистон. Ота-боболаринг хоки шу ерда ётибди. Шу мукаддас замин сени дунёга келтирган. Сен уни обод этишинг, химоя килишинг шарт. Нафакат сенинг ҳаётинг, балки сенга умид кўзи тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний карияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингга нечогли адо этишингта боғлик” деган тушунчани уларнинг калбига, онгу-шуурига сингдиришимиз даркор, дедилар.

Ўзбекистоннинг ўғил-қизлари ҳаётга кўз очган фурсатидан тортиб, то узок яшаш йўлини босиб ўтгунча шу тушунчани кўнгилда жо этиб, иш тутсалар беармон яшаган бўладилар.

Шоир айтганидек:

Ёмон ҳам ўтар, яхши ҳам, яхши бил,
Сени яхши ном бирла ёд этсин эл.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Фарибликни энди ҳавас килмайман,
Дўстлар дийдори-ла бўлиш кўп хушлир.
2. Ватандан айрилик ўти – жаҳаннам ўтидан кучли.
3. Ватандан айрилик- ўлимдан ёмон.

ВАТАНПАРVARЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

Мустакиллигимизни кўлга киритганимизга ҳам 26 йил бўлди. Мустакиллик бизга ўз эркимизни, одоб-аҳлоқимизни, миллий урғодатларимизни, жаҳон тан олган кадриятларимизни кайтариб берди. Энди уни мустаҳкамлаш ҳаммамизга, айникса ёш авлодга, уларнинг маънавиятига боғлик. Маънавият йўк жойда, хеч качон баҳт-саодат бўлмайди.

Хўш маънавият ўзи нима?

“Маънавият” сўзи арабча бўлиб, унинг лугавий маъноси “маънолар

тўплами" деганидир. Бу маънавиятнинг бир маъноси холос, Аслида маънавият жуда кенг тушунчани англатади. Фан нуктаи назаридан карайдиган бўлсак, у фалсафий тушунча.

Маънили деганда иймонли, эътиқодли, калби тоза, юксак инсон кўз олдимизга келади. Беъмани киши деганда унга салбий муносабат билдирилганидир. Шундай экан, маънавият инсонининг ахлоки, дунёкараши, илм даражасини белгилайдиган мезонидир.

Халкимизга хос бўлган фазилатлар: иймон-эътиқод, инсоф ва диёнат, халол ва поклик, шарм-хаё каби фазилатларни ўзларида сингдирган кишиларни биз хамиша маънавияти юксак деб кадрлаймиз.

Айни пайтда маънавияти паст кишилар ҳам бўлиши мумкин. Улар тубан, худбин, нодон ва бошқа кўплаб салбий иллатларга ўралган кишилардир. Ундай кишилар шахсий манфаат курбони бўлиб, ор номус, меҳр оқибат улар учун бегонадир.

Республикамизнинг биринчи Президенти И.А. Каримов, ўзининг "Юксак маънавият- енгилмас куч" деган китобида маънавиятта куйидагича таъриф беради; "Маънавият- инсонни рухан покланиш, калбан улгайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини баккуват, иймон- эътиқодини бутун қиласиган, виждонини уйготадиган бекиёс куч. унинг барча карашларининг мезонидир ."

"Мустакил Ўзбекистонимиз шароитида маънавият масаласи миллий истиколол мағкураси билан боғлиқдир.

Миллий истиколол мағкураси халкимизнинг азалий анъаналарига, тилига, удумларига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, инсоф, сабр-токат, адолат, маърифат тўйгуларини онгимизга сингдирishi керак. Ана шу куламнио-микёси кенг улуғвор вазифани амалга оширишга ҳар бир зиёли; ёзувчи-ю олим, ўқитувчи-ю санъатхор, ишчи-ю дехқон, тадбиркор-у хизматчи ўз хиссасини кўшишлари керак" деган эдилар И.А.Каримов

Ватанпарварлик тўйгуси – маънавиятнинг кирраларидан бири хисобланади. Ватанпарварлик – Ватанга садоқат, унга хизмат килиш, юрт тинчларини асраш, Ватан равнаки учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий – ахлокий фазилат. Унинг мазмуни – Ватанга меҳрумуҳаббатли ва содик бўлишдан, юртнинг ўтмиши ва хозири учун фахрланишдан, мамлакат манфаатларини ҳимоя килишга интилишдан иборат.

Ватанпарварлик ота-боболардан мерос колган заминни севиш, халк урф-одатларини, кадриятларини асраш ва ривожлантириш, ўз она Ватанини душманлардан, ёт ва бегона гоялардан ҳимоя килиш, унинг озодлиги ва мустакиллиги учун жонини ҳам аямасликни назарда тутади.

Ватанпарварлик аниқ бир ҳаётий мухитда, ижтимоий заминда ва мавжуд маънавий – ахлокий кадриятлар асосида шаклланади. Унинг тўла

ва тўғри шаклланиши, юксак намуналарни кўрсатиши учун ҳам ҳалқ ва Ватан мустакил бўлиши лозим. Ана шу сабабдан мустакилликни эъзозлашимиз, кадрига етишимиз, уни кадам-бакадам мустаҳкамлаб боришимиш зарур. Шу йўлдаги олийжаноб фазилат ва эзгу интилишлар бутунги кунда хакикий ватанпарварлик намунасиdir.

Ватанпарварлик миллий истиклол гояларини тарғиб қилиш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик, тинчлик ва ахилликни мустахкамлаш учун курашишда ҳам намоён бўлади.

Миллий истиклол мафкурасининг бош гояси- озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишdir. Бундай гоя ва унинг асосида шаклланадиган соглом мафкура ҳеч качон Ватандан ташқарида илдиз отмайди ва ривожланмайди. У ҳалкнинг миллий ватанпарварлик тўйгусини ўзида акс эттирмаса, жамиятнинг харакатлантирувчи кучи бўлаолмайди.

Ватанпарварликни камол топтириш кўпгина ижтимоий-иктисодий, маданий- мафкуравий, тарбиявий омиллар билан боғлик. Бу ниҳоятда катта меҳнат талаб килювчи мураккаб вазифадир.

Ватанпарварлик гояларини ёшларимиз онгига сингдириш, авваламбор, оиласдан бошланади. Она Ватан, Ватанга мухабbat, Ватан тўйгуси каби илк тушунчалар ҳам, аввало, оила мухитида шаклланади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри оркали амалга ошади. Инсон ўзлигини англагани, насл – насабини билгани сари юрагида Ватанга мухабbat тўйгуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз канча чукур бўлса, тугилиб ўстган юртга мухабbat ҳам шу кадар ортади. Ватанпарварлик гояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришида таълим ва тарбиянинг турли шакллари ҳам мухим аҳамият касб этади.

Президент таъкидлаганидек: „Мустакил ўзбек давлати- ҳалқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фаҳрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор мэрраларга чикиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб хисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт”.

Ҳа, Ватан хисси-шу Ватаннинг эгаси бўлмиш ҳалкни билишдан, унинг кадрига етишдан, нималарга кодир бўлганини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва ҳалқ эгизак, муштарак тушунча. Бирини хис этиш учун иккинчисини билмоқ керак. Ўзбекистон деганда ўзбек ҳалкини, ўзбек ҳалки деганда Ўзбекистонни тушунмок керак.

Хозирги ўзбек ватанпарварлиги ҳалқимиз тараккниётини олга силжитган ота-боболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давомидир. Ўзбек ватанпарварлиги унинг маърифатли фарзандлари тимсолида, қалбida

сакланиб көлгөн, зухур этмоқда ва сакланажак!

Ватанпарварлык жумлай жаҳондаги барча ҳалкларнинг донишманд ва солих фарзандларига хос түйгү. Уларнинг бу ҳақдаги фикрларига бир кулок тутиңг-а:

Румо воизи ва файласуфи Цинерон: „Бизга ота-оналар, болалар, якин хеш – акраболар кимматлиди, лекин муҳаббат бобида барча тасаввурларимиз биргина „Ватан” деган сўзда мужассамлашган. Ватанга нағи теккудек бўлса, кайси вижданли одам унинг учун жон бермоқка иккиланар экан?”, деган бўлса, немисе файласуфи Г.Гегел: „Маърифатли ҳалкларнинг ҳакикий жасорати Ватан йўлида курбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади”, деган эди.

Ватанпарвар инсон доимо Ватан түйгуси билан яшайди.

Ватан түйгуси – бу ўз ақл-идроқи билан жаҳон цивилизациясига улкан хисса кўшган Мусо ал –Хоразмий, Аҳмад ал –Фарғоний, Абу Наср ал –Форобий, Махмуд аз-Замахшарий, Мирзо Улугбек сингари ўнлаб комусий мутаффакирларни ёдга олишдир.

Ватан түйгуси- юксак бадиий салоҳиятлари билан ўлмас асарлар яраттан адаб Аҳмад Юғнакий, Носир Ҳусрав, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Махмуд Қашқарий, Аҳмад Яссавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби мумтоз қалам соҳибларини ёдга олишдир.

Ватан түйгуси -ислом таълимоти равнакига бемисл ҳисса кўшган Қаффоли Шоший, Бурхониддин ал- Маргиноний, Баҳоуддин Накшбанд, Ҳожа Аҳрор валий сингари ўнлаб буюк зотларни ёдга олишдир.

Ватан түёгуси – бу Ватанинн ҳимоя килиб, Ватан дея фидо бўлган Тўмарис, Широк, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Солиҳбек додҳо каби юзлаб шерюракларни эслашдир. Томирида охирги томчи кони колгунча душманга карши курашган Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Курбонжон додҳо сингари бўйсунмас баҳодирларни эслашдир.

Ватан түйгуси – бу мустамлака тузимиға карши бош кўтарган Тошкент, Жizzах, Андижон кўзголонлари, Дукчи эшон хотирасини унутмаслиkdir.

Ватан түйгуси – бу зулм - истибдоддан кутилиш учун ҳалкни маърифатли бўлишга чорлаган, миллий уйгонишга даъват этган, нажот илмда, бирликда ва ҳаракатда деб билган фидойи зиёлиларни, уларнинг раҳнамолари бўлмиш Мунаввар кори, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитратларнинг номларини доимо ёдда саклашдир.

Ватан түйгуси – бу йигирманчи, ўттизинчи, киркинчи, эллигинчи ва ниҳоят саксонинчи йилларда ҳалкимизга карши уюштирилан катагонларда камоқ ва сургун изобларини бошдан кечирган ва ҳалок бўлган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари минглаб миллат гулларини унутмаслиkdir.

Ватан түйгүси – бу Иккинчи жаңон урушида фашизмга карши мардона жаңг килгән ватандышларымиз ёдини эхтиром билан эслашдир.

Ватан түйгүси – бу азиз ва гүзәл Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садокатли бўлишдир.

Бугунги кунда жаҳоннинг олис мамлакатларида ва ён атрофимизда вужудга келаётган вазиятга баҳо берар эканмиз, ҳалқаро хавфсизлик ва баркарорликка таҳдидларнинг кўлами кенгайиб бораётганини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга караганда, уруш ва оммавий тартибсизликлар туфайли Тунисда 600 нафардан, Мисрда 1500 нафардан зиёд, Ливияда 14 мингдан ортик одам ҳалок бўлган.

БМТнинг инсон хукуклари бўйича Олий комиссари хисоботида кайд этилишича, Сурияда давом этаётган куролли тўқнашувлар оқибатида ҳар ойда 5 мингдан киши ҳалок бўлмоқда.

Сайёрамизнинг турли минтақаларида рўй бераётган бундай мудхиш воеаларга теран тафаккур билан қараш ва баҳо бериш лозим. Бу муаммоларга менинг даҳлим йўқ деган тушунча билан яшашнинг, бепарво ва локайдлик билан қарашнинг даври ўтган.

Украинадаги воеалар, куролли тўқнашувлар, узул-кесил ечимини топмайтган муаммолар ҳам дунё хавфсизлигига таҳдид сифатида сакланиб турибди.

Террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм, наркотажовуз каби ноанъанавий хавф-хатарлар ва шунга ўхшаш таҳдидларни ҳам кўлами кенгайиб бормоқда.

Президент „Юксак маънавият-енгилмас куч“ асарида яна шундай деган эди: „Хозирги замонда энг катта хавф- инсонларнинг онги ва калбини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий қурашдир“.

Бутун дунё ахолисини ўз домига тортиб кетаётган „Оммавий маданият“ ҳам мафкуравий қурашнинг бир кўринишидир. Унинг кун сайин ёшлар ўртасида кенг тус олаётгани ва энг ачинарлиси, „Оммавий маданият“ неча минг йиллик айъана ва кадриятларнинг, миллий маданиятнинг емирилишига сабабчи бўлаётгани ҳар биримизни ўйлашга, фикрлашга чорлайди.

Мана шундай тахликали даврда ҳалкимизни, айниқса ёшларни турли гоявий таҳдид ва таъсиrlардан асрар, уларда мафкуравий иммунитетни хосил килиш, бунинг учун эса маънавий-маърифий тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мухим аҳамият каб этади.

Хозирда, мамлакатимизда эришилган барча муваффакиятлар ва ютуклар, хеч шубҳасиз мустакилигимиз, юртимизда баркарор бўлган тинчлигимиз, хавфсизлигимиз ва тотувлигимиз шарофати биландир.

Олиб борилаётган кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш, эришилган ютукларимиз ва марраларимиз самараисида хосил бўлган бугунги фаровон турмушимиз бардавомлигини таъминлаш учун эса барчамиз огох ва хушёр, мамлакат, Ватан тақдирига даҳлдорлик хисси билан яшашимиз зарур. Зоро, бу иш азиз Ватанда яшаётган ҳар бир инсоннинг зиммасидаги муқаддас бурч, улкан маъсулиятдир.

Гўзал ва бетакрор диёримизда яшаётган одамлар, биринчи навбатда, ёшлар : „Бу Ватан – менини, агар уни ҳар кандай бало-казолардан асрар, химоя килиш учун мен курашмасам, ким курашади?”, деган фикр билан яшаса, мана шундай кураш униб, ўсиб келаётган болаларимиз учун ҳаётий эътиқодга айланиб, уларнинг онгу-тафаккуридан чуқур жой олса, бундай халкни хеч ҳам енгид бўлмайди.

Ватан тақдирини ўз тақдири деб биладиган, мустақиллигимизни ва осойишта ҳаётимизни химоя қилишни касб килган инсон ҳамиша хушёр ва огох бўлади. Инсон ватанпарвар бўлиши учун, унга кўп нарса керак эмас. Качонки, у туғилиб ўсан юргита отасига суюнгандек суюнса, онасини яхши кўргандек яхши кўрса, синглисидеқ эъзозласа – бу унинг том маънода ватанпарвар инсон эканидан даракдир.

V-УСТОЗ – ШОГИРД АНЬАНАЛАРИ

УСТОЗ – БУЮК ЗОТ

Устоз ва шогирд бурчлари, фазилатлари ҳакида кўп маколалар, ривоятлар битилган. Устозни улуглаб кўплаб мутаффаккирлар пурмаъно фикрлар айтганлар. Уларда ўзларининг чуқур самимияти, жўшкин эҳтироси, энг яхши орзулари ва бегараз ниятларини акс эттирганлар.

Буюк мутаффаккир шоир Алишер Навоий, устози Абдурахмон Жомий яшайдиган маҳаллага якин келганда отдан тушиб, у яшайдиган маҳалла ахли билан куюк саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраб, шу кўйи отига минмай Жомий уйигача пиёда борар экан. Шунда бир темирчи сўрабди: “Амирим нечук устоз уйига етмай туриб, отдан тушиб оласиз. Ахир сиз вазир аъзамсиз-ку. Сизга бундок юриш ярамайди”. Навоий жилмайиб шундай дебди: “Йўқ биродар, мен хозир устозим яшайдиган маҳаллага келдим. Демак, бу ерда яшовчи ҳар бир фуқаро устозимнинг тобуткашлари хисобланади. Шундок бўлгач, нечук мен улар, яъни сиз мухтарамлар олдида ҳурматсизлик қилишим керак. Устозимни кандай авайлаб, эъзозласам сизларни ҳам шундок кўргумдир”.

Буюк Жаҳонгир Амир Темур ўз кабрини устози, пири Сайд Баракани пойинга кўйилишини васият килган. Бу васият адо этилган. Бунинг

маъноси чукурлигини сўз билан таърифлаш кийин.

Устозлар бу хурматларга ўзларининг камтарлик, меҳрибонлик, эзгулик, росттўйлик, ҳалоллик, фидойилик каби ҳислатлари билан эришганлар.

Бу борада яна бир канча хаётий мисолларга назар ташласак бўлади: Имом Аъзам (Абу Ханифа ан-Нўймон Ибн Собит)нинг номлари, илмлари у киши тўғрисидаги ривоятлар асрлардан асрларга ўтиб келади. Имом Аъзам дарёни илм макомига эришган пайтларида ҳам ўзларини бечора, шикаста нафслик билан бир гўшага чекиниб, оломон назаридан пинхонликни одат килгандар. Шунда тушларига Муҳаммад алайҳиссалом кирадилар. Сарвари олам у кишини ҳаракатга даъват этадилар: “Ё Абу Ханифа, сени Аллоҳ таоло менинг суннатларимни зохир килмок ва равнак бермок учун яратгандур. Сен гўшанишинлик касдни килмагин”. Шундан сўнг Имоми Аъзам одамларга таълим бера бошлаган эканлар.

Имом устозларини ота-оналари билан тенг кўйганилар. У киши бирор марта устозларининг уйлари томонга оёқ узатиб ўлтирумсан эканлар, ҳолбуки, устозларининг ҳовлилари етти маҳалла нарида экан.

Имом Аъзам шогирдларига бениҳоя мушфик, ғамхўр ва меҳрибон бўлган экан. Айтишларича, иттифоко бир шогирдлари баланд жойдан йикилиб, каттиқ азоб чекиб, фарёд солади. Устоз масжиддан ялангоёқ чикиб, унинг ҳовлисига етиб боради ва “Агар имкони бўлса, унинг озорини ўзимга олар эдим”, деб бошида йинглаб ўтиради.

Шогирдлар у киши ҳакида шундай хотирлайдилар: “Устоз сўзламоқда ҳаммадан иболи, иродаси комил, тиник сўз ва ширинсуҳан эдилар. Таъмадан узок юрадилар, кечирувчилардан эдилар”.

Устозларнинг сабрлилигини, матонатлилигини педагог устозлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълум бир даврларда ўқитувчининг обрўси тушиб кетди. Айрим раҳбарлар таълим тарбия ишларига иккинчи даражали масала деб қарай бошлаган эдилар. Ёшларга таълим тарбия беришга ўзини бағишлиган ўқитувчилар ана шундай кийинчилик даврларида ҳам матонат билан ишладилар. Андижонлик педагог устоз Мамажон Абдурасулов шу даврларда ўзининг маҳорат мактабини яратади. Педагоглар Одилжон Акбаров, Майрамхон Ёкубовалар устоз номини юксак кўтариб ишладилар. Улар фидокорона меҳнатлари эвазига хукуматимизнинг катта мукофотларига сазовор бўлдилар.

Шогирд хурматига сазовор бўлиш учун устоз шогирдга нисбатан талабчан бўлмоги жоиздир. Ёшларда мутахассисликка, ижодий изланишга кизикиш ўйғотиш учун уларда авваламбор устозга мухаббат туйгусини ўйғота билиш керак. Лекин бу нарса ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Педагог доимий равишда ўз устида ишламас экан, маҳоратини кундан-кунга оширмас экан, обрў-эътибор козона олмайди.

Ўқитувчиларимизнинг авторитар услугдан фойдаланган ҳолда дарс ўтиши, жаҳолатга берилиши ҳали ҳам учраб туради. Бу эса ёшларимизнинг фаол фикрлашларига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўқитувчи ўқувчи муносабати сифатида қуидаги мисолни келтираман: Бундан 30 йил мукаддам мен Қўйбишев тиббиёт институтидаги малака оширишда бўлганимда шу институтнинг микробиология кафедраси мудири, профессор бир воқеани сўзлаб берган эди. Шу кафедранинг ёш педагогларидан бири профессор хонасига хаяжонланган ҳолда кириб, у ўкиётган гурухдаги бир талабани дарсга тайёргарликсиз келишидан, интизомсизлигидан шикоят килиб, уни бошка гурухга ўтказишларини, агар иложи бўлмаса у бу гурухни бошқа педагогка алмаштиришини катъий оҳангда айтган.

Профессор уни диккат билан тинглагач, сиз гурух олдига кириб тураверинг, мен ҳозир сизнинг дарсингизга кираман, деб талабанинг исми фамилиясини сўраб олибди. Профессор бироз ўтгач, шу гурухга кириб талабалар билан танишади. Шу кунги дарснинг мавзуси танглайдаги бодомсимон без яллиғланганда уни кандай микроблар чакирганлигини суртма тайёрлаш усули билан аниқлаш экан. Профессор “Ҳозир мени томогим оғриётган эди, дейди у ўша талабага мурожаат килиб, томогимдаги безнинг ҳолатини кўриб, ундан суртма олиб, лабораторияда касалликни кайси турдаги микроб чакирганлигини аниклаб берсангиз деб, уни ўз хонасига чорлабди. Шунда бошка талабалар профессор ниҳотки шу колок талабадан ўзини текширишини сўрайапти, уни колоклигини билмайди-да, деб кулишибди.

Профессор хонасида талаба жуда кийинчилик билан, хаяжонланган ҳолда томогининг безидан суртма олиб, уни лабораторияга олиб борибди. Тахлил килишни билмаганлиги туфайли кафедра лаборантларидан кўмак олибди. Уйга бориб, китобни бир неча бор вараклабди. Тахлил 2-3 кундан кейин тайёр бўлар экан. У масъулиятни сезиб ҳар куни эрталаб, дарсдан сўнг шу лабораторияда бўлибди, ниҳоят у профессорга тахлил натижасини айтибди. Профессор унга, тўғри аниклабсиз, яшанг энди ўзингиз менга керакли муолажаларни айтинг, деб талабани ёлгиз колдириб, бошка хонага чиқиб кетибди. Бир оздан сўнг у талабанинг ёзган муолажаларини ўкиб кўриб, “яхши мен бу тавсияларни албатта бажараман. Сиз менинг олдимга тез-тез кириб, ҳабар олиб туриңг”, деб уни кузатиб кўйибди.

Шу кунлар мобайнида талаба шу касалликка оид бир неча кўлланмаларни ўкиб чиқибди. Бир неча кундан сўнг профессор яхши бўлиб колганини айтиб, талабага миннатдорчилик билдирибди ва: “Сизда шифокорликка кизикиш жуда кучли экан, мен сиздан хурсандман. Сиз бизнинг кафедра тўгарагига катнашинг. Сизнинг келажагингиз порлок

бўлади”, деб кизиктирибди. Колок талаба профессорнинг ширин сўзларидан мамнун бўлиб, унинг сўзини кайтара олмабди ва тўгаракка ёзилибди. Талабанинг бу фанга кизикуви кун сайин ошаверибди, ўзлаштириши яхшиланибди, яхши ўқийдиган талабалар каторидан ўрин олибди. Институтни битиргач, шу кафедрада лаборантликдан тиббиёт фанлари доктори, профессор даражасига кўтарилибди.

Мана кўрдингизми, инсоннинг шаъни, кадр-кимматини кўтариш, унга ишониш натижасида бир инсон шаклланиб, етук даражага эришибди.

Ҳалкимизда у менга дарс берди, деган тушунча бор. Бу дегани факатгина аудиторияда, синфда ўтиладиган машғулот эмас. Дарс кенг маънодаги тушунча бўлиб, унинг таркибига таълим-тарбия, панд-насиҳатлар, устоз-шогирдлик муносабатлари, донишмандларнинг давра сухбатлари, жуда катта ҳаётий тажрибалар сабоги киради. Зоро, дарс иборасининг этимиологияси ҳам бу фикрни тасдиклайди: Д-доимий ҳаракат, А-азият, Р-риёзат, С-саёҳат маъноларини билдиради. Демак, толиби илмлар бу йўлда азият, риёзат чекиб ҳаракат қилмоклари, вакти-вакти билан эса саёҳатга чикиб турмокликлари лозим.

Айрим ҳолларда, калтабин шогирдлар шошилиб ўзларини тез орада устоз даражасига етдим, деб ўйлайдилар.

Эмишки, бир йигит устозининг ҳамма кураш усулларини ўрганиб бўлдим, энди ўзимни “устоз” деб эълон қиласам бўлади деган экан. Кураш тушиш бўйича унинг олдига тушадигани топилмай колибди-да. Бироқ бу ҳабарни эшитган устози у билан кураш тушиш учун енг шимаривелса, шогирди хайрон бўлибди. Сўнг, устозимни ҳам енгсам, кейин хурмат козонаман деган ўйда майдонга чиқубди. Устози уни оддий усул билан чирпирак килиб юборибди. Шунда устозига тан берган шогирд сўрабди: “Устоз, сиз менга киркта усулнинг ҳаммасини ўргатган эдингиз, нега бу усулни ўргатмадингиз” деса, устози: “мен бу кирк биринчи усулни сенга ўхшаган маҳмадоналарга сабок учун олиб кўйганман”, деган экан.

Иккинчиси бир мисол: Ибн Синонинг обрў-эътиборини кўролмаган шогирдларидан бири устозини захарлаб ўлдириш ва шу йўл билан мамлакат амири олдила эътибор толиши максадида заҳарли дори тайёрлайди, уни Ибн Синога беради. Шогирдининг разил ниятини синчковлик билан сезиб колган устоз аллақачон у дорини рад этувчи бошка бир дорини тайёрлайди. Аммо шогирдига ҳеч нарса демайди ва бир хизматкорга шу шогирдининг дарвозаси олдига бир арава кум олиб бориб ташланглар деб буюради. Нокобил шогирд ҳар куни бу кумда кимматбаҳо бир нарса бордир, деб уни златади. Шу давр ичida ўйлайвериб, чанг еб, озиб-тўзиб кетади, соchlари оқаради. Охири устози олдига келиб сўрайди: “Устоз, мен бу килғиликнинг боисини тушунмадим”.

Ибн Сино жавоб килади: “Мен оталик килиб сени вояга етқаздим.

Устозлик килиб эгри йўлингни тўғриладим. Хунар ўргатдим, меҳримни бердим. Сен бўлса камтарликни унугиб, манманлик, шон-шаҳратга берилб, устозинг жонига қасд қымокчи бўлдинг. Мени сени урмадим, сўқмадим. Аммо чанг ва ўй-гам чанталига гирифтор этдимки, бу оғир дарддир”.

Устоз – буюк зот. Улар хурматини кимки жойига қўя олмаса завол топади, жойига қўя олганлар эса камол топади.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Устозни чин маънода маънавият шифокорига ўхшатишади. Чунки гамгин онларда ҳам, шодлик айёмларида ҳам инсонга мадад беради. Унинг дардига малҳам бўлиб, бардошини мустаҳкамлайди, қалбига ҳаётбахш кудрат завкини муҳрлайди.

2. Ҳакикий олим шундай кишики, унинг сўзи, ўйи, фикри ва иши бир хил бўлади.

ИЛМ СОҲАСИДА УСТОЗ-ШОГИРДЛИК

Илм йўли – заҳмат йўли, меҳнат ва машакқат йўли, дейди доно ҳалкимиз. Бугун илм йўлини танлаган киши эътиборга, эъзозга сазовор бўлмокда. Чунки, бундай инсонларнинг ҳар бир максади, ташлаётган кадами ҳамиша эзгулика, яхшиликка йўгирилган. Яхши ният билан бошланган ишларнинг интиҳоси ҳамиша хайрли тугажагини ва бу барчамизга ибрат бўла олажагини яхши биламиз.

Севикли, хассос шоир Эркин Воҳидов: “Инсон ҳаёти бир манзилдан иккинчи манзилга караб юриладиган йўлга ўхшайди. Бу йўлнинг текис, нотекис, баланд ва пастликлари бўлади. Биз бу замин бамисоли тог ошаётган одамлармиз. Тог йўли мардликни, иродаликни, жасоратни, сабрбардошини, бағоят ҳушёрикни талаб этади”, деган эди. Шоирнинг бу ўхшатишларини илм олмоққа интилишга киёсласа бўлади.

Дунёда ҳар кандай хунар бўлмасин, албатта унинг устози ва шогирдлари бўлади. Устоз канчалик буюк бўлмасин, тарихда канча из колдирмасин, ўз билимини, хунарини ишончли одамларга колдирмаса, унинг ишларини давом эттира оладиган киши бўлмайди.

Тарихдан маълумки, неча асрлардан бўён ҳакикий устоз ҳамиша улуғланиб келган.

Ривоят қилишларича, киёмат куни ўз умрини илм ўрганиш ва ўргатишга багишилаган бир кишини Тангри Таолонинг ҳузурига келтирадилар. Тангри Таоло бу одамни жаннатга, Мухаммад алайхиссалом ҳузурига олиб боришга амр этади. Қарасаларки, жаннатда

пайгамбар Ҳавзи Кавсарнинг лабидан туриб умматларига косада сув ичириб турибдилар. Пайгамбаримиз бу одамни кўриб, косада сув эмас, балки муборак кўллари билан Ҳавзи Кавсар сувидан ичирадилар. Атрофидаги одамлар бу ҳолни кўриб: “Ё Расулуллоҳ, бу одамга кўлларингиз билан сув ичиришингизнинг боиси нимада?”, деб сўрабдилар. Шунда Пайгамбар алайҳиссалом: “Дунёда ҳамма одамлар тижорат килиб, дунё топмокка машгул бўлиб юрган пайтларида, бу одам дунёнинг муҳаббатидан воз кечиб, илм ўрганди ва ўрганган илмини шогирдларига ўргатди. Шу боис бу одамга Кавсар сувидан ўз кўлим билан ичирдим” деб, жавоб берган эканлар.

Юртимиз истиклол нашидасидан баҳраманд бўлганидан сўнг талайтина муваффакиятлар кўлга киритилди, республикада оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Маънавият соҳасида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар бўлаяпти. Барча илм-фан ахиллари бой маданий меросимизни ўрганиша, ўтмиш мутаффакирлари, устозларимиз асрларини чоп этиб, ҳалкка етказиша, миллий кадрятларимизни тикилашда катта ва хайрли ишларни амалга ошироқмодалар.

Бу йиллар давомида Ал-Бухорий, Имом-Ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳовуддин Накшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Махмуд ал-Замаҳшарий, Хўжа Аҳор Валий, Абдуҳолик Фиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирний, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Махмудхўжа Бехбудий, Усмон Носир каби миллий мустакиллик фидойиларининг номлари юзага чиқарилди.

Янги тикланиб келайтган мафкуранинг асосий максади жамият аъзоларини маънавий жиҳатдан юксалтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол инсонни тарбиялаш, ёшларга ахлокий фазилатларни сингдиришдан иборатдир.

Халқимизнинг меҳнатсеварлиги, гайрат-шижоати янги мафкурага муносабати канчалик ошса, истиклолнинг иктисадий, сиёсий, маданий бошка асослари шунчалик тез карор топади, ривожланади ва мустаҳкамланади. Пировар натижасида илм-фаннинг равиқ топишига, ҳалқимизнинг моддий фарононлигини ошишига кулагай шароитлар яратилади. Бу эса, ўз навбатида мустакил республикамизнинг ҳалкаро мавқеи, обрў-эътиборининг янада ошишига сабаб бўлади.

Ўрта Осиё ҳалкларининг фаҳри бўлган Абу Али Ибн Сино инсоннинг маънавий камолатта интилиши унинг биринчи бурчи эканлигини уқтириб: “Маънавий камолотга эришишдан кочадиганлар – одамларнинг энг кўркогидир”, деб ёзган экан.

Маънавий камолат деб, биз кишининг борлик ва кишилик ҳакидаги билимларини мукаммал ўзлаштиришини ва уларни ўз шахсига сингдиришини тушунамиз. Инсон олим бўламан деб, илм чўққисига

интилишидан аввал, биринчи галда **одамийлик илмини, инсонийлик фанини** ўзлаштириши лозим. У одамийликка хос мулоҳазалари билан, дунёдаги тирик мавжудотларнинг гултожи бўлган. Шунинг учун донолар «Олим бўлиш осон, одам бўлиш кийин» деганлар.

Маълумки, инсон ким бўлишидан, миллати, тураг жойи, келиб чикишидан катъий назар унинг барча муваффакиятлари меҳнат, устоз ва билим туфайли амалга ошади. Устоз туфайли шогирдлар ҳаётда ўз ўрнини топадилар, максадга эришадилар. Шу боис шогирдлар куйидаги мисраларни доимо ёдда тутмоклари лозим.

Азиз дўстим, хурматда бўл, устозингдан ўзганда ҳам,
Илминг ошиб, икбол кулиб, харчанд сенга бокканда ҳам.
Бўлма мағрур унвонга сен, “Алломасиз” десалар ҳам,
Камтар бўлди алломалар, минг коядан ошганда ҳам.
Дур-гавҳардан ортиқ эрур, окил шогирд устоз учун,
Ким тош отса устозига, бўлгай бадном ўлганда ҳам,
Сўнмагай устоз нури, ою-йиллар ўтганда ҳам.
Бу хикматли сўзларга амал килмок учун, устоз-шогирд занжири мустаҳкам бўлиши керак.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Илм бир дарахт бўлса, одоб унинг мевасидир.
2. Олим қайга борса хурмат, нодон қайга борса нафрат кўради.
3. Илм бобида ниманини эшитсанг ёзиб кўй, когоз бўлмаса деворга бўлса ҳам ёз! Чунки ёдланган нарса унитилиши мумкин, ёзилган нарса эса абадий колади.
4. Илм эгалланг! Илм – сахрова дўст, ҳаёт йўлларида – таянч, ёлғизлик дамларида – йўлдош, баҳтиёр дакиқаларда раҳбар, қайгули онларда – мададкор, одамлар орасида – зебу-зийнат, душманларга карши курашда – куролдир.

УНИТИЛГАН ХАТО ЁМОНЛИКДИР

Маълумки, бугунги кунда халқ одобномаси хусусида кўп гапирилаяпти. Одамларни инсоний меҳр-муруватли бўлишга, унугилаётган урф-одатларимизни тиклашга киришилаяпти. Халқимиз: “Унугилаётган хато ёмонлик, тузатилган хато омонлик белгисидир”, деб тўғри айтган. Тарихда халқимиз устоз-шогирд анъанасига катта эътибор берган.

Афсуски, кейинги пайтларда бундай “устоз-шогирдлик” аңынаси бироз унтулиб колди. Негадир “устоз” мавқенни тушириб юбораётгандың үхшаймиз. Хатто, шу даражага бораяпмизки, ким бизга озгина яхшилик килса, уни “устоз-устоз”лаб колаяпмиз. Аслида бу одам устозлик бурчига лойик иш күлдими?! Бунга эътибор бермай күйдик.

Хакиций устоз ҳеч қачон ўз шогирдлари олдида: “Бу менинг шогирдларым”, деб мақтамайди. Нега? Бунинг сири бор, албатта. Аввалин бор, камтарлык ва эхтиёткорлик бўлса, иккинчидан – устоз шогирдига ҳамма тажрибаларини ўргатиб бўлмаган, уни ҳали устоз даражасига етказмаган. Бундай ҳолларда устозларни шогирдлари тан олса бас!

Айрим йигинларда баъзи устозларнинг ўз шогирдларига бир хил муносабатда бўлмаётганилиги тўғрисида гапириб қоладилар. Бу устозлар айрим ҳолларда чин, самимий шогирдларига эмас, балки ўзи сезмаган ҳолда иккюозламачи, такаббур бўлиб бораётган шогирдларининг сўзларига лакка тушадилар. Бу тоифдаги шогирдлар катта ёки кичик йигинларда ўзлари хоҳламаган ҳолда мунофикаона оғзидан бол томиб устозни мақтайдилар, бағрига босиб, кучиб табриклидилар. Устоз эса унга ишонади ва ҳатто таянади ҳам. Устоз бу гапга ва мактобларга ишониб, бошка самимий шогирдларига беўрин дилозорлик килиб кўяди, натижада, уларнинг обрўларига ҳам зиён етказади. Юкоридаги “шогирдлар” мансаб курсисига ўтириб олишгач, ўз манфаатлари йўлида керак бўлса устозини коралашдан ҳам тоймайдилар. Кейинчалик устозлар бундай шогирдларидан кўрган заарларини ҳатто энг ёмон кишисидан ҳам кўрмасликларига ишонч хосил қиласидилар. Аммо, унда кеч бўлади! Бундай ҳолни илмий изланишларнинг машаккатли сўқмокларидан ўтиш жараёнида ҳам учратиш мумкин.

Маълумки, илмнинг машаккатли йўлини танлаган одамдан аввало истеъодод, колаверса, кучли ирова, чукур билим ва фидойилик талаб этилади, чунки илм шундай тубсиз бир уммонки, бу уммондан жавохир топиш мушкул.

Фанда янгилик яратиш игна билан кудук казиш билан баробар. Ҳа, илм кишиси бўлиш жуда кийин. Унда ҳалоллик, поклик ҳукм сурини керак. Унинг азобини, машаккатини бошидан кечирган одам билади. Фанда янгилик яратган тушунади. Бундай фидойи олимлар ҳалқимиз баҳти, келажагидир.

Лекин минг афсуски, кейинги пайтларда илмнинг машаккатли йўлларидан енгилгина ўтиб, унвон ва мансабга осонликча эришган шахслар ҳам онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Шундай бўлса-да, уларда такаббурлик, манманлик, димогдорлик, ўзига зеб бериш, устозни менсимаслик каби салбий хислатлар устун туради. Улар ўзларини “устоз” хисоблаб, “шогирдлар”ини ҳам енгил-елли йўлларга ўргатадилар. Шунда

унинг “шогирди” илмий иш килиш ҳеч гап эмас экан-да, ҳамма ҳам шунака килиб илмий иш килар эканда, деган мутлако нотўгри хуносага келишлари мумкин. Бунда улар янгилик яратиш “игна билан кудук казиш” билан баробар деган мўътабар сўз кадрини тушириб юборган бўладилар.

Бундай “устозлар” биз килаётган ишни ҳеч ким фаҳмламайди, деб ўйлайдилар, лекин улар эл назаридан аник ҳисоб-китоб борлигини унутадилар. Бу сир бир кун эмас, бир кун албатта билинади.

Бундайларнинг ёмон ишларидан яна бири шуки, улар шогирдлари ёзган илмий маколаларнинг барчасида ҳаммуаллиф бўлишини хоҳлайдилар. Бу, мутлако нотўгридир. Ҳакикий устоз ўз шогирдлари истеъодини обдон ўрганиб, уларга ҳам мустакил йўл очиб бериши лозимдир.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Аввалига биз шогирдларни ўргатамиз, сўнгра ўзимиз улардан ўрганамиз, кимки буни хоҳламас экан, ўз даврида оркада колади.
2. Агар устоз вижданли бўлса, у ҳамиша зийрак шогирдлигича колади.
3. Уч хил ўқиш бор: биринчиси, ўқиб тушунмаслик, иккинчиси, ўқиб тушуниш, учинчиси, ўқиш ва хатда ёзилмаган нарсани ҳам англаб этиш.
4. Кўпни билган эмас, керагини билган доно.
5. Кўп тилни билиш- битта кулфга тушадиган бир нечта калитга эга бўлиш деган гап.
6. Адолатсизлик қилган устоздан ҳамма безийди.

БОБОЛАР ХИКМАТИ

Халқимиз асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплаган, шу тажриби мерос сифатида турли воситалар билан келажак авлодларга ўтиб боради. Макол ва хикматли сўзлар ана шундай бебаҳо маънавий мерос ҳисобланади. Чунки улар кишиларнинг ақлини ўткирлаштиради, нутқини равшан ва таъсирчан қиласи, ҳаётда тўғри йўлни танлай билишига, ҳаётий жумбоклар ва муаммоларни тўғри ечишга ўргатади, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида кимматли маслаҳатлар беради.

“Хикматнома” китобида ёзилишича, инсон насли инсон бўлиб, кўли ишга тили сўзга келиб, бир-бири билан муомала кила бошлабди-ки, бу ажиб, чигал, борлиги сирлардан иборат дунёга яшаш дарсини ўқийди ва то шу кунгача бу дарс тутамаган. Энг буюк донишмандлар умрларини илму-фанга багишлаб, жаҳон кезиб, дунё-дунё китоб ўқиб, оламдан кетар

чоги, мен ҳаётдан ҳеч нарса билмай кетмоқдаман, деганлар. Не ажаб, ҳаёт илмини тугалламокка нафакат бир инсон умри, балки инсонлар умри етмайди.

Йўл юриб кетаётган инсоғли одам бехосдан чукурликка тоёйиб кетса, ўринидан туриб, этак кокиб кетавермайди. Мен йикилдим, бошқалар йикилмасин, деб чукурни текислаб қўяди, ё бўлмаса, бирорта таёкни сукиб, кара, деган ишора бўлади. Боболар хикмати ана ўша таёқдир.

Одамлар бошқаларни ўйлаб бекилган булок кўзини очадилар, дараҳт экадилар. Мендан кейин дунёга келувчилар ташналик азобини кўрмасинлар, очликдан, офтоб тигидан кийналмасинлар, дея шундай киладилар. Боболар хикмати ана ўша булок, ана ўша дараҳтдир.

Одамлар масжид ва мадраса курадилар, йўл солиб, кўприк курадилар, меҳмонхоналар тиклайдилар. Улар бу ишларни ўзларидан кейин келувчилар ҳам имонли, илм-маърифатли бўлсингилар, эллар, юртлар ўртасида яхши борди-келдилар бўлсин деб киладилар. Боболар хикмати ана ўша йўл, кўприк ва меҳмонхоналардир.

Хикматли сўзлар, маколлар биз учун асрларнинг садоси, узок ўтмиш билан ҳамнафаслик хиссини ўйтотувчи манту чакирик, замонлараро кўприкдир.

Хикматли сўзлар, маколлар номаълум шоирларнинг юрак сатрлари, ҳалқ истеъодининг масофа билмас шулалари, зулм, ҳаксизлик кўксига санчилувчи адолат тигидир.

Кўйида бу борадаги донолар фикрларидан намуналар келтиришни лозим топдим.

1. “Ҳаётин ўтказса, ўрганиб сабок,,
Устоз ҳам шогирд ҳам, ҳеч бўлмас нўнок.
Тўкиш-йигириш ҳам билим бирладир,
Дунёни топиш ҳам билим бирладир”.

Абдушукур Балхий

2. “Инсон учун факат аклли бўлишни ўзи камлик килди. Агар у аклли кишилардан эшитган, билган, кўрган нарсаларини амалда килса, ёмон нарсалардан ўзини сакласа – шундагина уни аклли, кўлидан иш келадиган, чиройли одам десанг арзиди”.

Абай

3. “Кўп билиб, ўзини билимдан килиб кўрсатмаслик – ахлоқий баландликдир. Кам билиб, ўзини билимдан килиб кўрсатиш касалликдир. Шу касалликни билиб олганимиздан сўнг, биз ундан кутула оламиз”.

Лао-Цзи

4. “Илм тўғриликни ҳалолликни, покликни ёқтиради. Бусиз илмли бўлиш кийин.

Ю.А.Отабеков

5. “Илм катта майдон, унда ҳамманинг от суришига имкон бор. Ким олдин жадал кетади – бу истеъдод ва меҳнатга боғлик. Устоз минг ўргатсин, шогирднинг ўзида учкун бўлмаса, у аланга олмайди”.

Б.И.Сойбел

Ўйлаймизки, бу хикматли сўзлар сизни маънавий бойлигингиzinи янада оширишга ёрдам беради.

ХИКМАТЛАР БЎСТОНИГА САЁХАТ

Маълумингизким, одоб-ахлокқа оид хикматлар ҳалқимизнинг севиб ва амал килиб келаётган маънавий озукаларидан хисобланиб келинади.

Асрлардан буён одамларни тўлкинлантириб келаётган ва одоб-ахлокнинг гултожлари хисобланган ҳадисларда: “Хикмат- бу мўмин кишининг йўқотган нарсасидир” дейилади. Демак, хар бир мўмин киши хикмат ўрганишга интилиши, битта хикматни ўрганса, йўқотган нарсасини топгандек кувониши зарур. Чунончи, шоир айттанидек:

Гўзаллик дунёси хикмат ичинда,
Лаззатнинг асоси хикмат ичинда,
Бузилган феъл ила айнигарн хулкнинг,
Энг ўткир давоси хикмат ичинда.

Хикматларда: “Одоб буюк тождир, уни кийгана, кайга борсанг боравер” дейилади. Одобли одамни табибга киёслашади, у билан сухбатлашиш кўнгилдаги гамни кувади. Бунга ишонишингиж учун сизнинг эътиборингизга бир неча хикматни ҳавола этамиз.

Бир хикматда айтилишича, кишининг калбидаги бўstonлар бўлар экан:

Биринчиси – илм бўstonи, иккинчиси – мулоимлик бўstonи, учинчиси – ихлос бўstonи, тўртинчиси – камтарлик бўstonи, бешинчиси – саҳоват бўstonи, олтинчиси – ризо бўstonи, еттинчиси- умид бўstonи!

Савол туғилади: - Бу бўstonларда нималар бўлади?

Киши равнак топай деса, аввало, илм бўstonига киради, у ердаги нодонлик ва жохиллик ҳашакларини юлиб ташлайди.

Сўнг мулоимлик бўstonига киради ва бу бўstononda адovat ва ҳасад тиконлари бўлса, уларни юлиб, узокка отади.

Сўнг ихлос бўstonига киради ва бу бўstononda риё ва бадгумонлик ҳашаклари бўлса, уларни юлиб, бўstonни тозалайди. Сўнг камтарлик бўstonига киради ва бу бўstononda такаббурлик ва магрурлик ҳашаклари бўлса, уларни ҳам юлиб тозалайди. Ундан сўнг ризо бўstonига киради ва

бу бўstonда манманлик ва қайсалик тиконлари бўлса, бўstonни улардан холи қиласди.

Сўнг умид бўstoniga киради ва бу бўstonda умидсизлик ва тушкунлик тиконлари бўлса, уларни юлиб отади. Мана шуларга эришган инсон ўзини баҳтиёр сезиши мумкин.

Иккинчи хикматда қўшнининг ҳақ ҳукуклари тўғрисида гап кетади. Қўшнининг ҳақ-ҳукукларига қўшнига ҳеч вакт озор бермаслик ва ҳафа килмаслик, қўшни касал бўлса ундан хол сўраш, бошига мусибат тушса ёрдам килиш, ғамли ва шодлик кунларида гам-шодлигига шерик бўлиш, ундан хато ўтса кечириш, ахли аёлига ёмон кўз билан карамаслик, бирор ёкка кетса уйидан ҳабардор бўлиб туриш, қўшни карз сўраса имкон бўлса бериб туриш кабилар киради.

Яна бир хикмат дўстликка багишлиданади:

Доноларнинг айтишича, дўст уч хил бўлади.

Биринчиси: - “Жон дўст” бўлиб, бундай дўст ҳақиқий ҳисобланади ва ўз дўсти учун жонини ҳам аямайди.

Иккинчиси: - “Тил дўст” бўлиб, у расман тилда дўстлик килади, аммо бошга бирор кулфат тушса ўзини кўрсатмайди.

Учинчиси: - “Мол дўст” бўлиб, бундай дўст еб-ичиш учунгина дўст бўлади. Пулингиз тугаганда эса корасини кўрсатмайди.

Бирор кимса билан ҳақиқий дўстлик йўлини тутиш ва суҳбатдош бўлишда саккизта ҳақ мавжуд бўлиб, уларга тўла амал килмоқ лозимdir.

Биринчиси **мол ҳақи**. Сиз ўз мол-мулкингизга қандай эгалик қилсангиз, уларни сарфлашда канчалик эркин бўлсангиз, дўстларингизни ҳам худди шундай йўл тутишларига имкон берасиз, дўстларингизнинг ишини ва уларни манфаатини ўз манфаатингиздан юкори кўясиз.

Иккинчиси – нафс ҳақи. Бу шундан иборатки, дўстлар бошига иш тушиб, сиздан нарса ёки ёрдам сўраб келмасдан аввал сиз уларнинг хожатини раво килишга киришасиз.

Учинчиси – тил ҳақи. Дўстга қаттиқ гапирилмайди, унинг айблари юзига солинмайди, камчилиги одамлардан беркитилади, яхшилиги мақталади, ёлтон муомала килинмайди. Унинг шодлиги ва суурига сабаб бўладиган ҳақ гаплар гапирилади.

Тўртинчиси ҳақ – аъзолар ҳақи. Унинг жисм аъзоларидан бирор ёмонлик ҳосил бўлса, уни кечиради. Бирон ишда узр сўраса ҳам, уни кечиради.

Бешинчиси – вафо ҳақи. Бу дўстлик бобидаги сабот, унга ўлгунча риоя килишадир. Дўсти ўлгандан кейин эса бу ҳақни уни болаларига ёки дўстларига нисбатан давом эттиришdir.

Олтинчиси – ихлос ҳақи. Бу шундан иборатки, дўст узокда ёки олдида бўлган пайтлари ҳам бир хилда туради, ўзгармайди, икки ўртада

бўлган муҳаббат ва садокат риоя килишда заррача нуксонга йўл кўймайди.

Еттинчиси – йўқлаш ҳаки. Дўстни ўлик ёки тириклигига унинг ўзини ҳам, аёлларини ҳам яхши сўзлар билан тилга олади. Уларга хамиша омад тилайди. Ўзига нимаики яхши нарса тиласа, уларга ҳам кўшиб тилайди.

Саккизинчиси – ўзини тия билиш ҳаки. Бунда такаллуфни умуман тарк этади. Ноўрин такаллуфларга йўл кўймайди. Чунки такаллуф носоз иш бўлиб, унинг ўзини ҳам, дўстларини ҳам кийнайди ва нокулай ахволга солиб кўяди.

Юкоридаги хикматлардан ҳар бир оқил ва оқила инсон ўзи учун ижобий ҳуросалар чикарса, унинг оиласида тинчлик доимо баркарор бўлиб, умри узок бўлади.

ДОНОЛДАР АЙТАДИ:

1. Ёмонлик бўлса ҳам ҳар кандай инсон,
Тарбия малҳамин сурткин ўша он.
Илонни кўрдингми, бошин силашса,
Захридан эл учун бермоқда дармон.
2. Элнинг дарди билан куйсагина жон,
Ўша жон эгаси – ҳакикий инсон.
Нонга бок, тандирга ўзини ёккач,
Уни олкишлайди, ойнаи жаҳон.
3. Зўр кулфат соглиқдан жудо бўлишлик,
Ё фарзанд додига адо бўлишлик.
Хаммаси ёмону, аммо ёмони,
Ватани туриб, ватангаго бўлишлик.

ҲАДИС ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ ҲАҚИДА РИВОЯТЛАР

Маълумингизким, узок тарихга эга бўлган ўзбек ҳалки таълимтарбияга оид бой меросга эга. Биз жаҳон маънавияти ҳазинасини бойитган Имом Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ахмад Ал-Фарғоний, Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Баҳовуддин Накшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзодек улуг алломалар меросхўримиз. Биз бу инсонлар меросини, маънавий сарчашмаларини чуқур ўрганиб, эҳтиёт килиб, бойитиб, улар ёккан чирокларини янада мунаввар этмогимиз даркор. Шу боисдан улуғ инсон – имом Ал-Бухорийга багишланган бир канча ибратли ривоятлар маълумки,

уни билиб кўйиш фойдадан холи бўлмаса керак деган умидда сиз хурматли китобхонларга уларни ҳавола этмоқдаман.

Имом Ал-Бухорий норасидалик пайтидаёқ илохий иноят унга эътиборни каратган экан.

Ривоят килишларича, Имом Ал-Бухорийнинг кўзи кўр бўлиб колган экан. Онаси туну-кун Аллоҳга илтижо килиб, унга шифо сўрар экан.

Кунларнинг бирида онаси тушида Иброҳим алайхиссаломни кўрибди. У киши дебди: “Эй аёл, тур энди, оху-нолаларингни бас кил, сен Аллоҳдан болангта шифо беришини астойдил, чин юракдан тилаган эдинг, парвардигор фарзандинг кўзларига нурни қайтариб берди”.

Тонг отгач, она караса, ҳакикатдан ҳам фарзанди ҳовлида ўйнаб юрган экан. Шундан эътиборан Имом Ал-Бухорий ҳадис илмига бутун умрини багишлаган экан.

Иккичи бор ривоятда айтилишича Имом Ал-Бухорийнинг отаси ўз замонасининг катта олимни бўлиш билан бирга, такводор ҳам бўлган экан. У вафоти олдидан: “Менинг молларимга ҳаром ва шубҳали бирор дирҳамнинг аралашганини билмайман” – деган экан. Имом Ал-Бухорий ҳалол лукма еб вояга етган экан. Шунинг учун “Унга отасининг фазилатлари (илм, дин ва такводорлик) мерос бўлган” дейилади.

Яна бир ривоятда Аллоҳ унга онгли қалбни, кучли ёдлаш кобилиятини, ўтқир зеҳни ато этган экан, дейилади.

У 9-10 ёшлардаёқ 70000 ҳадисни тартибли тарзда ёд олган экан. У бирон бир китобга назар ташлашининг ўзидаёқ уни ёдлаб олар экан.

Кейинги ривоятда айтилишича, унинг ўзи шундай деган экан: “Мен 1080 одамдан ҳадисларни ўргандим. Ҳадис излаб бормаган ислом диёрлари жуда кам колган бўлса керак. Ҳадис айтиб бергандар ичida ҳадис сохиби бўлмагани йўқ. Мен ҳадисларни “имон - сўз ва амалдир” деганлардангина ёзиб олдим”. Айтишларича, бу ҳадис асарини Имом Ал-Бухорийнинг ўзидан 70000 киши тинглаган экан.

Кейинги ривоятда Ибн-Исмоил қўйидагича ҳикоя килади: “Имом Ал-Бухорий дарс тинглашдан биздан ажralиб турарди. У дарс пайтида бир неча кун кофоз ва қаламсиз дарсга келди. Биз ҳаммамиз ҳадисларни домла айтганидек дафтарилизга ёзиб олардик. Биз ундан нега ёзмаяпсан, деб кунда сўрар эдик. У индамас эди. 16 кундан сўнг, у: “Жуда кўп марта нега ёзмаяпсан, деб сўраяпсизлар, кани, сизлар ёзганлирингизни кўрсатингларчи” – дебди. Сўнг у бизнинг ёзувларимизни кўриб, 16 кун давомида биз ёзиб олган 15000 ҳадисни ёддан айтиб берди. Кейинчалик ёзганларимизни тўғри ёки нотўғрилигини, уни ёдлаб олганига солиштириб, билиб оладиган бўлдик”.

Дарҳакикат, маърифат ахли унга ёшлигиданок ҳадис эшитиш учун эргашиб юришар экан.

Яна бир ривоятда айтилишича, ҳадис сохиблари тўпланиб, 100 та ҳадисни олибдилар-да, уларни матнларини ҳам, саналарини ҳам аралаштириб юбориб, 10 кишига бўлиб беридилар. Мажлисда Боғдод ва Хуросонликлар ҳам йигилишган экан. Тайинланган ҳар 10 кишидан бири Ал-Бухорийдан чалкаштирилган ҳадислардан сўрай бошлабди. Ал-Бухорий уларга “ билмайман ” деб жавоб бера бошлабди. Мажлисда ўтирганлар бир-бирига караб, бу одам ҳамма нарсанни билиб туриб, атайин билмайман, деб жавоб бераяпти, десалар, бошка бирлари уни билмасликда айблабдилар.

Ал-Бухорий уларнинг саволлари тугаганлигини билгач, кейин бирмабир ҳар 10 кишига, сиз биринчи ҳадисингизни “бундай” дедингиз, унинг тўғриси “мана бундай бўлади”, деб ҳар бир матнни ўз иснодига, ҳар бир иснодини эса ўз матнига тушириб берган экан. Шундан сўнг ахли мажлис унинг фозиллигини тан олган экан.

Ривоят қилишларича, Имом Ал-Бухорий жисми озгин, ўрта бўйли бўлган экан. Айтишларича, у бир кунда 2 ёки 3 дона бодом еб ҳам кифоялланган экан.

Кейинги ривоятда айтилишича, бир куни Имом Ал-Бухорий пешин номозини ўқиб, кейин нафл намозини ўқиди. Намоз тугагандан сўнг кўйлагини кўтариб, ёнидаги одамга: “Қаранг-чи баданимда бирон нарса борми?” – дейди. Ҳалиги одам караса, бир ари унинг 17 жойини чакибди, таналари илжираб кетибди. Шунда: “Нега ари биринчи бор чакканда, намозни бузаколмадингиз?” – деб сўраганда, у: “мен шундай сурани ўқиётган эдимки, уни тамомига етказишга карор килдим” – деб жавоб берган ва Куръон Каримни кандай улуғлаш кераклигини намойиш этган экан.

Кўрдингизми, биргина алломамиз ҳаётига оид бир нечта ривоят бизни сабр-токатта, ёркин келажакка умид билан карашга, саҳоватликка, ҳалолликка, ўткир зеҳнли бўлишга, камтарликка, соглом турмуш тарзини шакллантиришга, эътиқодли, одобли бўлишга чорляяпти.

Бизнинг конимизда ана шундай буюк зотлар кони окар экан, бизда фаровон ва гўзал ҳаёт яратиш учун бекиёс имконимиз бор. Буюк ватанимиз – Ўзбекистонимизнинг келажаги порлок давлат бўлишлиги хакикатdir.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Инсон шарафининг ривожи – адаб,
Қадри қимматининг гултоғи – адаб.
Балою қазодан омон сакловчи,
Қалкону восита, иложи – адаб.

2. Адаб билан инсон иззат топади,
Обрӯю, шарафу хизмат топади.
Адаб соҳибила сўзлашган киши,
Рухига дармону, кувват топади.
3. Хомтакдан ҳар бир ток камолга етур,
Барги ҳаво олиб, шамолга етур.
Хомтак килинмаса инсон феъли ҳам,
Ғовлаб кетиб, охир заволи етур.

VI – ШИФОКОР МАЪНАВИЯТИ

ШИФОКОРГА ХОС ФАЗИЛАТЛАР

Дунёда мутахассисликлар кўп. Шулардан бири шифокорликдир. Ҳозирги шаронт социал-иктисодий тараккиётни янада жадаллаштиришни талаб килемкода. Бу эса инсон омилига бевосита боғликдир. Инсон омилини кишиларнинг ахлоки, одоби, маданияти, онглилиги, интизоми, меҳнатсеварлиги каби фазилатлари билан узвий боғликдир.

Шу бонис, биринчи Президентимиз И.А.Каримов “Биз соглом авлодни тарбиялаб вояга етказишими керак. Соглом киши деганда факат жисмонан согломликни эмас, балки шаркона ахлок-одоб ва умумбашарий гоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз”, деб кўп бора тақрорлайдилар.

Тиббиёт касбини эгаллайман деган инсон бир канча одамийлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозимдир.

Булар кандай фазилатлар? Шифокор сўзининг ҳар бир ҳарфига ургу берсак, шифокорга хос фазилатларнинг кўпчилигини билиб олишимиз мумкин.

Шифокор ширинсухан, шижоаткор, шафкатли, шукрони айтиб яшайдиган инсон бўлмоги лозим.

Бир фозилдан: “Қайси фазилат – энг яхши фазилат саналади?”, деб сўрасалар, у: “Кулар юзли, ширин сўзли, хушмуомалали бўлиш”, деб жавоб берган экан. Шифокорда шу фазилатлар бўлмоги жуда зарур.

Беморга энг биринчи даво, бу – ширин сўз. Унинг ўрнини беҳисоб дори-дармонлар ҳам боса олмайди. Ширин сўз bemorni kайfиятини кўтаради, согайишига бўлган ишончини оширади.

Мутафаккир шоир Алишер Навоий: “Шифокор, мулоим сўзли ва bemor kўnglini kўtaruvchi, andishalni, xushfeyl bўlmoqi kerak”, деган. У шижоатли, шафкатли табибни пайгамбар Ислого ўҳшатади. “Исонинг иши

жонни дуо билан танга киритиш бўлса, табибнинг иши тандан чикмокчи бўлган жонни даво билан чикармасликдир. Бундай шифокорнинг юзи бир хаста кўнгилда севимлидир, сўзи эса, bemorlar жонига ёкимлидир. Унинг хар бир нафаси bemorlarга даво, хар бир кадами эса, хасталарга шифодир”, дейди.

Аллома Абу Али Ибн Сино “Шоир тилни амри бўлганидек, табиб баданинг шоҳидир. Табибнинг вазифаси хастани даволаш, у ким бўлишидан, кандай масхабга, динга мансублигидан қатъи назар, ёшми-кари, эркакми-аёл, ўғилми-киз, барибир касал, уни оёкка тургазиши, дардига шифо бериши, ўзгаларга бегона ёки хирс кўзи билан карамаслиги, хаста киз бўлса, ўз кизини, ўғил бўлса, ўз ўғлини, аёл бўлса ўз онасини, эркак бўлса ўз отаси, иниси, акасини кўраётгандек бўлиши шарт. Хастага ширин сўз, хушхулк, хушмуомала билан ёндошмоги, унинг дардини ўзининг дарди деб билмоги, оғриса оғриб, йигласа йиглаб, инграса инграб даволаши керак. Аммо, сўкинса сўкинмаслиги, додласа додламаслиги, ёмон кўнгилга бормаслиги керак”, деган экан.

Шуни унутмаслик керакки, шифокор ўзининг ширин каломи билан bemor билан биринчи мулокотдан сўнг, унда согайиб кетишга ишонч, умид алангаларини ёка олсагина, у яхши шифокор бўла олади. Шу боис ҳам XVIII-аср олими Ф.Волтер: “Согайишга ишонч – ярим согайиш демакдир”, деган бўлса, В.М.Бехтерев “Врач сухбатидан сўнг, bemor ўзини енгил хис килмаса у врач эмас”, деб уктиради.

Шифокор илмли, ихлосли, иродали, хар ишда илғор, инсонпарвар, интизомли, иктидорли, бўлиши керак. Шифокор шу хислатларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак. У ўкув даргоҳида олган билимини уни битиргандан сўнг ҳам доимо тўлдириб бориши керак. Ҳисоб-китобларга кўра, инсонлар ўртасида учрайдиган касалликларнинг сони ўн мингдан, хасталик белгилари эса юз мингдан зиёд экан. Бундан ташкири, хар йили дунёда касалликларга карши минглаб дорилар ишлаб чиқарилади. Буларни шифокорлик пайтида турли адабиётлар, журналлар ва айrim бошка манбалардан фойдаланган холда ўрганиб бориш керак.

Машхур клиницист ва олим, академик В.Х.Василенко ёш шифокорларга карата: “Шифокор одоблигининг асоси – чукур билимдир. У бошка хар кандай мутахассисдан фарқли ўлароқ, ўз соҳасининг энг сўнгти ютукларидан ҳабардор бўлиши зарурдир. Масалан, яқиндагина адабиётда баён этилган касалликнинг кечиш хусусиятлари, янги диагностик усуслари, янги дори-дармонларидан беҳабар колиш bemornining соглиги учун жиддий таъсир этувчи салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бизнинг ишимизда локайдликка йўл кўйиб бўлмайди. Беморни ҳафа килиш, ёш болани ҳафа килиш билан тент”, дейди.

Машхур тиббиёт тарихчиси М.К.Кузьмин ўзининг 1978 йилда Чоп

этган “Тиббиёт тарихи” китобида талабаларнинг “Врач кандай бўлиши керак?”, деган саволга берган бир нечта жавобларини келтиради. Жумладан, бир талаба: “Ўз қасбини ҳакикатдан севадиган, одамларга меҳр-муҳаббат кўйган, ҳар доим уларни курсанд ва қувнаб туришларини истаган билимли кишиларгина врачлик фаолиятини танлайдилар”, деган бўлса, бошка бир талаба: “билимли инсонларгина шифокор бўлишга ҳакли”, деган экан.

Шифокор билимсиз бўлишга ҳакки йўқ. Билмаслик айб эмас, билишни истамаслик айбдир.

Ўрта аср Шарк тиббиётининг кўзга кўринган вакилларидан Абу Бакр Ар Розийнинг таъкидлашича, шифокор даволаш билан банд бўлиб колмасдан, тиббиётга оид адабиётларни ҳам ўқиб бориши керак. У: “Минглаб шифокорлар, эҳтимол, минг йилдирки тиббиётни такомиллаштириши устида меҳнат килиб келганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг асарларини ўқиб, мазмунига тушуниб етишга интилган киши, минг йил давомида беморларни даволаб келгандан кўра, ўзининг озгина умри давомида кўпроқ нарсани кашф этади”, дейди. Буюк ҳаким факат ўкиш эмас, балки ўқилган нарсани мушоҳада килиш, танқидий баҳо бериш, булар натижасида йигилган билим, тажрибадан беморларни даволашда фойдаланиш кераклигини ҳам таъкидлайди.

Ҳакикий, ўз қасбини севган шифокор ҳар бир ишни ихлюс билан бошлаб, ирова билан охирига етказади. Ёзувчи Максим Горький: “Ирова барча дори-дармонлардан кўра кўпроқ наф беради”, деган экан.

Демак, билимли шифокоргина эл ҳурматига сазовор бўла олади.

Шифокор ўз қасбига фидойи, фаҳм-фаросатли бўлиши керак. Инсоннинг табиати қизик. Одамлар борки, бировнинг гам ташвишини, бошига тушиб турган мусибатини кўриб, заррacha ҳам пинагини бузмайдилар. Лекин, баҳтимизга орамизда ўзгалар учун жонини фидо этаётганлар ҳам кўп. Баҳтсизни куткарай деб, ўзини сувга ташлаганлар, ўтга урганилар озмунчами? Бировни дардини олай деб, ўлим билан юзмайоз келган шифокорларнинг фидойиликлари ҳам ана шундай жасоратлардан асло колишмайди.

Шифокор ҳар доим, ҳар кандай шароитда ҳам даволашнинг имконият ва чораларини излаб топа олади. Фидойи шифокорда бирор қасалликни юқтириб олиш ҳавфи ҳам, ўзига зарар етиш тахликаси ҳам бўлмайди. Башариятни энг даҳшатли дардлардан ҳолос этаман деб, ўзларига қасалликни юқтириб, вафот этган шифокорлар озмунчами?

Одесса шаҳрилик врач – эпидемиолог С.С.Андреевский 1837 йили кўйдирги қасаллигини ўзига юқтириб, бу қасалликни юқумли табиатли эканлигини кўрсатиб берган. Профессор Г.Н.Минх тошма ва қайталама тиф қасалликларини келиб чикиш сабабларини ўрганмок максадида бемор

конини ўз териси остига юборган. Ўлат касаллиги бўйича мутахассис Д.К.Заболотний ва таникли бактериолог И.А.Деминскийлар ўлат касаллигини ўрганиш жараёнида ўзларига ўпка ўлатини юктириб, вафот этганлар.

Нобель мукофоти лауреати, япон олим Ночуги ҳам Африкада сарик иситма касаллиги сабабини аниклаш жараёнида бу касалликни ўзига юктириб, вафот этган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шифохонага тушиб колган беморни кўп холларда руҳи тушган бўлади. Уни sogайib кетишига ишонч пайдо килдириш тибиёт ходимининг бурчидир. Шундай килиш керакки, бемор ҳар томондан ўзига ғамхўрлик килинаётганлигини шоҳиди бўлсин. Шифокорнинг очик чехраси – беморнинг sogайishi демакдир.

“Врачлик касби – жасорат, бу касб фидойиликни, қалб ва фикр соғлигини талаб килади”, деган экан А.П.Чехов.

Ҳар кандай шароитда ҳам бемор олдилда туриш, ҳеч кимдан ва ҳеч қачон ўз ёрдамини аямаслик – фидойи шифокор табиатига хосдир.

Шифокор одбли, оқил, олийжаноб инсон бўлмоғи лозим. Ахлоқ маданияти – инсон маданиятининг таркибий ва ажралмас кисмидир. Унга одоб саклаш коидалари яъни, муомала ва мулозамат нормалари, хушмуомалалик, меҳнатда ва ҳаётда ўз вактида тартибга сола билиш, гигиена ва саломатлик коидаларига амал килиш, бошқалар олдилда ўзини тута билиш, имо-ишора ва тана ҳаракати коидаларига амал килиш, сўраганда тўғри, равшан гапира олиш, ўз фикрларини киска аник ифодалаш ва бошқалар киради.

Абу Али Ибн Сино: “Ахлоқ – ҳар бир киши учун ўз-ўзини идора килиш илмидир”, деб таъриф берган.

Ҳадиси шарифда: “Сизлар одамларни молу-дунёларингиз билан мамнун кила олмайсизлар, балки очик юз ва яхши ҳулкларингиз билан миннатдор килишингиз мумкин”, дейилган бўлса, буюк аллома Абу Наср Фаробий: “Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча ҳислатлари ахлоқ билан белгиланади”, деган экан.

Инсондаги гўзаллик, табиат ато этган гўзалликдан ташкари, энг яхши ҳулк атворни, энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган одамийликдир. Қадимги Юнон табиблари томонидан тартибга солинган Гиппократ касамёдидаги: “Шифокор юксак ахлоқ эгаси, бўлиши, қалби пок, виждони соф бўлиши керак”, дейилган. Шу боис бўлса керак, ҳалкимизда: “Олим бўлиш осон, одам бўлиш кийин” деган накл юради.

Инсон одамийлик илмини ҳаётдан ўрганмок лозим. У ҳулки зебо, маданиятли, фахм-фаросатли инсонларнинг муомала маданиятини, ўзини одамлар орасида кандай тутишини ва одоб саклашини, сўз талаффузини, умуман кишилар билан мулокотда фойдаланаётган хилма хил гўзал

муомала воситаларини ўрганиш, улардан ижобий фойдаланиши керак.

Одобли инсонлар самимий ва олийжаноб бўладилар. Улар ўзларининг бутун кучлари, билимларини жамият учун, халқ учун бахшида этадилар. Одобли инсонларнинг хислатларидан яна бири ҳушмуомалаликдир. Ҳушмуомалалик атрофдаги барча кишиларни ҳурмат килиш, уларнинг килаётган ишларига ўнгайлик тугдиришга интилишидир. Донолар айтганидек: “Ҳушмуомалаликдан улуғлик, қаноатдан роҳат, ислоҳдан мухаббат пайдо бўлади”. Ҳушфеъл кишилар билан ҳамсухбат бўлганда кўнгиллар ёзилади, дарди пайсал топади.

Инсонлар руҳиятига ижобий таъсир килиш максадида устозим Ўзбекистон фан арбоби, профессор С.Ю.Турсунов билан бирга беморлар кўригига уларга ҳадеб бемор-бемор деявермай, ая, опа, ака, ука, амаки, ота каби сўзлар билан мурожаат килган маъкул деб ўйлаймиз. Яна „Касалик тарихи”ни „Саломатлик кундалиги” деб атасак тўгри бўлармикан, деган фикрини билдиримокчимиз. Бунга сиз, азиз шифокор, нима дейсиз?

Яна синчковлик ва зийраклилик ҳар кандай соҳадаги шифокор учун айнириб бўлмас фазилатлардир.

Шу ўринда Эрон ривоятларидан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Буюк аллома, Абу Али Ибн Сино Ҳамадон шаҳрига борибди. Шахарда мусофирихона бўлмагани учун ҳамкасб табиблардан бирининг уйини топиб кирибди. Табиб беморларни кўриб ўтирган экан

- Сизда ишим бор эди, - дебди Ибн Сино табибга.

- Беморларни жўнатиб юборай, кейин гаплашамиз, - дебди табиб.

Абу Али Ибн Сино бир чеккага чўкиб, табибининг касал кўришини кузатиб ўтирибди. Табиб навбатда турган хотинини чакириб, томирини кўргач:

- Катик ичибмидингиз, - деб сўрабди.

- Ҳа, ичган эдим, - деб жавоб бериди хотин.

- Табибининг бемор томирини ушлаб, катик ичганини аниклаши Ибн Синони хайрон колдирибди.

Табиб хотиннинг афтига караб, савонни давом эттирибди:

- Уйларингизни эшиги кун чикишга қараганми?

- Ҳа.

- Кечча хўрозд палов еганидинглар?

- Ҳа.

Табиб аллакандай муолажаларни айтиб, хотинни жўнатиб юборибди. Бошка беморларни ҳам худди шу алфозда кўрибди.

Абу Али Ибн Сино табибининг билимига қойил колибди.

Беморларнинг ҳаммасини жўнатиб юборгач, табиб Абу Али Ибн

Синога:

- Қани меҳмон, энди гаплашайлик. Хўш, хизмат? – дебди.

Абу Али Ибн Сино табибнинг ёнига ўтиаркан, катта бир китобга кўзи тушибди.

- Бу китоб “Ал-конун”ку, - дебди.

- Сиз Абу Али Ибн Синомисиз? – саволга савол билан жавоб килибди табиб.

Абу Али Ибн Синонинг ҳайрати зиёда бўлибди. Бир нафас сукут килиб ўтиргандан кейин, табиба дебди.

- Сизнинг табобатдаги маҳоратингиз мени қойил колдириди. Бемор томирини ушлаб, унинг катик ичганини қандай билиш мумкинлигига ахлим бовар килмайди.

- Бу ерда ҳайрон коладиган ҳеч гап йўқ, - дебди табиб, - карасам, хотиннинг ёнига катик томган экан. Шунга караб “Катик ичганимидингиз?”, -леб сўрадим. У “Ха, ичган эдим”, деди. Талаффузидан маълум бўлдики, у маҳаллий яхудий экан. Шахримиздаги барча яхудийларнинг эшиклари кун чикар томонга қараган бўлади. Бу саволим ҳам тасдиклангандан кейин, уни маҳаллий яхудий эканлигига тўла ишонч хосил килдим. Уларнинг ҳаммасини шанба куни хўрор палов ейиши маълум. Беморга рухан таъсири мени ўтказгач, унга арзимаган бир муолажаларни айтдим. Бунинг учун унча катта табиб бўлишнинг ҳожати йўқ.

Абу Али Ибн Сино кулиб туриб:

- Хўш, менинг Абу Али Ибн Сино эканимни қаёқдан билдингиз? – деб сўрабди.

- Манави китобни сотиб олганимга анча вақт бўлди, - дебди табиб, - уни менга табобатдан таълимот деган эдилар, лекин араб тилида ёзилгани учун тишим ўтмади. Китобни бир қарашдаёқ таниган инсон уни ёзган кишининг ўзи бўлса керак, деган тусмол билан “Сиз Абу Али Ибн Синомисиз? – деб сўрадим”, деб жавоб берган экан.

Кўрдингизми, синчковлик, зийраклик бу табибга канча муваффакият олиб келди, bemorni unga nisbatan ilmosi oshdi. Shifokorga illos bora joida, bemorga shifo oson topiladi.

Камтарлик, комиллик – шифокорга хос хислатдир. Камтар шахс бошкалардан ўзини устун кўймайди, ўзига бино кўйиб, сохта шухрат кетидан кувмайди, мактанчоқлик килмайди, ютуклардан эсанкирамайди, маглубиятдан эса ўзини йўкотмайди.

Бир донишманддан: “Қандай килиб илмнинг энг юкори чўккисига чикдинг?” деб сўрасалар, у: “Билмаган, тушуммаган нарсами олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сўрадим. Бу тўғрида уялмадим, номус килмадим, ўзимни юкори тутиб, такаббурлик

килмадим", деган экан.

Инсоннинг камтарлиги пинҳона бўлади, тилда айтилмайди, балки инсонлар билан муомалада, хатти харакатларида намоён бўлади. Камтарликни ўзига пеша килган одам ҳалқ ҳурматига сазовор, баҳт-саодат унга доим ёр бўлади. Камтарликни ўзига "либос" килиб олган инсонлар ҳаётдаги энг яхши, соғ вижданли кишилар бўлиб, ҳар кандай шароитда, ҳар кандай лавозимда тўгри ва ҳакқоний йўл тутадилар, тўгри сўзлаб, тўгри юрадилар, олийжаноб, раҳм-шафкатли бўладилар, ҳамма ишни сарангом-саришта бажарадилар, ёлғон-яшикка йўл кўймайдилар.

Шифокор ина ораста, озодаликка риоя қиладиган шахс бўлиши керак. Беморни ўраб турган мухит – палата шинам ва осойишта бўлиши керак. Шифокор эгнидаги озода, дазмолланган ҳалат ва калпокча, ораста кийиниш bemorda яхши қайфият пайдо қилдиради ва ўзи даволанаётган жойга нисбатан ҳурмат ошади.

Шифокор ўз вазифасини бажараётган пайтда ҳеч кандай сунъийликка ва ясан тусанга зеб бериши керак эмас. Зоро bemor шифокордан зебу зийнат эмас, балки дардига даво кутади, холос. Эркак ҳам, аёл ҳам ўзига хос кийингани маъкул.

Шифохонадаги ҳар хил ёзувлар, алвонлар, хикматли сўзлар bemor руҳиятига катта таъсир килишини ҳам унутмаслик керак. Бу борада бир воқеани эслатишни лозим топдик. Ҳамадон шаҳрида Абу Али Ибн Сино ташабуси билан bemorлар даволанаётган жой қурилади. У қурилиб бўлгач, Ҳамадон шаҳри ҳокими Шамс ал-Давл уни "Касалхона" деб номлаймиз, дебди. Шунда Абу Али Ибн Сино мулойимлик билан эътиroz билдириб: "Касалхона" сўзи bemorларни бу ерда ётиб, тузалишига салбий таъсир кўрсатади. Уни "Шифохона" деб атасак, bemorларда шифо топиб кетаман деган ишонч пайдо бўлади, бу ҳол bemorларни тезда даволашига имкон яратади", деб ўз таклифини хонга ишонтира олган экан ва шундан кейин бу қурилишга "Шифохона" номи берилган экан.

Қўрдингизми, неча минг йиллар аввал ҳам bemorлар қалбига озор бермасликка, унинг руҳиятини кўтаришга харакат килинган экан.

Шифокор инсонларга раҳмдил, меҳр-шафкатли бўлиши, росттўйликни, режа асосида иш кўришиликни ўзига одат қилган бўлиши керак.

Юкоридаги шифокорга хос ижобий фазилатлар ўрта ва кичик тиббиёт ҳодимлари (ҳамшира ва энагалар) учун ҳам тегишилдири. Улар bemorларни даволашда шифокорнинг асосий ёрдамчилари бўладилар.

Ҳамшира ўзининг бутун иш кунини bemorлар ўртасида ўтказади. Энг кийин ва оғир шароитларда у шифокор билан ёнма-ён туради, шунинг учун ҳам bemor ҳаётини асраб колишида, даволашда унинг хиссаси шифокорнидан кам бўлмайди. Ҳамшира ҳушмуомала бўлиши, шошмай

ва ҳовлиқмай ишлаши лозим. Уни bemorлар билан турли мазуларда сухбатлашишига тўгри келади. Шу боис, ҳамширанинг маданий савијаси, нутки, дунёкараши, билими катта аҳамият каеб этади. Ҳамширалар гўёки осуда ва унчалик сезиларсиз кундалик меҳнатлари билан чинакам жасорат кўрсатадилар.

Бемор шифохонада даволанибгина колмай, парваришга ҳам муҳтож бўлади. Худди шу парваришида энагалар хизмати бекиёслидир. Улар ҳам кун давомида bemorларга караш, уларни жойлаштириш, ўрин-кўрнасини тузатиш, кийим-бошини алмаштириб туриш, тувак тутиш, грелкаларни, муз солинган резина ҳалталарни тайёрлаб бериш, хонани йигиштириб, уни озода саклаш, ҳавосини алмаштириш, bemorларга овкат тарқатиш ва ҳоказо вазифаларни бажарадилар. Улар bemorнинг руҳий ҳолатини яхши тушунишлари, bemorga нисбатан меҳрибон ва хайриҳо бўлишлари лозим. Умуман олганда, ҳозирги кунда энагаларни кичик тиббиёт ҳамшираси деб ашаш керак, деганлари мутлако тўгри.

Врач, ҳамшира, энаганинг bemorларни даволашда ахиллик, яқдиллик билан қилган ишлари, бу жуда катта кучдир. Врачнинг ҳамшира ва энагага берадиган ҳар кандай танбеҳини bemor ёки унинг кариндошлари олдида юз беришига асло йўл кўймаслик керак. Камчиликларни бартараф килиш хусусида ўзаро ҳурматни саклай билиш лозим. Ўзаро ҳурмат, бирбiriни тушуна билиш, ҳушмуомалалик бутун жамоага сингиб кетиши зарур.

Беморга самимий муносабатда бўлиш, кўнгилни кўтарувчи бир икки оғиз сўз, согийишга ишонч уйготиш – булар ҳаммаси ҳозирги кунда даволаш – профилактик воситалари ҳазинасидан ўрин олиб келиши керак.

Эрамизнинг V асрода ижод қилган юон ҳакими Гиппократ (Букрот) ўша даврлардаёқ: "Қаерда инсонлар севилса, ўша ерда тиббиёт санъати ардокланади" деганлиги ҳам бежиз эмасdir.

Гиппократ: "Шифокор тиббиётга донишмандликни олиб кириши, файласуф бўлиши лозим. Файласуф ҳам, шифокор ҳам ҳалоллик, номуслик, яхши ном, кўнгил хотиржамлиги, бамани нутк, амалий ҳаётда керакли ва фойдали нарсаларни билиш, улуг қалб эгаси бўлиш каби хислатларга эга бўлиши керак", деб таъкидлайди.

Қадимий ҳинд манбаларida шифокорларга нисбатан каттиқ талаблар кўйилган. Шифокор дўстларига ва ҳатто душманларига нисбатан ҳам ҳакқоний бўлиши, оиласий сирни мукаддас билиш, тилини тия билиши керак.

Киши ота-онасига, дўсти, устози олдида кўркиши мумкин. Лекин у шифокор ҳузурига боргандা ҳеч кандай ҳавф-ҳатарни сезмаслиги керак. Зоро, шифокор bemortga ўзининг ота-онаси, дўсти ва устозидан кўра меҳр ва диккат эътибор билан караши керак. Ҳаким bemorлар учун – ота,

соглом кишиларга дўст, бемор даррдан халос бўлиб, саломатлиги тикланганларга эса, у посбондир. Яхши шифокор бўлиш хато килмасликда эмас,балки ўз хатосига жиддий ёндошиб, уни бўйнига олишда ва тузатишдадир.

Шифокорлар bemорни тарбиялаш ҳам уларнинг ўз вазифаларига киришини унутмасликлари керак. Беморни ногўгри ҳаёт кечириш тарзини ўзгартириши кераклигига, заарли одатлардан воз кечишига ишонтириш, муттасил равиша, охиста даволаниш мумкинлигини билдириш, ўз-ўзини даволаш харакатларидан воз кечтириш – бу касалликка карши курашда bemорнинг ўзининг фаол ёрдамчиси, иттифокчисига айлантириш демакдир.

Тиббиётнинг ўқиб-ўрганиш осон эмас. Шунинг учун ҳам бу соҳани танлаган ҳар бир инсон уни тиришкоклик билан муттасил равиша эгаллайди. Ақли, моҳир шифокор ҳеч качон ҳамкасларига гайирлик кilmайди, уларнинг обрўсига путур етказмайди. Бошқаларни менсимай, “ўзим биламан” деб даво килмайди. Илмда ундан ҳам юкори зотлар борлигини унутмайди. Касбга садокатли ҳалол ва bemорларга меҳр-шафкатли, илмли бўлган шифокор ҳар кандай дардга даво топа олади.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Шифокорнинг аввал кўзи шифоли,
Колаверса, очик юзи шифоли.
Шифо учун дори-дармондан ҳам,
Икки оғиз ширин сўзи шифоли.
2. Табибнинг багрида бир неча ҳислат,
Бўлмоги вожибидир, эй олий ҳиммат.
Насихат килгучи бўлсин одамга,
Гунохин кечирсин, кўймасин ғамга.
Бачканга ҳазилу, кулгудан кочсин,
Қадри, эътибори кам бўлмай ошсин.
Каттаю-кичикка бўлсин меҳрибон,
Сўзи тўгри бўлсин, ахлоқи омон.
Иғвогар бўлмасин, кибрдан кочсин,
Ширин сўзлар ила оғзини очсин.
3. Шифокордан минг марта яхши кайфият тилаб килинади, чунки, у инжик, кайсар хаста билан иш кўради.
4. Моҳир жарроҳда бургутнинг кўзи, шернинг юраги, аёлнинг кўли бўлиши керак.
5. Шифокор доим хизматта тайёр туриши, тажрибали ва вижданан пок бўлиши зарур.
6. Нўнок ёзувчи, чала рассом, истеъдодсиз артист бўлиши мумкин,

аммо ёмон шифокор бўлиш асло мумкин эмас. Бу – жиноят.

7. Шифокорнинг бемор хузурида пайдо бўлиши, унинг биргина ширин каломи, беморни дардан тезрок фориг бўлишига ёрдам беради.

8. Табибнинг юзи – касалнинг кўнглига маҳбуб, сўзи – беморнинг жонига маргуб, нафаси – дармонсиз, нимжонларга даво, кадами беморларга шифодир. Унинг кўриниши беморларга нажот багишлайди, берган шарбати, дори-дармони оби-ҳаёт демакдир.

ШИФОКОРГА ЁТ ФАЗИЛАТЛАР

Инсоннинг қалбига йўл топиб, улар дардига малҳам бўладиган касб – бу шифокорлик касбидир.

Биз юкорида шифокорга хос фазилатлар ҳакида сўз юритдик.

Шуларга амал килган шифокорларимизнинг кўпчилиги ўзларининг чукур билимлари, халол меҳнатлари билан эл оғзига тушиб, уларнинг хурматларига сазовор бўлаётганликларини кўриб кувонасан киши. Лекин шу билан бирга айrim шифокорларнинг беморлар дардини тўлақонли эшитмай, улар билан яхши муомалада бўлмай, шошма-шошарликка йўл кўйиб, уларни текширишга етарли вакт топмай, улар ишончни қозона олмаётганликларини гувоҳи ҳам бўлмоқдамиз. Натижада рўзнома ва ойнома сахифаларида айrim шифокорларнинг айбловчи мақолаларини ўкиб қоламиз. Биз ўйлаймизки, бу шифокорларда касбга садоқат, фидойлилк, сабр-токатлилк каби фазилатлар этишмайди. Уларда шифокорнинг ҳар бир қабулида, ҳар бир ёзуvida, инсон ҳаёти, унинг оила аъзолари, қариндош-уругларининг ғам-ташвишлари турганлиги хисси кўринмайди.

Шифокор қўпол бўлишга ҳакки йўқ. Дейлик, аҳволи унча оғир бўлмаган беморга турли ноёб дориларни бериб, ширин сўзимизни дариг тутайлик. Бемор, аввало, шифокор яхши гап айтмаяпти, демак тузалмас эканман, деган ҳаёлга боради, унда руҳий безовталаниш, руҳий емирилиш бошланиб, аҳволи беш-баттар ёмонлашади. Агар, бунинг аксича, оғир беморга дори-дармонлар бериш билан бирга, ширин ва мулоим сўзлаб, унинг кўнглини кўтарилса, унда хатто ҳали тиббиётга маълум бўлмаган ҳимоя нукталари ҳам ишга тушиб, тузалиб кетиши осонлашади. Бу ҳолатларни ҳаётда тез-тез кузатамиз.

Сўз билан чиндан ҳам жонга оро кириши, лекин беиҳтиёр оғзидан чиккан қўпол, бемаъни сўз тузатиб бўлмайдиган даражада инсонга зиён келтириши мумкин.

Юрак хасталигидан ўлиб қоламан шекилли, деб кўркаётган, жуда серҳадик одамни бир тасаввур килинг. Агар шифокор шу беморни

юрагини эшишиб, бор йўги бир хўрсиниб кўйса, бас: шундан кейин ўша беморга ҳеч кандай дори-дармон наф бермаслиги мумкин.

Яна бу тўғрида, А.С.Пушкининг шахсий шифокори бир беморни сўз билан ўлдириб кўйганини эслаш кифоядир. Шифокор жон бераётган А.С.Пушкин ёнидан эндинга уйига келган экан. Шу пайт уни бошқа бир беморни кўриб кўйишга чакиришибди. У беморни кўриб бўлгач, бемор аранг бошини кўтариб: “айтингчи доктор, менда тузалишга умид борми, тузалиб кетармикинман?”, деб сўрабди. “Ҳеч умид йўқ, деб жавоб берибди доктор. Нима бўлти, ҳаммамиз ҳам бир куни ўламиз, отахон. Ана, Пушкиндай улуг шоир ҳам кўзини юмиб кетаяпсизми? Пушкин-а! Сиз билан биз ҳам энди ўлиб кетаверсак бўлаверади”.

Шу сўздан сўнг бемор инграб, бошини ёстикка ташлабди ва А.С.Пушкин билан бир кунда, деярли бир соатда вафот этган экан. Мазкур ҳолда шифокор ўзини йўқотиб, ўз бурчини бузган. Кўраяпсизми, ҳалкимизни: “Сўз кулдиради, сўз ўлдиради”, деган накли бежиз эмас экан.

Шу ўринда шифокор деонтологияси муаммоларидан бири бўлган – “Ятрогения” ҳакида сўз юритмоқ жоиздир. Ятрогения – бу врачнинг ёки ўрта ва кичик тибиёт ходимининг ношуд сухбати, ножёя кўрсатмалари, кўпол ҳатти-харакатлари, билимсизлиги, локайдлиги ёки бир ёмон сўз билан беморда пайдо бўладиган янги касалликдир. Бу ҳолат тибиёт ходимларидан ичига ўз деонтологик бурчларини тўла тушуниб етмайдиганлар борлигидан далолат беради. Бундайлар шифокорлик шаънига доғ тушурадилар. Шунда беморларнинг тибиёт ходимларидан ишончи кочиб, дардларига давони бошка, тибиётдан беҳабар инсонлардан ахтаришга тушадилар.

Шу ерда яна бир наклни келтиришни жоиз деб билдим.

Накл қилишларича, кунларнинг бирида Лукмони ҳаким кўчада кетаётган экан. Қараса, сал олдинда бораётган бир киз бот-бот туфлармиш. Буни кўрган ҳаким қизнинг орқасидан корама-кора бораверибди. Ниҳоят, киз бир уйга кирибди. Унинг кетидан етиб борган Лукмони ҳаким дарвозани таккиллатибди. Дарвозадан бир мўйсафид чикиб ҳакимни танибди ва эҳтиром билан уйга таклиф этибди. Гап орасида Лукмони ҳаким мўйсафидга:

- Қизингиз бедаво дардга чалинибди, афсуски муолажанинг иложи йўқ, дебди.

Ҳакимнинг бу сўзларини ҳалиги киз эшик орасида эшишиб турган экан. Бирдан қизнинг юраги дук-дук уриб, калтираб йикилибди ва күшдан кетибди. Ҳуллас шу бир оғиз сўз окибатида киз каттик дардга гирифтор бўлиб, оламдан ўтибди.

... Кунларнинг бирида қизнинг отаси Лукмони ҳакимни учратиб колади. Шунда ота:

- Таксир, кизим бедаво дардга чалинганини қандай билган эдингиз? – деб сўрайди.

- Қизингиз кўчада туриб, бот-бот қон туфлаганини кўрган эдим, - деб жавоб килади Луқмони ҳаким.

- Бу жавобни эшиштган чол ўз пешонасига битта уради. Кейин сал ўзига келгач:

- Эҳ аттанг, қизим ўша куни шотут еб эди, сиз кўрган туфурги шотут шарбатику! – дебди.

Шунда Луқмони ҳаким чол олдида тиз чўкиб, узр сўрабди:

- Сиз менга ва биздан сўнгги авлодларга унитилмас сабоқ бердингиз. Бир сўз билан соппа-соғ одамни ўлдириш ёки аксинча беморни оёқка тургизиб юбориш мумкин экан.

Шифокорни локайдлиги, бепарволиги, кўполлиги, интизом ва бурчига содик бўлмаслиги ўта нохуш оқибатларга олиб келади.

Шуни унутмаслик керакки, шифокор беморни ўргана бошлаган биринчи пайтлардаёқ, бемор ҳам шифокорни ўргана бошлади. Шифокорнинг сўзлаган сўзидан, унинг одобидан, уни қандай инсон эканлигини, мартабасини билиб олса бўлади. Агар шифокор, бемор калбидан жой ололса, унда бемор шифокорга ихлос кўяди ва касалликка карши курашища унинг иттифокчисига айланади.

Суҳбат чоғида шифокор беморнинг ҳар бир сўзини, диккат билан тинглаши, ундан ўзи учун керакли хулосалар чиқара билиши лозим.

Бемор сўзларига эътиборсизлик, ўзини алаҳситиб, турли қоғозларни ёзиб ўтириш, шифокор обрўсини туширади ва беморнинг унга бўлган ишончини йўқотади. Бу нарса беморда шифокорга нисбатан хурматсизлик ва ачигланиш кайфиятини туғдиради.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, не-не умидлар билан шифокор хузурига келган bemor уйкусизликдан шикоят килса-ю, шифокор бошка ишлар билан машғул бўлиб, унинг шикоятига эътибор бермай: “Тушингизда нима кўраяпсиз?” деб турса, bemor бу шифокорнинг унинг дардига даво бўлишига қандай ишонсин. Уйкусизликдан шикоят килган инсон, қандай туш кўриши мумкин?

Такаббурлик шифокорга ёт фазилатdir. Шу ўринда сиз азиз ўкувчим, куйидаги ривоятга бир эътибор беринг-а:

Фалакнинг гардиши билан стол устида керосин лампа электр лампа билан учрашиб колишибди. Керосин лампа кўп умр кўрган, электр лампа эса унга нибатан жуда ёш экан. Бекор турмай, улар ўзаро суҳбат бошлашибди.

- Яша, ўғлим. Доимо соғ-саломат бўл, дебди керосин лампа электр лампага караб.

- Раҳмат! Факат марра бизники, ота! Шундай эмасми? – деб

такаббурона жавоб берибди электр лампа.

- Албатта, марра сеники, ўғлим, лекин масала шундаки, аввало, марра абадий ходиса эмас, балки саноксиз, кўп мэрралардан иборат. Шунинг учун гафлатда колма.

- Мана, сиз кариб колдингиз, мен эса сизнинг мэррангиздан ўтиб кетдим, шунинг ўзи мен учун ютук.

- Кеккайма, ўғлим! Одоб ва камтарликни унумта! Агар ҳакикатни билишни истасанг, мэррадан ўтишингга мен замин тайёрлаб берган эдим, буни унутганга ўхшайсан. Ўз вактида менинг ёргумда не-не олимлар, улуғ зотлар ижод этганлар. Демак, сенинг эришган муваффакиятингда билиб кўйки, менинг ҳам хиссам бор!

Ажабо, худди шу пайт кучланиш пасайиб, яркираб турган электр лампанинг симлари кизариб колибди. Шундай бўлсада, керосин лампа синниклик, камтарлик билан, уни хижолатдан чикаришга ҳаракат килиб, дебди: - Баракалла, ўғлим, бу кизаришинг, сенда хаёй борлигидан далолат беради. Бу яхши фазилат!

- Раҳмат ота!

- Иккинчи томондан, ёшлик гуури сендаги шиддат ва қувватдан гувохлик бермокда. Агар бу қувватни тўғри, окилона сарф килсанг, шубҳасиз, ажойиб ютукларга эришасан. Акс ҳолда, бутунлай куйиб, ишга яроксиз бўлиб колганингни ўзинг ҳам сезмай коласан, ўғлим.

Ибратли хикоя, шундай эмасми? Ҳаётнинг сабоқлари ғоят даражада хикматли, бебаҳо, конунлари эса мураккабdir. Ҳолбуки, буни баъзи кимсалар енгилтаклик билан ечмокчи бўладилар.

Минглаб йиллар давомида ҳаётда синалган ҳалол меҳнат йўли тургани ҳолда баъзилар нотўғри ҳаракатлар или “муваффакият” козонмокка уринадилар. “Муваффакият” козонгандар оғушида такаббурлик хасталигини юқтириб, дўст-душманнинг, яхши-ёмоннинг фаркига бормай қўядилар. Шубҳа йўкки, эрта ёки кеч бундай баландпарвоз совун кўпигидай йўқ бўлиб кетади.

Шифокор билимсиз бўлишга ҳакки йўқ.

Шарқ донишмандларидан бири: “Ҳар кишининг бўйнида иккита занжир бўлур. Кимки камтар бўлса, юкоридаги занжир тортилур. Бундай одам ҳалк ичиди улуғ ва азиз бўлур. Кимда ким такаббурликни одат килса, пастки занжир тортилур ва ундан инсон эл орасида хор ва беэътибор бўлур”, деган экан. Демак, камтарона, ҳалол меҳнат билангина эл хурматини козониш мумкин.

Америка Кўшма Штатларида тиббиёт билим масканларини битириб чикувчиларга уч хил диплом берилар экан. 3-баҳога битирғанларга сарик, 4-баҳога битирғанларга кўқ ва 5-баҳога битирғанларга кизил. Ҳар бир хонадон эшигига, шу хонадонда 3 ёки 4 ёки 5 га битирған шифокор

яшайди деб, уни фамилияси ва исми кўрсатилар экан. Энди ўйлаб каранг, тиббиёт хизмати пуллик бўлгандан кейин ким ўз оила аъзолари ва якинларини З-баҳоға битирган шифокорга кўрсатади?

Ўзбекистон Соглиқни Саклаш Вазирлигини кўрсатмасига биноан, бемор шифохона ва поликлиникада шифокорни ташлаш ҳукукига эга. Бу масканларда бир шифокорга кўп bemor мурожаат этиб, даволанса, иккинчисига кам bemor келса, иккинчи шифокор ўз-ўзидан ишдан кетишга мажбур бўлади. Бу хаёт такозоси.

Бизнингча, бўлажак шифокорлар ўкув даргоҳларида З-баҳоға ўқишиларига ҳаклари йўқ бўлиши керак. Чунки инсон ўзи учун энг катта бойлик бўлган саломатлигини кимга ишониб топшириши керак?

Шифокор bemorлар манфаатини ҳамма нарсадан юкори кўйиб, керак бўлса уялмай ўзидан малакалироқ шифокорга маслаҳат сўраб, мурожаат килишига интилмас экан, у хеч качон муваффакиятга эришолмайди.

Шифокорнинг эл-суяр ва кадрли мутахассис сифатида шаклланиши учун унда учта хосият – тиббий билим, тиббий маҳорат, шифокор фикри бўлиши шартдир. Дарҳакикат, ҳакикий шифокор бўлиш учун, табобат илмининг билимдони, ҳатто маҳоратли, фикри теран мутахассис бўлишининг ўзи кифоя эмас. Шифокор ахлокан камолатга эришган, ҳамиша бурчига садокатли, яхшилик килишга интилувчи, одамларнинг дардига малҳам кўя оловчи, юкори маданиятли зиёли бўлмоғи лозим. Шифокор ўз хатолари учун факат конун олдидагина эмас, ўз вижрони олдида ҳам жавобгардир.

Инсондаги гўзаллик – бу табиат ато килган хусн-жамолдан ташкари, энг яхши ҳулқ-авторини, энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган одамийликдан ҳам иборатдир.

Бу берада, ёзувчи Мирзакалон Исмоилий “Сен ҳар канча ясаниб-тусанмагин, ҳар канча бўянимагин, турли-туман тақинчоклар тақмагин, бари-бир инсоний фазилатинг бўлмаса – сен хунуксан, сен жирканчисан, сен маънавий ногиронсан! Билиб кўй, сенга инсон хуснини берадиган, номингни бедог саклайдиган нарса, юзингга суртган бўёклар, куюшкондан чиқиб кетган бачканга кийимлар, турли зебу-зийнатлар эмас, йўқ асло, булар эмас! Сенга бу хуснин чиройли одоб, ахлок, маданият, яхши фазилат беради” – деган эди. Бундай гўзаллик инсон хаётлигига ҳам, хаётдан кўз юмганидан кейин ҳам ўз холича колаверади.

Шифокорнинг лоқайдлиги, бепарволиги кечириб бўлмас ҳолдир.

Бундан бир неча йил аввал, кишлок шифокорлик пунктларининг бирида бўлганимда шифокор ҳузурига бир bemor аёл кириб келди. Шифокор унга дабдурустдан: “Лабораторияда бўлиб, кон ва сийдик анализини топширдингизми?” – деб сўраб колди. Бемор шифокор ҳузурига биринчи бор келаёттганлигини айтиб, “Йўқ” – деб жавоб берди.

Шунда шифокор “Боринг анализ топшириб, кейин келинг!” – деб буюрди. Бемор хонадан чикиб кетди.

Қабулига кирган иккинчи bemордан: “Нимага шикоят киласиз?” – деган эди. У “Юрагим бот-бот ўйнаяпти” – деди. Беморни текширмай, “Боринг, ЭКГ килдириб, келинг!” – деб, чикариб юборди.

Мен шифокордан “Ахир бу bemорлар қабулингизга биринчи бор келган бұлса, сиз улардан нима максадда келганини, дардини суриштириб, обдон текшириб күрмадингиз-ку, балки хеч кандай анализга, ЭКГга ҳожат йўқдир” – дедим. У бұлса бамайлихотир “Барибир, кўргандан кейин хам лабораторияга, ЭКГга жўнатаман-да, ундан кўра шулар билан келса осон бўлади” - деб жавоб берди.

Шу мулокотдан сўнг, шифокордан нажот излаб келган bemорларни шу шифокорга нисбатан ишончлари коладими?

Ёки бошка бир мисол: шифохоналарда даволаш ишларига бағишлиган йигилишларда bemорларнинг касаллик тарихлари айrim шифокорлар томонидан сифатсиз ёзилаётганлиги, bemорлар етарли даражада текширилмаётганлиги, уларга нисбатан кўпол муомалада бўлаётганлигини эшишиб коламиз.

Бу салбий холатларга сабаб нима? Илмимиз ёки вактимиз этишмайдими? Устозлар яхши таълим беролмаяптиларми? Йўқ, бизнингча айrim шифокорларда касбга садоқат этишмайди.

Бу борада бир ходисани эътиборингизга ҳавола киламиз.

Вилоят клиника шифохонасидаги ички касалликлар бўлимида узок йиллардан бери бир аёл бош энага бўлиб ишлаб келарди. У касбига меҳр кўйганлиги учун бўлса керак, кўп вактини bemорлар орасида ўтказарди. Бир куни у шифокорлар хонасига кириб “Бир палатадаги янги келган bemор миокард инфаркти касалига чалинганга ўхшайди, лекин у ётмай, дахлизда юрибди, палата шифокори бошка ташхис кўйганга ўхшайди, бир хабар олиб кўйсанглар” деб колди. Биз дарҳол палата шифокори билан бирга bemорни текшириб кўрдик. Дарҳакиқат, bemорга ташхис аник кўйилмаган бўлиб, аслини унда миокард инфаркти касаллиги бор экан.

Кўраяпсизми, bemорга тўғри ташхис кўйилишида знаганинг синчковлиги катта ёрдам берди, фалокатнинг олди олинди. Бемор шифохонадан шифо топиб кетди.

Ақли, мохир шифокор хеч качон ўз биродарлирига нисбатан гайирилик килмайди, уларнинг обрусига путур етказмайди.

Шифокор хизматида ширинзабонлик мухим ўрин эгаллайди. Инсон асабининг кирғичи хам тил, мўмиёси хам тил, шундай экан, ҳар бир гапни аввало фикр дошқозонида яхшилаб пишириб, сўнгра тил дастурхонини узатилса яхши бўлади.

Ёлғончилик, хушомадгўйлик, лаганбардонлик, майманлик,

шифокорга ёт фазилатлардир.

Ёлғончилик, одатда мактаничок, ҳеч кандай ишнинг уддасидан чика олмайдиган кишиларга, хасадгўйларга хосдир. Ёлғочилик инсонликка дод туширади. Ёлғончи маълум вакттагача ўз максадига эришиши мумкин. Аммо, бу муваффакият вактинчалик бўлиб, тез вакт ичилада унинг шармандаси чиқади. Шунинг учун ҳалкимизда “Ёлғоннинг умри киска”, деган накл бор.

Хушомадгўйлик – энг кадимий ва энг ярамас иллатдир. Хушомадгўй одамларнинг куроли – ёлғондир.

Лаганбардор шахс учун мансаб – никобдир. У ўз максадига етишиш учун ҳамма нарсани килишга тайёр, бунинг учун ҳеч нарсадан кайтмайди.

Мансабга эришгач, ҳар кандай ташаббусни бўгади. Лаганбардор шахслар – мунофик бўладилар. Мунофилк эса фирибгарликка уидайди. Фирибгар – муттаҳам, разил бўлади. Разил кишилар эса – разолатдан жиноятга йўл оладилар. Жиноятчилик эса – жамият учун кулфдир.

Манманлик-кибр-ҳаводан пайдо бўладиган ёмон ҳулклардан биридир. Манманлик ҳам – занфликни билдиради. Манманлик, такаббур окибати заводур. Кибр-ҳаволи кишилар пуфлаб шиширилган шарга ўхшаб, ўзларини “доно”, “аклли” санайдилар, “мен” деган сўзни кўп пеша киладилар, бошкаларга беписанд карайдилар.

Ривоят килишиларича бир киши уй қуриш ниятида ўн бир туп дараҳт экибди. Дараҳтлар сарв коматларини кўкка чўзиб ўсаверибди. Лекин бир тупи атрофга тарвакайлаб кетаверибди. Гоҳ ўнгга, гоҳ чапга энгашиб, ёнидагиларни ранжитибди.

- Сен биздан бошқачарок чикиб колдинг. Қаторда бўлганингдан кейин ҳамма билан баравар ўс-да! Бундай қиласверсанг, кийшик, букри бўлиб қоласан, - дебди ёнидаги одил терак.
- Менга ақл ўргатма, нима килишимни ўзим биламан, - дебди ҳалиги ўзбошимча терак.

У яна ўз билганича ўсаверибди. Шундай килиб кунлар, ойлар, йиллар ўтибли. Тераклар вояга етибди.

Уларнинг эгаси: энди кунимга ярайсиз, деб ҳамма терагини кесибди, пўстлогини шилиб олиб, ёғочларни куритибди. Кейин уста чакириб, шу теракларни тўсин килиб, ўн бир ёғочлик уй қуришни буюрибди-да, ўзи иш билан бир неча кунга қўшни кишлокка кетибди.

Қайтиб келса, уй ҳали ҳам битмаганмиш.

- Уйингиз аллакачон битган бўларди-, битта тўсин етмай колди, - дебди уста.
- Таъба, - дебди уй эгаси ёқасини ушлаб, - наҳотки мен янглишган бўлсам? Ахир ўн бир туп теракни ўз кўлим билан экиб, ўз кўлим билан келтирган эдим-ку сизга.

- Сонига ўн битта терак экан. Лекин ўнтаси тўсинга яради. Биттаси эгри ўсган экан. Уни иккига бўлдим, ўё-бу ёғини йўниб, останага қўйдим, - дебди уста.

Бу гапни эшитгач, уй эгаси бозордан битта тўғри хода келтирибди. Уй битиби.

Бу вокеага кўп вактлар бўлибди. Лекин хозиргача ўша тўғри тўсињлар уйнинг шифтида: ҳаммадан баландда турар экан. Останани эса ҳар куни неча-неча киши босиб ўтаркан.

Нафс жиловига эрк бериш ҳам манманликни келтириб чиқаради. Мол-дунёси кўплар, бой-бадавлатлар, мансабдорлар орасида манманлар, кибру-ҳаволилар кўпроқ учрайдилар. Улар ўз манфаатлари йўлида қабихликдан ҳам кайтмайдилар, ҳамма нарсани ўз каричлари билан ўлчайдилар ва атрофдагиларга жабр ўтказдилар.

Расулуллоҳ: “Кимки ўзини камтарона тутса, унинг мартабасини Аллоҳ юкори килур. Кимки такаббурлик килса, Аллоҳ уни хор этур”, деганлар.

Бу фоний дунёда ҳеч кимнинг манманлик килишига ҳожат йўқ. Ҳамма нарса ўткинчи, вактинчалик ва синов – имтиҳон учун берилган.

Тамагирлик- шифокорга ёт фазилат бўлмоги лозим. Лекин хаётда ўз виждонини унитиб, бу касбни тоғтаётган ноинсоғ шифокорларга ҳам дуч келасан. Баъзан кишилардан: “У шифокор ўзига фойда орттиришга ишончи комил бўлса, бемор ёнидан силжимайди, ернинг тагидан бўлса ҳам керакли дорини топади. Хатто ҳамшираларга ҳам ишонмай колади, уколни ҳам ўзи килади. Пул учун ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уради”, деган сўзларни эшитасан. Очигини айтсак, шифокорлар орасида инсоннинг энг оғир лаҳзаларидан фойдаланиб қоладиган виждонизлар ҳам йўқ эмас. Тасаввур килинг-а, ўлим ёқасида сизга термулиб ётган bemor жонига нажот бериш ўрнига унинг чўнтағига, пулига кўз олайтирангиз. Бу эскича олганда ҳам, янгича олганда ҳам – кечирилмас гуноҳку. Бу каллобнинг тақдирни тиббиёт билан боғликлигига ҳижолат чекасан киши. Негаки бирники мингта, мингники туманга татииди.

Таъмагирлик – ёмон хулклардан биридир. Кишининг бошига тамадан тури балолар келар. Донишмандлар: “Хорлик таъмадан келади”, - деганлар. Дарҳакикат, бунинг исботини хаётда кўраяпмиз.

Таъмагир шахс ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун тури қабихликлардан кайтмайди, ёлғон гапиради, ёлғон гапни исботлаш учун ёлғон касамлар ичади. Ҳар хил хийлаларни ўйлаб топади ва ҳаром ейди.

Мана шундай олғирлар туфайли тиббиётнинг покиза номига доғ тушади. Аммо тиббиёт олами оқ ҳалатдаги бу доғларни ювишга кудрати етадиган кучга эга. Бу куч иймон-эътиқоди бутун, эртами, кечми, уйдами, меҳмонхонадами огоҳлантирувчи ҳабар эшитди дегунча ҳалатни елкасига

ташлаб югуриб келадиган, соатлаб ўлим билан олишадиган шифокорлардир. Унинг уйкусиз тунлари хисобига бемор иккинчи бор ҳаёт юзини кўради.

Ҳалоллик иймон асосидир. Демак, жисмимиз, руҳимиз соғлом бўлиши учун, биринчи навбатда, риск-насибамиз ҳалол бўлмоғи шарт.

Бурч худди виждан каби маънавият тоифаларидан бири саналади ва уни кисман ёки ярим-ёрги холда адо этиш мумкин эмас. Агар инсон бурч юкини ўзидан сокит килар экан, нафакат фойдасиз мавжудот бўлиб колади, балки ўз ҳулк-авторининг баркарорлигидан ҳам сўзсиз айрилади, иккига бўлинниб, охир-окибат ўз муҳолифига айланади.

Кўп йигинларда одамларнинг “Сизнинг касбингиз – шифокорлик касби жуда улуг, инсонпарвар касб”, - деганларини эшитамиш. Дарҳакикат, шундай! Бирок инсонни касб эмас, балки инсон касбни гўзал килади.

Хулоса килиб шуни айтиш керакки, ҳар бир киши яхши ҳулкка эга бўлиши учун ёмон ҳулкларнинг заарини билиб олмоги, улардан огох бўлмоғи зарур.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Такаббурликни килма дилга пеша,
Тавозуу айла ҳар кимга ҳамиша.
Бошоқ бошин кўтарди гердайиб, бок:
Бошин узди, туширди ерга ўрок.
2. Ҳар кимса борига каноат килса,
Ажабланма, тушмас биронга иши.
Юрагида кимни таъма бўлмаса,
Ҳеч кимсадан бўлмас, кўркув ташвиши!
3. Нафсини тиймаса, киши бўлур хор,
Нафс уни килади, кўча-кўйда зор.
4. Нафски аклга бўйсунса агар,
Иқбол дараҳтидан мева ер киши.
Ақлдан зиёда бўлса агар нафс,
Одамнинг кунма-кун ортар ташвиши.
5. Ҳар ким таъма йўлин тутса агар пеш,
Окибат бир куни бўлгувси дарвеш!
6. Одамларга хурмат кўзи билан бокмоқ ва раҳм кўзи билан
карамоқ- аклилилк ва донолик белгисидур.
7. Одобли одам табибга ўхшайди, у билан сухбатлашиш
кўнгилдаги ғамни ювади.

ТИББИЁТ ФИДОЙИСИ

Андижон Давлат тиббиёт институтининг собик ректори, устоз профессор Ю.О.Отабеков Ўзбекистон соғлиқни саклаш жонкуярларидан бири, атокли педагог, тиббиёт тарихини яхши билган инсон эди.

Якинда биз Ю.О.Отабековнинг 1981 йилда чоп этишга тайёрлаган монографиясининг биринчи вариантини кўриб қолдик.

Бу монографияга муаллиф “Тошкент шаҳридаги соғлиқни саклашнинг 100 йиллик тарихи (1859-1959 йиллар)” деб ном берибди.

Юсуф Отабекович уни ёзишда Тошкентдаги тарих музейи, Туркистон генерал-губернатори канцелярияси хужжатлари, Тошкентта ўша пайтлари келган рус врачлари ҳакида ёзилган очерклар, газета ҳабарлари, Соғлиқни саклаш Вазирилиги коллегияси баённомалари, шахар ва Республика статистика марказлари хужжатларидан кенг фойдаланган.

Бу хужжатлар – ўз йўлида. Лекин биз, Ю.О.Отабековни Ўзбекистонда тиббиёт кай тарзда ривожланганлигини ўз кўзи билан кўрган инсон деб ҳам биламиш.

Монография бир нечта боблардан иборат бўлиб, унда Ўзбекистонда чор Россияси истилосидан аввалги, Октябр тўнташигача, ундан кейинги ҳамда II жаҳон уруши ва урушдан кейинги беш йилликлар давридаги тиббиёт тарихи батафсил баён этилган.

Биз мамлакатимиз ўтмишидаги тиббиёт ҳолатини Ю.О.Отабеков қандай баён қилгани хусусида кисқача тўхтамокчимиз. Зоро бундан ҳабардор бўлган шифокор, бугунги кун кадрига етади.

Ўша даврларда беморларни кўпинча тиббиётдан етарли маълумотлари бўлмаган, ўзларини табиб деб атаган шахслар даволашга киришганлар. Айrim табиблар синиклик билан шуғулланганлар. Беморларни табиблардан ташкари эшон ва муллалар ҳам даволашга уринганлар. Улар bemорларни ўқиб даволаганлар. Булардан ташкари, “қайтармачи” деган ном олган одамлар ҳам bemорларни даволаш ишига бел боғлаганлар. Улар “қайтарма” учун ариқ сувини ичишни ва унда ювенишни тавсия этганлар

Айrim муллалар парча когозларга, чинни, пиёлаларга ёзувлар ёзиб, уларни сувда эритиб, сувини ичишни тавсия этганлар.

Даволашнинг яна бир усули “Тумор” тикиб юриш бўлган. Айrim холларда ипни бир неча жойидан тугиб, bemорларга беришган. Бундан Ўрта Осиёда кўпроқ безгакни даволаш ва олдини олиш учун фойдаланишган.

Яна bemорларни даволашда кинна солувчилар ҳам иштирок этганлар.

Аста-секин табиблар ичидан касалликларни аникловчи ва унинг

башоратини айтиб берувчилар пайдо бўлишган. Буларни “Фолбин” деб атаганлар. Булар майда тошларга караб фол очганлар. Кейинчалик бу ишларга пархонлар ҳам кўшилишган. Ўша даврда bemорларни яна бахшилар ҳам даволашга киришгандар. Улар bemорларни даволаш учун кўй, эчки ёки хўрз конини bemорнинг юзи, таналарига суркаб кўйиб, унинг атрофида айланиб юриб ўқиганлар.

Ўша даврларда bemорлар улуғ жойларга сингиниш билан ҳам даволангандар. Ўзбекистонда кўк йўтални, сўнгални, бодни, асаб касалликларни, бел ва бош оғрикларини даволайдиган жойлар бўлган.

Масалан, Бибихоним мадрасасига фарзанд кўрмаганлар, Ўшдаги Сулаймон ота тогига бош ва бел оғриги борлар боргандар.

Ўша даврларда хомиладор аёлларни тұғдириш масаласи ҳам жуда оғир ахволда бўлғанлигига Ю.О.Отабеков алоҳида тўхталиб ўтади.

Бу масалани хомиладорларни тұғдиришдан хабардор бўлган аёллар хал килгандар. Уларни мома ёки доя-она деб атаганлар. Кўпчилик тутруклар аёл ўлими билан тугаган.

Хомиладор аёлларни тұғдириш уй шароитида амалга оширилган. Уйда пакир хажмида чукур кавланиб, унга ҳар хил матолар ташланган, сўнг аёлни шу чукур устида ўтирган ҳолда ушлаб туришган. Туғилган чакалок шу чукурга тушган. Гўдакни чукурдан олишиб, унинг киндини иккита тош орасига олиб, тошни тошга уриб кесгандар. Туғаётган аёл шу чукур устида йўлдош тушунга кадар ўтирган. Туғилган чакалокни бир неча ойлаб чўмилтирганлар.

Агар хомиладор аёлда патологик хомиладорлик гумон килинса, унда доялар bemорни одеялга ўхшаган матога ўраб, уй ичидә айлантиргандар, корнини эзгандар. Бу кўпинча хомиладорнинг ўлими билан тугаган. Агар бу ҳолда бола туғилиб, эсон-омон колса, онани янги туғилган чакалок билан эмас, балки ўзининг соғ қолгани билан табриклагандар.

Монографиянинг охирги бобида 1859 йилдаги бу ахвол юз йилдан сўнг, яъни 1959 йилда кай даражада ижобий томонга ўзгарғанлигини чукур таҳдил килиб берилган.

Бу монографияни ўқиган ҳар бир инсон Ю.Отабековнинг тиббиёт тарихини Ўзбекистонда энг яхши биладиган инсонлардан эканлиги ва унинг 1959 йил холатига келишида унинг ҳам хизматлари катталигини чукур англайди.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1.Илм бобида ниманини эшитсанг, ёзib кўй. Қоғоз бўлмаса деворга бўлса ҳам ёз! Чунки ёдланган нарса унитилиши мумкин, ёзилган нарса эса абадий колади.

2. Агар инсондан дунёда биронта китоб ёки иморат колса, у тириклар катори йўқланади ва ундан киши вафот этган деб хисобланмайди.

ҮРТА ОСИЁДА ТИБ ИЛМИ

Үрта Осиёда тиб илми узок тарихга эга. Унинг бошлангич даври тош даврига түгри келади. У аста-секин, йиллар, асрлар давомида тараккий этиб бориб, илмий тиббиёт шаклига 900-йиллардагина эришди. Шу пайтларда Үрта Осиёда ҳалк таниган табиб, олимлар етиша бошлаган эди.

Ана шулардан бири, 856 или Эроннинг Рай шахрида туғилиб, ўсган ва мъълум бир даврларда Бухоро шахрида ижод килган **Абу Бакр ар-Розий**dir. У ёшлигидан адабиётга, санъатга, математикага, астрономияга, кимёга, фалсафага кизиккан. Тиббиётни ўрганишга эса 30 ёш атрофида эканлигига кизиккан. Лекин тез орада элга таникли табиб бўлиб етишган. У Гиппократ, Гален, Карнелия, Цельс асарлари билан таниш бўлган.

Абу Бакр ар-Розий тиб илми бўйича 56 та, табиат бўйича 33 та, мантиқ бўйича 7 та, математика ва астрономия бўйича 10 та ва бошка фанлар бўйича ҳам кўплаб, жами 184 та асар ёзиб колдирган.

Шулардан “Мансурга багишланган тибий китоб”, “Чечак ва кизамиқ ҳакида китоб”, “Ал-Ховий” каби асарлар ар-Розийнинг энг катта ва муҳим тибий асарларидандир.

Ар-Розийнинг “Касалликлар тарихи” деб аталмиш рисоласи диккатга сазовордир. Бундан 1000 или мукаддам ар-Розий томонидан тузилган касалликлар тарихи бу борада ҳозирги замон касалликлар тарихидан кам фарқ киласди.

Ар-Розий ҳам касалликлар тарихини паспорт кисмига, бемор шикоятларига, касаллик белгиларининг ривожига катта аҳамият берган.

Ҳозирда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, касалликлар тарихини кандай ёзишни илк асосчиси Абу Бакр ар-Розий бўлган. Устоз ар-Розийнинг таржимаи ҳоли, ижоди ва дунёкараши унинг шогирдлари кайд килган 700 дан ортиқ касалликлар тарихининг тадқикоти, таржимаси ва унга ёзилган изохларда ойдинлашган.

Ар-Розий тиббиётни вазифаси беморларни даволашгина эмас, балки алоҳида соғломлаштиришдан ҳам иборатдир, дейди, яъни у касалликлар профилактикасига ўша даврлардаёк аҳамият берган. Ар-Розий дори моддаларини беморларни ёшига караб тайинлашга эътибор каратган. У бемор сийдигини бемор ётган хонани ўзидаёк текшириш лозимлигини айтган. Ар-Розий яна ҳарорат турларини, томир уриши хоссаларини яхши билган. У янги тайёрланган дориларни аввал маймунларда синааб кўриб, сўнг одамларга тавсия килган. Ар-Розий беморларни даволашда психотерапияни кенг қўллаган. Масалан, мелонхолия касаллигига шахмат ўйнашин тавсия килган.

Ар-Розий жарроҳликдан, педиатриядан, геронтологиядан, отоларингологиядан, офтальмологиядан, асаб касалликларидан яхши

хабардор бўлган. Шу боис уни умумий амалиёт шифокори деб тўлақонли айтиш мумкин.

Ар-Розий ўта камтар инсон бўлган. Беморларнинг ижтимоий келиб чикиши ар-Розийни кизиктиргмаган ва у барчани бир хил хурматда даволаган.

Ар-Розий 925 йили Рай шаҳрида вафот этган.

Абу Бакр ар-Розийдан сўнг Абу Бакр Рабиъ-ал-Бухорий, Исҳоқ Ибн Сулаймон, Абу Мансур ал-Кумрий, Абул Хайр Ибн ал-Хаммар, Абу Сахл Масихий, Абу Абдуллоҳ ан-Нотилий ас Самаркандий каби йирик табиблар ижод килганлар.

Абу Абдуллоҳ ан-Нотилий ас Самаркандий тарихда Ибн Синонинг уйида унга дарс берган уй ўқитувчиси сифатида машхурдир.

Ўзбекистонда илмий тиббиётни шаклланиши X-асрнинг охири ва XI-асрнинг бошларида тўғри келади. Бу вакт Абу Али Ибн Сино (980-1037) ижод килган йиллардир. Шу боисдан уни Ўрта Осиёда илмий тиббиётни асосчиси десак муболага бўлмайди.

Абу Али Ибн Сино ўз даври тиббиёт илмининг билимдони бўлиши билан бирга, у фалсафа, мантик, аҳлоқ, тиљшунослик, мусиқашунослик, табиятшунослик, кимё каби фанларни ҳам мукаммал эгаллаган ва бу соҳаларда арзигулик асарлар ёзид қолдирган. Ибн Синонинг 450 дан ортиқ асарларидан бизгача 247 таси етиб келган ва ундан 43 таси тиббиётга оиддир.

Унинг энг йирик шоҳ асари “Тиб конунлари” бўлиб, у 1024 йилда ёзид туталланган ва 40 мартадан зиёд тўла ҳолда нашр килинган. Бу асар 5-китобдан иборатdir.

“Тиб конунлари” XII-асрда араб тилидан лотин тилига таржима килина бошлаган. XIII-асрнинг бошидан бу китоб Оврупа университетларида 500 йил мобайнида тиббиёт фанларининг асосий дарслиги сифатида қўлланилган.

XII-асрда яшаган улкан олим Низомий Арузий Самаркандий бу асарга катта баҳо бериб: “Агар Букрот (Гиппократ) ва Жалинус (Гален) тирилиб қолсалар, бу китоб олдида сажда қилишлари мумкин бўлар эди.”, деган экан.

Мустакиллигимизни биринчи йилларида Франция Президенти Франсуа Миттеран: “Ўзбекистон якинда мустакилликка эришган бўлсада, биз уни олдиндан яхши биламиз. Ўзбекистон ислом маърифатига кўплаб буюк алломаларни етказиб берган. Мазкур алломалардан бири Ибн Сино бўлиб, биз уни Авиценна деймиз У ўз Ватанининг шон-шуҳратини Париж дорилғунунигача етказган.”, деб алломамизга юксак баҳо берган.

1965 йили Анижон Давлат тиббиёт институти олимлари: профессор Ю.О.Отабеков, доцент Ш.Х.Ҳамидулин, ассистент

Е.С.Соколова дунёда биринчи бўлиб, Абу Али Ибн Синонинг илмий асосланган бюстини яратдилар.

Абу Али Ибн Синонинг 1000 йиллик юбилейида таникли ёзувчи Лев Ошанин: “Абу Али Ибн Сино ўз Ватани бўлмиш Ўзбекситонда, Андижон Давлат тиббиёт институтида кайтадан туғилди, бу билан келажак авлод хакли равишда ғурурланиши ва эстетик завқ олиши мумкин” деган эди.

Абу Али Ибн Синодан сўнг Ўрта Осиёда Исмоил Журжоний, Абул Қосим Замахшарий, Абу Абдуллоҳ Ал-Илокий, Бадриддин Ибн Муҳаммад ас-Самарқандий, Нажибуддин Самарқандий, Ибн ан-Нафис, Маҳмуд Ибн Муҳаммад Ибн Умар ар ал-Чагмилий, Файзула Табризий, Мир Сайд Шариф, Мансур Ибн Муҳаммад Ибн Аҳмад Ибн Юсуф Ибн Илёс, Бурхониддин Нафис Ибн Аваз Ҳаким Кирмоний, Нематуллоҳ Ҳакимий, Файзуллоҳ Абул Насиб, Мавлоно Гиёсиддин Муҳаммад Ибн Жалолиддин, Мавлоно Дарвиш Али, Юсуф Ҳаравий, Султон Али Хурсоний, Убайдулла Ибн Юсуф Али, Мир Муҳаммад Ҳусайн Ал-Оқилий, Солих Ибн Муҳаммад Солих ал-Кандахорий, Жунайдилло Ҳозик Жафархўжа Ҳазараспий, Маҳмуд Яйпаний, Ҳомидхон Шоший, Боситхон Шоший каби табиблар ижод қилганлар.

1920 йилда Туркистон Давлат Университети кошида тиббиёт факультетини очиш учун Россия шаҳарларидан бир қатор шифокор олимлар: А.Н.Крюков, М.Ф.Мирочник ва бошқалар келганлар.

Таникли олим **Александр Николаевич Крюков** (1878-1952) Ўрта Осиё терапевтлари мактабининг асосчиси бўлган.

Академик Иосиф Абрамович Кассирский (1898-1971), профессорлар Зулфия Ибрагимовна Умидова (1896-1980), Носир Исмоилович Исмоилов (1901-1974), Ақбар Аскарович Ақбаров (1902-1978), Эргаш Исабоевич Отаконов (1913-1967) кабилар А.Н.Крюковнинг шогирдлари ҳисобланадилар.

Бу профессорларнинг ҳар бири ҳам Ўзбекистонда ўзига хос мактаб яратган олимлар даражасига кўтарилганлар.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

Хар кандай маърифат-садокатdir. Маърифат ёйиш, бирорга билмаганини билдириш, бетаъма устоз бўлиш- олийжаноб одамларнинг бошқаларга килган маърифат садокатидир.

ТИБ ШУНДАЙ БИР ИЛМКИ...

Абу Али Ибн Сино жаҳон тарихидаги атокли ҳакимлардан, Ўрта Осиёning энг улут ва ҳар томонлама билимдон аломаларидан биридир.

Унинг тиббиёт илмига назарий ва амалий негиз бўлиб хизмат килган илмий рисолалари муҳим ахамият касб этади.

Абу Али Ибн Сино бир катор ички азъо касалликларидан ташқари, юракнинг анатомия ва физиологияси ҳамда унинг касалликлари этиологияси, клиникаси ва давосига ҳам катта эътибор берган олимдир.

У: “Юрак инсон муштидек бўлса ҳам шундай кудратга эгаки, ўз ҳаракати билан барча ички аъзоларга нажот беради, шу туфайли улар озиқланадилар, яшайдилар ва ҳаракат киладилар”, -дейди.

Абу Али Ибн Сино юракнинг анатомиясига эътибор каратиб, унинг бир неча каватдан тузилганлиги, унда ҳар хил мушак толалари борлиги, улар юракка турли хил ҳаракатлар беришини ёзган. У юрак кон томирлари ва асаб толалари ҳакида ҳам тўлаконли фикрлар билдирган.

Абу Али Ибн Сино беморларнинг томир уришини текшириб туриб, юрак ҳасталикларини аниқлашга ҳам катта эътибор берган, жумладан у томир уришини текшириш қоидасига тўхтаб: “Аввало, томир уришини соглом одамда, тинч турганда аниқлаб, ундан сўнг беморларнинг томир уришини текшириш ва иккаласининг натижасини таккослаш керак”, -дейди. Яна у: “Беморнинг томир уришини шундай пайтда текшириш керакки, бемор тинч бўлсин, ўта ҳаяжонланган, ҳар хил изтиробда бўлмаган, жисмоний иш килмаган ҳолда бўлсин”, - деб тъкидлайди.

Абу Али Ибн Сино беморнинг томир уриши хоссаларига – ритми, сони, каттиқ ва юмшоклигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган.

У юрак касалликларида юракнинг нотекис уриши юракдаги ёки юракдан ташқаридаги салбий таъсиirlар туфайли келиб чикишини айтган.

Яна у юрак касалликларининг келиб чикишида асабнинг бузилиши, изтироб чекишининг таъсирига алоҳида эътибор берган. У каттиқ изтироб чекиши юракка салбий таъсири килиб, беморни хушидан кетишга ва ҳатто тўсатдан ўлимга олиб келади, деб хисоблайди.

Абу Али Ибн Сино кўкрак кисиши ёки стенокардия ҳасталиги клиникасига тўхталиб, бу касалликдаги оғрик каттиқ изтиробдан ёки коннинг ивишидан сўнг келиб чикишини айтади.

У: “Миокард инфаркти касаллигига беморнинг томир уриши нотекис бўлиб қолади, унга ҳаво етишмаётгандай бўлиб туюлади ёки юрак соҳасида каттиқ оғрик пайдо бўлади, шундан сўнг бемор хушидан кетиши мумкин”, - дейди.

Абу Али Ибн Сино юрак ҳасталиги бор беморларни даволашда ҳар хил мева шарбатлари, ошковокнинг фойдали томонларига тўхталади,

беморларга кучли жисмоний ҳаракат килмасликларини, пиёда юришни маслахат беради.

Яхши инсонлар билан сухбат куриш, яхши кайфият юрак ҳасталикларига даво бўлишини уқтиради.

Абу Али Ибн Сино юрак касалликларининг олдини олишга, яъни профилактик тадбирларга ҳам катта эътибор берган.

У: “Тиб шундай бир илмки, у билан одам гавдасининг аҳволи соғлик ва касаллик жиҳатидан ўрганилиб, унинг мавжуд соғлиги сакланади, йўқотилгани эса тикланади”, - дейди.

Абу Али Ибн Синонинг бундан 1000 йил аввал юрак касалликлари хакида айтган фикрлари хозирда ҳам ўз ахамиятини йўқотмагани, аксинча, уларни ҳаётда кенг кўллаётганимиз унинг ўша даврининг етук алломаси эканлигининг ёркин далилларидир ва биз – ёш авлод бу билан ҳар қанча фаҳрлансак, арзиди.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Агар билсанг ушбу китобнинг кадрин,
Олтин суви ила кўчиргин барин.
2. Озмунча дорини килмадим баён,
Бариси синалган ва бўлган аён!
3. Томирнинг ишини билмайди киши,
Тажриба килмаса ёз ила киши.
Узок йил тинимсиз табиблик килар,
Бармокни томирга кўймокни билар.
4. Бадандан зиёда бўлса агар кон,
Бемаза бўлгувчи оғиз ногахон.
Томирлар тўлаю, бош оғир бўлар,
Бесабаб чарчашлик ҳам зохир бўлар.

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ САБОҚЛАРИ

Буюк аллома Абу Али Ибн Сино соглом авлод тарбияси борасида куйидаги қимматли сабоқларни колдириб кеттган.

Бириинчидан, Ибн Сино ёшларни илм эгаллашга чакирган. У илм садоқатга етакловчи куч-кудратга эга эканлигини таъкидлаган.

Иккенинчидан, Ибн Сино ёшларни жамиятга фойдали бўлган ишлар билан машгул бўлишга чорлаган.

Учинчидан, сўз ва иш бирлигига доим амал килинса, саломатлик

яхши бўлишлигини уқтиради.

Тўртингчидан, Ибн Синонинг серташвиш дарбадар ҳаёт йўли ёшларни Ватанни севишга, уни ардоклашга дъяват этади.

Бешинчидан, Ибн Сино инсонлағни бир бирлари билан тмехр оқибатли бўлишга, дилга озор беришда ўочишга, асаббузарликларнинг олдини олишга чакиради.

Олтингчидан, у соглом авлод тарбиясида она сутининг аҳамиятига алоҳида ургу беради.

Етгингчидан, инсон саломатлигини саклашда йил фаслларининг аҳамиятига тўхталиб, фаслга мос кийиниши таъкидлайди.

Саккизинчидан, Ибн Сино саломатликни саклашда сув ва ҳавонинг тоза бўлиши лозимлигига аҳамиятни каратган.

Тўққизинчидан, Ибн Сино турли касалликларни даволашда хаммом ва шифобаҳш маданларнинг аҳамиятига алоҳида тўхталган.

Ўнинчидан, тўғри овқатланиш саломатликни саклашда энг мухим восита эканлигини айтган.

Бугунги кунда буюк табибининг ушбу сабокларига амал қилиш жисмонан ва руҳан соглом авлод тарбиялашда мухим аҳамият касб этади.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Билимингни химмат камари билан мустаҳкамла, донолар изидан юришга интил.

2. Ишга киришиш ўйланиб ўтиришдан яхши, ғафлатда қолиш эса, кучли душмандан баттар.

3. Беш дақика сабр дилни ёритади, беш дақика бесабр кимнингдир дилини оғритади.

КУЛГИ – ДАРДГА ШИФОДИР

Қадимда шифокорлар организмни мустаҳкамлаш воситаси сифатида мирикиб, яйраб кулишни маслаҳат беришган. Вакт ўтиши билан бу гоя яна ҳам ривож топди, яъни кулгининг кишини ланжликдан саклай олиши, шикаст еган жойнинг битиб кетиши ва беморнинг ташрихдан сўнг ўзини кайта тиклаб олишининг тезлашуви каби хусусиятлари аён бўлди.

Хўш, бугун-чи? Кулги инсон саломатлигига қай даражада таъсир этаяпти? Невропатологлар хulosаларига кўра, кулги юз мускуллари, овоз пардалари, корин, кўл ва оёқ мушакларини ўз маромида ишлашида мухим восита бўлади. Кулги – инсон организми учун эрталабки бадан тарбия машклари ва спорт билан шуғулланиш каби фойдалидир.

Биз кулганимизда, нафас олиш ва чиқариш ҳаракати одатдагидан уч-

тўрт марта тезлашади. Инсон асабларига хордик бериб, айни пайтда организмга қарши кучларга чидамлилигини ҳам оширади, акл-заковатини чархлади, киши умумий ҳолатини яхшилайди. Кулги билан даволашни гелотерапия дейилади.

Кулги кези келганда оғир беморларни даволашда кўшимча доридармон ўрнини ҳам босиши мумкин. „Агар сизда астма (нафас кисиши) ёки мигрен (бош оғриги) касаллиги, умуртка погоналарингизда оғрик бўлса, унда кулинг ва янада кўпроқ кулаверинг” дейишади мутахассислар.

Кулгини даволовчи восита сифатида яна кўплаб касалликларга карши кўллаш мумкин. У жигар ва ўт пуфаги учун табиий массаж вазифасини бажаради, кондаги холестерин деб аталувчи заарали ёғсимон модда микдорини камайтиради, ошқозон ости бези фаолиятини яхшилайди, юрак ва кон томирлар касалликларини олдини олади, иммун тизимини мустахкамлайди, артериал кон босимини туширади, аклини ўткирлаштиради, инсон танасидаги эндорфин (яхши кайфият моддаси) микдорини оширади, кондаги канад микдорини тартибга солади, организмдаги аллергии фаолликни камайтиради..

Кулги оиласи ҳаётни енгиллаштиради, иноклаштиради. Кулги уйкусизликни енгади: агар уйкудан олдин дўстлар билан қувнок давра курган бўлсангиз, мирикиб ухлайсиз. Қувнок одам ўзининг кулгусини бошкаларга ҳам осонгина юктиради.

Қадимда шифокорлар “Шаҳарга дори-дармон юклантган ўнта арава келгандан кўра, битта кизикчини келгани афзал” деб таъкидлашаркан.

Кулгининг инсонларга руҳий ва жисмоний соглигига таъсир этишини ўрганадиган фанга гелотология фани дейилади. Кулги билан даволашни эса гелотерапия деб юритилади.

Гелотологиянинг асосчиси америкалик руҳшунос Норман Казинскийдир.

Казинс касал бўлиб, тўшакка михланиб колади. Унинг дарди олдида шифокорлар чорасиз колишади. Буни пайкаган руҳшунос уйга жавоб беришларини сўрайди. Уйга келган бемор якинларининг кистови билан турли кинокамедиялар кўради. Шунд руҳшунос оғриклар йўколаётганини хис кила бошлайди. Орадан бир- икки хафта ўтиб, шифокорлар умидсиз беморининг кунлаб эмас, балки соат сайн тузалаётганини кўришиб, хайратга тушишади. “Кулгитерапия” Норманга уч йил ўтиб, ишига кайтиш имконини беради.

Мутахассислар кулгининг уч юздан зиёд тури мавжудлигини аниклашган. У ғамгин, қувнок, истехзоли, ёқимли, кибрли, нафратни англатувчи, самимий тарзда бўлиши мумкин экан. Хисоб-китобларга караганда инсон кунига 17 дакика кулса, умрини бир йилга узайтирадар экан. 27 сония давомида кулиш инсон организмига 3 дакика давомида

эшкак эшган кучни бера оларкан.

Кулгини муолажа сифатида қўллаш курраи заминимиздаги кўплаб мамлакатларнинг шифохоналарида йўлга кўйилган. Масалан, Германияда “Масҳарабоз-шифокор”, оғир касалликларга чалинган болалар олдига ташриф буюриб, уларга томоша кўйиб беради. Хиндистоилик врачлар маҳсус кулги йогасини ўйлаб топишган. Қизиги, ушбу йогада шугулланган инсоннинг жисмоний ҳолати яхшилана бораракан. Японияда бўлса, сил касаллигини даволовчи шифохоналарда кулгитерапия сеанслари катта муваффакиятлар билан амалга оширилар экан. Бундан ташкири, Малайзиялик талабалар сессия якунида кулгуга ўхшаш нафас олиш машқларини ўрганадилар. Тажрибалар шуни кўрсатадики, тадқикотларда иштирок этган талабалар имтиҳонларни осон ва муваффакиятли топширганлар.

АҚШнинг бир қатор тибиёт марказларида даволанувчиларни кулдириш учун иккى оқис азоти озгина дозада ингалация йўли билан юборилади. Бу газ кишида кулги пайдо киласди.

Францияда доктор Анри Рубирштейннинг рецептидан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Бу рецепт бўйича, ҳар куни ярим соат (эрталаб, куннинг ярмида ва кечқурун) кулиш талаб этилади.

Бошқача килиб айтганда, согликни саклаш учун тез-тез театр томошаларига тушшиб туриш, кинокомедия томоша килиш, юмористик асарлар ўкиш, атрофдаги барча одамларга ёкиш учун ўзини ўта сипо кўрсатишга уринмаслик, танқидни тўғри кабул килиш, шахсий фикри очик-ойдин айтишга журъат килиш зарур.

Ҳаммамиз, сўзиз, соглом бўлишни истаймиз. Демак, бунинг давоси ўз қўлимизда – синааб кўришимиз мумкин. Бир мирикиб кулагиликчи, ўзимизни қандай хис қиларканмиз?

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Руҳи хушчакчак шифокорнинг bemorlari tez tuzaladi.
2. Эл orasida shodu-xurramlik uлашиб юрувчи san'atkor – инсон kalbiga malxam kuyuvchi shifokor hamdir.
3. Қах-қах уриб, chin dilldan kulaётgan odamga karash kishini beixhtiёр kaiфиятини кўтаради.
4. Кулинг дўстлар! Umringiz uzok bўлади.

ДАРДНИ ЯШИРСАНГ...

Касаллик дард кўпинча яширин бошланади. Одам ўзини умуман яхши хис этгандек бўлгани учун ҳам арзимас, анчайин дард аломатларига парво килмайди ёки бўлмаса кўни-кўшни, таниш-билишларнинг маслаҳатлари билан ўзларича даво чораларини кўллаб кўрадилар. Касаллик эса кучайиб

боради-да, пиравардида ўз “килигини” кўрсатади. Беморнинг боши ёстикка тегади. Шундагина шифокорга мурожаат килади. Афсуски, баъзан анча кеч бўлади.

Кўйидаги ривоятга бир эътибор беринг-а:

Машхур табиб Лукмони Ҳакимнинг бўғида хилма-хил шифобахш гиёҳлар ўсар, у ўша гиёҳлар билан bemor дардига малҳам топар экан. Ишдан холи пайтларида у бокка кириб, гиёҳлар билан сухбат куаркан. Кўп bemor кабул килиб, толиккан пайтларида bemorga кайси гиёҳ ёрдам бериши устида бош котириб, уни еча олмаган холларида, бокка кирса, bemor дардига даво бўлгувчи гиёҳнинг ўзи бошини кўтариб, “мен давоман” дер экан. Улуг табибининг шу гиёҳдан тайёрлаган дорисидан bemor шифо топаркан.

Бир куни Лукмони Ҳакимнинг якка-ягона ўгли бетоб бўлиб қолибди. Ҳар хил гиёҳлардан тайёрланган дориларни қўллаб кўрибди, нафи бўлмабди. Шунда бокка кириб, гиёҳларга карабди. Гиёҳларнинг биттаси ҳам бошини кўтармабди. Лукмони Ҳаким, ноилож қолгач, умрида биринчи маротаба кўлига наштар олиб, ўглининг қорнини ёриб, ўт пуфагидан катта тош олибди, аммо бола кайтиб уйғонмабди. Шу-шу Лукмони Ҳаким ўғлининг хотираси деб шу тошни доим ўзи билан бирга олиб юрадиган бўлибди.

Кунлардан бир куни уни оғир бир bemor хузурига чорлабдилар. У ховлига кириб, кўлини ювгани арикка якилашгач, кўлидаги тошни арик бўйидаги гиёҳлардан бирининг устига кўйибди. Кўлини ювгач караса, халиги гиёҳ устидаги тош йўқ – эриб, симобдай килкиллаб турганмиш. Лукмони Ҳаким bemorni кўриб, унга муолажани айтиб бўлгач, уйга шошиб, богига кириб, ўша гиёҳ олдига бориб, зорланиб дебди:

- Мен ўглим бетоб бўлиб қолганида ёрдам қила олмай, нажот излаб бокка кирсан, нега сен бош кўтармадинг, ахир, менинг ўглимни касали сен даволайдиган касал экан-ку ?

Шунда гиёҳ:

- Ё ҳазрат, сиз бокка кирганизда мен бош кўтара олмадим, сабаби ўглингиз дардини ўтказиб юборган эди - дебди.

Мана, кўрдингизми, Лукмони Ҳаким ҳам оғир дард олдида ожиз колган. Чунки вакт ўтиб, дард улғайиб борган. Гиёҳ канчалик кучли бўлмасин, вактида олди олинмаган bemorni шифолашга курби етмайди.

Шунинг учун ҳам боболаримиз “Ҳамма нарсани ўз вакти бўлади, вактидан ўтдими, у мушкулликка юз тутади” деб бежиз айтмаганлар.

Ҳар кандай касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган маъкул, чунки дастлабки пайтда мураккаб даво-чораларсиз ҳам дардан тез фориғ бўлиш мумкин.

Маълумки, дардлар ҳар хил бўлади... Тилдан келадиган, кўнгилни

вайрон қиладиган дардларни ҳам олдини олиш чораларини изламок лозим.

Ҳакимларнинг айтишича, одамлар уч гурухга, яъни ақллиларга, ярим ақллиларга ва нодонларга бўлинар эканлар.

Ақллилар шундай кишилар эканки, бирор воеа юз бермасдан аввал ундан кутилиш йўлларини ва тадбирини йўлаб, одамлар охирида қиладиган ишни улар аввал қилиб қўяр эканлар.

Нодонлар шундай кишилар эканки, бирор ҳодиса юз берса ўзларини йўқотиб қўйиб, уларни чора-тадбирини кидириш ўрнига додувой килиш билан чегараланар эканлар.

Демак, ақллиларга якин юрган киши камол топаркан.

Яна ҳакимлар етти тоифадаги кишилардан кочишини лозим қўрадилар:

Биринчиси, яхшилик ва неъмат ҳақида билмовчи. Иккинчиси, ишни чукур йўламай, бесабаб ғазаб отини минувчи. Учинчиси, умрини фойдали ишга сарфламовчи. Тўртингчиси, ўз ишининг асосига макр ва хийлани кўювчи. Бешинчиси, ҳиёнат ва ёлғончиликни гуноҳ деб йўламай, тобора бу йўлдан юрувчи. Олтинчиси, ҳашамат ва хою-ҳавасга берилувчи. Еттингчиси, гумон қилишга арзимаган нарса учун ўзидан ўзи ҳадеб гумонсираган киши.

Бундай тоифали шахслардан доимо узок юриш лозим.

Демак, вактни ўтказмай ҳакимларнинг юкоридаги маслаҳатларига кунт билан кулок тутилса, кўнгил ярасини олдини олган бўлинади.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Бирор гуноҳ килса, бўлсанг дарғазаб,
Жазо бермай туриб ўила яхшилаб!
Кўнгил шишиасини синдириш осон,
Бироқ асли каби бўлмайди ямаб.
2. Кучли ҳамда шер юрак одамни мард дема,
Ғазаб келса ғазабин боса олган мард эрур.

Ғазаб шундай бир дарахтки, меваси пушаймонликдан иборат. Шунинг учун тажрибали кишилар ғазаб оташини сўндириш учун, жаҳл луқмасини ичкарига ютганлар.

VII-ОБОД ТУРМУШ- СӨГЛӨМ ТУРМУШ

ҚАДИМДА СӨГЛӨМ ТУРМУШ МАСАЛАЛАРИ

Инсоният тараккиётининг илк даврларида саломатликни саклаш, касалликни даволаш, умрни узайтиришнинг зарурий эхтиёжи сифатида тиббиёт дунёга келган. Аввалимбор, у Хитой, Юнонистон, Рим, Хиндистон ва бошқа мамлакатларда кенг тараккӣ эта боцлаган.

Қадимги Хитойда гигиенага катта эътибор берилган. Унда ҳаёт кечириш тарзини тўғри йўлга кўйиш, факат таомнигина эмас, балки эҳтирос ва хатти-харакатларни тартибга солиб туриш кераклиги уқтирилган. Бу айникса, кон босими юкори шахсларга кўпроқ таалуқилиги тўғрисида сўзлаганлар. Улар: “Бунда кўп нарса беморнинг ўзига боғлиқ бўлиб, у ўзини қандай тутиши, кайфияти ва хатто касалликнинг моҳиятига бўлган карашига ҳам боғлиқдир”, деб эътироф этгандар. Хитой ҳакимлари ўша вактдаёқ уйқунинг аҳамиятига юксак баҳо бериб: “Бир кеча бедорликнинг ўрнини ўн кеча коникиб ухлаш ҳам боса олмайди”, дейишган.

Қадимги юнон тиббиёти ўзининг бадантарбия машқлари, шахсий гигиенага бўлган эътибори билан акралиб турган.

Юнон табибларидан бири Гиппократ: “Бадантарбия, баланни хўл сочиқ билан артиш, сутлни таомлар ва меваларни истеъмол килиш, уйку олдидан соф ҳавода бироз сайр килиш, дам олиш куни яхши хордик чиқаришга эришиш, ишга иложи бўлса яёв бориб, яёв кайтиш – дориларсиз кон босимини меъёрда ушлаб туришга ёрдам берадиган муолажалардир. Бу кўрсатмаларни мунтазам равишида бажариш лозим”, деган.

Ҳинд тиббиётида аклнинг равшанлиги, хис-туйғу аъзоларининг яхши холатда бўлиши, танада суюклиknинг бир текис таксимланиши кабилар саломатлик аломати сифатида баҳолангандар. Ана шулардан бири бузилса, кишида дард пайдо бўлишилиги тўғрисида айтилган.

Қадимги Рим ҳакимлари Демокрит, Эпикур ва Меркурийлар оқилона гўзал ва ёқимли ҳаёт кечириш, касалликларнинг олдини оладиган муҳим омиллар эканлигини таъкидлаган бўлсалар, грек тиббиёти вакили Асклепиад юкоридаги анъаналарни давом эттиргани ҳолда хуштаъм таомлар ва ичимликларни истеъмол килишни, соф ҳаво ва кубӯш нуридан фойдаланишини, ҳар хил ёғларни баданга суртишини, кайикда сайр килишни, стулда ўтириб тебранишини тавсия этган. Яна Асклепиад киши саломатлигининг энг асосий шарт-шароитларидан бири терининг очик ерларидан чикадиган бугларнинг микдори эканлигини кайд этган.

Ўрта аср Шарқ табобатининг кўзга кўринган вакилларидан бири

Абу Бакр ар-Розийдир. У ўзининг машхур “Ал-Ховий” номли асарида даволашнинг дорисиз усуулларига катта эътибор каратган.

Шарқда “Шайхур раис” (яъни олимлар устози) деган улуғ номга сазовор бўлган олим Абу Али Ибн Синодир. У кўпгина ички аъзо касалликларининг келиб чикиш сабабини руҳий ва асабий ўзгаришлардан деб билган. У юрак фаолиятини инсоннинг руҳий ҳолати билан боғлаган.

Абу Али Ибн Синонинг „Тиб конунлари“ китобида озиқ-овқатлар, шунингдек таомларни хам дори-дармон сифатида қўллаш, овқатланишда маълум меъёрга риоя этиш хусусида хам кўрсатмалар берган.

Бу асарда гигиенага оид оқилона кўрсатмалар, саломатликнинг барча омиллари ва профилактик чораларнинг барча томонлари баён этиб берилган.

Шу тариқа Юнон табобати эгаллаган ўринларни аста-секин Абу Бакр ар-Розий, Абу Али Сино ва уларнинг шогирдлари яратган шарқ табобати дурданалари эгаллай бошлаган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Шарқ табобати намояндалари bemорлар билан яқиндан мулокотда бўлиб, уларнинг кундалик ҳаёт тартибини режага солиш, пархезга риоя килиш, дорисиз усуулларни қўллаш билан ҳам уларни яхши даволаганлар.

Ҳозирда айрим шифокорлар bemорни кўргач 7-8 та дори ёзib бериш билан кифояланиб, юқоридаги дорисиз усуулларни кам кўллайдилар.

Шу боис шифокор кайси тибиёт соҳасининг мутахассиси бўлмасин, касалликка ташхис кўйғандан сўнг, авваламбор, bemорга кундалик ҳаёт тартиби (режим) кандай бўлишини айтиб берсин, сўнг пархез таомларини тушунтиrsин, сўнгра дорисиз даволаш усуулларини (бадантарбия, укалаш, физотерапевтик муолажалар, психотерапия ва х.к.) тасвия этсин, шулардан сўнгтина дорилар тўғрисида фикр юритса, мақсадга мувофик бўлади.

Шунда bemорларга дори моддаларини камрок ёзib, полипрагмазияга (кўп дорилар тасвия этиш) йўл кўймаган бўлади.

Бу хол bemорларга ҳар тарафлама фойда беради, уларнинг тезрок согайишига ва умрларини узайтиришга олиб келади.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Бўкиб егандан, бўлиб еган яхшиrok.
2. Иллатнинг пайдо бўлишига тўрт нарса сабаб бўлади: ёмон сув, аччик тутун, бадбўй ҳид ва ҳазм бўлиши кийин қаттиқ емиш.
3. Кимки кўп ейишни айласа одат,
Ичию ташини қоплагай иллат!
4. Тунда ухлагач, кундузи яна ухлаш умрни исроф килишдир.

ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРДАН САҚЛАНИНГ

“Саломатлик – туман бойлик” дейди доно ҳалкимиз. Кадимда бир донишманддан: “Одамни нима баҳтли килади, бойликми ёки шоншұхратми?”- деб сұрабдилар. “Бойлик ҳам, шон-шұхрат ҳам одамни баҳтли кила олмайды. Тани жони сог ғадо ҳар кандай бой одамдан баҳтлироқдир”, деб жавоб берган экан у”.

Дархакиат шундай. Соглигининг мазаси йүк одам баҳтли бүлмайды, бетоб одамга хеч кандай бойлик ҳам татимайды. Аммо сихат-саломат, бақувват бўлиб юриш кўп жиҳатдан одамнинг ўзига боғлик. Лекин биз саломатликни саклашга кам эътибор каратамиз. Касал бўлиб колганимиздагина унинг аҳамияти тўғрисида фикр келади. Холбуки одамнинг бадани парваришига муҳтоҷ, айни пайтда бошқариладиган тизим.

Шу боис, ҳар бир соглом яшай деган инсон соглом турмуш тарзи ва маданияти тўғрисида билим ва малакага эга бўлиб, уни кундалик турмушда қўллаб, тўсатдан ўлимдан омон колиб, соглом ва баракали умр кўриши мумкин. “Ҳар ким ўз баданининг табиби бўлиши керак” деган хикматли сўзнинг тез-тез такрорланиб туриши ҳам шу маънога таълуқлидир.

Соглом турмуш тарзи – бу кундалик турмушни биологик ва ижтимоий конунлар асосида ташкил этиб, саломатликни саклаш ва мустаҳкамлашга каратилган турмуш тарзидир. Бунинг учун азизларим зарарли одатлар хакида бироз тўхтамокни лозим топдим.

Зарарли одатлар деганда кўпинча одамлар кашандалик, ичкилиkbозлик, гиёхвандликни тушунишади. Холбуки, согликка зиён киладиган ҳар кандай одат борки, уларни зарарли одатлар сирасига кўшиш мумкин. Бундай одатларнинг энг кўп шаклланган турларидан овкатхўрлик, дангасалик, ахлокий тубанлик, ҳасадгўйлик, жаҳлдорлик, ифлосликка кўникиш, тартибсиз турмуш кабиларни киритиш мумкин. Согликка зиёни жиҳатидан улар ҳам кашандалик, ичкилиkbозлик, гиёхвандликдан колишмайдилар.

Айтадилар: “Арок ўзи ок, аммо у бурунни қизил, дилни кора, обрўни эса бир пул килади” ёки “Коринга кирган май- ичкаридаги беъмани сўзларни хайдаб чикаради. Бу сўзлар кейин уни бошига етади”.

Шу ўринда ичкиликка муккасидан кетган бир инсоннинг сўзларини келтирмокчиман. Бундан 40 йил мукаддам, деб сўз бошлади у, кўзидан ёш тинмай. 40 йилдан бери йиглаб ибодат киламан, ҳар йили ҳажга эхром боғлайман, бунинг сабаби бор. Бундан 40 йил мукаддам рамазон ойида уйга маст бўлиб кириб келдим. Шунчалар кўп ичган эканманки, оёқда туролмай қолибман. Зўрга уйга стиб келдим. Нима деб алжираётганимни

ўзим билмайман. Эшикни очиб ҳовлига кирдим. Хотиним нон ёпмоқчи бўлиб тандирга ўт килаётган экан. Мени маст ҳолатда қўриб: „Вой шўрим, рамазонда ҳам ичасизми?! Ичкари уйга киринг қўни-кўшни кўрмасин, изза бўлмайлик” деб мени ичкарига торти. Ғазабим келди. „Кўлингни торт! Йўқол кўзимдан!” деб бакирдим. У мени ичкарига киргизмоқчи бўлди. Мен уни ўлгудай дўппосладим. Қий-чувни эшитиб онам югуриб чиқди. Бошида намоз ўқиганда ўрайдиган катта рўмоли, кўлида тасбех. Онам кариб кичкина бўлиб қолган эди. Ўзи озгин, рўза ичи янада озиб кетган. „Ичдингми, рамазонда ҳам ичсанми?! Йўлдан урган ўртокларинг ўлсин, рамазонда кайф килмай ўл”, деб карғай кетди. „Ўзинг ўл!” деб онамни шартта кўтариб ловиллаб ёнаётган тандир ичига отдим. Тандир оғзини беркитиб кўйдим. Хотинимни ичкари уйга қулфлаб қўйганман, ўзимни эса уйку элита бошлади. Эртасига уйғондим. Хотиним ийғлайвериб кўзи шишиб кетибди. Устига кора кийим кийиб олган.

-Тинчликми, нега йиғлаяпсан?-дедим

-Онангизни қаердалигини билмайсизми?!-деди

-Йўқ билмайман. Онажоним қанилар? Ая, хув ая,-деб аям ўтирадиган уй томонга караб бакирдим. Ҳаёлимда онам ичкаридан туриб „Ҳозир болам, икки раъкат суннат ўқиб олай, чиқаман”,-дегандек бўлди.

-Кеча маст ҳолда келиб онажонимни тандирга ташладингиз! Намозхоним, дуохонимни ўлдириб қўйдингиз-ку!

Юрагим уришдан тўхтагандек бўлди. „Ёлғон!” деб кичкириб юбордим. Онам уйига чопдим. Жойнамози солик, Куръони очик, демак онам шу ўртада. Узокка кетса Куръонни ёпиб кетади. „Ая! ая-ю!” дедим. Жавоб бўлмади. Тандир ёнита чопиб келдим. Не кўз билан қўрайки тандир остида онамнинг рўмоли ва тасбехи ётарди.

Кўрдингизми, арок инсонни не кўйларга солмайди-я?! Гоҳ шер бўлиб наърайсан, гоҳ қуш бўлиб сайдайсан, гоҳ маймундек сакрайсан, гоҳ тўнғиз, гоҳ... хуллас, шакл ҳам, шамойил ҳам одамийликдан чикиб кетади.

Чекиши хавфли. Тамаки тутуни таркибида азот, углерод оксиди, никотин, иштахани китиковчи ва саратон касаллигини қўзгатувчи канцероген моддалар бор. Бу моддалар организмга ётдир. Чекиши қонни бузиб, ўпка, жигар ва юрак хасталикларига олиб келади. Статистик мъалумотларга кўра, тамаки махсулотларини истеъмол килиш натижасида дунёда бир йилда 3,5 миллион шахс бевакт вафот этаркан. Америка Кўшма штатларида тиббиёт ходимлари 2006-2008 йилларда шундай хулосага келдиларки, кунига 20 тадан сигарета чекадиган инсонлар ўртасида чекмайдиган кишиларгага нисбатан ўпка раки 20 баробар кўп учрар экан. Француз олимлари мъалумотига қараганда (2005 йил) етук ёшида ўпка силига учраган 100 та бемордан 95 таси кашанда экан. 20 ёшгача чека бошлаганлар орасида рак касалликлари чекмайдиганларига

нисбатан баробар кўп учрар экан.

Тамаки чекиш одам учун муҳтожлик эмас, балки заарлар одат хисобланади. Ёш ўсмиrlар катталарга таклид килиб, ўзларини катта килиб кўрсатиш мақсадида чекишни ўрганадилар. Сигаретани бир-икки марта татиб кўргандаёқ, унга ўргана – колади.

Кани энди кашандалар тамаки чекишнинг нафас олиш аъзоларининг хавфли касалликларига сабаб бўлишини билсалар эрди.

Рентгенда соғлом одам ўпкаси худди майсазорга ўхшаб кўринади, кашанданинг ўпкаси эса чагир тошлар тўла куриган саҳрони эслатади. Демак, узок йиллар чекиш ўпкани адон-тамом қилади.

Ҳалкимиз орасида тамаки чекадиган одамни уйига ўгри тушмайди, уни ит копмайди, у каримайди, деган гап юради.

Бу тўгри гап, Кашанда доимо йўталади, ўгри уй згаси уйгок экан, деб кўркади. Уни ит копмайди, чунки кашанда минг дардга мубтало бўлиб, хассага таяниб юради, ит эса табиийки калтакдан кўркади. Кашандани ўпкаси чириб, карилик ёшига етмай, ёш вафот этади. Хўш тамаки шу калар ёмон нарса экан, акли одам ўз соглиги, келажаги, оиласи, болалари баҳт-саодати ҳакида ўйлаши керакми ёки йўкми?

Агар шахс папиросни ташкарода чекмай, уй ичида чекса, (бу хол кўп кузатилади) у холда унинг тутинидан оиласи, болалари ҳам баҳраманд бўлади ва улар кўпроқ заарланадилар (Буларни пассив чекувчилар деб аталади).

Яна шунча дона сигарета чекини йилига бир марта ярим пиёла смола ичган билан тент экан.

20 дона сигаретдаги никотин чекмайдиган одам учун ўлим дозаси хисобланади.

Пассив чекувчиларда 20-30 % холларда юрак иллатлари пайдо бўларкан. Ёш болаларни бўйи ўсмай коларкан, бронхиал астма, бронхит, зотилжам ва ўрта кулоқ касалликларига улар кўп чалинар эканлар.

Француз олимларининг фикрича, бир кунда 10 та сигарет чекадиган ота-онадан тугилган бола тенгдошларига нисбатан касалликка кўп чалинаркан.

Тажрибалардан шу нарса маълумки, кашанда астойдил истаса ва иродали бўлса, тамаки чекишни бемалол ташлай олади. Хозир чекишни ташлаш учун яна “Табекс” деган дори чиккан. У дорихоналарда сотилади. Бу препаратни схема бўйича кабул килинади.

Туркман донолари:
Тамаки заҳар, ундан кил ҳазар
Чексанг пулинг ҳам, ичинг ҳам куяр
деб бежиз айтмаганлар.

Охирги пайтларда наркотик моддаларни истеъмол килиш кучайди. Буни сизлар газета, журнал материалларидан ўқиб ёки телевизор, радио оркали кўп бор хабардор бўлаяпсизлар.

Гиёҳвандлик бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятини ташвишига солаётган иллатлардандир. Хар йили унинг тузогига минглаб, юз минглаб инсонлар тушиб колаётир. Уларнинг кўччилигини ёшлар ташкил килмоқда.

Бу огу не-не умидларни ҳазон килаётир, гулдек йигит-қизлар унинг макрига учиб, ҳалокат гирдобига гарк бўлишмоқда. Шу бало туфайли канчадан-канча ногирон гўдаклар дунёга келаётир, канчадан канча оиласлар парчаланиб кетмоқда.

Турли беандиша томошалар, шармиз фільмлар, кўшиклар ёшларимиз онгини заҳарламоқда. Бу эса ўз навбатида фаҳш, зино, бузуклик сингари ярамас, ёмон иллатларнинг кўпайиб кетишига замин бўлаётир. Гоҳида ўзбек кизларининг ҳам ана шундай жирканч кўчаларда жавлон ураётгани, хатто чет элларда ҳам шу йўл билан даромад ортиришига интилаётгани хар бир номусли, виждонли инсонни ўйлантириши табийдир. Енгил-елли хаёт, шаҳвоний лаззат илини одамларни не кўйларга солиши маълум.

Хозирда “ОИТС” деган даҳшатли касалик мавжуд. Бу касаликка чалинаётганларнинг асосий кисмини ахлоқий бузук ҳамда гиёҳвандликка берилган кимсалар ташкил этади.

ОИТС инсонни мажбурламайди, излаб топмайди. Аксинча, инсон уни толиб, асирига айланади. Унинг домига тушдингми - ўзингни – ўзинг ўлимга маҳкум этасан. Гиёҳвандлик хеч кимга наф келтирган эмас. Унинг бир неча дакикалик кайфу-сафоси одамни дўзахга элтаётганлигини ҳамма – ҳамма чуқур идрок этиши керак.

Инсоният яралибдики, касаликка карши курашади. Ҳаёт бор экан, бу кураш тугамайди. Негаки, кеча ва кундуз, яхши ва ёмон, узун ва киска доим бирга бўлгани каби саломатликни кушандаси касалик ҳам доимо инсон билан бирга юради. Факат уни кўпайиб, таркалиб кетишига йўл кўймаслик лозим. Акс холда инсонлар курбон бўлишидек ачинарли вазият юзага келиши мумкин.

ОИТС, фаҳш ва наркоманияни бир кориндан талашиб тушган кондошлар десак, тўгри бўлади. Билиш керакки поклик, тозалик, соглом турмуш тарзини ўзига шиор килиб олган инсонга бу балолар хавф солмайди.

Шуни билингки, ёмон одатларга бодганиб колишни, унга интилишни асосий сабаби мияни танани кулига айланиб қолишидир. Тана ёлгон фалсафа: “Дунёга бир марта келасан, е, ич, айш-ишрат кил, эртанги кунни ўйлама” тарзида бошкаради.

Бундай яшашнинг охиривой! Агар инсон берилган имкониятлардан фойдаланиб, мия онги ёрдамида, табиат конунлари асосида танасини бошкармаса, у ўз танасига карши жиноят киlgан бўлади.

Азизлар! Хозирда бизнинг соғлик йўлидаги харакатимиз ана шу зарарли одатларни кундалик турмушдан буткул чикариб ташлашга, уларга карши курашга, кундалик ҳаётда соглом турмуш тарзига риоя килишга каратилган бўлиши керак.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Мастилик-ихтиёрий жиннилиkdir.
2. Чекиши ташлагандан сўнг, дилни ғашлиги, кайфиятни бузуклиги йўқолади.
3. Наша чекиш айб, кўкнор чекиш уят.
4. Тамаки – ёшни килар амаки.
5. Тамаки чекиш-соғликдан кечиш
6. Рухни согайтирмай туриб, танани даволаб бўлмайди.

НАСЛИМ ТОЗА БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

Маълумки, сабзавотлар, турли ўсимликлар ва мевали дарахтлардан яхши ва мўл хосил олиш ургуларининг сифатига boglik бўлганидек, инсонда хам насл тозалиги кўп жиҳатдан зурриёд колдираётган киши шаҳватининг холатига бориб такалади.

Киши бирон дардга чалинганда бу хасталик кон ва сийдикда ўз аксини топганидек, одамнинг мижози маънавий ва моддий холати шаҳватининг сифатига тъясир этади. Шаҳватнинг сифати кайфият ва шароитта караб бир-бирига ўхшамаган хусусиятларда шаклланади. Шу боисдан бир ота-онадан тугилган фарзандлар акл идроки, шакл ва шамойили жиҳатидан турлича бўладилар.

Эр-хотин ўртасидаги кўнгилсизликлар, нафрат, кўркув ва жаҳолат наслнинг бузилишига сабаб бўлади...

Бир оилада икки фарзанд ўсган. Бирин касалванд хасадгўй ва кўримсиз бўлса, иккинчиси жуда кобилиятли, одобли, чиройли бўлган. Унинг онасидан биринчи болага кайси шароитда хомиладор бўлгани сўралганда, онаси уни оиласи анча кийинчлиларда, нотинчликда, хавотирда яшаган пайтда бўлганини айтган. Шунинг учун эр-хотин ўртасида муносабатлар анча совук тус олган экан. Табинйки, бу холат наслга тъясир кўрсатган.

Онанинг айтишича, вақт ўтиши билан оиланинг моддий ахволи яхшиланган. Эр-хотин иккалasi тез-тез сайр-саёҳатларга чикиб турганлар, тўй-томоша ва сайлларда бўлишган. Рухий хотиржамлик ва халоватли кунлар бошланган. Эр-хотин ўртасида муҳаббат ва меҳрибончиликлар жўш урган. Эр-хотин хам рухан, хам жисмонан бир-бирига талпинган,

бир-бирини түлдиргән. Шундай кайфиятда юришганда хотин иккинчи ўглига хомиладор бүлгән. Окибатда насл ҳам түлиқ, ҳам бўлик бүлгән.

Кўрдингизми, гарчи болалар бир ота-онадан туғилған, бир қозондан овқатланган ва бир хонадонда вояга етган бўлсаларда, акл, феъл-автор ва соглиги жиҳатидан бир-бирларидан анча фарқ килишган. Бунга сабаб аёлнинг бир-бирига ўхшамаган шароитда ва ҳар хил руҳий холатда хомиладор бўлганидир.

Яна бир мисол: Бир оиласида аёл ёш боласини ташлаб, бошка эрга тегиб кетади. Бола улгаяди. У ўз онасининг килмишидан нафраланса ҳам, уни кўриб қолганда бағри-дили очилишини, суюнганидан еру кўкка сигмай кетишини, ўша куни мириқиб ухлашини айтади. Нега шундай? Бунинг сабабида ҳам насл дунёга келган пайтни эслаш лозим. Бу фарзанд ота-оналари ошик-мошиқ бўлган вактларда дунёга келган. Бундай туғма согинч, руҳий изланиш, изтиробни ҳеч кандай оғир шароит ёки жудолик йўқ килолмас экан.

Мехрсиз, ишк-мухаббатсиз дунёга келган фарзандлар, гарчи ўз ота-оналари бағрида, фаровонликда яшасалар ҳам, уларга нисбатан меҳрибонликни, гамхўрликни ва хурмат килишни яхши билмайдилар. Уларнинг ашшадийлари ўзларининг ўта одобсизликлари ва жирканч килмишлари билан ота-онасини ўтда ёндирадилар. Фарзанднинг отага меҳрибонлиги, онанинг отага меҳрибонлиги заминида кориндаёт болага ўтади. Отанинг ўз хотинига меҳри болада онага нисбатан меҳрини шакллантиради.

Эр-хотиннинг руҳий тайёргарлигисиз, хавотирлик ва тахликада, пала-партиш, фавқулодда ёки маст ҳолда иш тутиши фарзандларнинг ҳам ҳоҳ яширин, ҳоҳ ошкор нуксонлар билан туғилишига сабаб бўлади. Туғма хусусиятлар, ҳоҳ ижобий (фаросатлилик, инсофлилик, андишалик, меҳмондўстлик, хушмуомалалик ва х.к.) ҳоҳ салбий (ҳасадгуйлик, жоҳиллик, очкўзлик, димогдорлик хийлакорлик ва х.к.) бўлишидан катъий назар, ҳаётдаги шароит таъсирида эғилиб-букилса-да, кўп ҳолларда ўзгармайди.

Қадимдан “Экканингни ўрасан” деган наклнинг ҳаёт сабоги ҳам шундан. Албатта, катта орзу билан яхши уруг эккан деҳкон истагандек яхши сархил ҳосил олади.

Донишмандлар ҳамиша фарзанд кўришга ниҳоятда катта масъулият билан караш кераклигини кўп бор таъкидлаганлар.

Бу дунё биз билиб, билмаган фоний дунёдир. Ҳаётда сабр каноатли аёллар оз эмас. Улар оиласининг манфаатларини кўзлаб эркакларнинг ножӯя харакатларини билмасликка оладилар, дилларидаги норозиликларини пинхон тутадилар. Уларга иззат-икром кўрсатиш, кўнгилларини олиш ва орзу ниятларини рўёбга чикариш ҳар бир эркакнинг бурчидир. Шундагина

хотинда ҳам эрга нисбатан муҳаббат ва ҳурмат ошади.

Ўзига нисбатан ҳурмат, меҳр, эъзозни сезган, хис қилган аёлнинг кўзи яшнайди, юзида нур ёғилади, лабидан табассум аримайди. Икки яшноқ баҳт уйгунлигидан пайдо бўлган фарзандлар фариштали, аклли, истеъододли, чиройли ва меҳрибон бўладилар.

Турмуш қуриш бўсагасида бўлган ёшлар бу нарсалардан боҳбар бўлганлари максадга мувофикдир.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Бир одамнинг тўғрилиги ва садокатли эканлигини билиб олиш учун унинг аждоди, ота-боболари ким эканлигини билиш керак.
2. Шоду ҳуррамлик билан, гам-гуссанинг ораси бир қадам.
3. Қиз ва ўғлингиз тақдирини ҳал килишдан аввал узок ўйланг. Сўраб-суриширишдан тортиниманг. Ҳалкимизда: “Етти пушти ким бўлса авлоди ҳам шу бўлади”, деган наклни магзини чакиб иш кўрсангиз, асло зарар кўрмайсиз.
4. Насл насадни суришириш удуми онлада тотувлик ва покликни таъминлаш, янги авлод қонининг тозалигини асраб қолиш максадила килинган. Авлодини қони тоза бўлса, миллатини қони тоза бўлади. Тоза қонли миллатнинг имони бутун, шуури баланд, умри бокий кечади.

КАСАЛМАНД КЎЗЛАР КАМАЙСИН

Сир эмаски, сурункали ишлаш, ҳаётдаги келишмовчиликка норозилик, бир хилдаги турмуш тарзи қиши аъзолари мувозанатининг йўқолишига олиб келади. Қиши саломатлигини саклашда қўриш, эшитиш ва хид билишининг салмоги каттадир.

Узок вакт давомида хунук нарсаларни кўриш, уриш-жанжалларнинг гувоҳи бўлиш, ҳадикда, ҳавотирда яшаш қиши дилини хиралаштиради, жигибиён килади. Вужуди роҳатланиш ва завланишни унутади, кўзлари тез толикади, салга чирсиллайдиган бўлиб колади.

Одатда, шинфокорлар бундай кўзларни, гарчанд кўрсалар ҳам касалманд кўзлар деб ҳисоблайдилар.

Бундай шахстга муолажани табиатта чикишдан бошлаш максадга мувофикдир. Табиатнинг турфа манзаралари, хусусан дарёлар, тоглар, ок чўққилар, водийдаги ранго-ранг гуллар, кўм-кўк майсалар, чинорлару кайрогачлар – буларнинг барчаси кўзни озиклантиради ва қувонтиради. Чиройли нарсаларга тикилиш, ўз навбатида, дилни равшанлантиради, атрофдаги шодликни кўра билишни таъминлайди. Қиши ўзида ишонч ва

умид хис килади.

Эшитиш аъзоси бўлмиш қулок ҳам кўзга ўхшаб, бир хиллиқдан чарчайди. Айникса ёкимсиз шовкин-сурон, дагал ва қўпол сўзлар сурункасига эшитилаверса, кайфият бузилади.

Бунинг ҳам олдини олиш чораqlарини изламоқ керак. Бунинг учун инсон тез-тез ёкимли куй, кўшикни, кушларнинг сайрашини, дарё ёки сой сувлари овозини, шамолда терак баргларининг шивирлашини тинглаб туриши лозим. Булар кишини завлантиради. Дағал ва қўпол сўзловчилиндан нарироқда юриб, ўзга ором бериш мумкин.

Ёши катта, кенг мулоҳазали, одобли инсонлар сұхбатини тинглашдан ҳам кишининг вужуди завқ олади. Шунинг учун ҳам донишмандлар: “Дилни дил сугоради” деб бежиз айтмаганлар. Сизни тингловчи дўстлар билан ҳам эркин туриб сўзлашиб, дардлашиб, хазил-мутойиба килиш ҳам кони фойдадир. Булар инсон томирларига илислик, билагига куч-гайрат беради.

Инсон учун бурун оркали олинадиган озуканинг ҳам аҳамияти бекиёсdir.

Вакт-вакти билан киши хона ҳавосини ўзгартириб турмаса, ёкимли хидлардан етарли фойдаланмаса катта зарар кўради.

Мусаффо ҳаво, гулларнинг ёкимли хидлари нафас йўллари фаолиятини яхшилайди. Ёкимли хидлар киши аклини, хотирасини ва умуман, аъзойи-баданини тинклаштиради.

Демак, биз кўриш, эшитиш, ҳид билиш аъзоларининг фаолиятига эътиборни каратсан, соглигимизни авайлаб, ўзимизда соглом турмуш тарзини шакллантирган бўламиш. Бунга кунт билан имкон топсанг бўлади.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Бадбўй хиду, ғамин эшитмоқ,
Бошу танда оғрик кўзгатар.
Имкон бўлса узок юр бундан,
Касал бўлсанг ким ҳам тузатар.
2. Биродарлар омон бўлсангиз сенинг-чун у саодатдур,
Бу ноёб дур каби сўз боболардан ривоятдур.
Азиз бошинг омон бўлса, ўзингни зўр бадавлат сез,
Ҳаёт қадрини билмоқлик ниҳоят олий хислатдур.
2. Тўрт нарса одамнинг юрагига хурсандчилик ато килади: соя жойга
караш, окар сувга тикилиш, чиройли хат ва гўзал чехра.

ТАБИАТНИ АСРАНГ

Одамнинг саломатлиги ташки мухит билан чамбарчас болланган. Абу Райхон Беруний одамлар тузилишларининг турлича бўлишлари факат насабгагина боғлик бўлмай, балки одам яшайдиган жойлардаги тупроқ, сув, хаво ва ерга ҳам боғликларини таъкидлаган.

Зилол сувлар, ям-яшил дараҳтлар одамлар саломатлигига кони фойда эканлиги ҳаммага аён.

Сув азалдан кадрланган, эъзозланган. Барчани сувга эхтиёжи бор.

Кунлар исиб, бадан қизиши биланоқ киши ўзини сувга отади. Шунда у ўзини енгил ва хушёр сезади. Сув баданни кирдан пок килибгина колмай, балки терини кўзини очади. Сув таъсиридан бош мия хушёр тортади, чукур нафас олинади, юрак дадил уради, мушакларнинг таноби тортилади.

Сув бамисоли гавҳар. Кейинги пайтларда “сувни бошланишидан ичган асал ютади, охиридан ичган заҳар ютади” деган макол пайдо бўлиб колган. Нега? Чунки кўп холларда арикка ташланган аҳлат, мағзава, темир терсаклар, шиша парчалари ва овкат колдикларининг бир-бирларига калашиб, ириб-чириб ётганини кўрасиз, таъбингиз хира тортади.

Айрим ташкилотлар, ҳаммомлардан окиб чикаётган оқава сувлар ҳам зилол сувларни ифлослантираётганини газета материалларида ўқиб коласиз. Буларнинг ҳаммаси гуноҳи азимку.

Қуйидаги ривоятга бир эътибор беринг-а.

Унда айтилишича, ниҳоятда баҳтиёр бир оила бўлган экан. Улар катта анҳор бўйида, мева-чеваларга бой bog ичиди истиқомат киларканлар. Шундай баҳтиёр кунларнинг бирида Аллоҳ уларга паҳлавондек ўғил берибди. Келинчак боласини еру-кўкка ишонмас, ок ювиб, ок тааркан. Бир куни ҳовлини супуриб юрса, боласи йиглаб колибди. Она болага шошилиб, тўпланинг аҳлатини анҳорга ташлабдида, уйга караб чопибди.

Аммо шу кундан бошлаб, бола гулдек сўлиб борибди ва оғир дардга чалиниб, тузалмабди ва вафот этибди. Келинчак Аллоҳдан бошка фарзанд сўрабди. Лекин у бошка фарзанд кўрмабди. Бир куни тушида анҳор тўла чакалок окиб келаётганимиш, уларни ушлай деса, ушлай олмасмиш.

Шунда бу аёл бир донишманд олдига бориб тушини таъбирини сўрабди. Шунда донишманд уни обдон тинглагач: “Сиз анҳорга аҳлат ташлаганмисиз, кизим”, деган экан.

Айтишларича, туни билан фаришталар ҳовлига кут-баракани сочиб юришаркан, уй ичидаги аҳлатни кўчага улоктирангиз, кут – баракани ҳам улоктириб юбораркансиз.

Отам раҳматлининг ибратли хислатлари кўп эди. Истрофдан сакланинглар, ҳамма нарсанинг уволи бор дердилар. Арикдан окиб келган

ион бурдаларини четга олиб кўйиб, буни кайси тарбиясиз ташладикан деб кўярди. Агар сувда турли чикиндиларни кўриб колса, биз ўйнаётсан, чакириб, уни кўрсатарди ва : “Сувни ифлос килган, сувга тупирган одам кўр бўлиб колади, зинхор бундай килманглар, деб насиҳат килардилар. Биз хам ўз навбатида агар болалардан биронтаси билмай сувга бирон нарса ташлаб юборса, тезда ол, бўлмаса кўр бўлиб коласан, деб бир-бирларимизга танбех берардик. Хозирда нима бўляяпти, буни Сизларга тушунтиришга хожат йўқ. Ўзларинг кўриб турибисизлар.

Отамнинг яна бир одатлари бор эди. Юрган йўлларидаги хас-чўп, тош, кесакни, когозларни, ион ушокларини кўриб колсалар, уларни четга олиб кўяр, когозларни йигиг тандирга ташлар, ион колдикларини эса ўпиб, пешонасига суртиб, баландроқ жойга кўярдилар.

Билингки, бизнинг миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, турмуш тарзимиз экологик тарбиянинг бешиги бўлган.

Қадимдан бир туп ниҳол экиш катта савоб, хайвонот оламига шафқатли бўлиш, хатто чумолига ҳам озор бермаслик, арик,ховуз, анхорлардаги сувни тоза сақлаш каби урф-одатларимиз замирида борликни асраш фалсафаси мужассам бўлган.

Ўйланг, хонадонда бир кун сув бўлмай колса, ҳамма ёкка жар соламиз. Лекин хонадонимизда беминнат окиб турган сувни ортиқча сарфламаслик учун вакти келгандаги жўмракни бураб кўйишдек оддий юмушга онгли муносабатда бўлмаймиз. Ҳалқимиздаги: “Олдингдан оккан сувни қадри йўқ” деган накли балки шунга тегишилдидир.

Хар бир инсон хар бир хонадонда юкоридаги ишни амалга оширса, канча сув истроф бўлмас эди.

Айтишларича, Тошкент шахрининг бир туманида шу тажрибани ўтказгандаридаги киши бошига кунинга 320 литрдан сув тежаб колинибди. Қаранг, тежамкорлик, сувнинг қадрига етиш кандай ижобий натижага берити.

Ислом динидаги сувни истроф килиш, ортиқча тўкиб-сочиш гуноҳи азим хисобланади. Сувни харом қилган кишини Аллоҳ кечирмайди. Арик яқинларига хожатхона ёки молхона курмайди. Имони бор киши хеч ҳам табиатни булгамайди, ўлган хайвонларни сувга отмайди, сувга ювинди тўқмайди.

Сув бизни асрайди, биз ҳам уни асранимиз керак. Сув борки, кўчаларимиз, маҳалламиз, юртимиз яшнаб турибди. Сув борки, боғлар, тоғлар, гулзорлар яшнайди. Уларни кўриб, инсонларнинг қалблари ҳам яшнаб туради.

Ўлкамизда сердараҳт кўчалар, боғлар, ҳиёбонлар жуда кўп. Яна турли туман гиёҳларни айтмайсизми? Булар ўлкамизни серфайзлигидан далолат беради.

Яшил хазиналар юртимиз бойлиги. Улар табиатнинг дармондорилариданdir. Улар хаводан карбонат ангидридни олиб, тирик мавжудотга зарур кислородни тайёрлаб, етказиб беради, хавони мусаффо килади.

Шу боис табиатни асрash учун xар бир ориятли инсонга: “Сиз кўчат экканмисиз” деб goxo-goxo савол бериб турилади.

Жавоб: “Ҳа” бўлса, кўнглинг яйрайди. Агар жавоб “Йўқ” бўлса, бир ижирганасизда, сўнг: “Сиздан бир илтимос, у ҳам бўлса шоҳ ва кўчатни асло синдираманг, шунда сиз табиатга катта меҳрибончилик кўрсатган бўласиз, бу илтимосни бажариш кўлингиздан келар” деймиз.

Ривоятларнинг бирида шундай ҳикоя килинадики, тут дараҳтидан “Холинг нечук?” деб сўрабдилар.

- Холим танг. Бирор тагимни юмшатиб кўймайди. Ўзинг учун ўл етим деб, бир амаллаб хосилга кирсам, таёк билан урадилар, устимга чикиб тепадилар, шохимдан ушлаб синдирадилар” деб нолиган экан.

Орамизда ям-яшил, кўзни кувонтирадиган, кайфиятни кўтарадиган майсалар устида ёнбошлаб ётадиган, гулларни бехисоб юлиб, нобуд қиладиганлар йўқ дейсизми? Билингки, xар бир гиёҳ бехосият эмас. Айrim жойларга дараҳтларни кесиб, пайхон килаётганлар камми?

Инсон учун бу бебаҳо хазинани бойитиш ва саклаб колиш xар бир виждонли кимсани бурчи.

“Сердараҳт кишлоқда бемор кам бўлади” дейишади турклар. Дарҳакикат шундай. Саломатлигимиз посбонларини авайлайлик, асройлик, уларни ёшларга тушунтирайлик.

Бобомиз Амир Темур: “Шоҳ бўлсанг ҳам, гадо бўлсанг ҳам bog ярат, унга зътиқод ва меҳр уруғлари кадалган бўлсин” деб бежиз айтмагандир.

“Ватан остоңадан бошланади”, дейишади. Шундай экан, xар бир хонадонга бокиб, у ерда яшаётганларнинг она табиатга бўлган муносабатини билиш, кўриш кийин эмас.

Тасаввур қилинг, шахримиздаги xар бир инсон xар йили бир тупдан кўчат экса, кўркамлиги бўйича шахримиз Швецариядан қолишармиди? Агар бу яратилган bog шифохоналаримизда бўлса, нур устига аъло нур бўлади. Уни бир айланган беморни руҳи тетиклашади, гўёки бемор билан тиллашган дараҳт унинг дардини олади.

- “Хавода чанг ва тутун бўлмаса эди, одам минг йил яшарди” деган эди. Абу Али Ибн Сино. Баликка сув нечогли керак бўлса, одамга кўкату майсаларга, паррандаю даррандаларга, ҳашорату хайронларга хаво ҳам шундай зарур.

Тирик мавжудот хаво таркибидаги кислород билан ҳаёт эканини барчамиз биламиз. Соф хаводан ким баҳра олмайди, дейсиз. Салкин ва

соф хаво баданни “ювади”, бамисоли “чаяди”. Юрак-томирлар фаолияти ошади. Рухий доира тиник ва равон бўлади, ўпка эркин нафас олади.

“Очик хавода ухланг, овқатланинг” деб бекорга айтилмайди. Соф хаво дармондори. Кўп беморлар шу дағмондоридан шифо топадилар.

Лекин хозирда айрим жойдарда биз унинг мусаффолигини қай даражада асрояпмиз. Кўчаларни сув сепмай супураяпмиз. Кўча, ҳовлиларда ҳашак, ҳазон, когозларни ёндираяпмиз. Улардан чиккан заҳарлар соф хавони булгаяпти. Нега билатуриб, бу ножўя харакатларни килаяпмиз? Нега шуни килаётган инсонларни тартибга чакирмаяпмиз? Шу тарика хаво булганиб бораверса, окибат нимага олиб келишини бир тасаввур киласлик-чи.

Буларга кўшимча шовкин-сурон ҳам табиатнинг “ашаддий” кушандаси эканлигини ҳам унутмайлик. Темир йўлларига якин ўсаётган гуллар холати билан ундан узокрокда ўсаётган гуллар холатини кузатсангиз, ҳакикатни дарров англашиб оласиз.

Шу боис академик Ё.Туракулов ҳам: “Одамларда табиатга муҳаббат туйгусини уйғотиш масаласи тарбиянинг узвий бир кисми бўлиши керак. Табиатни эъзозлаш кишилар учун бирор мажбурият ёки чора-тадбир эмас, балки табиий, тугма истак бўлиб колиши лозим” дейди.

Шулардан келиб чиккан холда, табиатни эъзозлашни хар куни, хар ким амалга ошириши лозимлигини унутмайлик.

Она табиатни асраш, бетакрор табиатга бефарқ бўлмаслик керак. Хар бир оиласда болани ёшлигидан табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш, оиласда экологик муҳитни ташкил килиш ва болаларнинг ҳам экологик маданиятни юксалтириш ота-оналарнинг муҳим вазифларидан бири эканлигини унумланглар.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Факат соғлом ҳалк, соғлом миллатгина буюк ишларга кодир бўлади.
2. Дипломсиз, муҳрсиз ва бепул даволайдиган шифокор-куёшдир.

ТЎЙЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР (ЭПЛИ ҚИЗ ЯХШИМИ Ё СЕПЛИМИ?)

Маълумки, ҳар бир ота-она фарзандлари улғайгач, ўғилларини уйлантириш, қизларини турмушга чиқариш тўйларини ўтказадилар, бу табиий ҳол, албатта. Республикамиз вилоятларида бу тўйлар ўзларига хос удумлар билан ўтади. Шу боис, тўйлар ҳақида ўйлар кўп.

Кўпни кўрган момоларимиз: “Емай-ичмай, дам олмай топганимизни тўйга йигамиз-карзга ботамиз. Тўй тўйдек ўтиши керакда, деймиз. Лекин ҳамма нарсанинг меъёрда бўлгани яхши. Хозирда келин-куёв сеплари хаддан зиёд кўп. Келиннинг сепидан кўра уни эпли бўлишига кўпроқ

эътибор берсак бўлмайдими? Хозир айрим турмушга чиқкан қизларимиз оддий овқатларни пиширишни ҳам билмайдилар. Кудалар ўзаро келишиб, енгилроқ тўй ўтказган оиласарни хозирда кўраяпмиз. Улардан ибрат олайлик, ўринсиз ҳаражатларга чек қўяйлик. Эркак бош бўлса, аёл унинг бўйини, бўйин, қайси томонга бурилса, бош ҳам ўша ёкка эргашади. Демак, тўй ва маъракаларни камхарж килиб ўтказишида биз аёллар кўпроқ жон куйдиришимиз мъкул”, дейишади.

Шу ўринда бир маҳалла отинойисининг сўзига эътибор беринг-а:

Дугонамнинг опаси кизини узатаётган экан. Бизни кудалар ўтирган уйга бошлиашди. Куда бўлмишлар бири олиб-бири кўйиб, ўзаро сарпосуруқ тарқатиш билан овора эди.

- Кудагинамдан ўргилай, тўрут хонали квартирани энг сўнгги урфдаги пардалар, қимматбаҳо мебеллару, рўзғор анжомлари билан безатди. Духобадан килинган алвон ранг кўрпа-тўшак, ёстикларни, “стенка”даги “Мадонна”-ю, биллур идишларни кўриб дўстдушманларимнинг оғзи ланг очилиб қолди.

Айникса, ўғлимга “Нексия”нинг калитини узатишганда ҳамма ҳайрон қолди, -куда хола лаби лабига тегмай миннатдорлигини ёнида жимгина жилмайиб турган кизнинг онасига етказарди.

Дугонам менга: “Кўрдингизми, кариндошлар бақувват”, дея магрур боқди.

Шу тобда менинг ҳаёлимга халқимизнинг бир накли келди: “Эпли келин керакми, сепли келин керакми?”. Одамлар ҳам кизик-да. “Йўқ-йўқ” дейди, замонани айблайди, бироқ ким ўзарга “мен сендан камми?”, дегандай сарпосуруқ, тўй ҳаражатларини (гарчи қарзга ботиб бўлсада) ошириб, ўз бошига ўзи гальва орттириб, йиллаб карз узадилар.

Қўшни маҳаллада бўлиб ўтган дабдабали тўй ёдимга тушди. Аллакайси амалдорнинг қизини келин килган Орзия хола қўша-қўша сарпосидиргаларга маст бўлиб, оғзи қулогида эди. Тўйдан икки хафта ўтиб бечоранинг кувончидан асар ҳам колмади. Янги келинчак ўзининг укувсизлиги, бирор-бир юмушни эпломаслиги, устига-устак ҳеч кимни одам ўрнида кўрмаслиги, кўполлиги билан хонадон ахлининг ҳафсаласини пир килди. Йил давомида ношуд келинчакнинг дастидан неча маротаба куйган нонлар ҳиди маҳаллага тараалди, қанча-канча идиш-товорклар синди. Ҳатто, газдан олов чикиб, уйнинг ярми ёниб кул бўлди. Бу кўргиликларга чидай олмаган қайнота юрак хуружига учраб оламдан ўтди. Орзия хола боякиш эса, кимни кўрса ғамгин ҳолда “Сеплига ошикма, эплига ошик, келин танлашда адашма”, дея таъкидлагани таъкидлаган.

Ҳар кимнинг фарзанди ўзига азиз. Инсон ўз боласига факат яхшиликни илинади. Бу дегани, миллион-миллионларни сарфлаб, емай-киймай,

сарпо-сиdirға йигишиң дегани эмас, хурматли она! Фарзандингизнинг тарбияси, сиҳат-саломатлиги, касб-хунарли бўлишини таъминлашингизнинг ўзи сизнинг улкан ютуғингиз. Инсон қадри мол-дунё билан ўлчаммайди, ақсинча уни ўз кўли билан яратишга кодир инсонларгина қадрлидирлар.

Бугунда кўпчилик кизларимиз олий маълумотли инсон бўлишга интилишади. Албатда ёшларнинг бу харакати кувонарли ҳол. Бунга барча шароитлар мавжуд. Аммо, истардикки оналар кизларини ўкиши билан бирга уй-юмуши, саранжомлик, пазандалик ҳамда умр йўлдошига бўладиган муомала ва эътиборни ҳам ўргатишса. Айникса, бўйи етган кизларига ошхона маликаси бўлишдек вазифани ўргатишлари жуда мухим. Кўпчилик ота-оналар кизларини ўкишдан чалгитмаслик учун уларни уй ва ошхона ишларидан озод килиб кўядилар. Натижада олий ўкув юртларини тамомлаётган кўпчилик талаба кизлар ошхона ишларидан бехабар бўлаётгани бугун хеч биримизга сир эмас.

Шуни унумаслик керакки, киз бола-бировнинг хасми. У эртага ота-она бағридан бошка жойга боради, ўшанда кизнинг янги хонадонидагилар уни талаба эмас, келин сифатида кабул киладилар. Энди тасаввур килинг, бегона хонадонга борган киз кайноаси айтган таомни пишира олмай, мулзам бўлиб, бош эгиб ўтиrsa, бу холатдан унинг онаси уялмайдими? Ёшларга колса ҳамма нарсани кейинга сураверади: турмушга чикишдан тортиб, рўзгор ишларини ўрганишгача. Уларни катта ҳаётга тайёрлаш оналар бурчидир. Ўкиётган кизлар кинотеатрларга боришга вакт топаолаятиларми, демак, ошхона юмушларини ўрганишга ҳам албатта вакт акрата олишлари мумкин, деб ўйлаймиз.

Энди, азиз ўкувчим, сўзимнинг охирида эътиборингизга кўпни кўрган отахоннинг турмушга узатилаётган кизига айтган сўзларини келтирмоқчиман.

„Бутун сенинг баҳт тўйинг, дейди отахон. Энди туғилиб ўсган болалик уйинга меҳмон бўлиб келасан. Гул кизим, шундай келинчак бўлгинки сен туфайли икки дунём жаннатий ифорларга буркансин! Билгинки, ота-она фарзандидан моддият истамайди. Ота-она боласидан тарбиясининг самарасини кутади. Ҳатто боласига етарлича тарбия бераолмаган ота-она ҳам фарзандининг келажаги порлок бўлишини астайдил истайди. Шукр, онанг оиласини жон қадар асраб-авайлаб, рўзгорини гуллатадиган аёл бўлгани учун сенда ҳам бу фазилат яккол кўриниб туради. Кўли ширин, пазанда кизим, энди сен пиширадиган мазали таомларни согиниб коламан. Аёл кишининг ширин сўзи, мулойим феъли ярим баҳти бўлса, колган баҳти пазандалигига. Борган жойингда қийналмагин, касбу-хунаринг билан элингда иззат топгин деб, сени ўзинг орзу килган ўкишларда ўқитдим. Ниятим – аввал аёллик илми, бекалик хунари, оналик касбини

аъло даражада уддалагин. Қолаверса, ўзинг эгаллаган касбинг билан ҳам эл-юртга нафинг тегсин. Жон кизим, отангнинг тилагини кулогинга куйволгин, баҳт эшигининг қалити – сабр деб номланган. У эшикка олиб борадиган йўлнинг номи-каноат. Шу иккаласини маҳкам тутсанг, сендан кўнглим хотиржам-баҳтли бўласан, иншо Аллоҳ. Қайнота-қайнанганнинг ҳамма вакт ҳурматини жойига кўй! Отам мендан рози бўлсин, десанг эринингнинг кўзига тик караб, баланд овозда гапирма! Жуфтингнинг отонаси сенга хеч қачон ёмонлик тиламайди. Борган жойингда тошдек жилмас бўл! Бораётган хонадоннинг сенинг чин ўйинг, буни унитма! Ўйингдаги сирни дорвазангнинг тиркишидан чикарма! Бир сўздан қолишини ор эмас, аксинча гурур бил! Турмушдаги келишмовчиликларда аёл ўзини эридан бир эмас, бир неча погона паст тутиш билан кадрини юксалтиради. Она кизим, отангни рози килишни истасанг, осто намга келганингда чехрангда мамнунлик балқиб турсин лабингда табассум қанда бўлмасин! Сени гамгин кўрган куним-ўлганим. Аёл кишининг либоси токат матосидан бичилган, дейдилар. Илоҳим, кубим-такдиринга битилган жуфтинг, заковатли, олийжаноб, онлапарвар инсон бўлсин! Ақиллигим, сўзлари интихосида тилаганим сенга факат ва факат баҳт! Кўзларинг факат севинч ва шукроналик ёшларидан намлансан! Кизим, орзулалинг рангидаги либосинг муборак бўлсин! Янги хонадоннинг осто насида баҳт олкишласин сени! Оилангнинг дарвозалари ор ва номусдан, деворлари садокату-вафодан, зиналари вафодан, деразалари шодликдан, устунлари меҳр ва муҳаббатдан, пойдевори ишончдан, кўргони дўстликдан бўлсин. Эсингда бўлсин дуоларим ҳамиша ҳамроҳинг, баҳтли бўлгин кизалогим!”.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Асли тоза, насли тоза, қони тоза, одамларнинг фарзандлари ёмон шахс бўлиб стишмайди.
2. Истроғарчилик аклга зид ишдир. Шамини кундузи ёндириган одамнинг туни коронги бўлади.

МУСТАҲКАМ ОИЛА АСОСЛАРИ

Инсон ҳамиша эзгу ниятлар, орзу-умидлар билан яшайди. Баҳтли ҳаётга эришиш одамзоднинг олий макомидир. Халкимиз ана шу баҳтни ота-онаси, умр йўлдоши, фарзандлари, бир сўз билан айтганда оиласи мустаҳкамлигига, турмушининг ободлиги, тинчлиги, аҳил-иноклигига кўради.

Оила мустаҳкам экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан мамлакат барқарор бўлади, соглом-оилада соглом фарзандлар вояга етади. Ана шу максадларни ўзида мужассам этган “Соглом она – соглом бола”

концепциясининг мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилиши, хаёт-нинг давомчилари бўлмиш фарзандларимизни акл-заковатли, юксак маъна-виятли, оила-жамият олдида ўз бурчи ва масъулиятини чукур англаб етишга қодир инсонлар этиб тарбия қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир боланинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши, иктидорининг шаклланиши, нималарга кизикиши, унинг қандай оиласда тарбия топганига ҳам боғлик..

Ҳар бир ота-она уйланаётган ўғлини, турмушга чикараётган кизини оиласи мустаҳкам бўлишини чин дилдан тилайди.

Оиланинг мустаҳкам бўлиши нималарга кўпроқ боғлик? деган савоннинг туғилиши табиийдир.

Оиланинг мустаҳкам бўлиши авваламбор киз болани неча ёшда турмушга узатилишига боғлик. Бу савол бугун бот-бот такрорланаётгани, кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлаётгани бежиз эмас. Чунки янги қурилаётган ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, ундан соғлом авлоднинг дунёга келиши, хотин-кизларнинг жамиятдаги ўринни мустаҳкамлаш ва шу каби бошка ўнлаб ҳаётий масалалар ана шу илк қадам – кизларимизнинг неча ёшда турмушга чикиши билан бевосита боғлик.

Мамлакатимиз конунчилигига никоҳ ёши қатъий белгиланган. Бирок конунни бузиб, фарзандини 15-16 ёшида факат шаръий никоҳ билан турмушга узатиб юбораётган ота-оналар ҳам орамизда йўқ эмас. Ёки кизи 17 га тўлганининг эртаси куниёқ тўйни бошлаб, кизи ўн саккизга тўлмасдан она бўлишига сабаб бўлаётгандар ҳам учраб турибди. Бунда фаоллик асосан аёл, она томонида бўлади.

Эрта она бўлиш бир катор муаммоларни келтириб чикаради. Чунки 15-16 ёш ҳали ўсмирлик даври саналиб, бу вактда кизлар руҳан ҳамда жисмонан тўлик ривожланмаган, шахс сифатида тўла шаклланмаганлиги туфайли организм ҳомиладорлик, туғрук ва соғлом фарзандни дунёга келтиришга тўлалигича етилмаган бўлади. Натижада эрта фарзанд кўриш ёш она ва ундан туғилажак бола саломатлигига ҳам маълум даражада хавф туғдиради. Ҳомила тушиб хавфи, ҳомиладорликнинг оғир кечиши, туғурик фаолиятини сустлашиши, кесма-кесар йўли билан туғдиришлар, ҳомиланинг нимжон ривожланиши, турли тизим ва аъзолар шаклланишида камчилик ёки нуксонларнинг учраб туриши, эрта ва нисбатан кам вазнда туғилиш кўпроқ учрайди. Она ва бола ўлимни кўрсатгичи ҳам бошка ёшдагиларга нисбатан эрта турмуш курган аёлларда кўпроқ.

Ёш келиннинг фарзанд тарбиясида укуви йўклиги, соғлиги заифлашган ёш онани бошқалар кўз ўнгидаги эпизиз, тажрибасиз килиб кўрсатади. Бола парваришида эр-хотин, қайнона ва бошқа оила аъзолари ўртасида келишмовчилклар пайдо бўлади.

Чиндан ҳам 17-18 ёшда узатилган қиз оила маъсулиятини яхши англамайди. Ўсмирликдан ўтиб, энди балогат ёшига етган қиз турмушнинг баланд-пасти, аччик-чучугига ҳали тайёр бўлмайди.

Тибий жихатдён инсоннинг оила қуришга, хусусан, ҳомиладор бўлишга тайёрлиги 20-21 ёшга тўғри келади.

Оилани мустаҳкам бўлишлигида қайнона-келин муносабатлари ҳам долзарб мавзулардан хисобланади. Донолар: „Қайнона – келин муносабатлари доимий “ишлов” талаб қиласидиган жараён”, дейишади. Баъзан “она” деб мурожаат қилинган қайнона “оналик” қилмаслиги мумкин. Катта хаёт мактабини ўтаган момолардан бири: “Гул япроги сингари титраб турган келинчак ўзининг янги уйига минг бир орзу-умид билан кириб келади. Ўғил ўстириб, унинг камолини, яхши қунларини кўришни йиллар давомида орзу қиласидиган қайнона ҳам келинчакни ҳаяжон ила кутуб олади. Лекин бир оз вакт ўтгандан кейин кечатина келинидан айланаб, ўргилаётган қайнонанинг ковоги солинган, келин бир бурчакда тумшайиб олган, қайнона – келин можароси бошланган.

Қайнонажон, кулогингизга олинг! Қайнонаман, келинга ҳар канча сўз айтсан, эштишга мажбур десангиз, адашасиз. Келинингиз шу хонадонда униб-ўсиб, ўғлингиз билан ували- жували бўлиб яшашини истасангиз, “Сизга ўзим уй тозалашни ўргатаман”, “Сиз келгунча ўғлим менини бўлган”, “Эссиғина фалончини кизини келин қилсан бўларкан”, “Ўғлимга ўзим овкат пишириб бераман, сиз хом-хатала пиширасиз” каби сўзларни айтишдан ўзингизни бироз тийишингиз керак, акс холда оила бузилиши мумкин” деган экан.

Ҳар бир она фарзандини баҳтсиз бўлишини хоҳламайди. Лекин, айrim оналар қизларини талтайтириб, эркотай қилиб ўстирадилар, оқибатда қиз рўзгор ишларига укувсиз бўлади. Агар шу қиз ёмон қайнона кўлига тушса, бу ёш оиласа дарз кетди, деяверинг.

Яхши қайнона, она эса бу келинни ўз кизидай кўриб, ўтиrsa ўпок, турса сўпок демай, кизнинг билмаганларини мулойимлик, ширинсўзлик билан ўргатиб бориб, бу ёш оиласи яхши оиласалар каторига кўшади. Бундай қайноналарга тасаннолар айтса арзийди.

Шу билан бир ўринда келин ҳам айб иш қилиб кўйса “Мени кечиринг, ёшлик килдим, деб қайнонадан узр сўраса, кайси қайнона бемехр бўлади?

Кечирим сўраш – ёпилиб қолган меҳр булогининг кўзини очишдек маъноли бир гап. Айб ҳаммадан ҳам ўтади, лекин ўз вактида кечирим сўрашга мардлик қилиш керак. Вактида кечирим сўраш ҳам инсон учун бир маданият.

Оила риштасини мустаҳкамлашда кечиримлилик мухим омил хисобланади. Мағрурлик қилиб, бир гапдан қолмаслик, ўз вактида кечирим сўрамаслик, севган кишисидан айрилишига, оиланинг

бузилишига, фарзандларни эса етим бўлиб қолишига олиб келишини унутмаслик керак.

Совчиликка боргандা келин ёки куёвликка номзоднинг етти пуштини сўраб-суриштириш масаласига ҳам ота-боболаримиз оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида қарашган яъни унинг юриш-туриши, одоб-ахлоқи, саломатлиги, умуман “палаги” тозалиги обдон ўрганилган. Бу масалада ҳам аёлларимиз фаол бўлишган.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳам бу ҳакда “Темур тузуклари”да шундай деган: “...бўлажак келиннинг насл-насабига ва сихатига аҳамият бердим”.

Ҳа, соглом келин дегани соглом авлод, бақуват ва етук зурриёт дегани.

Бугун одамлар орасида мана шундай асрый тутумларга эътибор сусайиб бораётгандек. Келин-куёв бўлмишнинг таг-туғи, насл-насабио, саломатлиги, оила қуришга нечогли тайёр эканига аҳамият қаратмай, сепсидирғаси, куда бўлмишларнинг ҳашамдор ҳовлисию, кўша-кўша машиналарига маҳлиё бўлиб, шоша-пиша тўйни бошлаб юбораётгандар ҳам йўқ эмас.

Инсоннинг нафакат жисмоний тетик ва бардамлиги, балки ички дунёси, руҳияти, қалби ҳам пок-соглом бўлиши тугал саломатликни билдиради. Ҳалкимизда бундайларга „тўрт мучали соғлом”, дея таъриф берилади. Ана шундай тугал саломатлик карор топган оиласлар эса мустаҳкам бўлади.

Шу боисдан, ҳар томонлама етук фарзандларни камол топтириш учун балоғат ёшидаги кизларимизнинг соглигига эътибор бериш ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига мувофик, никоҳланувчи шахслар тиббий қўриқдан ўтадилар. Бирок, ушбу ўта жиддий ишга пана орасидан караб, кейин афсусланиб колаётгандар ҳам учрамоқда. Оила қуриш остонасида турган ёшларимизнинг тиббий қўриқдан ўтиши ниҳоятда зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда кабул килинган “Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги карорига мувофик, бўлгуси келин-куёвлар психик (шизофрения, эпилепсия, олигофрения) наркологик, таносил касалликлари, сил ва ОИВ-ОИТС хасталиклари юзасидан тиббий текширувдан ўтказилади. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад- ирсий ва наслий касалликларнинг олдини олиш, бўлгуси оиласда мустаҳкам соғлом мухитни карор топтиришдан иборатdir.

Тиббий қўриқдан кингир йўллар билан ўтганлар ҳам бўлади. Натижада, келин ёки куёвнинг касаллигини кейин билиб, кайгу-хасратда колган ота-

оналар хам йўқ эмас.

Хозир бундай ҳолатлар юз бермаслиги учун никохланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтиш учун маҳсус поликлиникаларга йўлланма берилади.

Соғлом инсон билан соғлом оила куриш, хотиржамликда яшашдан ортиқ баҳт бўлмаса керак. Ҳа тани-жони sog, фарзандлари соғлом одамнинг кўнгли хотиржам бўлади. Хотиржам кўнгилга эса орзу-ҳавас, тўй-ҳашам, шодлигу-кувонч ярашади. Бунинг учун инсондан хам эътибор, хам ўз тақдирига маъсуллик талаб килинади.

Оила мустаҳкамлиги ёшларнинг билим ва маданиятига хам боғлик. Шунинг учун оиласда тиббий маданиятни ошириш, эрта хамда кариндошлар ўртасидаги никохларни олдини олиш бўйича ташкилий, маърифий тарғибот ишларини кучайтирмок лозим.

Кўпни кўрган кексаларимиз бот-бот таъкидлайдиган бир накл бор: “Иморат мустаҳкам бўлишини истасанг, пойдеворини пишик сол!” Дарҳакиқат, бизнинг асосий мақсадимиз – мустаҳкам оиласлар барпо этиши ва стук фарзандлар тарбиялаш. Шундай экан, оила деб аталмиш кўргоннинг бўлажак бунёдкорлари - йигит-қизларимизнинг унга ҳар жиҳатдан тайёр бўлишлари лозимлигини унутмайлик.

Ўз фарзандини эртасини мустаҳкам оиласда кўришни истаган, унинг баҳту саодати учун масъудиятни чукур ҳис килган ота-она булардан тўғри хulosा чиқариб, иш юритишлари керак.

Мутафаккирларимиздан бири: “Оила хам бинога ўхшайди, эскиради, нурайди. Агар уни тез-тез кайта “таъмирлаб” турмаса, аста-секин емирила бошлайди ва қулаб тушади. Хўш, оила қандай килиб “таъмирланади?”. Бизнингча, бу “таъмирлаш” нинг асосий хом ашёси меҳр-муҳаббат, садоқат, вафодорлик ва сабр-каноатдир. Бу оила устуни эркакка хам, хонадон фариштаси бўлган аёлларга хам жуда-жуда боғлик масаладир”, деган экан.

Демак, баҳтли бўлиш унча мушқул эмас, гап бизга инъом этилган баҳтни кадрлай билиш ва уни ушлаб қолишида.

Шу ўринда бир ривоятни келтириб ўтмокчиман. Унда айтилишича, бир оиласда Баҳт бир умр яшаб, уларнинг тинч, тотув, бадавлат, баҳтли яшашларини таъминлаб келибди. Бир умр шу оиласда жанжал, тушунмовчилик кузатилмабди.

Кунларнинг бирида Баҳт оила бошлигининг олдига келиб дебди: „Мен сизнинг оиласигизда 40 йилдан бўён яшайман. Оиласигизга хамма ҳавас килади. Қарасам, менга энди эҳтиёж колмабди. Мен энди бошка оиласларни хам йўқлашим керак”. Оила бошлиги бироз ўйланиб туриб: „Майли, факат рухсат берсанг, оила аъзоларим билан маслаҳатлашсам”, дебди.

Оила аъзолари бу масалани қизғин мұхокама қилиб, шундай қарорга келишибди: „Биз бир-биirimизни севиб, хурмат қылсак, құлласак, ҳар бир муаммони бирғалиқда ечсак, ҳалол меңнатимиз билан күн күрсак, бизга шунинг үзи етарли, баҳтта жавоб берсак ҳам бўлади”. Оила бошлиғи бу қарорни Баҳтга етказибди. Баҳт ҳам сукутга толиб: „Бундай ҳамжиҳатлик, ишонч, бирдамлик ва тотувлик бор жойда нега мен бўлмаслигим керак? Мен бу ердан хеч каерга кетмайман”, деб жавоб кайтарибди.

Бу ривоятнинг магзини бир чакиб кўринг-а? Қанчалик ҳақиқатга якин. Ахир чиндан ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, меңнатсеварлик, меҳр-оқибат, садоқат, эзгулик ҳукм сурған оиласлар баҳтли эмасми? Ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, турмуш фаровонлигини ҳалол меңнат, ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳамжиҳатлик белгилаб бермайдими?

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Энг яхши ёстик- тоза виждондир.
2. Сабр килган нимани ҳохласа, ҳаммасига етишиши мумкин.
3. Катта оиласла қўп муаммо ва шунча қувончлар ҳам бўлади.
4. Ёмон ишнинг олдини олиб, гуноҳни кечириш-савоб қилмокка баробардир.

ОИЛАНИ АСРАНГ

Азизлар! Кейинги пайтларда айрим ёш оиласларнинг унчалик мустаҳкам эмаслиги хусусида ташвиш билан гапирилмоқда. Уйланган йигитларимизнинг лавзи ҳалол бўлмаётганлиги, боз устига турмушга чиккан қизларимизни айримларини ҳиёнатга йўл кўйишаётгани очиқдан-очиқ баён қилинаяпти. Ўлдим, куйдим деб турганлар, хиёл ўтмай бир-бирларига етти ёт бегона бўлишаёттири. Хўш, нега шундай хол юз бераяпти? Бунга ким айбдор? Афсуски, гуноҳкор йўқдай. Хеч ким мен нотавонман дейишга журъат эта олмайди. Охир-оқибатда айрим оиласлар бекор бузилмоқда, сабр-токат деган инсоний тушунча унитилаяпти, болалар етим бўлмоқда, “Она” деган улуғ ном окланмай қолаяпти. Ажралишлар шу оиласла тарбия кўраётган фарзандлар тақдиринга салбий таъсири кўрсатиши ҳаммага аён.

Оиласидан ажралган бир аёлни биламан. У: Болалигимни эслаганимда факат ота-онамнинг жанжаллари кўз олдимга келади. Укаларим билан бу ур-тўпалонлардан шунчалик безиб колгандикки, оила шунақа бўлса, хеч качон турмушга чикмайман, дердим. Охири ота-онам ажрашиб кетди. Биз шундай вазиятда оиласларнинг мукаддаслигини англамай вояга етдик. Аслида инсон учун энг асосийси оила эканлигини, унинг қанчалар мукаддаслигини энди, таниш оиласларнинг ахил, хавасли яшашларини кўриб, англадим. Оила шунчалар мукаддас даргоҳ эканки, уни

турмушнинг майда-чуда ташвишлари, одамларнинг рост-ёлғон гап сўзларидан баланд кўйиш керак экан. Минг афсуски, менда ҳам, укаларимда ҳам ота-онамнинг такдири тақоррланди. Турмушга чиккан синглим оиласини мустаҳкамлиги учун жон-жаҳдини аямасди. Шунда ҳам унинг кайнонаси ота-онамизнинг ажрашганиларини бот-бот рўйкач килиб турар экан. Нахотки бу ҳол бизни бир умр такиб этиб келса” деганди.

Бу оламда хато килмайдиган ва адашмайдиган инсон камдан-кам топилса керак. Гуноҳлар кечирилади, унитилади. Аммо кўпни кўрган момоларимиз: „Аёлнинг гуноҳи кечирилгани билан, унитилмайди то умрининг охиргача бу дод унинг пешонасида ярқираб турадигандек туйилаверади. Улгаяётган болаларга нисбатан: онаси ёмон-ҳаммаси ёмон, отаси ёмон-биттаси ёмон, деган гап юради. Бунинг замирида катта маъно бор. Унда онанинг касри болаларга кўпроқ таъсир килади, уларни юзини ерга каратади деган маъно ётади. Буни ўз вактида англамок инсонни поклайди, унинг ўзлигини англашга кўмак беради. Факат бундан кейин хато килмасликка харакат лозим” дейишади.

Биз шарқ вакилларимиз. Шарқона фазилатлар, кадриятлар конконимизга сингиб кетган. Халкимизда оила ҳамиша мукаддас саналган. Ҳар бир ўзбек биринчи навбатда ўзини эмас, боласини, оиласини ўйлаб яшиди. Ҳар бир ота-она киз узатар экан, „Илоҳим борган ерингда тошдек котгии” деб тилак билдиради. Яҳши ният билан келин туширганлар ҳам „Келин эмас, кизимиздек бўлсин, қадами кутлиг келсин” деб дуо килишади. Топган- туттанини дастурхонга тўкиб, тўй беради. Ўз навбатида фарзандлар ҳам ана шу анъянани давом эттиришади.

Бу азалий қадриятларимиз, расм-руsum, урф-одатларимиз замирида инсоний муносабатлар, ўзаро меҳр-оқибат, хурмат-иззат ва кадр мужассам бўлган. Элимизнинг ҳар бир урф-одати инсон учун, унинг бахти, хотиржамлиги ва хузур-халовати учун хизмат килган.

Хозирда эса айrim расм-руsumлар одамлар учун эмас, одамлар расм-руsumлар учун хизмат киладиган бўлиб колди. Мен бунда хозирдаги кудандачилик муносабатларидаги дарзни эътиборга олаялман.

Айrim кудандалар меҳр-оқибат ва андишани оркага отиб юбормокдалар. Кудаларнинг нокерак, оптика, бош оғриғига сабаб бўладиган орзу хаваслари ёш оилани бузилишинга олиб келмоқда.

Оиланинг мустаҳкам бўлмай қолиши айrim холларда қайнисингилларга ҳам боғлик, дейишади. Айникса оилада турмушидан ажраб келган қайнисингил бўлса.

Ҳар бир киз ўз уйида ота-онасининг эрка кизи, акасининг “маликаси” бўлишини истайди. Келин келиши билан вазият бироз ўзгаради. Аканинг эътибори энди ёрига каратилган, қайнона-қайнота ҳам оиланинг янги аъзосига ўзгача муносабатда бўлади. Бундан айrim қайнисингил,

түғри хulosса чикарса, бошка бириси янгасига “үгай күз” билан қарай бошлайды, натижада оилада күнгилсизликлар келиб чикади.

Күпни күрган момолар: “Одатда қайнисингил ва янга ўртасидаги низоларнинг күпроги уй юмушларини фенг тақсимланмаганлигидан келиб чикади. Бу масалада мувозанат тарозуси қайноналар қўлида. Оилани мустаҳкам бўлишини истаган қайнона бу масалада кизига нисбатан каттиқ кўлрок бўлгани маъкул. Шунда у ўз эркаликларини кўйиб, инжиюлик килишини бас қиласди. Чунки эртами-кеч у ҳам бир оиланинг бекаси бўлади” деб уқтирадилар. Бу сўзларга кулок тутмоқ лозим.

Доно халқимизда бир накл бор: Янгали кизни келин кил! Чунки келин ойи күрган киз ўзининг ютуқ ва камчиликларини кўради, ундан ибрат олади. Шундай қайнисингил бўлмоқ лозимки, келадиган совчилар янгаларидан бу киз тўгрисида сўраганларида факат илик фикрлар зиштсин. Бу у кураётган ҳаёт остонаси учун мустаҳкам пойдевор бўлади.

ДОНОЛАР АЙТАДИ:

1. Ёлгон худди ҳомиладорлик каби эрта ёки кеч билиниб қолади.
2. Гўзал бўлиш учун чиройли бўлишини ўзи кифоя эмас.
3. Лайли зотидан эрсамда дилда Мажнунча хаво, тогу-тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай хаё.
4. Номуссиз хиёнатдан номусли ўлим яхши

Ким агар хаётдан олмаса таълим,
Унга ўргатаолмас хеч бир муаллим
Абу Абдулло Рудакий

ЭЗГУЛИККА ЙЎГРИЛГАН УМР
(Муаллиф ҳакида)

Маълумки, дунё тарихида бетакрор фазилатлари билан ном таратган устозлар кўп бўлган. Лекин ҳаётта чукур назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир жамоада ҳам ўз ортидан кимнидир эргаштираолган, тўгри йўл кўрсатган, одамларнинг қалбидан жой олган, бутун ҳалол меҳнати билан ҳалкимиз орасида обрў – эътибор қозонган, ўз қасбининг фидойиси, соғ вижданли, багри кенг, эл-юртга, айникса ёшларга ўрнак бўладиган устозлар ҳам борлигига ишонч ҳосил қиласан киши.

Бундай устозлар бизнинг жамоамида ҳам бор.

Шулардан бири институтимизда салкам ярим асрга якин фидокорона фаолият кўрсатаётган, кишилар дардига малхам бўлишни юксак қасбий ва ахлокий бурч деб билган, залварли меҳнати билан ҳалкимиз орасида обрў-эътибор қозонаётган устозлардан бири, шу китоб муаллифи, кардиолог олим, профессор Одилжон Салоҳиддиновdir.

У ҳаётнинг мазмунини чукур англаб етган, ҳаётта, одамларга алоҳида эътибор, меҳр-муҳаббат билан карайдиган, ҳар бир кунни, ҳар тонгни кувонч ва шукроналиқ билан карши оладиган инсон. Буни унинг нурли ҳаёт йўлига назар ташлаб яққол тасаввур қиласиз.

У 1942 йили Андижон вилоятининг Избоскан туманини Тўрткўл кишлогида хизматчи оиласида таваллуд топди. 1959 йили ўрга мактабни олтин медалга битириб, Андижон Давлат тиббиёт институти талабаси бўлди.

1965 йили институтни битириб, уч йил туман ва вилоят шифохоналарида фаолият кўрсатди.

1968 йили педиатрия факультетининг ички қасалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти лавозимига ўтди. 1975 йили Москвадаги кардиология институтида номзодлик диссертациясини муддатидан олдин ҳимоя қилди. 1976 йили доцент лавозимига эга бўлди. 1976 -1982 йиллари кафедрада ишлаш билан бир каторда институтнинг интернатура бўлимини бошкарди. 1982-1987 йиллари даволаш факультетининг ички қасалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатди. 1989 йили Москва шахрида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1991 йили профессор унвонига сазовор бўлди. 1990-1997 йиллари педиатрия факультетининг ички қасалликлар

кафедраси мудири лавозимида ишлади. 1997-2007 йиллари институттинг ички назорат бўлими бошлиги, проректор ва ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатди. 1998-2005 йиллари кафедрада ишлаш билан бир каторда институттинг “Тиббиёт гулшани” газетасининг бош мухаррири лавозимида ва 2000-2005 йиллари эса институттинг ихтинослашган илмий кенгаши котиби, 2000-2016 йиллари кардиолог-эксперт вазифаларни бажарди. Хозирда даволаш факультетининг ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси профессори лавозими билан бирга институттинг фахрийлар кенгаши раиси вазифасини бажармокда.

У ўз касбнинг билимдони, юксак салоҳият эгаси, камтар, олийжаноб инсон. У ҳар бир топширикни маъсулият билан бажаришни, иитизомлиликиниг биринчи талаби деб билади.

О.Салоҳиддинов шу кунгача ички касалликлар пропедевтикаси фани бўйича 2 та дарслик, 10 та монография, 250 дан ортиқ ўқув-услубий кўлланмалар, 18 та рационализаторлик таклифи, 350 тадан зиёд илмий макола ва тезислар чоп этди, б та номзодлик диссертациясига илмий маслаҳатчи бўлди. Кўплаб номзодлик диссертацияларига оппонентлик килди. Кўплаб рисола ва кўлланмаларга такриз берган ва бериб келмоқда.

Педагог – устоз ёшларга нафақат фан сирларини, балки одамийлик, юксак маънавият, мукаммал инсоний хислатларни ҳам ўргатиши зарур.

Шу боис, О.Салоҳиддинов бир неча йиллардан бўён “Маънавият” рукнида ҳам қалам тебратиб келади. У шу кунгача 20 тадан зиёд маънавиятга оид рисолалар чоп этган.

У бу рисолаларида миллий кадриятларимизни улуглаш, ёшлар тарбиясида уларга ватанпарварлик, халоллик, меҳр-окибат, одамийлик, саҳоватпешалик, ташаббускорлик, ота-она ҳурмати каби фазилатларни сингдиришни асосий мезон килиб олган.

Вилоятимиздаги айрим шифохона, коллеж, лицей ҳамда институтимизнинг бир катор кафедра ходимлари унинг бу рукнидаги маколаларидан “Маънавият” дарсларида унумли фойдаланмоқдалар.

Бундан ташкири, унинг «Маънавият» рукнидаги бир неча рисоласидан 2011 йилдан бошлаб Тошкент тиббиёт Академиясинининг малака ошириш курсининг педагогика дарсларида фойдаланилмоқда.

Бу рисолалар баркамол авлод тарбиясида жуда-жуда муҳимдир.

Мен О.С.Салоҳиддиновга: “Маънавият” рукнида рисола ва маколалар ёзиш жуда мураккаб жараён. Сиз шифокор олим бўлсангиз, бунга қандай эришасиз?” деган саволимга у: “Биласиз, шифокор учун ақл фаросат, шаркона майин мулозамат жуда-жуда зарур.

Маънавий баркамоллик, интеллектуал салоҳият, дунёкараш ва савиянинг юксалиши, бир сўз билан айтганда, комиллик погонасига факат

ва факат китоб оркалигина эришиш мумкин.

Китоб инсонни эркин фикрлашга чорлайди, билими, дунёкараши, тафаккури, нутқининг шакланиши, колаверса, адабий тилини меъёрашига эътиборини кучайтириб беради, гўзаллик, одамийлик, раҳмашафқат, ҳаётга, одамларга муҳаббат туйгуларини уйготади.

Шифокор ахлининг бир чеккасини лирика ва назм, иккинчи четини мусика ва наср, марказий қисемини эса тиббиёт эгаллаган бўлса, ундай шифокор бемор билан дилдан сухбат кураолади, унинг кўиглига осон йўл топади, уни даволанишга бўлган умидини ўстиради, кискаси мулокот санъати ошади.

Шу боис, мен мутахассисликдан ташкари, бадиий адабиётларни, хафталиқ газета ва журналларни хам мунтазам ўқиб бораман.

Мен улардан олган эзгу хисларни, кўп йиллик иш ва ҳаёт тажрибаларимдан олган сабокларимни, хуносаларимни бошқалар билан ўртоклашиш эктиёжидан уларни баҳоли кудрат қоғозга тушираман.

Мен профессионал ёзувчи деган номга хеч қачон даъвогарлик килмайман, бу шунчаки адабиётта кизикишолос. Агар мен рисола ва мақолаларим оркали кимларгadir тўғри йўл кўрсатган, маънавиятини бойиттан бўлсан, демак авлодлар олдидаги одамийлик бурчимни адо этаяпман, дея оламан" деб жавоб берди.

У исми жисемига монанд "Одил" инсон. У ҳар бир муаммони ҳар кандай шароитда хам мулоҳаза билан ҳолисона адолатли ҳал этишга интилади.

Шу ўринда талабалар О.Салоҳиддиновни ўз қасбининг фидоиси, каттиқўл, адолатли инсон дейишса, клиник ординатор, магистр, аспирантлар уни камтар, гамхўр деб аташади. Чунки улар муаммоларини уни олдига бемалол кириб, айтиб, унинг беминнат маслаҳатларидан кўп наф кўрадилар.

О.Салоҳиддинов инсонлар дуосини олишдек шифокорлик қасбida меҳнат килишни хам фаҳр, хам бурчга садоқат деб билади.

Шифокорлик соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун у 2012 йили „Ўзбекистон Республикаси согликни саклаш аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Унинг умр йўлдоши Муяссархон ая олий тоифали шифокор. У 1966 йили тиббиёт институтини битиргандан бўён Вилоят тери-таносил қасалликлари диспансерида фаолият кўрсатади. Ҳаёти давомида 1966-1969 йиллари оддий шифокор, 1969-1979 йиллари бўлим бошлиги, 1979-1985 йиллари Андижон Давлат тиббиёт институтининг дерматовенерология кафедраси асистенти, 1986-2000 йиллари шу диспансернинг бош врачи, 2000 йилдан шу кунгacha бўлим бошлиги лавозимларида хизмат қилиб келмокда. Жамоа аъзолари уни

ширинсуханлиги, камтарлиги, меҳнатсеварлиги, инсонларга ғамхўрлиги каби фазилатлари учун катта хурмат қиласидар ва эъзозлайдилар.

Унинг хизматлари хукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Президент, Соғликни Саклаш Вазирлиги, Вилоят ҳокимлиги, Вилоят қасаба уюшмаларининг фахрий ёрниклари билан мукофатланган.

Яратганинг ўзи бошқаларга яхшилик истовчиларнинг юзини ёруғ, обрў-этиборини баланд қиласкан. Шу боис бўлса керак, устоз ва унинг турмуш ўртоғига 2003 йили, мусулмонликнинг бешинчи фарзи бўлмиш мукаддас Ҳаж амалларини бажариб келиш насиб этди.

Умри давомида бошқаларга наф келтира олган, ўзидан ортиб, кўпнинг дуосини ола билгандарнинг борган манзиллари том маънода эзгулик бекатлари деб аталади, дейишади. О.Салоҳиддиновнинг умр йўли ҳам эзгулик бекатларига бой.

Бу гулшан ичра йўқдур бако гулига сабот,
Ажиг саодат эрур колса яхшилик бирла от.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратлари лутф этган бу сўзлар абадиятга даҳлдордир. Абадият эса инсонлар меҳрида, меҳнатида, жамики фаолиятида мужассам топган. Эзгуликка йўғрилган умр агадиятдир.

Мен шогирд сифатида инсонларга доимо эзгулик улашувчи, камтар ва олийжаноб устозим О.Салоҳиддиновга мустахкам соғлик, ижодий муваффакият, ёшларга хос шижаот, гайрат, жасорат уни хеч қачон тарқ этмаслигини, унинг номи минг йил бокий бўлиб, хаёт сахифасида колишини Яратгандан сўраб коламан.

Н.С.Мамасолиев,
Врачлар малакаси ошириш факультетининг ички
касалликлар кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

МУНДАРИЖА

Фидойи- шифокор олим	3
I- Тил – қалб қўзгуси	5
Инсон кунгли гулдек нозик	5
Хаётни тилингиз билан аччик килманг	7
Яхши сўз – жон озиги	10
Тили бошқаю, дили бошқалар	13
Тилдан келадиган оғатлар	17
Мехр ҳам муҳаббат ҳам тирикка керак	19
Яхшилик ва ёмонлик ҳақида	23
Яхшиларга эш бўлинг, ҳамроҳ бўлинг	26
II-Ҳаёт сабоқлари	29
Ибратомуз сухбат	29
Камтарлик буюк хислат	31
Дилни дилга уладиган баҳт кўприги	33
Сўзлаш одоби ва маданияти	37
Хушхуклилик ва кўполлик ҳақида	40
Ёшларнинг кийиниши маданияти	44
Шукронга айтиб яшашга ўрганайлик	46
Ризқ-рўзимиз нон ҳақида	48
III-Оила маънавияти	51
Оила - тарбия ўчғи	51
Ўғил фарзандларга айтганларим	56
Қиз фарзандларга айтганларим	62
Ота-она ишончини окланг	68
Аёл, она – буюк зот	70
Она қадри	73
Она меҳри	78
Ота-она меҳрини қадрлаш – ҳам фарз, ҳам қарз	84
Оилада ота ҳурмати	88
Ота-онанг – давлатинг	90
Жигарлар риштаси узилмасин	92
Онани норизо килганлар	98
Отани норизо килганлар	101
Ота-она қарғиши отилган ўқ	103
Аёл ибоси билан чиройли	107
Тўғри тарбия – оила баҳтининг асосидир	109
Ёш ота-оналарга ўйтлар	112
Фарзанд учун сабоқлар	112
IV. Миллий удум ва қадриятларимиз	113
Миллий удум ва қадриятларимиз гултожи	113
Она алласи	117
Сахар туриш хосияти	121

Мехмондўстлик – халким удуми	122
Савоб олмоқ – хайрли ишдир	124
Қадр килган қадр топар	128
Ҳалоллик – маърифат шамчироги	130
Ҳалол меҳнат инсонни улуглайди	134
Номингизни пок сакланг	137
Одамийликнинг гўзал фазилати	139
Садоқатли дўст – ҳакиқий дўст	141
Ношуд инсон киссаси	143
Ватанинни севмоқ иймондандир	146
Ватанпарварлик ва маънавият	148
V. Устоз – шогирд анъаналари	153
Устоз – буюк зот	153
Илм соҳасида устоз-шогирдлик	157
Унитилган хато ёмонликдир	159
Боболар ҳикмати	161
Ҳикматлар бўстонига саёҳат	163
Хадис иммининг султони ҳакида	165
VI-Шифокор маънавияти	168
Шифокорга хос фазилатлар	168
Шифокорга ёт фазилатлар	177
Тиббиёт фидонси	186
Ўрта Осиёда тиб илми	188
Тиб шундай бир илмки	191
Абу Али Ибн Синонинг соглом авлод тарбиясидаги сабоқлари	192
Кулги – дардга шифодир	193
Дардни яширсанг	195
VII-Обод турмуш – соглом турмуш демакдир	198
Қадимла соглом турмуш тарзи масалалари	198
Зараарли одатлардан сакланинг	200
Наслим тоза бўлсин десаигиз	204
Касалманд кўзлар камайсин	206
Табиатни асранг	208
Тўйлар ҳакида ўйлар	211
Мустахкам оила асослари	214
Оилани асранг	219
Эзгуликка йўғрилган умр	222

**Муҳаррир: Тўлан Низом.
Техник муҳаррир: Б.Ахмедов.
Дизайнер: Б.Зияев .**

Босмахонага 2017 йил 05 ноябрда берилди. Босишига 2017 йил 10
ноябрда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 14,25 босма тобок.
Times New Roman гарнитураси, оффсет коғози, оффсет усулида чоп этилди.

**“Step by step print” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Андижон шаҳар Храбек кӯчаси 94-б уй.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг
27.06.2014 даги 12-3299. ракамли гувоҳномаси.**